

# ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

---

ТОШКЕНТ


331,5

К 51

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН  
ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК  
ЙӮНАЛИШЛАРИ**

**Монография**



**ТОШКЕНТ – 2020**

**УЎК: 331.5**  
**КБК: 65.011.3в6**  
**X-70**

**X-70**

**Ш.Р. Холмўминов, К.З. Хомитов, Н.У. Арабов, Ж.Х. Бобаназарова, Х.Х. Абдураманов, Н.Р. Сайдов. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари (монография). –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 278 бет.**

**ISBN 978-9943-6730-8-3**

Ушбу монографияда муаллифлар томонидан меҳнатга лаёкатли қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишларини назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилган, ҳамда улар қишлоқ худудларида норасмий иш билан бандликни камайтириш кўрсаткичларини прогнозлаштиришга татбик этилган.

Мазкур илмий китоб иктисадчи олимлар, докторантлар, илмий тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган

\*\*\*

В данной монографии автором разработаны теоретические и практические основы стратегических направлений обеспечения занятости сельского трудоспособного населения, которые внедрены в прогнозировании показателей уменьшения неформальной занятости сельских регионов.

Она предназначена для научных-экономистов, докторантов, научных работников и профессорско-преподавательскому составу.

\*\*\*

In this monograph, the authors developed theoretical and practical bases of strategic directions of employment of able-bodied rural population, that were applied to forecast indicators of reducing informal employment in rural areas.

This book is intended for economists, doctoral students, researchers and professors

**УЎК: 331.5**  
**КБК: 65.011.3в6**

**Масъул илмий мухаррир:** Абдурахмонов Қаландар Ҳаджаевич – Г.В. Плеханов номидаги Россия иктисадиёт университети Тошкент филиали ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.

**Такризчилар:** Ҳудойбердиев Зайниддин Явқачевич – ТДИУ “Меҳнат иктисадиёти ва социологияси” кафедраси профессори, иктисад фанлари доктори, профессор; Жўраев Тошболта Тўхтаевич – ТМИ “Иктисадиёт назарияси” кафедраси профессори, иктисад фанлари доктори, профессор; Холмуродов Салим – ТДИУ “Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси доценти, иктисад фанлари номзоди.

**Монография ПЗ-20170928644 “Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлаш муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳа гранти маблаги ҳисобидан ТДИУ илмий Кенгашининг “3” сентябр 2020 йил қарорига мувофиқ чоп этилди.**

**ISBN 978-9943-6730-8-3**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида давлатнинг энг асосий вазифалари бўлиб, ижтимоий-иктисодий муаммоларни ечимини топиш, мавжуд давлат дастурлари ижросини таъминлаш, камбағалликни камайтириш ва аҳоли турмиш даражасини яхшилаш хисобланади. Мазкур устувор вазифаларни амалга оширишда аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иктисодий ва ташкилий-хуқукий механизмларини татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса айниқса қишлоқ жойлардаги ишсизлик, норасмий иш билан бандлик ва камбағаллик даражасини камайтиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга мурожаатномасида 2020 йил “**Илм-маърифат ва рақами иқтисодиётни ривожлантириши йили**” деб элон қилиш билан бирга қишлоқларни ҳам ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим муаммолари алоҳида такидланди ва уларнинг ечимлари кўрсатилди: **Камбағалликни камайтириш-бу алоҳида тадбиркорлик рухини уйғотиш, инсоннинг ички куч-куввати ва салоҳиятини тўлиқ рӯёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёsatни амалга ошириш, демакдир**<sup>1</sup> Қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича хукуматимиз томонидан комплекс чора-тадбирлар олиб бориляпти, максадли жумладан тармоқ ва худудий дастурлар амалга оширилмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда кластерлар ва кооперациялар тизимлари жорий этилмоқда. Шунинг учун биргина 2019 йилда республика бўйича жами 370047 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткичининг 64,3%и қишлоқ худудларига тўғри келади. Лекин, эришилган ижобий натижалар қониқарли эмас. Қишлоқ жойларда камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларни замонавий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил, 29 февраль Kun.UZ сайти.

**мутахасисликлар ва касб-хунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари (йўналишлари) бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодиёти талаблари асосида етарлича олиб борилмаган.**

Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ҳал этиш бўйича илмий-амалий асосланган хulosалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш мамлакат иқтисодиёти фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бандпик, ишсизлик, инфляция, меҳнат бозори муаммолари ва уларни ривожланган бозор иқтисодиёти шароитларида математик-статистик аппарат асосида фундаментал тадқиқ этишга: Ж.М.Кейнс, А.Освалдъ, Х.Розан, Ф.Хайек, С.Холл, К.Янош каби хорижий етакчи иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишиланган. Бу тадқиқотлар бозорга йўналтирилган иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда меҳнат бозори умумий муаммолари ва уларни истиқболлаштиришни ўрганиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда<sup>1</sup>. Қолаверса, иқтисодиёт фанининг бу соҳасидаги ривожига МДҲ мамлакатларидан: Б.Д.Бреев, Т.И.Заславская, В.Г.Костиков, А.А.Никифорова, Г.С.Струмилин каби таникли олимлари ҳам муносаб улуш кўшмоқдалар<sup>2</sup>. Бу муаммолар тадқиқотига Ўзбекистонлик Қ.Х.Абдураҳмонов, С.С.Ғуломов, Л.П.Максакова, Р.А.Убайдуллаева, Н.Хўжаев, Р.Х.Шодиев, Т.Ш.Шодиев ва бошқа олимларнинг ҳам

<sup>1</sup> Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег.-М.; Прогресс, 1978.; Янош Корнаи. Дефицит.- М.: Наука, 1990.- 665 с.; Хайек Ф. Безработица и денежная политика. Правительство как генератор "делового цикла" //Экономические науки.- М., 1991. N 1. C.91-95, N 11. C.57-66; N 12. C.39-48.; Hall S.G. et al. A disequilibrium model of the UK labour market: some estimates using rational expectations. Oxford, 1985.; Oswald A. The Economic theory of trade unions: an introductionary survey. Scandinavian Journal of Economics.-1985. V.67. P.160-193.; Rosen H., Quandt R.E. Estimating a disequilibrium aggregate labour market. Review of Economics and Statistics/-1978. V.60. P.371-379.

<sup>2</sup> Бреев Б.Д., Жаромский В.С., Галецкий В.Ф. Оценка масштабов потенциальной безработицы на основе методики "Кривой Филиппса" //Моделирование рыночных отношений и социальная политика: Отв.ред. А.Ю. Шевяков. - М.: ЦЭМИ РАН, 1993. С.82-102.; Заславская Т.И., Рыбкина Р.В. Методологические проблемы системного изучения деревни.- Новосибирск: Наука, 1977.- 315 с.; Костиков В.Г. Проблемы занятости и формирования рынка труда //Экономика и математические методы.Т. 26. Вып.5.- М., 1990. С.803-817.; Струмилин Г.С. Проблемы экономики труда.- М.; Наука, 1982.471 с.; Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. М.: Международные отношения, 1991.- 184 с.

қатор илмий ишлари багишланган<sup>3</sup>. Аммо бу ишларда ахолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни стратегик йўналишларни истиқболлаштириш жараёнини айрим томонлари тадқиқ қилинган, холос. Уларда Ўзбекистон қишлоқ жойларида ахолининг иш билан таъминлаш муаммолари тўла ёритилмаган. Стратегик режалаштириш учун янги объект бўлган қишлоқ ахолисининг норасмий иш билан бандлигини камайтириш назарий-методологик жиҳатдан тўла асосланмаган, қишлоқ ахолисини норасмий иш билан бандлиги ҳолатини таҳлил этишнинг методик асослари ишлаб чиқилмаган. Муаммони назарий-методологик жиҳатдан асослаш, уни таҳлил этишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш ва қишлоқ ахолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишларини аниқлашга шу боисдан ҳам жиддий зарурият туғилди.

Ушбу муаммонинг ҳозирги пайтдаги юқори ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва ҳали етарли даражада ўрганилмаганлиги – ушбу монографик тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мазкур монографияни тайёрлашда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган академиклар: - С.С. Гуломов, Қ.Х. Абдураҳмонов; профессорлар: - З.Я. Худойбердиев, Н.Қ. Зокирова, Т.Т. Жўраев, доцент – С.Холмуродов ва Тошкент давлат иқтисодиёти университетининг “Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси аъзоларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ушбу монография бўйича таклифларингизни қўйидаги электрон почтага юборишингизни сўраймиз:  
[shayzak.kholmuminov@gmail.com](mailto:shayzak.kholmuminov@gmail.com)

<sup>3</sup> Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). -Тошкент: “Mehnat”, 2004. -670 б.; Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2012.; Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошкалар. Инсон тараққиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2013.; Гулямов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари. - Ташкент: Фан, 2010.- 876 бет.; Гулямов С.С., Маркетинг илмий тадқиқотлари (ўкув қўлланма).- ТДАУ, 2013. – 358 бет.

Максакова Л.Н. Миграция и рынок труда в Узбекистане // Миграция и рынок труда странах средней Азии (Материалы регионального семинара) –М.: Ташкент, 2002 г.; Убайдуллаева Р.А. Занятость и рынок труда: спорные вопросы и нерешенные проблемы //Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 1992. № 2.; Хужаев Н., Сатторов Н. Занятость, моделирование и рынок труда.- Т: Меҳнат, 1993.- 192 с.; Шадиев Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства.- Т: Фан, 1986.- 168 с.; Шадиев Р.Х. Рынок труда: вопросы теории и практики //Материалы семинара Всемирного банка по социальному проекту. М.: МГУ, 1995. С.10-15.

# **І-БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИНИ НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИҚДАРАЖАСИННИ КАМАЙТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ**

## **1.1. Қишлоқ жойларда аҳолини норасмий иш билан бандлик даражасини камайтиришнинг стратегик ижтимоий-иктисодий аҳамияти**

Мехнат ресурслари билан кўп таъминланган давлатларда меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифнинг талабдан юкори дараҷада ўсиши ишсизлар ва нофаол аҳоли миқдорининг кўпайишига, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг пасайиши каби салбий натижаларга олиб келади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, **норасмий иш билан бандликни камайтириши ва янги иш ўринларини ташкил этиши** учун қулай иктисодий муҳитни яратиш Ўзбекистон иктисодиётининг долзарб масалалари ҳисобланади.

Мехнатта лаёқатли аҳолини иктисодий фаол ва нофаол аҳолига ажратсак, иктисодий фаол аҳолининг таркибий қисми бўлган ишчи кучининг меҳнатда банд бўлганлар ва ишсизлар йигиндисига тенглигини инобатга олсак, иктисодий фаол аҳолининг яна бир таркибий қисми ҳам мавжудлиги кўриниб турибди. Иктисодий фаол аҳолининг бу қисмини норасмий бандлар ташкил этади. Демак, ишсизлик билан бирга норасмий бандлик ҳам мавжудки, қонун йўли билан тақиқланмаган, аммо даромад келтирувчи хар қандай фаолият шунга киради.

Ўзбекистон қишлоқ жойларида норасмий секторда бандлик муаммоси ижтимоий-иктисодий вазиятни баҳолашдаги қийинчиликлар билан узвий боғланганлиги учун ҳам унинг ривожланиши тенденциясини, амал қилиш кўламини ўрганиш зарурияти мавжуд.

Норасмий бандлик алоҳида турлари ислоҳотлар давригача ҳам мавжуд бўлган (чеварлар, репетиторлар ва бошқалар) бироқ, бозор муносабатларига ўтиш шароитида норасмий бандликнинг характерлари, амал қилиш кўлами, таркиби ва унинг иктисодиётдаги ўрни иктисодиёт секторларида бутунлай ўзгарди. Ўзбекистонда

биринчи 2019 йилда жами иш билан банд аҳоли 13,5 млн кишига тенг бўлган бўлса, шундан 7,8 млн киши норасмий секторда иш билан банд ҳисобланди. Бу кўрсаткич республика бўйича 57,8% ташкил этган. Бизнинг ҳисоб-китобга кўра, қишлоқ жойларда жами норасмий иш билан банд бўлганлар 6,5 млн кишига тенг. Бу кўрсаткич республика бўйича норасмий иш билан банд бўлганларни 63,1% ташкил этади.

Қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик турли фаолият турларида учрайди ва улар бир-бирлари билан мураккаб ўзаро боғлиқликда бўлади (1.1.1-расм)


Норасмий сектор барча мамлакатларда мавжуд бўлиб, агар ривожланаётган мамлакатлардаги норасмий секторни кўриб чиқадиган бўлсак, аввало, “норасмий сектор” тушунчаси Халқаро Мехнат Ташкилоти томонидан киритилган, норасмий секторга фақат якка тартибда ишловчилар ҳамда рўйхатдан ўтмаган кичик ишлаб чиқариш бирликлари (фақатгина улар уй хўжалиги корхоналари) қисман киритилган.

Юкорида таъкидланган ўз корхоналарининг ҳисобга олинмаган фаолиятидан даромад олувчи расмий секторда ишловчиларнинг хатти-харакатларини хуфиёна иқтисодиётга ҳам, мансуб дейиш мумкин.

Шунинг учун расмий ва норасмий сектор, норасмий сектор ва иқтисодий нофаол аҳоли, норасмий сектор ва хуфиёна иқтисодиёт ўргаларида чегараларни етарли даражада шартли, дейиш мумкин.

Асосан, бу тушунчалар ўртасидаги фарқларни бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларда ажратиш мушкул. Бундан ташкири, ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларига қараб норасмий секторга турлича таъриф берилади.

Бизнингча, норасмий секторда иш билан бандлик-мехнатга лаёқатли аҳолини расман рўйхатга олинмаган, тегишли солиқларни тўламайдиган кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳамда тадбиркорлик обьектларида фаолият кўрсатаётган расмий секторлардаги корхоналарнинг меҳнат воситаларидан фойдаланган ҳолда яширин даромад топиш мақсадида асосий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситаларига бирикиши ёки таъсири этиши.



**1.1.1-расм. Кишлоқ жойларда иқтисодиёттинг норасмий секторида иш билан бандлик турлари ва уларнинг ўзаро алоқалари.<sup>2</sup>**

<sup>2</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Қишлоқ жойларда норасмий фаолият билан бирламчи шуғулланиш норасмий бандлик сифатида қаралади. Чунки норасмий фаолият билан иккиламчи шуғулланишни аниклашни аник услугияти мавжуд эмас.

Хозирги пайтда қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасининг секин ўсиши, иш ҳакки даражасини пастлиги ва давлат секторида иш ўринларини етишмаслиги ҳамда расмий секторда иш билан бандликнинг ялпи бекарорлиги оқибатида расмий секторда ишловчиларнинг норасмий секторга ўтиб кетиши, иқтисодий нофаол аҳолининг меҳнат бозорига мажбуран чиқиши ва норасмий секторни тўлдириши, норасмий секторда иккиламчи бандлик доирасининг кенгайиши кузатилмоқда.

Норасмий иш билан бандлик баъзида камбағалликни келтириб чиқарса, баъзида фавқулотда юқори даромад келтириши ҳам мумкин. Хусусан, Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини норасмий иш билан банд бўлганлари расмий секторда иш билан банд бўлганларга қараганда юқори даромадга эга бўлмоқда ва бу ҳолат норасмий секторда иш билан банд бўлганларнинг юқори меҳнат унумдорлиги билан ҳарактерланади.

Қишлоқ жойларда норасмий секторда фаолият юритиш, асосан, тирикчилик (яшаш учун кураш) билангина эмас, балки бюрократик тўсиқлардан ва юқори солиқлар ставкалари тўлашдан кочиши билан изоҳланади. Бу ҳолат “хуфиёна иқтисодиётга” яқин туради. Бироқ, биринчи навбатда норасмий секторнинг ривожланиши—бу меҳнатта лаёқатли аҳолининг вужудга келган ижтимоий-иктисодий вазиятга муносабатидир. Қишлоқ жойлардаги вазият шаҳар жойлардаги ижтимоий-иктисодий вазиятдан кескин фарқ қилмайди. Шунингдек, расмий ва норамий иш билан бандлик ўртасидаги фарқ ҳам шаҳар жойларида гидек, яни меҳнат бозорларидаги вазиятни кескинлашуви, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, ишсизликнинг ўсиши натижасида расмий секторда иш билан бандлик норасмий кўринишларини ҳам ўз ичига ола бошлади.

Қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Хусусан унинг **ижобий томонларига** қўйидагилар киради:

- иш билан бандлик ва аҳоли даромадлари муаммоларини ечишда ёрдам беради;
- товар ва хизмат кўрсатиш бозорини кенгайтиради;
- етарли даражада ишсизликнинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасини кескин пасайиб кетиши олдини олади;
- кўпчиликка кулай иш режимини танлашга имкон беради.

Шу билан бирга қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик муайян куйидаги долзарб **ижтимоий муаммоларни** келтириб чиқаради:

- у “хуфиёна” иқтисодиётни ривожланиши учун қўшимча шароитлар яратади;
- бу секторда иш билан банд бўлганлар ижтимоий кафолатга эга бўлмайдилар ва меҳнат шароитлари устидан назорат ўрнатилмайди;
- норасмий секторнинг, асосан майда савдо-сотик, турли хил хизматлар кўрсатиш соҳасидаги иш билан бандлик хусусий шахсларни қисман малака ва профессионал тажрибаларини йуқотишларига олиб келади;
- иш билан бандликнинг мунтазам бўлмаган характеристи мунтазам ишдан узоқлаштиради.

Норасмий иш билан бандлик юқори бўлган қишлоқ жойлардаги холат таҳлили шуни кўрсатадики, бундай бандлик расмий секторларда ишчи ўринлари яратилиши билан ўз-ўзидан йўқотилмайди. Шунингдек, норасмий секторга нисбатан таъзиқловчи чоралар қўллаш ҳам ўзини оқламайди. Норасмий иш билан бандликка нисбатан давлатнинг қаттиқ сиёсати натижасида норасмий секторнинг қисқариши ишсизликни бирданига ўсиб кетишига олиб келади. Чунки, норасмий иш билан банд бўлганларнинг аксарият қисми расмий секторда ишга жойлаша олмайдилар. Шунингдек, давлат томонидан бундай сиёсатнинг юритилиши норасмий секторда иккиласи иш билан банд бўлганларнинг турмуш даражасини бирданига пасайтириб юборади. Бундан ташқари, норасмий секторни таъзиқлаш уни хуфиёна шаклга ўтишга олиб келади. Норасмий секторни таъзиқлаш чоралари фақаттина норасмий иш билан бандликнинг салбий томонларига нисбатан асосли хисобланади. Қишлоқ жойларда норасмий секторнинг ривожланиши кўпроқ

ижтимоий-иктисодий ва сиёсий вазиятга боғлиқ бўлади. Ишсизликнинг ўсиши, иш хақининг ва аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, расмий секторда ишчи кучига етарли талабнинг пастлиги, расмий иш билан бандликнинг бекарорлиги (корхоналарнинг банкротга учраши, корхоналардан ишловчиларнинг бўшаб кетишини доимий кутилиши) норасмий секторнинг ўсишига олиб келади.

Юкорида қайд этилган холатлар таъсирида Ўзбекистон қишлоқ жойларида норасмий иш билан бандлик расмий иш билан бандликга нисбатан 1,8 марта юқори ва ўсиш тенденциясига эга (1.1.1-жадвал).

#### 1.1.1-жадвал

### **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 2019 секторларида йилда иқтисодиётнинг расмий ва норасмий секторларида ишлаши<sup>3</sup>**

№	Худудлар номи	Иқтисодиёт секторлари да иш билан банд бўлганилар - жами, киши	шу жумладан:			
			расмий		норасмий	
			микдор, киши	улуши, %	микдор, киши	улуши, %
I	<b>Ўзбекистон Респ. бўйича-жами, шу жумладан:</b>	10037359	3510013	36,7	6527346	63,3
1.1	Корақалпогис тон Республикаси	575532	227564	39,5	347968	60,5
1.2	Андижон вилояти	1074536	336178	31,3	738358	68,7
1.3	Бухоро вилояти	651213	271481	41,7	379732	58,3
1.4	Жizzах вилояти	459047	144536	31,5	314511	68,5
1.5	Қашқадарё вилояти	1106659	380035	34,3	726624	65,7

<sup>3</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

1.1.1-жадвал давоми

1.6	Навоий вилояти	276057	144608	52,4	131449	47,6
1.7	Наманган вилояти	872821	250898	28,7	621923	71,3
1.8	Самарқанд вилояти	1186382	364088	30,7	822294	69,3
1.9	Суҳондарё вилояти	935834	326406	34,9	609398	65,1
1.10	Сирдарё вилояти	276607	121863	44,1	154744	55,9
1.11	Тошкент вилояти	892699	365817	41,0	526822	52,0
1.12	Фарғона вилояти	1113341	370910	33,3	742331	66,7
1.13	Хоразм вилояти	618761	207629	33,6	411132	66,4

Бундай вазиятга норасмий иш билан бандлик улиши юқори бўлган Наманган вилояти (71,3%), Самарқанд вилояти (69,3%), Андижон вилояти (68,7%), Жиззах вилояти (68,5%), Фарғона вилояти (66,7%), Хоразм вилояти (66,4%), Қашқадарё вилояти (65,7%), Сурхондарё вилояти (65,1%) каби худудларда асосан қишлоқ хўжалигидаги иш ўринларини нисбатан камайиши асосий сабабчи ҳисобланади. Республикаизнинг аксарият қишлоқ ҳудудларида юқорида қайд этилган ҳолат кузатилмоқда.

Тадқиқот обектлари ҳисобланган – меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманларда эса норасмий иш билан бандлик улиши ўртача 68,7%ни ташкил этади. Бу кўрсаткич меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманларда эса 64,7% га teng (1.1.2-жадвал). Бундай вазиятларнинг асосий сабабларидан бири асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни, кейинги ўринда қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш тармокларини ривожлантириш бўйича етарлича иш ўринларини ташкил этилмаганлиги ҳисобланди.


### 1.1.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган айрим кишлоқ туманларида меҳнатга лаёқатли аҳолини иқтисодиёт секторларида иш билан бандлиги<sup>4</sup>**

№	Туманлар номи	Иқтисодиёт секторларида иш билан банд бўлганлар – жами	шу жумладан:	
			расмий	норасмий
<b>Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманлар</b>				
1.	Ургут тумани	100,0	27,6	72,4
2.	Пастарғом тумани	100,0	27,3	62,7
3.	Китоб тумани	100,0	30,1	69,9
4.	Шахрисабз тумани	100,0	30,3	69,9
Туманлар бўйича ўртacha		100,0	31,3	68,7
<b>Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманлар</b>				
5.	Беруний тумани	100,0	33,3	66,7
6.	Элликқала тумани	100,0	31,3	68,7
7.	Пахтакор тумани	100,0	35,6	64,4
8.	Зарбдор тумани	100,0	40,9	59,1
Туманлар бўйича ўртacha		100,0	35,3	64,7

Шунинг учун “Ўзбекистон кишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш стратегияси”да паҳта-тўқимачилик, мева-сабзовотчилик, чорвачилик, ипакчилик, балиқчилик, агротуризм, доривор усимликлар каби кластерларида ва кооперацияларида, ҳамда бошқа соҳалари бўйича янги иш ўринлари яратишни истиқболдаги параметрлари белгилаб берилди. Биргина 2019 йилда норасмий иш билан бандлар ва ишсизлар учун 370047 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, уларнинг улуши кишлоқ жойлар учун 64,3% га тенг. Лекин бу кўрсаткичлар кишлоқ ҳудудларида норасмий иш билан банд бўлганларнинг ўсиб бораётган таклифини жуда паст даражада қониқтиради. Шунинг учун 2030 йилгача, кишлоқлардаги норасмий иш билан бандлар учун иш ўринлари микдорини камида 2-3 мартаға кўпайтириш стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш лозим.

<sup>4</sup> Муалифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.



**1.1.2-расм. Кишлок жойларда иқтисодиёттинг норасмий секторида иш билан бандликни түзилиши<sup>5</sup>.**

Кишлок хұжалигини узок муддатта мұлжалланған стратегик ривожлантириш биринчи наубатда норасмий иш билан бандликни асосий қысмини ташкил этган республикадан ташкарига четга ишлашга кетаётгандар микдорини (30,7%) кескин камайтишига (такминий 50% ортиқ) иқтисодий ва ижтимоий шароитлар яратади. Шу билан бирга мазкур стратегияни амалга ошириш иқтисодиёттинг норасмий секторида мухим улишларга эга бўлган вактингчалик бир марталик ва мавсумай ишларни бажарувчиларни (21,3%), дехкон ва шахсий хұжаликларда ишловчиларни (18,6%), рўйхатдан ўтмаган ва тегишли рұхсатномасыз фаолият күрсатаётгандар (18,2%) ва мекнат муносабатларини расмийлаштирумасдан оиласкан корхоналарда ва тадбиркорларда ишловчиларни (11,2%) сезиларли камайишига бевосита таъсир кўрсатади (1.1.2-расм).


Бизнингча, кишлок хұжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси билан бирга кишлок иқтисодиётини бошқа тармоқларини ҳам яқин келажакда ривожланишини белгиловчи стратегик

<sup>5</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси бандик ва мекнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида хисобланған.

режаларни ишлаб чиқиши ва уларни бажарилишини таъминлаш лозим. Бу эса кишлоқ иктисодиётидаги шаклланаётган қайта ишлаш саноати, курилиш материаллари ва курилиш материаллари ишлаб чиқариши саноати, машинасозлик, нефт ва газ саноати, ишлаб чиқариши ва ижтимоий инфратузулмаларнинг янги обьектларини кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳалари билан ҳамкорликда меҳнат, табий, ишлаб чиқариши ва молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш имкониятини беради. **Натижада янги иш ўринлари яратилади ва меҳнатга лаёқатли ахолининг норасмий иш билан бандлиги кескин камаяди.** Пировардидаги ахолининг меҳнат даромадлари ошади ва турмуш тарзи яхшиланади.

Кишлоқ иктисодиётини тармоқларининг комплекс ривожлантириш стратегиясининг таркибий кисмларидан бири меҳнатга лаёқатли ахолининг норасмий иш билан бандлигини камайтириш ҳисобланади. Бунинг учун эса самарали, иктисодий, ижтимоий-демографик ва ташкилий-хуқуқий механизmlарни ишлаб чиқиши ва уларни амалиёттага тадбиқ этиш лозим. (1.1.3-расм).

Иктисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандликни камайтиришнинг **иктисодий механизmlарида** мужассамланган чоратадбирлар орасида кишлоқ хўжалигининг нисбатан янги кластерларида (пахтачилик-тўқимачилик, ишакчилик, чорвачилик, балиқчилик, доривор ўсимликлар, агротуризм, ва бошқалар) ва кооперацияларида, ҳамда қайта ишлаш саноати, курилиш ва курилиш материалларини тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ишловчиларни **моддий рағбатлантирувчи янги иш ўринларини ташкил этиш**, давлат томонидан **кафолатланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини киритиш**, ҳамда инновацион ва иктисодий самарали технологияларни жалб қилиш етакчи ўринни эгаллайди. Булар эса қисқа муддатларда янги иш ўринларини ташкил этилишига олиб келади. Сўнгги натижаларга эришиш учун кафолатланган маҳаллий ва хорижий инвестициялар катта миқдорда шаҳар жойлардагидек талаб этилмайди, чунки кишлоқ жойларда нисбатан ишчи кучлари арzon, аксарияти уй-жойларига эга, янги иш ўринлари яшаш манзилига яқин ва энг асосийларидан бири ишлаб чиқариши ва табий ресурслари ҳамда хом-ашё заҳиралари етарли.



### **1.1.3-расм. Кишлоқ жойларда норасмий иш билан бандликни камайтиришининг асосий омиллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.<sup>6</sup>**

<sup>6</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Иқтисодий дастаклардан яна мухими норасмий иқтисодиётда иш билан банд бўлган аёллар, ўсмир-ёшлар ва меҳнатга лаёқатли пенсионерлар учун қишлоқ иш берувчилари томонидан кафолатланган янги иш ўринлари ташкил этишлари бўйича турли молия-солиқ ва кредит имтиёзларини тақдим этиш ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганлар билан бирга оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш негизида сердаромад иш жойлари ташкил этиш иқтисодий механизмлар таркибида салмоқли ўринга эга.

Қишлоқ иқтисодиётининг норасмий секторида иш билан бандликни камайтириш **ижтимоий-демографик** механизмларини асосийларини камбағаллик мақомига эга норасмий иш билан банд бўлганлар имтиёзли ёки бепул уй-жойлар билан таъминлаш, комунал хизматлар тўловларидан камида бир йилга озод этиш ёки 30-50% тўловларни амалга оширишга руҳсат этиш, ўсмир-ёшлар, кўп болали аёллар ва меҳнатга лаёқатли пенсионерлар учун ижтимоий кафолатланган меҳнат, дам олиш ва бола парваришлар шароитларини яратиш каби чора-тадбирлар ташкил этади. Мазкур механизмлар мажмуасида қишлоқ норасмий иш билан банд ёшларини иш берувчилар ҳисобидан замонавий, професионал касб-хунарларга ўргатиш ва олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари битирувчиларини меҳнатга мослашувчалигини ошириш хам мухим ўрин тутади.

Қишлоқ жойларда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларидаги сиёсатлари мужассамлаган ташкилий-хукукий механизмларини такомиллаштирумасдан ва уларни қўлланиш самарадорлигини оширумасдан туриб, норасмий секторда иш билан бандликни камайтиришга эришиб бўлмайди.

Мазкур механизмларнинг асосийси қишлоқ иқтисодиётининг секторлари корхоналарида янги иш жойлари ташкил этиш ва уларни хукукий **асосларини такомиллаштириш** бўлиб, унда мухим ўринни лойиха-смета ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш ва обьектлар бўйича манзилли ва муддатли молиялаштиришни ташкил этиш ҳисобланади. Шу билан бирга самарали ички ва ташки мөхнат миграцияларини ташкил этиш ва ташкиллаштириш ишчи кучи экспорти самарадорлигини ошириш мазкур чора-тадбирлар комплексида етакчи ўринни эгаллади.

118080

Ушбу механизмлар самарадорлигини оширишда иш берувчи-лар билан ёлланма ишловчилар ўртасидаги меҳнат шартномалари ва ишчи кучларни меҳнат харакатлари ва миграциялари бўйича меёрий-хукукий хужжатларни такомиллаштириш муҳум ўрин эгаллади ва уларни халкаро меҳнат-хукуқи нормаларига мос ҳолда қайта ишлаб чиқиш зарур.

Юқорида қайд этилган самарали механизмларни тадбик этиш асосида қишлоқ иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш каби асосий тармоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш, зарурий талаб ва таклиф бўлган профессионал мутахассислар ва касб-хунарларга тайёрлаш ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси ва меҳнат миграцияларини такомиллаштириш, ҳамда ташкиллаштирилган ортиқча ишчи кучи экспортини ривожлантириш бўйича стратегик йўналишлар ва уларга эришишнинг яқин келажакдаги прогноз параметрларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш қишлоқ жойларда **норасмий иш** билан бандлик ва ишсизликни кескин камайтиришга олиб келади.

## **1.2. Қишлоқ хўжалигининг кластерлари, кооперациялари ва бошқа соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш асосида аҳолини норасмий иш билан бандлик даражасини камайтириш истиқболлари**

Қишлоқ худудлар иқтисодиётининг ривожланишида кластерли ёндашувнинг аҳамияти катта бўлиб, у меҳнат сифими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, норасмий бандликни камайтириш имкониятини беради.

Қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш борасида **қатор муаммолар** мавжуд. Ҳусусан, қишлоқ хўжалиги тармоқларида иш ўринларининг етарли эмаслиги, мавжудларининг эса мавсумий характерга эгалиги, мажбурий меҳнатнинг қисман мавжудлиги, меҳнат тақсимоти, ҳудудий ва хўжаликлараро иктинослашув ҳамда меҳнат кооперациясининг ривожланмаганлиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликларнинг мав-

жудлиги, кредит ресурсларининг этишмовчилиги, иш берувчилар талабларига мос кадрлар тайёрлаш даражасининг пастлиги ва х.к.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида юкоридаги келтирилган муаммоларни ҳал қилишда **самарали кластерлар ва кооперацияларни ташкил этиш** муҳим аҳамиятга эга. Кластер услубини самарали ташкил этиш соҳанинг тартибга солинганлик даражасини ва маҳаллий хукуматнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этишириш ва қайта ишлаш жараёнларига аралашувини камайтиради. Кластер азолари яқуний натижаларга жамоавий равишда жавобгар бўладилар. Ҳар бир кластер иштирокчисининг сай-ҳаракати ушбу кооперативнинг яқуний даромадини белгилаб беради. Микро дараҷадаги иқтисодий тизимнинг элементи сифатида фермерларни харажатларини минималлаштириш ва даромадини максималлаштиришдан манфаатдорлиги ортади.

#### 1.2.1-жадвал

#### **Европа мамлакатларида қишлоқ хўжалиги кластерлари сони ва уларда иш билан банд аҳоли сони<sup>7</sup>**

Европанинг баъзи мамлакатлари	Қишлоқ хўжалиги кластерлари сони, бирлик	Қишлоқ хўжалиги кластерларида иш билан бандлар сони, киши	Үртacha битта қишлоқ хўжалиги кластерида ишловчи-лар сони, киши	Тармоқ кластерлари умумий ҳажмида агроСаноатнинг улуши, %	Тармоқ кластерларини агросаноат мажмуаси ходимлари - даги улуши, %
Австрия	8	86740	10843	9,20	9,06
Бельгия	5	58739	11748	7,69	7,52
Болгария	22	426874	19403	45,83	54,02
Буюк Британия	7	99007	14144	3,85	2,09
Венгрия	11	161543	14686	18,64	20,87
Германия	14	371204	26515	4,46	5,55
Греция	36	299431	8318	45,00	33,66
Дания	3	91546	30515	10,00	11,60

<sup>7</sup> Муаллифлар томонидан тегишли хорижий мамлакатларнинг статистик маълумотлари асосида хисобланган.

## 1.2.1-жадвалнинг давоми

<b>Ирландия</b>	<b>1</b>	<b>42713</b>	<b>42713</b>	<b>10,00</b>	<b>12,32</b>
<b>Исландия</b>	<b>1</b>	<b>4498</b>	<b>4498</b>	<b>20,00</b>	<b>13,29</b>
<b>Испания</b>	<b>35</b>	<b>644854</b>	<b>18424</b>	<b>23,18</b>	<b>14,37</b>
<b>Италия</b>	<b>13</b>	<b>384460</b>	<b>29574</b>	<b>5,56</b>	<b>6,24</b>
<b>Литва</b>	<b>1</b>	<b>46817</b>	<b>46817</b>	<b>11,11</b>	<b>17,77</b>
<b>Мальта</b>	<b>1</b>	<b>3693</b>	<b>3693</b>	<b>11,11</b>	<b>8,07</b>
<b>Нидерландия</b>	<b>12</b>	<b>96031</b>	<b>8003</b>	<b>14,46</b>	<b>7,99</b>
<b>Норвегия</b>	<b>1</b>	<b>4535</b>	<b>4535</b>	<b>3,33</b>	<b>1,37</b>
<b>Польша</b>	<b>19</b>	<b>413242</b>	<b>21750</b>	<b>11,80</b>	<b>19,51</b>
<b>Португалия</b>	<b>3</b>	<b>42861</b>	<b>14287</b>	<b>6,25</b>	<b>3,80</b>
<b>Руминия</b>	<b>16</b>	<b>610510</b>	<b>38157</b>	<b>17,39</b>	<b>27,30</b>
<b>Словакия</b>	<b>3</b>	<b>34296</b>	<b>11432</b>	<b>6,67</b>	<b>7,98</b>
<b>Словения</b>	<b>1</b>	<b>20545</b>	<b>20545</b>	<b>6,25</b>	<b>9,41</b>
<b>Финляндия</b>	<b>4</b>	<b>29883</b>	<b>7471</b>	<b>11,76</b>	<b>6,71</b>
<b>Франция</b>	<b>20</b>	<b>501571</b>	<b>25079</b>	<b>12,12</b>	<b>11,92</b>
<b>Швейцария</b>	<b>2</b>	<b>16673</b>	<b>8337</b>	<b>3,23</b>	<b>2,11</b>
<b>Швеция</b>	<b>1</b>	<b>12256</b>	<b>12256</b>	<b>1,54</b>	<b>1,70</b>
<b>Эстония</b>	<b>1</b>	<b>14184</b>	<b>14184</b>	<b>11,11</b>	<b>10,56</b>
<b>Жами</b>	<b>241</b>	<b>4518706</b>	<b>18750</b>	<b>11,47</b>	<b>10,80</b>

Ривожланган мамлакатларда кишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш манбаси сифатида агрокластерларини ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Европа мамлакатларида 241 та кишлоқ хўжалиги кластерлари ташкил этилган бўлиб, уларда 4,5 млн. киши иш билан банд (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвалдан кўринадики, Европанинг 26 та мамлакатида кишлоқ хўжалиги кластери самарали фаолият кўрсатиб, уларнинг асосий қисми Греция (36 та), Испания (35 та), Болгария (22 та), Франция (20 та), Польша (19 та) хиссасига тўғри келади. Европа мамлакатларида битта кластерда ишловчилар сони ўртacha 18,7 минг кишини ташкил қилади. Тармок кластерлари таркибида агросаноат мужмуаси ходимларининг улуши Болгария (54,0%), Греция (33,6%) ва Руминия (27,3%) мамлакатларида юқори.

Халқаро амалиётда самарали фаолият юритаётган кишлоқ хўжалиги кластерлари фаолиятини ўрганиш, уларнинг **ижобий тажрибаларидан** Ўзбекистонда фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, Пиренея жануби (Франция) кластерлар уюшмасининг фаолиятида агросаноат мужмуасида инновацияларни жорий этиш

муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга. Ўзбекистонда кластерларда иш билан банд бўлганлар 65,9 мингдан ортиқ киши, кластердаги молиявий айланма эса 12 млрд евродан ортиқни ташкил этади<sup>8</sup>. Франциядаги кластерлар уюшмасининг асосий мақсади кластер маҳсулотининг кўшилган қийматини ошириш, рақобатбардош агросаноат комплекси обьектлари ўртасида етакчилик килиш, минтақанинг жозибадорлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратишдан иборат.


Жанубий Кореядаги машхур Сунчанг Паста қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кластери маҳаллий ҳокимият томонидан бошқариладаган кластер бўлиб, соя, қалампир, қулпнай, олхўри каби турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ушбу кластер Корея ҳукуматининг қишлоқ худудларида демографик ҳолатни яхшилаш (қишлоқ аҳолиси, асосан ёшлиарнинг шаҳарга кетиб қолишин камайтириш), тарихий анъаналар асосида ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлаш, қишлоқка саноат ва агротуризмни олиб кириш каби ривожлантириш дастурлари асосида ташкил этилган. Агрокластердаги 5292 та фермер хўжалигида 9780 гектар экин майдон маҳсулот ишлаб чиқариб, уларда 12 331 та киши ишлайди. Жами 30 минг аҳолиси бўлган ушбу худуднинг йиллик экспорт 1 млн. АҚШ долларини ташкил этади, агротуризм ва меҳмонхона сервисини ривожлантириш ҳисобига 2020 йилга бориб экспортни 3 млн. АҚШ долларини етказиши режалаштирилган. Хайратланарли томони шундаки, ушбу кичик бир қишлоққа ҳар йили ўртача 12 мингдан ортиқ турист ташриф буюради<sup>9</sup>.

Ўзбекистонда ушбу кластернинг қишлоқ худудларини ривожлантириш дастурларини қўллаб-куватлаш, тарихий анъаналар асосида соя, қалампир каби маҳсулотларни ферментация қилишда оиласи мөнгөн корхоналарни ва уйларни аслича сақлаб қолиш ва туризм обьектига айлантириш, агротуризм, қишлоқда меҳмонхона бизнесини йўлга кўйишда, фестивал ва турли тадбирлар ўтказиш тажрибаларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, фермерлар учун

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси // <https://uzbekistan2035.uz>.


<sup>9</sup> Направления использования опыта Южной Кореи в создании агрокластеров // <http://ifmr.uz>

ахборот-маслаҳат ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан ҳамкорликда фойдаланиш тажрибалари ҳам дикқатга сазовор.



**1.2.1-расм. Қишлоқ хўжалигида иш билан бандлар улуши, % (2019 йил)\***

\*Манба: расм тегишили хорижий мамлакатларнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.



**1.2.2-расм. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги, АҚШ доллари (2019 йил)\***

\*Манба: расм тегишили хорижий мамлакатларнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги тармоғида 3,7 млн. киши (жами иш билан бандларнинг 27,2%и) иш билан банд. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларнидан анча юқори (1.2.1-расм).

1.2.1-расмдан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида иш билан бандлар улуши жуда юқори. Яъни, Испанияда жами иш билан бандларнинг атиги 1,1 фоизи, Францияда 2,8 фоизи қишлоқ хўжалигида банд.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ривожланган мамлакатлардагига караганда анча паст (1.2.2-расм). Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 2 247 АҚШ долларини ташкил этади. Испанияда бу кўрсаткич – 95 243, Францияда эса 49 475 АҚШ долларига тенг.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида иш билан бандлар улусининг юкорилиги, иш ўринларини етишмаслиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва бошқа қатор муаммолар кластерлар ва кооперативлар институтини ташкил этишни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган кластерлар институти амалда қишлоқ хўжалиги тармоғи соҳаларида рақобатбар дошликни ошириш, шу жумладан, тўғридан-тўғри кафолатланган инвестияларни жалб этиш, маҳсулотлар етиширишнинг инновацион усулларини яратиш, уларни чукур қайта ишлаш ва экспорт қилиш йўналишларида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Республикада кластерларга ажратилган қишлоқ хўжалиги майдонларининг ҳажми экин турлари бўйича пахта-тўқимачиликда 62 фоизни, чорвачиликда 8 фоизни, мева-сабзавотчиликда 7,5 фоизни ташкил этади<sup>10</sup>.

Кластерлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қуритиш бўйича 430 минг тонна қўшимча қувватларни ишга тушириш юзасидан 96 та лойиҳа режалаштирилган. Шунингдек, 6 минг гектарда интенсив боғ ва 8 минг гектарга яқин майдонда узумзор барпо қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. 2020 йилда 410 миллион долларлик маҳсулотлар экспорти мўлжалланган<sup>11</sup>.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, собиқ йирик жамоа ва давлат хўжаликлари худудларида самарали биттадан агрокластерларни ташкил этиш зарур.

Шу билан биргага, қишлоқ хўжалиги кластерлари фаолиятларини дастлабки даврдаги таҳдиллар уларни ташкил этишда ўз ечимини кутаётган қўйидаги асосий **муаммолар** мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

- биринчидан, кластерлар фаолиятини тартибга солиш бўйича локал норматив-хукукий хужжатлар такомиллаштирилмаган;
- иккинчидан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан кластерлар учун ер майдонларини ўз вақтида ажратилишида шаффоффлик етарли эмас;
- учинчидан, кластерлар айланма маблагларини етишмаслиги сабабли қўшимча минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни харид

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги “Бошокли дон етиширища кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори хосилдорликни таъминлашга доир қўшимчча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 806-сон карори // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2019 й., 09/19/806/3811-сон

<sup>11</sup> Кластерлар фаолиятини ривожлантириш масалалари мухокама қилинди // <https://uz.a.uз>

қилишда кийинчиликлар юзага келмокда ҳамда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган;

– тўртингидан, тижорат ва хусусий банклар томонидан клас-терларга кредит маблағлари ажратилиш паст ставкаси ва бўлгуси ҳосилни гаровга қўйиш амалиёти жорий этилмаган;

– бешинчидан, қишлоқ хўжалиги техникалари, сув ва электр энергияси ресурсларидан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд;

– олтинчидан, қишлоқ хўжалиги кластерлари таркибида кичик саноат зоналари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма обьектлари етарлича шаклланмаган;

– еттингидан, кластерлар таркибидаги фермерлар, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик субъектлари билан белгиланган муддатларда **ҳисоб-китоб қилиш иқтисодий механизмлари тўлиқ тадбик этилмаган**.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги кластерларида пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга маблағнинг етмаслиги, бунинг натижасида пахта етиштирган фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилиш имконияти чекланганлик холатлари мавжуд. Бу эса қишлоқ хўжалиги кластерларини молиялаштириш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Бизнингча, қишлоқ хўжалиги кластерларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни алоҳида фаолиятлар тури сифатида имтиёзли кредитлаш ва кейинчалик ўзини-ўзи молиялаштириш тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалиги кооперацияси амалиёти Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларида кенг тарқалган эди. Бироқ иқтисодиёт трансформацияланиши ва бозор механизмларига ўтилганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги кооперативлари норентабел бўлиб қолди. Уларнинг ерлари босқичма-босқич фермер хўжаликларига берилди. Бошқа томондан, вакт ўтиши билан меъёрий-хуқуқий хужжатлар («Ўзбекистон Республикасининг Кооперация тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунлар ва бошқалар) эскирди. Бизнингча, бундай холатда давлат томонидан ушбу иқтисодий фаолиятнинг меъёрий-хуқуқий хужжатларини тиклаш мақсадида “**Қишлоқ хўжалиги кооперациялари тўғрисида**” алоҳида конун

**ишилаб чиқилиши** ва унинг ижросини таъминланишини назорат килиниши лозим.

Республиканинг барча ҳудудларида ҳам пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган. Назаримизда қишлоқ хўжалиги кластерлари ташкил этилмаган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари негизида фермер хўжаликларининг йирик кооперациялари ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Ушбу тизимнинг мухим жиҳати – фермерлар нафақат пахта хом ашёсини, балки уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни (тола, чигит, шрот, шелуха) сотишдан ҳам манфаатдор бўлади. Яна бир аҳамияти – пахта етиштириш ва уни қайта ишлашда кластерлар ва кооперациялар ўртасида рақобат шаклланади.

Бизнингча, янги ташкил этиладиган қишлоқ хўжалик кооперацияларининг **асосий вазифалари** қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- кооперация аъзолари билан оилавий тадбиркорлик асосида меҳнат шартномаларини тузиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш юзасидан келишилган агротехнологик чора-тадбирларни амалга ошириш;

- кооперация аъзоларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, маҳсулотларни қайта ишлаш заводларидан ҳамкорликда фойдаланишини ташкил этиш;

- оилавий тадбиркорлик меҳнат шартномалари асосида кооперация аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш ва бутлаш материаллари, минерал ўғит, уруғлик, шунингдек, кимёвий ва биологик химоя воситалари билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлашни шартномаларга асосан амалга ошириш ва воситачилик шартномалари асосида ишилаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва экспортини ташкиллаштириш;


- кооперация аъзоларига агротехнологик, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиши;

- кооперациялар билан ҳамкорлик килиш учун агролизинг, агрологистика ва экспорт қилувчиларни жалб этиш ҳамда ички ва ташки бозорлар маркетинги тадқиқотларини ривожлантириш;

– кооперациялар томонидан ишлаб чикариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини товарлар биржаларида шаклланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш;

– кооперация аъзолари учун зарурый меҳнат, дам олиш ва соглигини сақлаш бўйича ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги кластерларининг қўйидаги турлари фаолият кўрсатишмоқда (1.2.3-расм):




1.2.3-расм. Қишлоқ хўжалиги кластерлари турлари ва уларни ўзаро асосий алоқадорлиги.\*

\*Манба: расм муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперацияларини самарали ташкил этиш истиқболда иқтисодиётнинг бу тармоғида иш билан бандлар улушини оширишга ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг норасмий иш билан бандлик даражасини камайтиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатади (1.2.2-жадвал).

1.2.2-жадвалдан кўринадики, 2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғида 94 250 та янги иш ўрни ташкил этилган. Ҳисоб-китобларимизга кўра, яқин келажакда иқтисодиётнинг бу тармоғида янги ташкил этиладиган иш ўринлари сонининг ортиши кузатилади. Яъни 2020 йилда қишлоқ хўжалигига

янги ташкил этиладиган иш ўринлари сони – 98145 тага, 2025 йилда эса 112713 тага етади. Тадқиқотда қишлоқ хўжалигида ташкил этиладиган иш ўринларини учта гурухга ажратдик (1.2.4-расм).



**1.2.4-расм. Қишлоқ хўжалигидаги ташкил этиладиган иш ўринлари таркиби<sup>12</sup>.**

Қишлоқ хўжалигидаги ташкил этиладиган иш ўринлари таркибида **кластерларнинг улуши юқори** бўлиб, уларда яратиладиган иш ўринлари сони 2019 йилдаги 65975 тадан 2025 йилда 88940 тага етади. Бу даврда қишлоқ хўжалиги кооперацияларида ташкил этиладиган иш ўринлари сони мос равишда 4713 тадан 5302 тага, қишлоқ хўжалигининг шахсий томорка, дехқон ва бошқа хўжаликларида ташкил этиладиган иш ўринлари эса 23562 тадан 27971 тага етади.

Прогноз даврида нокишлоқ хўжалиги тармоқларида ташкил этиладиган иш ўринлари сони 2019 йилдаги 185492 тадан 2025 йилда 259874 тага етиши кузатилади.

Тадқиқот обьекти ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Элликқалъя, Жizzах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Ургут, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманида қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперацияларида янги ташкил этиладиган иш ўринларининг прогнози амалга оширилди (1.2.3-жадвал).

1.2.3-жадвалдан кўринадики, танланган 8 та туманинг барчасида қишлоқ хўжалиги тармоғи кластерлари, кооперациялари ҳамда шахсий томорка, дехқон ва бошқа хўжаликларида **янги ташкил этиладиган иш ўринлари** ва уларда иш билан банд аҳоли сонининг ортиши кузатилади.

<sup>12</sup> Манба: расм муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган.

1.2.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ҳамда бошқа соҳаларида янги иш ўринлари ва уларда иш билан банд бўладиган аҳоли прогнози\***

Т/р	Кишлоқ хўжалиги соҳалари номи	Кўрсаткичлар ва уларани ўлчов бирликлари	2019 й (хисобот)	Прогноз даври						2025 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши	
				2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й	2025 й		
				+ ; -	%						
I.	Кишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича жами, шу жумладан:	янги иш ўринлари, дона	94250	96887	99524	102161	104798	107435	112713	+ 18463	119,6
		иш билан банд аҳоли, киши	109095	112442	115789	119136	122483	125830	132525	+ 23430	121,5
1.1.	Кишлоқ хўжалиги кластерлари бўйича – жами, шундан:	янги иш ўринлари, дона	65975	71025	74010	76995	79980	82965	88940	+ 22965	134,8
		иш билан банд аҳоли, киши	76367	77513	82854	88195	93536	98877	109563	+ 33196	143,5
1.1.1.	Пахта-тўқимачилик	янги иш ўринлари, дона	33317	35673	38028	40384	42739	45095	47450	+ 14133	142,4
		иш билан банд аҳоли, киши	38565	41400	44235	47070	49905	52740	55575	+ 17010	144,1
1.1.2.	Фаллачилик	янги иш ўринлари, дона	2969	3043	3118	3192	3266	3341	3415	+ 446	115,0
		иш билан банд аҳоли, киши	3437	3500	3563	3627	3690	3753	3816	+ 379	111,0
1.1.3.	Чорвачилик	янги иш ўринлари, дона	10028	10374	10721	11067	11413	11759	12552	+ 2524	125,2
		иш билан банд аҳоли, киши	11608	12041	12474	12907	13340	13773	14639	+ 3031	126,1
1.1.4.	Мева-сабзавотчилик	янги иш ўринлари, дона	15966	16607	17249	17890	18532	19173	20556	+ 4590	128,7
		иш билан банд аҳоли, киши	18480	19275	20071	20866	21662	22457	24048	+ 5568	130,1
1.1.5.	Ипакчилик	янги иш ўринлари, дона	1715	1826	1936	2047	2158	2269	2490	+ 775	145,2

		иш билан банд аҳоли, киши	1986	2121	2255	2390	2524	2659	2928	+ 942	147,4
1.1.6.	Баликчилик	янги иш ўринлари, дона	1188	1196	1204	1212	1221	1229	1245	+ 57	104,8
		иш билан банд аҳоли, киши	1375	1388	1400	1413	1426	1439	1464	+ 89	106,5
1.1.7.	Агротуризм	янги иш ўринлари, дона	792	831	871	910	949	988	1067	+ 275	134,7
		иш билан банд аҳоли, киши	916	964	1013	1061	1110	1158	1255	+ 339	137,0
1.1.8.	Доривор ўсимликлар**	янги иш ўринлари, дона	-	568	589	609	630	650	712	+ 144	125,4
		иш билан банд аҳоли, киши	-	620	651	682	713	744	837	+ 217	135,0
1.2.	Кишлоқ хўжалиги кооперациялари	янги иш ўринлари, дона	4713	4811	4909	5008	5106	5204	5302	+ 589	112,5
		иш билан банд аҳоли, киши	5184	5292	5401	5509	5617	5725	5942	+ 758	114,6
1.3.	Кишлоқ хўжалигининг шахсий томорка, дечқон ва бошқа хўжаликлари	янги иш ўринлари, дона	23562	24192	24822	25452	26081	26711	27971	+ 4409	118,7
		иш билан банд аҳоли, киши	24740	25701	26663	27624	28586	29547	31470	+ 6730	127,2
II.	Ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари	янги иш ўринлари, дона	185492	196118	206744	217370	227996	238622	259874	+ 74382	140,1
		иш билан банд аҳоли, киши	225087	238718	252349	265980	279611	293242	320504	+ 95417	142,4
Кишлоқ жойлари бўйича – хаммаси		янги иш ўринлари, дона	279742	293006	306269	319533	332796	346060	372587	+ 92845	133,2
		иш билан банд аҳоли, киши	334181	353989	373797	393605	413413	433221	453029	+ 118848	135,6

\*Манба: жадвал маълумотлари муаллифлар ҳисоб-китоблари асосида амалга оширилган.

\*\* Доривор ўсимликлар кластери бўйича кўрсаткичлар ўзгариши 2025 йилда 2020 йилга нисбатан хисобланган.

### 1.2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг айрим туманлари қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ҳамда соҳаларида янги иш ўринлари ва уларда иш билан бўладиган ахоли прогнози<sup>13</sup>

№	Тармоқ ва соҳалар номи	Кўреат-кичлар ва ула-ринг ўлчов оидликлари	Коракалпогистон Республикаси				Жиззах вилояти						Самарқанд вилояти						Қашқадарё вилояти							
			Беруний тумани		Энгикальва тумани		Зарбдор тумани		Паҳтакор тумани		Пастларгом тумани			Ургут тумани			Китоб тумани			Шаҳрисабз тумани						
			2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2020 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2025 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2020 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2025 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2020 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2025 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2020 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2025 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2020 й	2019й (хисо- бот)	прогноз даври 2025 й				
1.	Кишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича – жами, шу жумладан:	янги иш ўринла ри, дона	285	314	430	237	258				118			400			387			320			310			
		иш билан банд ахоли, кишин	326	345	492	270	293	385	170	188	251	136	154	243	458			443			366			354		
1.1	Кишлоқ хўжалиги кластерлари	янги иш ўринла ри, дона	171	193	258	142	156	202	89	94	131	71	83	128	240	256	309	232	241	274	192	201	228	186	194	222
		иш билан банд ахоли, кишин	205	213	310	170	181	242	107	117	158	86	95	153	288	294	371	279	288	329	230	241	274	223	231	267
1.2	Кишлоқ хўжалик кооперациялари	янги иш ўринла ри, дона	20	22	30	17	19	24	10	12	15	8	10	15	28	30	36	27	28	32	22	23	27	22	23	26
		иш билан банд ахоли, кишин	22	24	33	18	20	26	11	13	17	9	11	16	31	33	40	30	31	35	25	26	29	24	25	29

<sup>13</sup> Жадвал маълумотлари муаллифлар ҳисоб-китоблари асосида амалга оширилган.

1.3	Кишлоқ хўжалигининг шахсий томорка, дехкан ва башка хўжаликлари	янги иш ўринла ри, дона	94	99	142	78	83	111	49	54	72	39	45	70	132	141	170	128	136	151	106	113	126	102	109	122
		иш билан банд ахоли, кишин	99	108	149	82	92	117	52	58	76	41	48	74	139	148	178	134	139	158	111	118	132	107	114	128
II.	Ноҳиёлжок хўжалиги тармоқлари	янги иш ўринла ри, дона	233	239	352	193	198	275	122	129	179	97	101	174	328	332	421	317	324	374	262	271	311	253	263	303
		иш билан банд ахоли, кишин	296	308	447	245	251	349	155	167	227	123	139	221	416	427	535	402	418	475	332	347	395	322	334	384
III.	Кишлоқ жойизи бўйича – хаммаси	янги иш ўринла ри, дона	518	553	782	430	456	612	270	289	397	215	239	387	728	759	936	704	729	831	582	608	692	563	589	673
		иш билан банд ахоли, кишин	622	653	939	515	544	734	325	355	478	259	293	464	874	902	1124	845	876	997	698	732	830	676	704	808

Республикада қишлоқ хўжалиги кластерларида янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилганлиги, иктиносидётнинг бу йўналишлари бўйича алоҳида давлат дастурлари қабул қилинганлиги истиқболда пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот, ипакчилик, балиқчилик ва бошқа кластерлари ва кооперацияларида иш ўринлари ҳамда унга мос холда иш билан бандлар сонининг узлуксиз ортиши кузатилади.

**Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперацияларида янги иш ўринларининг ортиши, ўз навбатида, қишлоқ жойларида норасмий иш билан бандлар сонининг камайишини таъминлайди (1.2.4-жадвал).**

#### 1.2.4-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида норасмий иш билан бандликнинг прогнози, минг киши<sup>14</sup>

№	Кўрсаткичлар номи	2019 й. (хисобот)	Прогноз даври						2025 йилда 2019 йилга нисбатан, %
			2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1	Қишлоқ жойларида иш билан бандлар сони – жами,	10037,4	10238,1	10442,9	10651,8	10864,8	11082,1	11303,7	112,6
1.1	Шу жамладан: норасмий секторда	6527,3	6337,4	6109,1	6060,9	5943,0	5884,6	5753,6	88,1
1.1 .1	Норасмий сектордагилар улуши, %	63,3	61,2	58,5	56,9	54,7	53,1	50,9	x

1.2.4-жадвалдан кўринадики, 2019 йилда қишлоқ жойларида иш билан бандлар сони 10037,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2025 йилга бориб бу кўрсаткич 11303,7 минг кишига этиши кузатилади. Республикада қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперацияларини ташкил этишга ҳамда шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш алоҳида эътибор қаратилганлиги боис, уларда ташкил

<sup>14</sup> Жадвал маълумотлари муаллифлар ҳисоб-китоблари асосида амалга оширилган.

этиладиган иш ўринлари ҳисобидан норасмий иш билан бандлар сонининг 89923 кишига камайиши кузатилади. Хусусан, 2019 йилда қишлоқ жойларида иш билан банд аҳолининг 63,3 фоизи норасмий секторда банд бўлган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 50,9 фоизни ташкил этиши кузатилади.

Якин келажакда таддиқот обьекти ҳисобланган Беруний, Элликқалъя, Зарбдор, Пахтакор, Пастдарғом, Ургут, Китоб ва Шаҳрисабз туманларида ҳам қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ташкил этиши ҳамда шахсий томорқа хўжаликлари ривожланиши асосида янги иш ўринлари сонини ортиши натижасида келгусида иш билан банд аҳоли сони мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, норасмий иш билан бандларнинг камайиши кузатилади (1.2.5-жадвал).

1.2.5-жадвал бўйича 2010-2025 йилларда прогноз ҳисобларига кўра, норасмий иш билан бандлик улуши Пастдарғом, Ургут, Китоб ва Шаҳрисабз каби меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманларда ўртача 67,4 фоиздан 54,4 фоизгacha камаяди. Бу кўрсаткични меҳнат ресурслари билан кам таъминланган Беруний, Элликқалъя, Зарбдор ва Пахтакор туманларида ҳам 64,4 фоиздан 42,9 фоизгacha камайиши ҳолатлари кузатилади.

Бизнинг фикримизча, қишлоқнинг меҳнатга лаёкатли аҳолисининг норасмий иш билан бандлигини камайтириш учун нисбатан самарали фаолият кўрсатаётган пахта-тўқимачилик кластерлари билан бирга қишлоқ хўжалигини стратегик ривожлантириш концепциясига асосан қўйидаги кластерлар ва кооперацияларни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадга мувофик:

1. **Мева-сабзавотчилик кластери.** Жаҳон бозорида мева-сабзвест маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этади, бунда Ўзбекистон Республикасининг улуши 1 %га ҳам етмайди. Ўзбекистонда мева ва сабзавотларни қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар умумий ҳосилнинг 40 фоизини қайта ишлаш қувватига эга. Аммо, шунга карамай, улар тўлиқ қувватда ишламаяпти. Умумий ҳосилнинг фақатгина 15 фоиздан кўпроғи қайта ишланяпти. Шунингдек, республикада “маҳсулот етишириш – харид қилиш – саклаш ва қайта ишлаш – экспорт-сотиш” занжирини ташкил этадиган меҳнат кооперация тизими жорий қилинмаган. Бизнингча, мева-сабзавотчилик кластерининг ташкилий таркиби қўйидагича бўлиши лозим (1.2.5-расм).

## 1.2.5-Жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган айрим кишлоп туманларида меҳнатга лаёсқатли ахолининг норасмий иш билан бандлингнинг прогнози, МИНГ КИШЛУСИ<sup>15</sup>

№	Коракалпогистон Республикаси Беруний тумани	Эликекапта тумани	Жиззах вилояти		Самарқанд вилояти		Кашкадарё вилояти		Проғоз тумани	Китоб гумани	Шахрисабз тумани
			Зарбор тумани	Даххакор тумани	Паставром тумани	Уригулумани	Протоз деври	Протоз деври			
	Кўрген- кўчлар номи		2025 йи Протоз деври								
1	Кипчок- жойнари- да ни билан банд лар сони - жами	72,7	73,2	80,8	61,5	62,1	69,8	32,1	33,2	37,9	33,7
1.1	Шу жуз- ладан-но- расмий секорда	48,4	46,2	36,7	42,6	40,2	32,9	19,0	17,1	14,1	20,4
1.1.1	Норасмий дагтиар улуши, %	66,6	63,1	45,4	68,6	65,4	47,2	59,2	51,5	37,5	63,2

15 Жадвал майдумотлари муалиффлар хисоб-китоблари асосида амалга оширилган.

Кишлоқ жойларида мева-сабзавотчилик кластери тизимини жорий килишда күйидагиларга алохидა эътибор қаратиш лозим:

– мева-сабзавотчилик ишлаб чиқариш бүйича етук тажрибага эга маҳаллий олимлар ва мутахассисларни жалб қилиш, зарурат бўлганида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида кластер фаолиятини ташкил этиш;

– ташки бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, истиқболда уларнинг илмий асосланган селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш;

– серҳосил ва илгари синовлардан ўтган мева-сабзавот экинларини экиш ва маҳсулотлар етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш собиқ объектларини тиклаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини тўлиқ камраб олувчи тизимни, шунингдек замонавий инновацион, ресурс тежайдиган технологияларни жорий килиш, агрологистикани ривожлантириш ва фитосанитария қоидаларига риоя қилиш ва х.к.


2. Бошокли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари билан чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари ва қайта ишловчи ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрловчи ташкилотлар билан тегишли шартномалар асосида **ғаллачилик кластерларини** ташкил этиш лозим. Ғаллачилик кластерини ташкил этиш қўйидаги шартлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– ғаллачилик кластери ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, бошокли дон етиштириш ёки уни шартнома асосида сотиб олиш, саралаш, сақлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ички ва ташки бозорга етказиб беришни таъминлаш;

ғаллачилик кластерини иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритаётган, зарур инфратузилма объектлари, шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлган, биринчи навбатда, салоҳиятли чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари ва бошокли дон маҳсулотларини қайта ишловчи ташкилотлар томонидан ташкил этиш;

– ғаллачилик бошокли донлар сифати ва миқдорига зарар келтирмайдиган кишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан, захирадаги ерлардан, қайта тикланадиган ҳамда фойдаланишга киритиладиган ер майдонларидан белгиланган тартибда эллик йилгача бўлган муддатга ажратиш.

**КАФОЛАТЛАНГАН ТҮГРИДАН-ТҮГРИ ХОРИЖИЙ ВА МАХАДЛИЙ  
ИНВЕСТИЦИЯДАР**



**1.2.5-расм. Мева-сабзавоччилик кластеринин таркибы ва унтарынг ўзаро алоқадордоглуу \***

\* Расм-муалифлар таджикотлары асосида түзүлгөн.

3. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми юқори бўлган Қорқалпогистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм ва Бухоро ва бошқа вилоятларида **чорвачилик кластерларини** ташкил этиш керак. Мазкур кластерларни ташкил этишда маҳаллий зотдор ва сермаҳсул чорва молларини кўпайтириш асосида янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор бериш керак.

4. Қишлоқ жойларида аёлларни норасмий иш билан бандлигини камайтириш мақсадида ипакдан товарлар тайёрлаш бўйича **ипакчилик кластерларини** ташкил этиш лозим. Ипакчилик кластерини ташкил этишда корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари қўйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ; тут ниҳоли ва кўчати етиштириш; ипак қуртини кўпайтириш; ипак толаларини тайёрлаш ва йигириш; ипак газлама ишлаб чиқариш; тут чойи ишлаб чиқариш; гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш; ипак газламадан тайёр кийимлар ишлаб чиқариш.

5. Комплекс ишлаб чиқаришга – инкубация цехи, чавоқ ва товар балиқ етиштириш, юқори оқсилга бой балиқ еми, қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган **балиқчилик кластерлари** ташкил этиш. Бунда маҳаллий маҳсулдор ва сифатли балиқ турларини кўпайтириш ва қайта ишлашга устуворлик бериш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш керак.

6. Қишлоқ жойлардаги маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш, фермер ва дехқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолиятини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, сифатли озиқ-овқат бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш жараёнлари билан таништириш ҳамда зарурий ҳолатларда сифатли овқатланишни ташкил этиш мақсадида **агротуризм кластерини** ташкил этиш лозим.

6. Ўзбекистонда 4,3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида қўлланилади. Шундан келиб чиқиб, республиканинг тоғли қишлоқ худудларида **доривор ўсимликлар** етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чукур қайта ишлаш **кластерларини** ташкил этиш зарур.

Ўтказилган тадқиқотлар ва таҳлилларга кўра, қишлоқ хўжалигини 2030 йилгacha стратегик ривожлантириш концепцияси неги-

зида мазкур тармоқнинг пахта-тўқимачилик, фаллачилик, мева-саб-завотчилик, чорвачилик, ипакчилик, балиқчилик, доривор ўсимликлар ва агротуризм каби кластерлари ва кооперациялари ҳамда шахсий томорқа хўжаликларида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарурий-моддий техник, молиявий, табиий ва бошқа ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши ресурслари билан таъминлаш меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисини норасмий иш билан бандлигини кескин камайтиришга бевоста ва самарали таъсир кўрсатади.

### **1.3. Яқин истиқболда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиши ва бошқа тармоқларда янги иш жойлари ташкил этиш негизида норасмий иш билан бандликни камайтириш**

Глобаллашув жараёни ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг янги усуllibини пайдо бўлиши ҳамда иш билан бандлик таркибини ўзгаришига олиб келмоқда. Йқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг мухим жиҳати ишлаб чиқариш сектори улушининг камайиб, хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ошиб бориши, қайта ишлаш саноати ишлаб чиқариш турларининг ўзгариши, янгиларининг пайдо бўлиши хисобланади. Янги иш жойларини ташкил этиш ва иш билан бандлик моделлари орасида Америка, Швед (Скандинавия), Европа, Япония ва Хитой моделлари алоҳида ажратилиб кўрсатилади.

Қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш ва иш билан бандлик бўйича Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг моделлари қишлоқ ҳудудларида юқори иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган.

Ҳозирги вактга келиб, ижтимоий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан қаралганда қишлоқ жойларидаги ҳолат ўзгариб, унда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тамоқлар асосий иқтисодиёт секторига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларни кенгайтириш масалаларига эътиборни қаратиш қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринларини ташкил этиш, норасмий иш билан бандликни камайтиришга бевоста ва самарали таъсир кўрсатади.

**тириш** хамда ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш имкониятини яратади.

Қишлоқ худудларида ижобий иқтисодий ривожланишининг якуний натижаларидан бири сифатида янги иш ўринлари миқдорини ортишида кўриш мумкин (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларида янги иш ўринларини ташкил этишни ўзгариши, дона<sup>16</sup>**

№	Худудлар номи	2017 йил	2019 йил	2019 йилда 2017 йилга нисбатан, %
I	Ўзбекистон Республикаси бўйича- жами, шу жумладан:	242025	279742	115,6
1.1	Қоракалпоғистон Республикаси	11845	14023	118,4
1.2	Андижон вилояти	21146	24359	115,2
1.3	Бухоро вилояти	15859	17498	110,3
1.4	Жizzах вилояти	13262	14497	109,3
1.5	Қашқадарё вилояти	15267	17729	116,1
1.6	Навоий вилояти	12064	13445	111,4
1.7	Наманган вилояти	17700	20208	114,2
1.8	Самарқанд вилояти	27382	32484	118,6
1.9	Сурхондарё вилояти	10202	12375	121,3
1.10	Сирдарё вилояти	7629	8901	116,7
1.11	Тошкент вилояти	46772	54643	116,8
1.12	Фарғона вилояти	26185	31098	118,7
1.13	Хоразм вилояти	16710	18482	110,6

1.3.1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2017-2019 йиллар давомида республикамиз қишлоқ жойларида яратилган иш ўринлари сони 15,6 фоизга кўпайган. Иш ўринларининг бундай ўсиш тенденцияси республиканинг барча қишлоқ худудларига ҳам хос бўлган. Айникса, ишсизлик даражаси юқори бўлган Қоракалпоғис-

<sup>16</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

тон Республикаси қишлоқ туманларида яратилган иш ўринлари сони 15,6 фоизга кўпайганligини алоҳида қайд этиш лозим.

2019 йилда қишлоқ жойларида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли банддлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, 256815 та иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда эса 279742 та иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 8,9 фоизга ортиги билан бажарилди.

Мамлакатимизда қишлоқ жойларида янги иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасиин янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда. Республика ҳудудларида ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

### 1.3.2-жадвал

#### **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида молиялаштириш йўналишлари бўйича янги иш ўринларини ташкил этишини ўзгариши, дона<sup>17</sup>**

№	Йўналишлар	2017 йил		2019 йил		2019 йилда 2017 йилга нисба- тан, %
		микдори, дона	улуси, %	микдори, дона	улуси, %	
I	Барча йўналишлар бўйича яратилган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни) шу жумладан:	242025	100	279742	100	115,6
1.1	Йирик лойиҳалар (давлат ва хўжалик бошқаруви органлари)	29548	12,2	37481	13,4	1,268

<sup>17</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

1.2	Кичик лойиҳалар (маҳаллий лойиҳалар, ўз маблағи хисобига кредит олмасдан)	105320	43,5	121070	43,3	1,150
1.3	Фаолият кўрсатма-ётган, самарасиз фойдаланаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизида	10319	4,3	12757	4,6	1,236
1.4	Давлат бюджети маблағлари ва давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ишга тушадиган ижтимоий ва бошқа объектлар	13813	5,7	15384	5,5	1,114
1.5	Хунармандчиликни ривожлантириш	17413	7,2	21788	7,8	1,251
1.6	Кредит бериш ҳамда жамғармаларнинг маблағлари хисобига ташкил этиладиган иш ўринлари	65612	27,1	71262	25,5	1,086

1.3.2-жадвал маълумотларига асосан мамлакатимиз қишлоқ худудларида ташкил этилган иш ўринларининг 43,3 фоизи кичик лойиҳалар (маҳаллий лойиҳалар, ўз маблағи хисобига кредит олмасдан) хисобидан яратилган. Қишлоқ худудларида яратилган иш ўринлари кредит бериш ҳамда жамғармаларнинг маблағлари хисобига ташкил этиладиган иш ўринлари (27,1%), йирик лойиҳалар (12,2%), хунармандчиликни ривожлантириш (7,2%), давлат бюджети маблағлари ва давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ишга тушадиган ижтимоий ва бошқа объектлар (5,7%), фаолият кўрсатма-ётган, самарасиз фойдаланаётган бинолар

ва қурилиши туталланмаган объектлар негизида (4,3%) янги иш ўринлари ташкил этилган.

1.3.3-жадвал маълумотларига кўра, республикамиз қишлоқ худудларида 2019 йилда кредит бериш ҳамда жамгармаларнинг маблағлари ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш манбалари бўйича жами ташкил этилган иш ўринларининг 57,7%и – тижорат банклари маблағлари ҳисобидан, 15,5%и – «Yoshlar-kelajagimiz» жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 14,2%и – фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 6,7%и – Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 5,8%и – янги иш ўринлари ташкил этишини рағбатлантириш худудий жамгармалари маблағлари ҳисобидан ташкил этилган.

1.3.3-жадвал  
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларида кредит бериш ҳамда жамгармаларнинг маблағлари ҳисобига янги ташкил этиладиган иш ўринларини ўзгариши, дона<sup>18</sup>

№	Йўналишлар номи	2017 йил		2019 йил		2019 йилда 2017 йилга нисбатан, %
		микдори, дона	улуши, %	микдори, дона	улуши, %	
I	Кредит бериш ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринлари, шу жумладан:	65612	100	71262	100	108,6
1.1.	Тижорат банклари маблағлари ҳисобидан	37717	57,6	41104	57,7	109,0

<sup>18</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

1.2.	Бандликка кў- маклашиш дав- лат жамғармаси маблағлари хисобидан	4438	6,6	4782	6,7	108,8
1.3.	Янги иш ўрин- лари ташкил этишин рағбат- лантириш худу- дий жамғар- малари маб- лаглари хисобидан	3634	5,7	4156	5,8	114,4
1.4.	Фермер, дехқон хўжаликлари ва томуорка ер эгаларини кўллаб-кув- ватлаш жам- ғармаси маб- лаглари хисо- бидан	9543	14,4	10155	14,2	106,4
1.5.	«Yoshlar-kela- jagimiz» жам- ғармаси маблағлари хисобидан	10279	15,7	11064	15,5	107,6

Турли давлат ва маҳаллий дастурларни инвестициялари, кредитлар ва жамғармалар хисобидан қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш каби тармоқларда янги иш ўринлари ташкил этилган ва уларнинг қишлоқ иқтисодиётидаги улуши 55,5 %га тенг.

Нокишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этилишига асосий иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ташкилий-ҳукукий омиллар бевосита таъсири (1.3.2-расм).

Нокишлоқ хўжалиги тармоқларида қайта ишлаш саноати етакчи ўринлардан бирига эга бўлганлиги учун эконометрик тадқиқот обьекти сифатида дастлабки адекват моделлар тузилди.

**Қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда янги иш жойларини ташкил этишининг асосий омиллари**



**1.3.2-расм. Қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда янги иш жойларини ташкил этишига таъсир этувчи асосий омиллар<sup>19</sup>**

<sup>19</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Бунинг учун авваламбор қайта ишлаш саноатида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларда иш билан бандликни таъминлашнинг эконометрик моделини тузишга таъсир этувчи омиллар танлаб олинди (1.3.4-жадвал).

#### 1.3.4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларининг қайта ишлаш саноатида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларда аҳоли иш билан бандлигини таъминлашни асосий омиллари<sup>20</sup>**

Натижавий кўрсаткич: Қайта ишлаш саноатида иш билан бандлар сони (минг киши) – Y	
Омиллар	Белги
Кишлоқла иқтисодий фаол аҳоли сони (минг киши)	X <sub>1</sub>
Кишлоқда ишсизлик даражаси (%)	X <sub>2</sub>
Кишлоқ худудларида қайтадан яратилган, реконструкция қилинган қайта ишлаш саноати корхоналари сони (дона)	X <sub>3</sub>
Кишлоқда иш билан бандлар (минг киши)	X <sub>4</sub>
Кишлоқда иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан бандлар (минг киши)	X <sub>5</sub>
Кишлоқда иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар (минг киши)	X <sub>6</sub>
Кишлоқ жойларда саноат тармоғида банд бўлганлар ўлуши (%)	X <sub>7</sub>
Кишлоқ худудларида молиялаштириш йўналишлари бўйича яратилган иш ўринлари миқдори (дона)	X <sub>8</sub>
Иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд. сўм)	X <sub>9</sub>
Кишлоқ худудлари ҳиссасига тўғри келадиган ялпи саноат маҳсулоти ҳажми (млрд. сўм)	X <sub>10</sub>

Ушбу омилларнинг натижавий омилга таъсирини аниқлаш учун корреляцион-регрессион таҳлил усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу эса жуфт корреляция коэффициентларини хисоблаш йўли билан аниқланади. Бу усул, бизга, бир-бирини такрорлайдиган ва натижавий омил билан кучсизроқ боғланишда бўлган омилларни тузилаётган эконометрик моделга киритмаслик имконини беради.

F- Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати ( $F_{\text{ҳақиқий}}$ ) мезоннинг критик ( $F_{\text{жадв}}(a; k; n-k-1)$ ) қиймати билан таққосланади. Агар

<sup>20</sup> Муаллифлар томонидан тузилган.

Ехакикий  $> F_{\text{жадвал}}$  бўлса, у холда аниқланган модел аҳамиятли ҳисобланади.

### 1.3.5-жадвал

#### Моделнинг сифати ва аҳамиятини текшириш мезонлари<sup>21</sup>

Кўп омилли корреляция коэффициенти R	Кўп омилли детерминация коэффициенти R-квадрат	Корректлаштирилган R-квадрат	Баҳолашнинг стандарт хатоси	F-ҳакиций	P-кыймат	DW
0,978	0,957	0,928	0,71995	32,136	$4,4 \cdot 10^{-6}$	2,3

Аҳоли иш билан бандлиги даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили орқали ишлаб чиқилган моделда F- Фишер мезонининг ҳакиций киймати  $F_{\text{ҳакиций}}=32,136$ . Шунингдек эркинлик даражалари сони сурат бўйича  $\gamma_1=7$  ва маҳраж бўйича  $\gamma_2=10$  га teng бўлганда, Фишер мезонининг жадвал киймати (моҳиятлик даражаси  $p=0,95$ да) учун  $F_{\text{жадвал}} =3,14$ . Демак, ҳосил қилинган кўп омилли регрессия тенгламамиз аҳамиятли ҳисобланади (1.3.5-жадвал).

Демак, регрессия тенгламасига киритилган омиллар юқори аҳамиятли, аҳамиятли, нисбатан аҳамиятли ва аҳамиятсиз ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, моделизига киритилган юқори аҳамиятли ва аҳамиятли омилларни алоҳида ажратиб кўрсатдик (1.3.6-жадвал).

1.3.6-жадвални таҳлил килсак,  $x_2$ ,  $x_4$ ,  $x_5$ омиллар статистик жиҳатдан аҳамиятли,  $x_1$ ,  $x_7$ ,  $x_8$  ва  $x_9$ омиллар эса юқори аҳамиятли эканлигини кўриш мумкин. Ушбу асосий омиллар асосида қилинган ҳисб-китобларга кўра эконометрик моделга кўра қўйидаги кўринишда бўлди:

$$Y = 127,74 - 0,0048 \cdot x_1 + 0,0237 \cdot x_2 + 0,0012 \cdot x_4 + 0,0186 \cdot x_5 + 0,0008 \cdot x_7 + 1,089 \cdot x_8 + 0,0003 \cdot x_9$$

<sup>21</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

## 1.3.6-жадвал

**Чизиқли регрессион моделга киритилган аҳамиятли омиллар\***

	Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-мезон	Р-микдор
	B	Стандарт хато	Бета		
(Константа)	127,7354	7,4733		17,092	0,000000010
X <sub>1</sub>	-0,0048	0,0011	-3,265	-4,562	0,001039452
X <sub>2</sub>	0,0237	0,0150	0,391	1,580	0,145160510
X <sub>4</sub>	0,0012	0,0011	0,291	1,131	0,284489223
X <sub>5</sub>	0,00186	0,0010	0,449	1,907	0,085630350
X <sub>7</sub>	-0,0008	0,0002	-7,106	-4,611	0,000964134
X <sub>8</sub>	1,089	0,2738	1,213	3,978	0,002611225
X <sub>9</sub>	0,0003	0,0001	7,316	4,387	0,001362917

\* Манба: муаллифлар хисоб-китоблари асосида хисобланган.

Мазкур амалий эконометрик тадқиқотлар қайта ишлаш саноатидан бошқа нокишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринлари ва уларда ахолини иш билан бандлигининг яқин келажакдаги прогноз кўрсаткичларини аниқлашда қўлланилди.

Республикамиз нокишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринлари ва уларда иш билан банд бўладиган аҳоли кўрсаткичларини аниқлаш юзасидан хисоб-китоблар 2019 йил ва истиқболдаги 2020-2025 йиллар учун **амалий эконометрик моделлардан** фойдаланган ҳолда ўтказилди (1.3.7-жадвал).

**1.3.7-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда янги иш ўринлари ва уларда иш билан банд бўлганлар прогнози\***

№	Ноқишлоқ ҳўялиги тармоқлари номи	Кўрсаткичлар ва уларнинг ўлчов бирликлари	2019 й. (хисобот йили)	Прогноз даври						2025 йилда 2019 йилга нисбатан, + ; -
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
I	Ноқишлоқ ҳўялиги тармоқларида – жами, шу жумладан:	янги иш ўринлари сони, дона	185492	196475	205211	236481	241827	249806	259874	+74382
		иш билан банд аҳоли, киши	225087	240751	255294	272795	296410	312031	320504	+95417
1.1	Қайта ишлаш саноати	янги иш ўринлари сони, дона	34036	38338	42684	50086	53038	56509	60291	+26255
		иш билан банд аҳоли, киши	41190	46983	51241	57732	65058	70659	74276	+33086
1.2	Курилиш ва курилиш материаллари тайёрлаш саноати	янги иш ўринлари сони, дона	28472	31335	33305	40370	42516	44423	47557	+19085
		иш билан банд аҳоли, киши	34438	38226	42360	46556	51570	55474	58674	+24236
1.3	Энергетика	янги иш ўринлари сони, дона	3414	3473	3454	3883	3821	3825	3898	+484

		иш билан банд аҳоли, киши	4052	4225	4287	4431	4732	4796	4810	+758
1.4	Транспорт ва алоқа	янги иш ўринлари сони, дона	8718	9225	9420	11667	11929	12506	13254	+4536
		иш билан банд аҳоли, киши	10579	11423	12406	13465	14971	15991	16351	+5772
1.5	Савдо ва умумий овқатланиш	янги иш ўринлари сони, дона	44887	46495	47745	54192	55073	56264	57172	+12285
		иш билан банд аҳоли, киши	54471	56477	59293	62503	67167	69701	70533	+16062
1.6	Уй-жой коммунал хўялиги	янги иш ўринлари сони, дона	4030	4385	4693	5451	5543	5878	6237	+2207
		иш билан банд аҳоли, киши	4952	5504	5875	6323	6974	7403	7694	+2742
1.7	Маиший хизмат кўрсатиш	янги иш ўринлари сони, дона	7874	7867	7835	8597	8318	8289	8316	+442
		иш билан банд аҳоли, киши	9454	9667	9735	9857	10194	10349	10259	+805
1.8	Соғлиқни саклаш	янги иш ўринлари сони, дона	13427	13884	14078	15684	15539	15845	16112	+2685
		иш билан банд аҳоли, киши	16206	16921	17572	18041	19057	19717	19877	+3671
1.9	Спорт ва ижтимоий таъминот	янги иш ўринлари сони, дона	2968	3280	3496	4060	4244	4389	4678	+1710

		иш билан банд ахоли, киши	3601	3935	4355	4686	5210	5590	5771	+2170
1.10	Маориф ва маданият	яңги иш ўрин- лари сони, дона иш билан банд ахоли, киши	18735	19019	19147	21125	20775	20845	21050	+2315
1.11	Молия, кредитлаш ва сугурта	яңги иш ўрин- лари сони, дона иш билан банд ахоли, киши	5390	5426	5382	5897	5738	5692	5717	+327
1.12	Бошқа тармоклар	яңги иш ўрин- лари сони, дона иш билан банд ахоли, киши	13541	13749	13974	15469	15294	15341	15592	+2051

\*Манба: муаллифлар хисоб-китоблари асосида тайёрланган

Қишлоқ ҳудудларида ноқишлоқ хўжалиги янги иш ўринлари сонининг истиқболдаги кўрсаткичларига эътиборимизни қаратсак, деярли барча тармоқларда ўсиш тенденцияси кутилмоқда.

Янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича юқори ўсиш суръатлари асосан қайта ишлаш саноати (+26255 та ёки 177,1%), курилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати (+19085 та ёки 167,0%), спорт ва ижтимоий таъминот (+1710 ёки 157,6%), уйжой коммунал хўжалиги (+2207 ёки 154,7%), транспорт ва алоқа (+4536 ёки 152,0%) да кузатилиши мумкин.

Республикамиз ҳудудларида амалга оширилаётган инвестицион сиёsat ва қишлоқ жойларда ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларининг кентгайиб бориши натижасида ушбу тармоқларда иш билан бандлар сони ҳам мунтазам ўсиб бормоқда. Натижада прогнозлаштирилаётган даврлар оралиғида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида иш билан бандлар сони 42,4%га ўсиши ёки 95417 кишига ошиши кўтилмоқда.

1.3.7-жадвалда келтирилган таҳлилий маълумотларга эътиборимизни қаратсак, қайта ишлаш саноатининг замонавий тармоқлари ривожланиши натижасида унда банд бўлганлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Хусусан, истиқболдаги даврда бу кўрсаткич 33086 кишига ошиши прогнозлаштирилмоқда. **Ноқишлоқ хўжалиги тармоқларидаги таркибий ислоҳотлар** натижасида қишлоқ ҳудудларида иш билан бандлар сонининг юқори суръатларда ошиши кутилаётган тармоқларга қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати (24236 киши), транспорт ва алоқа (5772 киши), савдо ва умумий овқатланиш (16062 киши), соглиқни саклаш (3671 киши), маориф ва маданият (3235 киши) кабилар кириши кутилмоқда. Шунингдек, иш билан бандлар сони молия, кредитлаш ва суғурта (252 киши), спорт ва ижтимоий таъминоат (4,9 %), майший хизмат (805 киши) соҳаларида нисбатан пастроқ ўсиш тенденциясига эга бўлиши прогнозлаштирилмоқда.

### 1.3.8-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган айрим қишлоқ туманларида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида иш билан бандликнинг прогнози, минг киши\***

№	Тармоқлар номи	Қорақалпогистон Республикаси						Жиззах вилояти					
		Беруний тумани			Элликкальба тумани			Зарбдор тумани			Пахтакор тумани		
		2019 йил хисобот		Прогноз даври		2019 йил хисобот		Прогноз даври		2019 йил хисобот		Прогноз даври	
		2020 йил	2025 йил	2020 йил	2025 йил	2020 йил	2025 йил	2020 йил	2025 йил	2020 йил	2025 йил	2020 йил	2025 йил
1	Иш билан бандлар – жами, шу умладан:	72,7	73,2	80,8	62,1	63,5	69,8	32,1	33,2	37,9	30,0	31,8	33,6
1.1	Ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида бандлар, Шундан:	43,6	43,9	48,5	37,3	38,1	41,9	19,3	19,9	22,7	18,0	19,1	20,2
1.1.1	Қайта ишлаш саноати	7,1	7,2	7,9	6,1	6,2	6,9	3,2	3,3	3,7	2,9	3,1	3,3
1.1.2	Курилиш ва курилиш материаллари тайёрлаш саноати	5,2	5,3	5,8	4,5	4,6	4,9	2,3	2,4	2,7	3,6	3,8	4,0
1.1.3	Хизмат кўрсатиш	26,6	26,6	29,6	22,7	23,2	25,6	11,7	12,0	13,9	9,6	10,2	10,7
1.1.4	Бошқа тармоқлар	4,7	4,8	5,2	4,0	4,1	4,5	2,1	2,2	2,4	1,9	2,0	2,2

\*Манба: жадвал маълумотлари муаллифлар ҳисоб-китоблари асосида амалга оширилган.

Республикамизнинг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларида ноқишлоқ хўжалиги соҳа ва

тармокларида иш билан бандликнинг истиқбол кўрсаткичларига назар солсак, ушбу кўрсаткич 2020-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,2 %га, Элликқалъа туманида – 12,3 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос равиша – 17,6 % ва 12,2 %га ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, мазкур кўрсаткич қайта ишлаш саноати бўйича 2020-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Элликқалъа туманида – 13,1 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос равиша – 15,6 % ва 13,8 %га ошиши мумкин.

Курилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,5 %га, Элликқалъа туманида – 8,9 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 8,9 %га, Пахтакор туманида – 11,1 %га ошиши прогнозлаштирилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Элликқалъа туманида – 12,8 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 18,9 %га, Пахтакор туманида – 11,5 %га ўсиши кутилмоқда (1.3.8-жадвал).

Мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларида нокишилоқ хўжалиги соҳа ва тармоқларида иш билан бандликнинг прогноз параметрлари бўйича 2020-2025 йилларда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,6 %га, Ургут туманида – 7,8 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шахрисабз туманларида мос равиша – 10,7 % ва 14,0 %га ошиши кутилмоқда. (1.3.9-жадвал).

Шунингдек, қайта ишлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,4 %га, Ургут туманида – 12,4 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 10,8 %га, Шахрисабз туманида – 14,4 %га ўсиши истиқболда кутилмоқда.

Курилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,3 %га, Ургут туманида – 7,7 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шахрисабз туманларида мос равиша – 18,5 % ва 9,1 %га ошиши прогнозлаштирилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,7 %га, Ургут туманида – 6,6 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 9,2 %га, Шахрисабз туманида – 14,6 %га ўсиши кутилмоқда.

1.3.9-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўнглилган айрим қишлоқ туманларида ноқишлоп хўжалиги тармоқларида иш билан бандликнинг прогнози, минг киши<sup>22</sup>**

№	Тармоқ лар номи	Самарқанд вилояти						Қашқадарё вилояти					
		Пастдарғом тум.			Ургут тум.			Китоб тум.			Шаҳрисабз тум.		
		2019 йил (хисобот)	Прогноз даври	2025 йил									
1	Қишлоқ жойлари да иш билан бандлар сони – жами, шу жумладан:	111,9	113,7	118,1	169,6	172,1	182,8	97,2	99,5	107,6	78,7	80,6	89,7
1.1	Ноқишлоп хўжалиги тармоқларида бандлар, шундан:	78,3	79,6	82,7	118,7	120,5	128,0	68,0	69,6	75,3	55,1	56,4	62,8
1.1.1	Қайта ишлаш саноати	12,8	13,1	13,5	19,4	19,7	21,8	11,1	11,7	12,3	9,0	9,4	10,3
1.1.2	Курилиш ва қурилиши материаллари тайёрлаш саноати	9,4	9,5	9,9	14,2	14,4	15,3	8,1	8,3	9,6	6,6	6,7	7,2
1.1.3	Хизмат кўрсатиш	47,7	48,5	50,4	72,4	73,5	77,2	41,5	42,1	45,3	33,6	34,2	38,5
1.1.4	Бошқа тармоқлар	8,4	8,5	8,9	12,7	12,9	13,7	7,3	7,5	8,1	5,9	6,1	6,8

Республикамиз қишлоқ худудларидағи қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиши материаллари тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш

<sup>22</sup> Манба: жадвал маълумотлари муаллифлар хисоб-китоблари асосида амалга оширилган.

сатиш ва бошқа тармоқлардаги янги иш ўринларини яратиш асосида меңнатта лаекатли қишлоқ ақолисининг норасмий иш билан банд-лигини камайтириш таъминлашнинг 2020-2025 йиллар учун прогноз параметрларига эришиш учун куйидаги **асосий тадбирларни** амалга ошириш зарур:

- қишлоқ жойларида кафолатланган инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринларини яратиш;
- қишлоқ жойларда ноқишлоқ хўжалиги иш жойларини яратишни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига субсидиялаш;
- қишлоқ ҳудудлари хусусиятларига кўра қайта ишлаш саноати, курилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиши ва бошқа тармоқларда инвестицион жозибадорликни ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва саклаш бўйича мавжуд иш ўринларини реконструкция қилиш;
- қишлоқ ҳудудларида агротуризм индустриясини ташкилий-иктисодий қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиши соҳасида кўп маблағ талаб қилмайдиган, кўпроқ аёллар учун мўлжалланган иш ўринларини яратиш;
- ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари иш ўринларида самарали фаолият кўрсатиши учун пассажир транспорти, суғурталанган медицина хизматлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма обьектларини кафолатланган фаолиятларини ташкил этиш;
- ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринлари ташкил этишини кўпайтиришга йўналтирилган янги институтларнинг пайдо бўлиши (лизинг, агентликлар, аутсорсинг) учун ташкилий-хукукий жихатдан шарт-шароитлар яратиш.

Юкорида қайд этилган асосий самарали чора-тадбирларни сифатли ижросини таъминлаш негизида қайта ишлаш саноати, курилиш ва қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, транспорт, энергетика, хизмат кўрсатиши каби бошқа ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятлари учун зарурый иктиносидий, техникавий, ижтимоий, ташкилий ва ҳукукий шароитларни яратиш асосида **норасмий иш билан бандлик даражасини кескин камайтиришга** эришиш мумкин.

## **П. ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИ СТРАТЕГИК ЙҰНАЛИШЛАРИ.**

### **2.1. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чыкаришида ёшлар учун янги иш үрнеларини ташкил этиш яқин истиқболлари**

Ёшлар ўртасида ишсизлик күрсаткічларининг юқори даражада сақланиб қолаёттанлиги күпчилик мамлакатларда ижтимоий-иктисодий бекарорликни көлтириб чыкарувчи омилга айланмоқда. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра дунёда ишсизлар сони 2018 йил – 203,8 млн. кишини, 2019 йил – 206,6 млн.кишини ташкил этди. Шундан тахминан 30 фоизи, яъни, 62,0 млн.га яқинини ёшлар ташкил этади<sup>23</sup>.

Мамлакатимизни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ахоли ўсишининг демографик прогнози ҳисобланған. Унга кўра, 2030 йилга бориб ахоли сони 39,5 млн.ни ташкил қиласы, меҳнатта лаёқатли ахоли сони 23,5 млн.дан ошади, шу жумладан ёшлар сони 7,8 млн. нафарга кўпаяди. Бу кўрсаткіч асосан қишлоқ ёшлари ҳисобидан ортади.

Бугунги кунда республика қишлоқ ҳудудларыда ахолининг, айниқса ёшларнинг (16-30 ёшдагилар) иш билан бандлигини таъминлашда амалий ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Қишлоқ ахолиси меҳнат ресурслари таркибида ёшлар улушы юқори эканлиги, қишлоқ ёшларининг иктисодий фаоллик ва иш билан бандлик даражасининг пастлиги, қишлоқ хұжалигыда ташкил этилган иш жойларининг асосий қисми қисқа муддатли ва мавсумий характеристерге эгалиги, иш билан банд бўлган ёш ахолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги, хориждан инвестицияларни жалб этиш бўйича фаол ҳаракатнинг сустлиги,

<sup>23</sup> World Employment and Social Outlook Trends 2017 (WESO).P.6. Электронманба://www.ilo.org

қайта ишлаш, ижтимоий инфратузилма ва касаначилик соҳасида иш жойларини кўпайтириш имкониятларининг тўлиқ ишга солин-маётгандиги, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни молиялаштириш ва хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг суст ривожланаётгандиги ҳамда ташки ва ички меҳнат миграциялари яхши ташкил этилмагандиги ва бунинг натижасида қишлоқ ёшларининг якин кўшини давлатларга, асосан Россия ва Қозогистон давлатларига мустакил иш излаб чикиб кетишларининг ҳамон кўпаяётгандигида кузатилади. Бу эса меҳнатга лаёқатли ахолининг, айниқса ёшларининг иш билан таъминланиш даражаси ҳолатида ўз аксини топади.

Қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли ахолини иш билан банддиги методологиясининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ёшлар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи омиллар таҳлили ва уларни таъсир кўламини тадқиқ этиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишга ташкилий, институционал, иқтисодий, демографик ва ижтимоий омиллар бевосита таъсир кўрсатади (2.1.1-расмга қаранг).


Иқтисодий фаол ахоли таркибидаги ёшлар учун қишлоқ хўжалигига янги иш ўринларини ташкил этишда асосий **иқтисодий омиллар** етакчи ўринни эгаллайди. Улар орасида кафолатланган тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат миқёсида қишлоқ туманларида меҳнат бозорини тартибга солиш юзасидан: молия-кредит, таркибий иқтисодий ислоҳотлар, инвестицион, солик, ташки иқтисодий сиёсатларни мувофиқлаштириш каби иқтисодий воситалар муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, худудий миқёсда қишлоқ жойларда ёшлар учун иқтисодий жиҳатдан мос иш ўринларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини ташкил этишга инвестиция, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлаш ҳамда худудий бандлик жамғармасидан оқилона фойдаланиш каби омиллар ўринли таъсир кучига эга. Микроиқтисодий даражада: қишлоқ хўжалиги корхоналарида кадрларни бошқариш, танлаш тизимлари ва фирма ичидаги кенг ихтисослик бўйича касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кадрлар сифатини ошириш, иш ҳақи, солик имтиёzlари, инвестициялашни ички манбаидан фойдаланиш сингари омиллар ўта муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ жойларда ёшлар учун қишлоқ хўжалигида янги иш ўринларини ташкил этишда асосий **ташкилий омиллар** ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатини аниқлаш асосида янги иш ўринлари ташкил этишнинг оптимал параметрларини белгилашга бевосита таъсир кўрсатади. Улар таркибидаги: иш куни давомийлигини камайтириш; ёшлар учун бир кишига мўлжалланган иш ўрнининг ўриндошлик билан ишлаш имкониятларини чеклаш; худудда ёшлар бўйича ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасидаги нисбатдан келиб чиқиб, бозор мувозанатига эришишнинг худудий усусларини жорий этиш; қишлоқ хўжалиги корхоналарини рағбатлантириш тизими, тўлов ва тўловсиз таътилларни жорий этиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш каби омиллар муҳим таъсир кучига эга.

Шунингдек, қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этишга таъсир этувчи **институтционал омиллар** ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида: ҳуқуқий норма ва қонунлар, меҳнат шартномалари, мамлакат миқёсида меҳнат бозори фаолияти бўйича координацияни амалга ошириш; меҳнат бозори инфратузилмасини ташкилий-иктисодий ва ташкилий-бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш; худудий бандлик ва "Yoshlar-kelajagimiz" жамғармаси; бандликка кўмаклашиш муниципал органлари фаолиятини ривожлантириш, нодавлат бандлик хизматлари ассоциацияларини шакллантириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи **ижтимоий омиллар** мазкур жараёнда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни юқори босқичга чиқаради. Улар орасида ижтимоий меҳнат муносабатларни янги шаклларини жорий этиш, ижтимоий кафолат, яшаш даражаси, уни сифати ва меҳнат фаолияти даражасини кўтариш мақсадида ижтимоий таъминот, худудий миқёсда қишлоқ ёшлари ўргасида ишисизликни камайтириш, ишсиз ёшларни касбга йўналтириш, касбий тайёргарлик, меҳнат фаолиятига кўникитириш, ишни таълим жараёни билан қўшиб олиб бориш имкониятларини яратиш, ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш жараёнини ва ижодий меҳнатни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш учун шароит яратиш каби омиллар самарали таъсир кучига эга.

**Кишилук хұжалиғи ишлаб чыгарында ёштар үчүн яни иш үриндердегі тапкил этишиннің ассоциациялары**



2.1.1-расм. Күншілук хұжалығи ишлаб чыкаришида юштар үчүн жиғиттің ассоциациялары\*

\* Манба: myaziliyofdar.togomoni.ru и shlab.chikilash.

Янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи **демографик омиллар** қишлоқ ёшлари ишчи кучининг табиий ҳаракати ва иш билан бандлик таркибидаги табиий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Қишлоқ жойларида аҳоли сони, жинси ва ёши, аҳоли сони динамикаси ва зичлиги, унинг табиий ўсиши, қишлоқ меҳнат ресурслари ва таркиби, аҳолининг ўртача ёши, аҳоли умумий сонида ёшларнинг ҳиссаси, ёшлар ўртасидаги ички ва ташқи миграция каби омиллар қишлоқ жойларда ишсиз ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда сезиларли таъсир кўрсатади.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланишинг ҳозирги босқичида қишлоқ ёшларнинг иш билан таъминлаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Республика қишлоқ аҳолисининг ўртача ёши буғунги кунда 25,6 ёшни ташкил этмоқда. Республикамиз бўйича қишлоқ ёшларнинг жами аҳоли таркибидаги улуши эса 2019 йилда 27 %ни ташкил этмоқда. 2019 йилда қишлоқ меҳнат ресурслари сони 9,4 млн. кишига етди, шундан, 16 ёшдан 30 ёшгacha бўлганлар 2,6 млн.ни ташкил этади. Иктисолиёт тармоқларида банд бўлганлар сони қишлоқ жойларда 6,8 млн кишини ташкил қилди (ўтган йилга нисбатан 102 фоиз), шундан 2,4 млн. нафари ёшлардир.

Тадқиқот натижаларига кўра, ишсизлик даражаси 2019 йилда иктисолий фаол аҳолига нисбатан 9,0 фоизни ташкил этган, бу эса 2018 йилга нисбатан 0,3 фоизга пасайланглигини кўрсатади. Ишга муҳтож бўлган қишлоқ ёшлари сони 360,0 мингни ташкил этди, 16-30 ёшли қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизлик даражаси 15 фоиздан иборат бўлди<sup>24</sup>.

2020 йил - “Илм, маърифат ва ракамли иктисолиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида ҳукumat жорий йилда турли йўналишлардаги лойиҳаларнинг **кафолатланган маблағлари хисобидан 500 мингта янги иш ўрни ташкил** этишини таъминлаши режалаштирилган. Бу иш ўринларини аксарияти қишлоқ ҳудудларида ташкил этилади ва уларнинг салмоқли қисмida ёшлар фаолият кўрсатишади.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Қишлоқ иқтисодиётта ёшлар ишчи кучининг фаоллиги иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу айниқса саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида иш ўринларини ташкил этиш чекланган, лекин қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кўпроқ янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятлари мавжуд бўлган қишлоқ жойлардаги ёшлар меҳнатида яққол кўринади.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ аҳолисининг, айниқса ёшларнинг самарали иш билан бандлигини таъминлаш учун оптимал иқтисодий бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этишини самарали механизмларини татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Замонавий бошқарув тизими эса иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг келгусидаги ҳолати ҳамда кўламини аниқлашда ишончли усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этади.

Замонавий ва юкори адекватликка эга эконометрик моделларни ва уларга тегишли амалий дастурлар пакетларини кўллаш асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаларида қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли прогнози аниқланди (2.1.1-жадвал).

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларида қишлоқ ёшлар учун истиқболда янги иш ўринлари ташкил этилиши 2019 йил ҳисобот даврида жами 37701 тани ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 146,5 фоизга ёки 17520 тага ошиши кутилмоқда. Ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилиши прогнозининг мазкур кўрсаткичи республикамизда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги кластерларида 2019 йил ҳисобот даврида жами 26390 тани ташкил килган ҳолда, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 151,7 фоизга ёки 13646 тага ошиши прогноз этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг пахтачилик-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, агротуризм, доривор ўсимликлар, чорвачилик, инпакчилик, ва балиқчилик каби кластерларида хам янги иш ўринларининг ташкил этилиш миқдори 1.5 марта ортиши мўлжалланмоқда.

2.1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилиши ва уларда ишловчиларнинг прогнози<sup>25</sup>**

№	Кишлоқ хўжалиги соҳалари номи	Кўрсаткичлар ва уларнинг ўлчов бирликлари	2019 й. (хисоб-бот)	Прогноз даври						2019-2025 й.й.да ўзга-риш, + ; -
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
I.	Кишлоқ хўжалиги бўйича-жами, шу жумладан:	янги иш ўринлари, дона	37701	40189	42842	45669	48683	51897	55221	+ 17520
		ишловчилар, киши	41471	44996	48820	52970	57472	62357	66265	+ 24794
1.1.	Кишлоқ хўжалиги кластерлари бўйича – жами, шундан:	янги иш ўринлари, дона	26390	28342	30440	32693	35112	37710	40036	+ 13646
		ишловчилар, киши	29029	31728	34679	37904	41429	45282	48042	+ 19013
1.1.1	Пахтачилик-тўқимачилик	янги иш ўринлари, дона	11347	12186	13088	14057	15097	16214	17215	+ 5868
		ишловчилар, киши	12483	13643	14912	16299	17815	19472	20658	+ 8175
1.1.2	Галлачилик	янги иш ўринлари, дона	2111	2267	2435	2615	2808	3016	3203	+ 1092
		ишловчилар, киши	2322	2538	2774	3032	3314	3622	3843	+ 1521
1.1.3	Чорвачилик	янги иш ўринлари, дона	3959	4248	4558	4891	5248	5631	6005	+ 2046

<sup>25</sup> Манба: жадвал муаллифлар хисоб-китоблари асосида тайёрланган.

		ишловчилар, киши	4354	4759	5201	5685	6214	6792	7206	+ 2852
1.1.4	Мева-сабзавотчилик	янги иш ўринлари, дона	6598	7086	7610	8174	8778	9428	10009	+ 3411
		ишловчилар, киши	7257	7932	8669	9476	10357	11320	12011	+ 4754
1.1.5	Ипакчилик	янги иш ўринлари, дона	792	850	912	978	1050	1126	1201	+ 409
		ишловчилар, киши	871	952	1040	1137	1243	1358	1441	+ 570
1.1.6	Балиқчилик	янги иш ўринлари, дона	660	708	760	815	875	938	1001	+ 341
		ишловчилар, киши	726	793	867	948	1036	1132	1201	+ 475
1.1.7	Агротуризм	янги иш ўринлари, дона	528	567	609	654	702	754	801	+ 273
		ишловчилар, киши	581	635	694	758	829	906	961	+ 380
1.1.8	Доривор ўсимликлар	янги иш ўринлари, дона	396	425	456	490	527	566	601	+ 205
		ишловчилар, киши	435	476	520	569	623	681	721	+ 286
1.2	Кишлоқ хўжалиги кооперациялари	янги иш ўринлари, дона	1923	2019	2120	2226	2337	2454	2596	+ 673
		ишловчилар, киши	2115	2244	2381	2526	2680	2843	3015	+ 900
1.3	Кишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, дехқон ва бошқа хўжаликлари	янги иш ўринлари, дона	9388	9848	10330	10836	11367	11924	12590	+ 3202
		ишловчилар, киши	10327	11019	11757	12545	13385	14282	15208	+ 4881

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперацияларида (135,0%) ҳамда қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, деҳқон, фермер ва бошқа соҳаларида (138,4%) қишлоқ ёшлари учун истиқболда янги иш ўринлари ташкил этилиши суръатлари ўсади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги бўйича 2019 йил ҳисобот даврида ишловчи қишлоқ ёшлари сони жами 41471 нафарни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 159,8 фоизга ёки 24794 нафарга ошиши, қишлоқ хўжалиги кластерлари бўйича эса жами 29029 нафарни ташкил этган ҳолда, мазкур кўрсаткич 2025 йилга келиб 165,5 фоизга ёки 19013 нафарга ошиши прогноз этилмоқда. Бунда, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик-тўқимачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, доривор ўсимликлар, ишакчилик, балиқчилик, ва агротуризм каби кластерларида ишловчилар сони 1.7 марта га ортиши мўлжалланмокда.

Ҳисоб-китобларга кўра, прогноз даврида (2020-2025 йилларда) қишлоқ хўжалиги кооперациялари ва қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, деҳқон ва бошқа хўжаликларида қишлоқ ёшлари учун истиқболда янги иш ўринлари ташкил этилиши кўрсаткичи мос ҳолда 673 тага ёки 135,0 %га ва 3202 тага ёки 134,1 %га ошиши, ишловчи қишлоқ ёшлари сони эса мос ҳолда 900 нафарга ёки 142,6 %га, 4881 нафарга ёки 147,3 % га ўсиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг мазкур соҳаларида яқин келажакда қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этилиши бўйича кўрсаткичларнинг ўсиши куйидаги **қатор омилилар** таъсирида юзага келади, хусусан:

- пахтачилик ва ғаллачилик кластерларида маҳсулотларни сотишда эркин бозор механизмларининг жорий этилиши натижасида иктиносидий манфаатдорлигини ошиши;

- боғдорчилик, узумчилик ҳамда мева-сабзавот ва полизчилик маҳсулотларини яқин ва узоқ хориж мамлакатларига экспорт килиниши бўйича давлат қўллаб қувватловининг йил сайин ортиб бораётганлиги;

- республикамизда гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабнинг етарлича қопланмаётганлигини бартараф этиш бўйича ҳукуматимиз томонидан қатор вилоятларда чорвачилик кластерларини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва х.к.

Булар барчаси яқын келажақда қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хұжалиги соҳаларида янги иш ўринларига бўлган эҳтиёж дараҗасини янада оширади.

Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши соҳаларининг ривожланишида кластерли ёндашувнинг ахамияти катта бўлиб, у меҳнат сигими юқори бўлган қишлоқ хұжалиги соҳаларини ривожлантириш, уларда янги иш ўринларини ташкил этиш, айниқса, қишлоқ ишсиз ёшларини иш билан таъминлашнинг кенг имкониятини беради. Шу жиҳатдан, қишлоқ хұжалиги тармоғи соҳаларида мазкур муаммоларни ҳал қилишининг самарали усулларидан бири сифатида қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришга **ихтисослашган кластерларда** янги иш ўринларини ташкил этиш муҳим ахамиятга эга. Бу эса айниқса, куйи бўғинларда қишлоқ хұжалиги янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш асосида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлайди.

Шунинг учун лойиҳанинг тадқиқот обьекти ҳисобланган меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Ургут туманлари, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шахрисабз туманлари ҳамда меҳнат ресурслари билан кам таъминланган Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Элликқалъя туманлари, Жizzах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманлари қишлоқ хұжалиги соҳаларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилишининг яқын келажақдаги прогноз кўрсаткичлари аниқланди ва улар мазкур обьектларда иқтисодий ўсишга бевосита таъсир курсатади. (2.1.2 ва 2.1.3-жадваллар).

2.1.2-жадвал бўйича таҳлилларга кўра, меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Пастдарғом, Ургут, Китоб ва Шахрисабз туманларининг қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши соҳалар бўйича янги иш ўринлари миқдори 2020-2025 йиллар учун прогноз даврида мос равишда 112,7%, 108,3%, 108,9% ва 108,8%га, ишловчилар сони эса мос ҳолда 112,6%, 108,2%, 108,5%, ва 108,7% ўсишни кутилмоқда. Шундан, танланган қишлоқ туманлари қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари миқдори 2020-2025 йиллар прогноз даврида мос равишда 112,6%, 108,4%, 108,9% ва 114,0%ни, ишловчилар сони эса мос ҳолда 112,3%, 108,3%, 108,9%, ва 113,2% ўсиши прогноз этилмоқда.

**2.1.2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган айрим тумандаридаги кишлоп хўжалини соҳаларида ёшлар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчиликнинг прогнози<sup>26</sup>**

№	Кишилоп хўжалини соҳалари номи	Кўрсақтигинлар ва уларнинг ўқлов биринклари	Самардакни вилояти				Кашкадарё вилояти							
			Пастдаргом тумани		Ургут тумани		Китоб тумани		Кашкадарё гумани					
			2019 прогноз й.	2019 двари й. (хисо- бот)	2019 прогноз двари й. (хисо- бот)	2019 прогноз двари й. (хисо- бот)	2019 прогноз двари й. (хисо- бот)	2019 прогноз двари й. (хисо- бот)	2019 прогноз двари й. (хисо- бот)					
1	Кишилоп хўжалиги бўйича - жами, шу жумладан:	Янги иш ўринлари, дона	400	457	515	387	422	457	320	350	381	310	340	370
1.1	ёшлилар учун – жами, иҷроёдан:	Ишловчиликар, киши	458	523	589	443	483	523	366	401	435	354	389	423
1.1.1	кишилоп хўжалиги классерлари	Янги иш ўринлари, дона	180	206	232	174	190	206	144	157	171	142	164	187
1.1.1.2	кишилоп хўжалиги кооптеризацияри	Ишловчиликар, киши	206	236	265	199	217	235	165	180	196	159	182	206
1.1.1.3	кишилоп хўжалигини шахсий томорка, дархон ва бончика хўжаликлари	Янги иш ўринлари, дона	117	134	151	111	123	134	93	101	110	90	100	109
		Ишловчиликар, киши	134	153	172	129	140	151	105	115	125	100	112	125
		Янги иш ўринлари, дона	9	11	12	11	12	14	10	11	13	12	14	16
		Ишловчиликар, киши	11	12	14	13	15	16	13	15	17	15	17	19
		Янги иш ўринлари, дона	54	61	69	52	55	58	41	45	48	40	48	56
		Ишловчиликар, киши	62	70	79	57	62	68	47	50	54	44	53	62

<sup>26</sup> Муаллифлар хисоб-китоблари асосида тайёрланган.

Бунда, қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этилишининг энг юкори кўрсаткичи Пастдарғом туманида (128,8 %), энг пасти эса Ургут туманида (118,1 %) кутилмоқда.

Шунингдек, танланган қишлоқ туманлари қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги кластерларida янги иш ўринлари ташкил этилиши яқин истиқболдаги 2025 йилда хисобот давридаги 2019 йилга нисбатан мос равишда 129,1 %, 120,7 %, 118,3 % ва 121,1 %га, ишловчилар сони эса мос ҳолда 128,4 %, 117,1 %, 119,0 % ва 125,0 %га ошиши прогноз этилмоқда.

Бунда, қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги кластерларida янги иш ўринлари ташкил этилишининг энг юкори прогнози Пастдарғом туманида (129,1 %), энг паст кўрсаткич эса Китоб туманида (118,3 %) кутилмоқда.

Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг танланган қишлоқ туманлари қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги кооперациялари ҳамда қишлоқ хўжалигининг шахсий томорка, дехқон ва бошқа хўжаликларида янги иш ўринлари ташкил этилиши яқин истиқболдаги 2025 йилда хисобот давридаги 2019 йилга нисбатан 111,5 - 140,0 фоизлар оралиғи диапазонида, ишловчилар сони эса 114,9 - 141,0 фоизлар оралиғи диапазонида ошиши таҳмин этилмоқда.

2.1.3-жадвал бўйича таҳлилга кўра, меҳнат ресурслари билан кам таъминланган Беруний, Элликқалъа, Зарбдор ва Паҳтакор туманларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳалари учун истиқболда янги иш ўринлари 2020-2025 йиллар прогноз даврида мос равишда 131,4% , 117,8% 119,0% ва 128,3% ни ишловчилар сони эса мос ҳолда 120,3% ,117,7%, 119,0% ва 127,9% ўсиши кутилмоқда. Шундан, танланган қишлоқ туманлари қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари микдори 2020-2025 йиллар прогноз даврида мос равишда 120,0%, 123,6%, 123,7% ва 133,3% ишловчилар сони эса мос ҳолда 127,7%, 127,8%, 125,0% ва 128,2% ўсиши кутилмоқда.

Бунда, қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этилишининг энг юкори прогнози Паҳтакор туманида (200,0 %), энг паст кўрсаткич эса Элликқалъа туманида (161,7 %) кутилмоқда.

**2.1.3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган айрим туманларидаги киплок хўжалиги соҳаларида ёшлар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчиликнинг прогнози<sup>27</sup>**

№	Киплок хўжалиги соҳалари номи	Курсанчичлар ва узарнинг ўтнов биринчлари	Коракалпогистон Республикаси			Жиззах вилояти			Пактакор тумани			
			Беруний тумани	Энликкельба тумани	Дарвон	Зарбор тумани	Дарвон	Пактакор тумани	Дарвон	Дарвон	Дарвон	
			2019 ж. (хисобот)	2019 ж. (хисобот)	2019 ж. (хисобот)	2019 ж. (хисобот)	2019 ж. (хисобот)	2019 ж. (хисобот)	2019 ж. (хисобот)	2019 ж. (хисобот)	2019 ж. (хисобот)	
1	Киплок хўжалиги бўйича жами, шу жумладан:	яни иш ўринлари, дона	225	328	431	236	286	337	149	184	219	119
		ишловчилик, кипши	326	409	492	270	327	385	170	210	250	138
1.1	йилар учун – жами, шунон:	яни иш ўринлари, дона	114	154	194	94	123	152	60	80	99	48
		ишловчилик, кипши	126	173	221	121	147	173	68	92	115	61
1.1.1	киплок хўжалиги кластерлари	яни иш ўринлари, дона	68	92	116	56	74	91	36	47	59	28
		ишловчилик, кипши	75	104	133	73	88	104	41	54	67	34
1.1.2	киплок хўжалиги коопера-циялари	яни иш ўринлари, дона	6	8	10	5	6	8	3	5	6	4
		ишловчилик, кипши	7	9	11	6	8	9	4	5	7	6
1.1.3	киплок хўжалигига томорка, дехон ва бошқа хўжаликлари	яни иш ўринлари, дона	40	54	68	33	43	53	21	27	34	16
		ишловчилик, кипши	44	60	77	42	51	60	23	31	39	21
												38

<sup>27</sup> Муаллифлар хисоб-китоблари асосида тайёрланган.

Шунингдек, танланган туманларда ёшлар учун қишлоқ хўжалиги кластерларида янги иш ўринлари ташкил этилиши яқин истиқболдаги 2025 йилда ҳисобот давридаги 2019 йилга нисбатан мос равища 170,6 %, 162,5 %, 163,9 % ва 200,0 %га, ишловчилар сони эса мос ҳолда 177,3 %, 142,5 %, 163,4 % ва 182,4 %га ошиши кутилмоқда.

Бунда, қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги кластерларида янги иш ўринлари ташкил этилишининг энг юқори кўрсаткичи Пахтакор туманида (200,0 %), энг пасти эса Элликқалъа туманида (118,3%) кутилмоқда.

Қорақалпогистон Республикасининг ва Жиззах вилоятининг танланган туманларида ёшлар учун қишлоқ хўжалиги кооперациялари ҳамда қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, дехқон ва бошқа хўжаликларида янги иш ўринлари ташкил этилиши яқин истиқболдаги 2025 йилда ҳисобот давридаги 2019 йилга нисбатан 160,0 - 206,3 фоизлар оралиги диапазонида, ишловчилар сони эса 142,3 - 181,0 фоизлар оралиги диапазонида ошиши прогноз этилмоқда.

Умуман олганда муаммонинг долзарблигидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалигидаги ҳозирги янги иш ўринларини яратиш даражаси қониқарли эмас.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигига ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда таклиф этилган прогноз кўрсаткичларига эришиш қуйидаги **самарали механизмларни** амалиётга татбиқ этиш лозим:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кластерларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишни кўпайтириш учун кафолатланган маҳаллий ва хорижий инвестицияларни йўналтириши ва имтиёзли кредитлар ва агролизинг хизматларини тақдим этиш ;

- қишлоқ жойларда ёшлар учун қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа дехқон, фермер ва бошқа соҳаларида янги ташкил этиладиган иш ўринларига молиявий, моддий, агротехнологик, агрокимёвий, агросервис ва экспорт хизматлари кўрсатишларни сифати ва миқдорини ошириш;

- аниқ манзилли ва кафолатланган инвестиция маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда юқори туристик салоҳиятларга эга

кишлөк ҳудудларида агротуризм кластерларини ташкил этиш, улар таркибида маҳаллий ёшлар учун янги иш ўринларини кўпайтириш;

- ихтисослашган кооперацияларни кишлөк хўжалигига ярокли ер майдонларида ёшлар учун моддий-маънавий рафбатлантирувчи янги иш ўринларини ташкил этиш асосида ривожлантириш ва уларни ўзини-ўзи молиялаштириш даражасига эришишига қадар (уч йилгача) ташкилий-иктисодий қўллаб кувватлаш;

- кичик бизнес ва оиласидаги тадбиркорлик фаолиятлари бўйича ёшлар учун янги иш жойлари ташкил этишини давлат томонидан ташкилий-иктисодий қўллаб-кувватлаш, хусусан, кишлөк хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишига кўмаклашувчи инфратузилмани самарали ривожлантириш;

- кишлөк хўжалигига ёшлар учун нисбатан янги ва мавжуд иш ўринларида меҳнат қилиш, овқатланиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, ҳамда меҳнат, техника ва табиий экологик хавфсизликларини тамиллаш асосида ёш йигит-қизларни меҳнатга мослашувчалиги ва доимий ишларга жойлашишини ошириш.

## **2.2. Яқин келажакда ноқишлиқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш**

Ёшлар ўргасида ишсизлик кўрсаткичларининг юкори даражада ўсиб бораётганлиги кўпчилик мамлакатларда ижтимоий-иктисодий бекарорликни келтириб чиқарувчи омилга айланиб бормоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, 2019 йилнинг деабрь ойидан бошланиб ҳозирга қадар давом этаган пандемия туфайли дунёдаги ёшларнинг 20 фоизи ишсиз колди. **Коронавирус пандемияси оқибатида дунёдаги ҳар беш ёшдан бири ишсиз колди**, ишлётганларининг бандлиги эса 23 фоизга қисқарди<sup>28</sup>.

Маълум бўлишича, 2020 йилнинг февраль ойи охиридан бери ёшлар орасида ишсизлик бирданига ортгани кузатилмоқда. Бунда йигитлардан кўра қизлар кўпроқ ишсиз қолган. Коронавирус пандемияси оқибатида ёшлар нафақат ишсиз қоляпти, балки уларнинг таълим жараёни ва касбий тайёргарлиги издан чиқди,

<sup>28</sup> <https://azon.uz/content/views/30846> расмий канали маълумотлари.

айниқса янги иш бошлайдиганлар ёки бир ишдан бошқасига ўтаётганлар учун оғир бўляпти.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, 2019 йилда ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 13,6 фоиз бўлган. Дунёда карийб 267 миллион ёшнинг иши йўқ, улар таълим олмаган ёки касбий тайёргарликдан ўтмаган. 15-24 ёш оралиғида бўлган ва ёлланниб ишлайдиганлар кўпинча кам хақ олади, норасмий тарзда ёки мигрант сифатида ишлайди<sup>29</sup>.

Глобаллашув жараёнининг натижаси ўлароқ мазкур ҳолат Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, «Барча давлатларга пандемия ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Ўзбекистонда ҳам пандемиядан олдин ишсизлар сони ўртacha 1 миллион 350 мингга яқин эди, пандемия бошлангач қатор корхоналар фаолияти тўхтатилди ва ишсизлар сони қарийб 2 миллионга яқинлашди»<sup>30</sup>. Вазият, айниқса қишлоқ худудларимизда янада мураккаб. Ёшларнинг меҳнат миграцияси деярли тўхтаб қолган. Айни пайтда Ўзбекистонда 550 мингга яқин фуқаро бошқа давлатларга ишлаш учун чиқиб кета олмаган. Мавжуд иш ўринлари мамлакат миқёсидаги қишлоқ ёшлари ўртасидаги ишсизлик даражасини камайтиришга ожизлик қиласди. Ана шундай вазиятда мавжуд захиралардан фойдаланган ҳолда қишлоқ худудларининг нокишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш янада долзарбdir.

Айни вақтга келиб, ижтимоий-иктисодий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан қараалганда қишлоқ жойларидаги ҳолат ўзгариб, унда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқлар асосий иктисодиёт секторига айланниб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларни кенгайтириш масалаларига эътиборни қаратиш қишлоқ худудларида нокишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш

<sup>29</sup> [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_739003/lang-ru/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_739003/lang-ru/index.htm) веб-сайти маълумотлари.

<sup>30</sup> <https://kun.uz/59355295> расмий канали маълумотлари.

**ўринларини ташкил этиш, ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш имкониятини яратади.**

Қишлоқ худудларида ижобий иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш миқдорини ортишида кўриш мумкин (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2017-2019 йиллар давомида республикамиз қишлоқ жойлари бўйича ёшлар учун яратилган иш ўринлари сони 15,5 фоизга кўпайтан. Иш ўринларининг бундай ўсиш тенденцияси республиканинг барча қишлоқ худудларига ҳам хос бўлган. Айниқса, ёшлар ишсизлиги даражаси юкори бўлган Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ туманларида ёшлар учун яратилган иш ўринлари сони 18,4 фоизга кўпайганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

#### 2.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойлари бўйича ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишини ўзгариши, дона<sup>31</sup>**

№	Худудлар номи	2017 йил	2019 йил	2019 йилда 2017 йилга нисбатан, %да
I	Ўзбекистон Республикаси бўйича-жами, шу жумладан:	96799	111860	115,5
1.1.	Қорақалпоғистон Республикаси	4738	5609	118,4
1.2.	Андижон вилояти	8458	9744	115,2
1.3.	Бухоро вилояти	6343	6999	110,3
1.4.	Жиззах вилояти	5304	5799	109,3
1.5.	Қашқадарё вилояти	6106	7092	116,1
1.6.	Навоий вилояти	4825	5378	111,5
1.7.	Наманган вилояти	7080	8083	114,1
1.8.	Самарқанд вилояти	10953	12995	118,6
1.9.	Сурхондарё вилояти	4081	4950	121,3
1.10.	Сирдарё вилояти	3052	3560	116,6
1.11.	Тошкент вилояти	18701	21857	116,9
1.12.	Фарғона вилояти	10474	12401	118,4
1.13.	Хоразм вилояти	6684	7393	110,6

<sup>31</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

2019 йилда қишлоқ жойларида янги иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофик, ёшлар учун 102726 та иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда эса 111860 та иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 8,9 фоизга ошириб билан бажарилди.

Республикамиз қишлоқ жойлари бўйича ёшлар учун янги иш ўринларининг деярли ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда хунармандчиликни янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

Мамлакатимиз худудларининг ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда бу соҳада жами 74197 та ёшлар учун янги иш ўринларини яратилган бўлиб, бу 2017 йилга нисбатан (65887 та) 11,2 %га кўп демакдир.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, 2019 йилда мамлакатимиз қишлоқ худудларида ташкил этилган ёшлар учун янги иш ўринларининг 43,3 фоизи асосан кичик лойиҳалар (маҳаллий лойиҳалар, ўз маблағи ҳисобига кредит олмасдан) ҳисобидан яратилган. Қишлоқ жойларида яратилган ёшлар учун янги иш ўринлари кредит бериш ҳамда турли жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринлари (25,5%), йирик лойиҳалар (13,4%), хунармандчиликни ривожлантириш (7,8%), давлат бюджети маблаглари ва давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ишга тушадиган ижтимоий ва бошқа обьектлар (5,5%), фаолият кўрсатмаётган, самарасиз фойдаланаётган бинолар ва қурилиши тутгалланмаган обьектлар негизида (4,6%) янги иш ўринлари ташкил этилган.

Шунингдек, республикамиз қишлоқ жойларида 2019 йилда кредит бериш ҳамда турли жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш манбалари бўйича жами ёшлар учун ташкил этилган янги иш ўринларининг 36,7% – тижорат банклари маблағлари ҳисобидан, 36,6% – «Yoshlar-kelajagimiz» жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 14,2% – фермер, дехқон хўжалик-

лари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан, 6,7% – Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан, 5,8% – янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш худудий жамғармалари маблағлари хисобидан ташкил этилган.

Умуман олганда, мамлакатимизда турли давлат ва маҳаллий дастурларни инвестициялари, кредитлар ва жамғармалар, хусусан, «Yoshlar-kelajagimiz» Республика жамғармаси маблағлари хисобидан қайта ишлаш саноати, курилиш ва хизмат кўрсатиш каби ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилган. Мазкур манбалар хисобидан ушбу тармоқларда кишлоқ ёшлари учун ташкил этилаётган янги иш ўринларининг улуши 55,5 %га тенг бўймоқда.

Ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этилишига асосий иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ташкилий-хуқуқий омиллар бевосита таъсир этади (2.2.1-расм).

Кишлоқ жойлардаги ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда асосий **иқтисодий омиллар** етакчи ўринни эгаллади. Улар орасида кафолатланган ва ихтисослашган тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат миқёсида кишлоқ жойларда ноқишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш юзасидан: ёшлар учун қайта ишлаш саноати корхоналарида янги иш ўринларини ташкил этишда ихтисослашган инвестицияларни ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этишга кафолатланган инвестицияларни жалб этиш каби иқтисодий воситалар мухим ўрин эгаллади. Шунингдек, ноқишлоқ хўжалиги корхоналарида ёшлар учун янги иш ўрини ташкил этадиган хўжалик субъектларига кредит ва солиқ имтиёзлари бериш ҳамда ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгилувчан механизmlаридан фойдаланиш каби омиллар ўринли таъсир кучига эга. Макроиқтисодий даражада: ёшлар учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иш ўринлари ташкил этишни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда курилиш тармоғида ёшлар учун моддий рағбатлантирувчи иш ўринларини ташкил этиш сингари омиллар ўта мухим хисобланади.

**Кишилөк жойлардаги нокишлөк хұжалиги тармоқларыда ёшлар учун янги иш үрнеларини ташкил этишининг асосий омиллари**



**2.2.1-расм. Кишилөк жойлардаги нокишлөк хұжалиги тармоқларыда ёшлар учун янги иш жойларини ташкил этишининг асосий омиллари<sup>32</sup>.**

<sup>32</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқылған.

Қишлоқ ёшлари учун ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи **ижтимоий-экологик омиллар** мазкур жараёнда юзага келадиган ижтимоий-экологик ва меҳнат ҳавфсизлиги муносабатларини юкори босқичга чиқаради. Улар таркибида ишсиз ёшларни ноқишлоқ хўжалиги учун тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ёшларни янги иш ўринларига ишга жойлашишига кўмаклашиш ҳамда янги иш ўринларида меҳнат қилиши учун зарурий шароитларни яратиш, меҳнатга лаёкатли ёшларни янги иш ўринларига мослашишини ошириш ва улар қўнимсизлигини камайтириш, ёшлар учун ташкил этилган иш ўринларида экологик ва меҳнат ҳавфсизликларини таъминлаш, ноқишлоқ хўжалигига янги иш ўринлари билан банд бўлувчиларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш каби омиллар самарали таъсир кучига эга.

Кишлоқ жойларда ёшлар учун ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этишда асосий **ташкилий-хукукий омиллар** ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатини аниқлаш асосида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишнинг оптималь параметрларини белгилашга бевосита таъсир кўрсатади. Улар таркибидаги: қишлоқ жойларда ёшлар ўртасида норасмий иш билан бандликни камайтиришни ташкил этиш, ёшлар учун квоталанган иш ўринларини ташкил этиш самарасини ошириш, қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш ўринларида ишлайдиган ёш ходимларнинг касбий даражасини ошириш марказларини ташкил этиш, ноқишлоқ хўжалиги янги иш ўринларининг иш берувчилари билан ёшлар ўртасидаги меҳнат шартномаларини такомиллаштириш ҳамда ноқишлоқ хўжалигига ортиқча бўлган ёшлар ишчи кучини ички ва ташки мөхнат миграцияларини самарали ташкил этиш каби омиллар муҳим таъсир кучига эга.

Юқори адекватликка эга эконометрик моделларни ва уларга тегишли амалий дастурлар пакетларини кўллаш асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойлардаги ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли прогнози аниқланди (2.2.2-жадвал).

Республикамиз қишлоқ худудларининг нокишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича юқори ўсиш суръатлари асосан қайта ишлаш саноати (+10502 та ёки 177,1%), курилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати (+7634 та ёки 167,0%), спорт ва ижтимоий таъминот (+684 ёки 157,6%), уй-жой коммунал хўжалиги (+883 ёки 154,7%), транспорт ва алоқа (+1814 ёки 152,0%)да кузатилиши мумкин.

Мамлакатимиз худудларида амалга оширилаётган **инвестицион сиёsat қишлоқ жойларда ёшлар учун нокишлоқ хўжалиги иш ўринларининг кенгайиб боришини юзага келтириши лозим**. Бунинг натижасида ушбу тармоқларда иш билан банд бўлган ёшлар сони ҳам мунтазам ўсиб боради.

Шундан келиб чиқиб, прогнозлаштирилаётган даврлар оралиғида нокишлоқ хўжалиги тармоқларида иш билан бандлар, яъни ишловчилар сони 42,4%га ўсиши ёки 38165 кишига ортиши кутилмоқда.

Юқоридаги 2.2.2-жадвалда келтирилган таҳлилий маълумотларга зътиборимизни қаратсак шу нарса маълум бўладики, қайта ишлаш саноатининг замонавий тармоқлари ривожланиши натижасида унда банд бўлган ёшлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Хусусан, истиқболдаги даврда бу кўрсаткич 13234 кишига ошиши прогнозлаштирилмоқда. Шунингдек, нокишлоқ хўжалиги тармоқларидаги таркибий ислоҳотлар натижасида қишлоқ худудларида иш билан банд ёшлар сонининг юқори суръатларда ошиши кутилаётган тармоқларга қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати (9694 киши), транспорт ва алоқа (2309 киши), савдо ва умумий овқатланиш (6425 киши), соғлиқни сақлаш (1469 киши), маориф ва маданият (1293 киши) кабилар кириши кутилмоқда. Шу билан бирга, иш билан банд ёшлар сони иқтисодиётнинг молия, кредитлаш ва сугурта (210 киши), спорт ва ижтимоий таъминоат (868 киши), маиший хизмат (322 киши) каби соҳаларида ҳисобот даврига нисбатан пастроқ ўсиш суръатига эга бўлиши прогнозлаштирилмоқда.

2.2.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларининг ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчилар прогнози<sup>33</sup>**

№	Ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари номи	Кўрсаткичлар ва уларнинг ўлчов бирликлари	2019 й. (ҳисобот)	Прогноз даври						2025 йилда 2019 йилга нисбатан, + ; -
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1.	Ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича-жами, шу жумладан:	янги иш ўринлари, дона	74197	78578	82084	94592	96729	99919	103949	+29752
		ишловчилар, киши	90032	96299	102118	109118	118562	124809	128197	+38165
1.1.	Қайта ишлаш саноати	янги иш ўринлари, дона	13614	15335	17073	20034	21215	22603	24116	+10502
		ишловчилар, киши	16476	18793	20496	23093	26023	28263	29710	+13234
1.2.	Курилиш ва курилиш материаллари тайёдлаш саноати	янги иш ўринлари, дона	11389	12534	13322	16148	17006	17769	19023	+7634
		ишловчилар, киши	13775	15290	16944	18622	20628	22189	23469	+9694
1.3.	Энергетика	янги иш ўринлари, дона	1366	1377	1382	1553	1528	1530	1559	+193
		ишловчилар, кипи	1621	1690	1715	1772	1893	1918	1924	+303
1.4.	Транспорт ва алоқа	янги иш ўринлари, дона	3487	3690	3768	4667	4772	5002	5301	+1814
		ишловчилар, киши	4231	4569	4962	5386	5988	6396	6540	+2309
1.5.	Савдо ва умумий овқатланиш	янги иш ўринлари, дона	17955	18598	19098	21677	22029	22505	22869	+4914

<sup>33</sup> Манба: жадвал маълумотлари муаллифлар хисоб-китоблари асосида амалга оширилган.

		ишловчилар, киши	21788	22591	23717	25002	26867	27880	28213	+6425
1.6.	Уй-жой коммунал хўжалиги	янги иш ўринлари, дона	1612	1754	1877	2180	2217	2351	2495	+883
		ишловчилар, киши	1981	2202	2350	2529	2789	2961	3077	+1096
1.7.	Маишӣ хизмат кўрсатиш	янги иш ўринлари, дона	3149	3147	3134	3439	3327	3315	3326	+177
		ишловчилар, киши	3781	3867	3894	3943	4077	4139	4103	+322
1.8.	Соғлини саклаш	янги иш ўринлари, дона	5372	5554	5631	6274	6216	6338	6445	+1073
		ишловчилар, киши	6482	6768	7029	7216	7623	7887	7951	+1469
1.9.	Спорт ва ижтимоий таъминот	янги иш ўринлари, дона	1187	1312	1398	1624	1697	1755	1871	+684
		ишловчилар, киши	1440	1574	1742	1874	2084	2236	2308	+868
1.10.	Маориф ва маданият	янги иш ўринлари, дона	7494	7607	7659	8450	8310	8338	8420	+926
		ишловчилар, киши	9094	9352	9528	9741	10190	10359	10387	+1293
1.11.	Молия, кредитлаш ва сугурта	янги иш ўринлари, дона	2156	2170	2153	2359	2295	2277	2287	+131
		ишловчилар, киши	2611	2659	2678	2716	2816	2856	2821	+210
1.12.	Бошқа тармоқлар	янги иш ўринлари, дона	5416	5500	5590	6187	6117	6136	6237	+821
		ишловчилар, киши	6752	6944	7062	7224	7584	7725	7694	+942



**Қўлланган юкори адекватликка эга эконометрик моделлар ва уларга тегишли амалий дастурлар пакетлари асосида Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан қўп ва кам таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларида нокишлок хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилиши ва уларда иш билан банд бўлишининг қисқа муддатли прогнози аниқланди** (2.2.3 ва 2.2.4-жадваллар).

Республикамизнинг **меҳнат ресурслари билан қўп таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларида нокишлок хўжалиги тармоқларида ёшларнинг иш билан бандлигини прогноз параметрлари бўйича 2020-2025 йилларда Самарқанд вилоятининг Пастидарғом туманида – 5,7 %га, Ургут туманида – 7,8 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида мос равища – 10,6 % ҳамда 13,9 %га ошиши кутилмоқда.** (2.2.3-жадвал).

Шу билан бирга, қайта ишлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастидарғом туманида – 5,5 %га, Ургут туманида – 12,3 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 10,8 %га, Шаҳрисабз туманида – 14,0 %га ўсиши истиқболда кутилмоқда.

Яқин келажакдаги истиқболда курилиш ва курилиш материаллари тайёрлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастидарғом туманида – 5,3 %га, Ургут туманида – 7,7 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида мос равища – 18,5 % ва 9,1 %га ошиши прогнозлаштирилмоқда. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоғида Самарқанд вилоятининг Пастидарғом туманида – 5,7 %га, Ургут туманида – 6,6 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 9,2 %га, Шаҳрисабз туманида – 14,6 %га қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини ўсиши кутилмоқда.

Бошқа нокишлок хўжалиги тармоқларида қишлоқ ёшларининг иш билан бандлиги Самарқанд вилоятининг Пастидарғом туманида – 5,9 %га, Ургут туманида – 7,7 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 10,8 %га, Шаҳрисабз туманида – 15,3 %га ўсиши истиқболда кутилмоқда.

Мамлакатимизнинг **меҳнат ресурслари билан қўп таъминланган** танлаб олинган қишлоқ туманларини нокишлок хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича прогноз параметрлари 2020-2025 йилларда Самарқанд вилоятининг Пастидарғом туманида – 5,6 %га, Ургут туманида – 7,8

%га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида мос равишда – 10,6 % ҳамда 14,0 %га ошиши кутилмоқда.

Мазкур кўрсаткичлар қайта ишлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,5 %га, Ургут туманида – 12,2 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 10,8 %га, Шаҳрисабз туманида – 13,9 %га ўсиши истиқболда кутилмоқда.

Қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринларининг тащкил этилиши бўйича прогноз қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,3 %га, Ургут туманида – 7,8 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида мос ҳолда – 18,4 % ва 9,2 %га ошиши кутилмоқда. Хизмат кўрсатиш тармогида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,7 %га, Ургут туманида – 6,6 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 9,0 %га, Шаҳрисабз туманида – 14,6 %га ўсиши прогнозлаштирилмоқда (2.2.3-жадвал).

**2.2.4-жадвалдаги республикамизнинг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган** танланган қишлоқ туманларида нокишилоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ ёшлари иш билан бандлигининг истиқбол кўрсаткичларига назар солсак, ушбу кўрсаткич 2020-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Элликқалъа туманида – 12,4 %га, Жizzах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос ҳолда – 17,4 % ва 12,0 %га ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, ушбу кўрсаткич қайта ишлаш саноати бўйича 2020-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,5 %га, Элликқалъа туманида – 13,3 %га, Жizzах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос равишда – 15,5 % ва 13,6 %га ошиши мумкин.

Шу билан бирга, қишлоқ ёшларининг иш билан бандлиги қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,4 %га, Элликқалъа туманида – 9,2 %га, Жizzах вилоятининг Зарбдор туманида – 16,9 %га, Пахтакор туманида – 10,7 %га ошиши прогнозлаштирилмоқда. Қишлоқ ёшларининг хизмат кўрсатиш тармогида иш билан бандлиги Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Элликқалъа туманида – 12,8 %га, Жizzах

вилоятининг Зарбдор туманида – 18,6 %га, Пахтакор туманида – 11,4 %га ўсиши кутилмоқда.

Республикамизнинг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган танланган қишлоқ туманларини ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича прогноз параметрлари 2020-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Элликқалъа туманида – 12,4 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос равища – 17,4 % ҳамда 12,1 %га ошиши кутилмоқда (2.2.4-жадвал).

Ушбу кўрсаткич қайта ишлаш саноатида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,5 %га, Элликқалъа туманида – 13,3 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 15,5 %га, Пахтакор туманида – 13,6 %га ўсиши прогнозлаштирилмоқда.

Кишлоқ ёшлари учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича прогноз даврида қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,4 %га, Элликқалъа туманида – 9,1 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос ҳолда – 16,8 % ва 10,7 %га ошиши кутилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Элликқалъа туманида – 12,8 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 18,6 %га, Пахтакор туманида – 11,5 %га ўсиши истиқболда кутилмоқда.

Яқин келажакда республикамиз қишлоқ худудларидаги қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги тармоқларидаги ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишини 2020-2025 йиллар учун прогноз параметрларига эришиш учун қуйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш зарур:

- қишлоқ жойларида кафолатланган инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш;

- қишлоқ жойларда ёшлар учун ноқишлоқ хўжалиги иш жойларини яратишни маҳаллий бюджет маблаглари хисобига субсидиялаш;

- қишлоқ худудлари хусусиятларига кўра қайта ишлаш саноати, курилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташил этишини инвестицион жозибадорликни ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш саноати бўйича мавжуд иш ўринларини реконструкция қилиш;
- қишлоқ худудларида агротуризм индустряси бўйича ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишини ташкилий-иктисодий қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш тармоғида кўп маблағ талаб қилмайдиган, кўпроқ ёшлар учун мўлжалланган иш ўринларини яратиш;
- ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари ёшларнинг иш ўринларида самарали фаолият кўрсатиш учун пассажир транспортни, сугуртланган медицина хизматлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини кафолатланган фаолиятларини ташкил этиш;
- ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишини кўпайтиришга йўналтирилган янги институтларнинг пайдо бўлиши (лизинг, агентликлар, аутсорсинг) учун ташкилий-хукуқий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш.

Юқорида қайд этилган асосий самарали чора-тадбирларни сифатли ижросини таъминлаш негизида қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, транспорт, энергетика, хизмат кўрсатиш каби бошқа ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятлари учун зарурӣ иктисодий, техникавий, ижтимоий, ташкилий ва хукуқий шароитларни яратиш асосида меҳнатга лаёқатли қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини оширишга эришиш мумкин.

### **2.3. Қишлоқ жойларда ёшларни замонавий касб-хунарлар ва мутахассисликларга ўқитиш тизимини ривожлантириш**

Ўзбекистонда таълим тизимининг барча босқичларида ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда касбий таълимнинг нафакат миллий, шу билан бирга жаҳон таълим хизматлари бозорида **ракобатбар-**

**дошлигини ошириш** талаб этилмоқда. Чунки, худудларда ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳамон энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда, айниқса, коронавирус пандемияси шароитида ёшлар учун янги иш ўринлари очиш, уларнинг ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш мақсадида қўп ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, шунга қарамасдан, касб-хунар таълими муассасалари (КХТМ) битириувчиларининг аксариятини меҳнат бозоридаги рақобатга дош бера олмаётгани билан боғлиқ муаммолар етарлича мавжуд.

Республикамиз қишлоқ жойларда КХТМ битириувчи ёшлари билан боғлиқ қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши тизимида **қатор муаммолар мавжудлиги** кузатилмоқда:

- меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларнинг олган билим ва касбий кўникмаларининг амалиёт талабларига мос келмаётганлиги, яъни мамлакатнинг инновацион ривожланиш эҳтиёжларидан ва меҳнат бозори талабларидан ортда колаётгани;

- миллий иқтисодиётнинг реал сектори ва таълим тизимида мутахассис тайёрлайдиган КХТМнинг моддий-техника базасини, ўкув лаборатория ва таълим бериш жиҳозларининг ўз вақтида фойдаланилмаётганлиги ҳамда амалиётдан орқада колаётгани;

- касбий таълим берувчи ўқитувчи ва мураббийларнинг профессионал даражасининг пастлиги ҳамда ўқитиши методологиясининг сифатсизлиги;

- КХТМда ўзларининг асосий таълим йўналишларидан бошқа мутахассислар тайёрлаш йўналишларида бюджет ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги.

Ушбу вазият малакали мутахассисларга бўлган талаб ва таклифга таъсир этувчи қуидаги омиллар таъсирида юзага келмоқда:

- минтақавий қишлоқ меҳнат бозори (ҚМБ) талаб этадиган касблар бўйича мутахассислар тайёрланманаётгани;

- ёшларнинг эгаллаган касбига мос иш ўринларининг етишмаслиги ёки минтақавий қишлоқ меҳнат бозорида таклифнинг чекланганлиги;

- иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган иш ўринларида иш хақининг камлиги;

- ёшларни касбга йўналтириш бўйича ишларнинг талаб даражасида эмаслиги.

**Жаҳонда замонавий касб-хунар маълумотли кадрлар таълимини самарали ташкил қилиш, глобал ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда эҳтиёжни қондиришнинг самарали механизмлари ва усулларини ишлаб чиқиши (такомиллаштириш) бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса **КХТМда таълим сифатини ошириш**, тайёрланаётган кадрлар касб ва мутахассисликлар таркибини иктиносидётнинг реал сектори талабарига мувофиқлаштириш, мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини оширишда вертикал ва горизонтал жиҳатдан тегишли ташкилотлар билан алокаларни чукурлаштириш мухим аҳамият касб этмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, илмий изланишлар таркибида истиқбол талабларидан келиб чиқсан ҳолда меҳнат бозорида кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш мухим ўрин тутмоқда.**

Республикамизнинг мустақиллик йилларида “Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” доирасида касб-хунар коллежлари (КҲҚ) тизими шаклланди ва ривожланди. Хусусан, 2010 йилда уларнинг сони республикамиз қишлоқ ҳудудлари бўйича жами 1290 та бўлган бўлса, энг юкори ўсиш нуктаси – 2016 йилда 1354 тани ташкил этди, ёки 2010 йилга нисбатан 105,0 %га ўси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763 сонли Фармони ва ПҚ-4391 сонли Қарори<sup>36</sup> билан мазкур тизим тубдан ислоҳ килинди. Натижада, 2019 йилга келиб республикамиз қишлоқ ҳудудларида КҲҚ сони 961 тага ёки 2010 йилга нисбатан 74,5 %га камайди. Тахлил даврида қишлоқ ҳудудларидағи КҲҚ битирувчилари сони 118,2 %га ошган (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвалдан кўриниб турибдики, КҲҚ битирувчилари сони республикамиз қишлоқ ҳудудларида 2010-2019 йиллар давомида бир текисда ўсмаган. Республикамизнинг Андижон, Бухоро, Жиззах, Кашиқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона каби вилоятларида КҲҚ битирувчилари сони тахлил даврида мос равишда 125,8 %, 133,9 %, 133,6 %, 159,9 %, 120,2 %, 142,1 %, 129,7 %га кўпайган бўлса, Қорақалпогистон Республикаси, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрга маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ килиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрга маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон Қарори.

мазкур кўрсаткич мос равишида 82,1 %, 80,4 %, 96,2 %, 88,2 %га камайган. Яъни, мазкур камайишлар тенденцияси юқорида келтирилган Президент Фармони ва Қарорининг ижроси асосида юзага келган.

Айни вақтда, мамлакатимизда “... қасб-хунар коллежларида иирик корхоналар ва кластерлар учун, шунингдек, меҳнат бозоридаги реал эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи қасблар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш”<sup>37</sup> чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, малакали қасб-хунар кадрлари сифат таркибини яхшилаш ва меҳнат бозорининг эҳтиёжига мувофиқ узлуксиз таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда КХТМ тизимини тубдан такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иктисадий ривожланиш ва ижтимоий химоя ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да ижтимоий соҳани янада ривожлантириш вазифалари улароқ қасб-хунар коллежлари базасида “Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлако янги профессионал таълим тизими йўлга кўйилиб, 340 та қасб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этиш...”, бунинг натижасида, “Кадрлар малакасини халкаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин қасблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради”. Шу билан бирга, Президент таъкидлаганидек: “...ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айникса, ёшлиар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куvvatлашга устувор аҳамият бериш зарур.”<sup>38</sup>.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Меҳнат бозорида таъаб юқори бўлган малакали кадрларни қасбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. 2019. //www.lex.uz

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси. 2020 йил, 25 январь.

2.3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси кишилк худудларида қасб-хунар коллежлари (КХХ) ва уларни битирувчилари сенинг ўзгарини<sup>39</sup>**

Худудлар	Йиллар						2019 йилда инибатан, %да	2019	2010 йилга бетирув- чилар сона
	2010	2012	2014	2016	2018	2019			
КХХ сона сона	битирув- чилар сона	битирув- чилар сона	битирув- чилар сона	битирув- чилар сона	битирув- чилар сона	битирув- чилар сона	КХХ сона	КХХ сона	бетирув- чилар сона
<b>Ўзбекистон</b>	<b>1290</b>	<b>371266</b>	<b>1317</b>	<b>476530</b>	<b>1325</b>	<b>461887</b>	<b>1354</b>	<b>442042</b>	<b>1347</b>
<b>Республикаси</b>									
Кораблийнотон	91	32446	91	31046	91	23428	91	23584	94
Республикаси									
<i>Битирувчилар</i>									
Андижон	117	33426	117	47484	117	48057	117	44238	119
Бўхоро	80	21117	80	27230	80	25692	80	26688	81
Жиззах	74	16036	75	19273	75	18232	75	19279	76
Кашкадарё	125	31032	130	42297	136	45045	144	47666	138
Навоий	47	16419	47	19666	47	15956	47	12809	46
Наманган	106	34853	108	42423	108	40691	110	37936	109
Самарқанд	156	45015	158	61238	158	59116	164	55365	162
Сурхондарё	103	28378	115	43316	116	46477	119	41932	116
Сирдарё	48	12287	47	12622	47	11873	46	11562	49
Тошкент	116	30984	121	38383	121	39865	126	36947	122
Фарғона	141	42096	143	60402	144	60965	145	57001	148
Хоразм	86	27177	85	31150	85	26291	89	27035	87

<sup>39</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Қасб-хунар таълим маркази маълумотлари асосида хисобланган.

Бунинг учун аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат ҳаридлариiga кенг йўл очиб берилиши керак. Бундай чоралар орқали одамларимизда **тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади**, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади. Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни қасбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун ҳукуматимиз томонидан 700 миллион доллар жалб қилиниши кўзда тутилмокда.

Юқори адекватликка эга эконометрик моделларни ва уларга тегишли амалий дастурлар пакетларини қўллаш асосида Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимида қасб-хунар таълими муассасалари (КХТМ) ва уларнинг битирувчилари қисқа муддатли прогнози аниқланди (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қисқа муддатли прогнози даврида КХТМ ва уларнинг битирувчилари сони республикамиз ва вилоятлар бўйича юкоридаги Президент Фармони ва Қарори асосида оптималлаштириш натижасида кескин камаяди, жумладан, республикамиз қишлоқ худудлари бўйича КХТМ ва уларнинг битирувчилари сони прогнозлаштирилаётган даврлар оралиғида мос равишда -257 ва -198336 бирликка камаяди. Мазкур камайиш тенденцияси деярли барча вилоятларга таъсир этади, хусусан, ушбу кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси (- 19; - 7268), Бухоро (- 34; - 11592), Жиззах (- 19; - 8911), Қашқадарё (- 61; - 30362), Самарқанд (- 31; - 28249), Сурхондарё (- 35; - 32013) ва Тошкент вилоятларида (- 29; - 13302) сезиларли камайиши кутилмокда. Бундай тенденциядан факатгина Сирдарё вилояти мустасно, мазкур вилоятда прогноз даврида КХТМ ва уларнинг битирувчилари сони қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва вилоят иқтисодиётини ривожлантириш бўйича маҳсус ҳукумат дастурларининг мавжудлиги туфайли (+11 та ёки + 7922) ошиш суръатлари кузатилиши мумкин.

2.3.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кишилк ўхуддарида касб-хунар таълими муассасалари (КХТМ) ва уларнинг биттирувчилиари прогнози<sup>40</sup>

Хуудудлар	Прогноз давари					2025 йилда 2019 йилга нишбатан мискорий ўзгариши, +; -	
	2019 й. (хисобот йили)	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
КХТМ били- рувчи- лоннадар сони	КХТМ били- рувчи- лоннадар сони						
Ўзбекистон Республикаси	961	439025	696	158598	699	166528	701
Коракалпоғистон Республикаси	73	26623	54	10205	54	10715	54
<i>Бизнесслар</i>							
Алмажон	82	42051	69	11109	69	11664	69
Букоро	80	28279	44	9056	45	9509	46
Жиззах	58	21425	38	7645	38	8027	39
Кашкадарё	124	49630	61	19728	62	20714	62
Навоий	27	13203	25	2440	25	2562	25
Наманган	76	33539	63	16262	63	17075	63
Самарқанд	106	54127	74	25291	75	26556	75
Сурхондарё	58	40312	23	9826	23	10317	23
Сирдарё	46	10835	57	5721	57	6007	57
Тоқінент	94	33774	65	16454	65	17277	65
Фарқона	81	54594	77	17070	77	17924	77
Хоразм	56	30633	46	7791	46	8181	46

40 Жадвал ўзбекистон Республикаси Касб-хунар таблим маркази маълумотлари асосида хисобланган.

Хозирги вактда ҳар бир минтақа иқтисодиёти томонидан талаб этиладиган йўналишлар бўйича малакали ишчи кадрлар ва мутахассисларнинг зарур сифат ва миқдорий жиҳатдан тайёрланнишини таъминлашнинг шартлар сифатида ёшларнинг **мотивациясини ва қасбга йўналтирилишини бошқаришининг самарали механизмларини ишлаб чиқиши зарурати мавжуд**. Қасб-хунар таълимининг мазмуни билан меҳнат бозоридаги талабнинг таркибини тадқиқ этиш ўртасида боғлиқлик ҳосил қилиш, шу билан бирга мактаб ўқувчиларини қасбга йўналтириш тизимини такомилаштириш зарур. Бунга ишчи қасблар ва мутахассисларни оммалаштириш ва уларнинг нуфузини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда қасб-хунар таълими муассасалари тармоғининг худудий таксимланишини мақбуллаштириш орқали эришиш лозим.

Қасб-хунар таълим муассасалари базасида иккинчи мутахассислик қасбларига ўқитишнинг **афзаликлари** қуидагилардан иборат:

**Биринчидан**, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш имконияти кўпаяди:

– академик лицейларни тамомлаб олий таълим муассасаларига ўқишига кира олмаган ҳамда олдинги йилларда умумтаълим мактаблари 11-синфларини тамомлаган ва қасбга эга бўлмаган ёшларни қасбга ўқитиш орқали иш билан бандлигини таъминлаш кўрсаткичи ортади;

– иккинчи мутахассислик олиш орқали битирувчиларни ўз мутахассисларни бўйича иш билан бандлигини таъминлаш кўрсаткичи ортади;

– меҳнат бозорида малакали мутахассислар салмоғи ошади;

– ҳудудларда янги очилаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўрта маҳсус маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжлари қондирилади.

**Иккинчидан**, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий мухитни янада яхшилашга хизмат қилади:

– республиканинг барча ҳудудларида (айниқса, чекка ҳудудларда) кўшимча таълим хизматларини кенгайтириш имконини яратади;

– нуфузли касб-хунар колледжларида (тиббиёт, темир йўл, банк ва х.к) ўқишига бўлган юкори талабнинг пасайишига хизмат қилади;

– маълум бир муддатдан кейин касбни ўзгартиришга имконият пайдо бўлади;

– иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхона ва муассасаларда узок муддатдан бери ишлаётган, амалий иш тажрибасига эга бўлган, бирок номутахассис кадрларни ўз мутахассисликлари бўйича қайта ўқитиш имконияти яратилади;

– худудларда янги корхоналарнинг ишга тушиши билан мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжларни қиска муддатларда ва етарли микдорда тайёрлаб бериш имконияти юзага келади.

**Учинчидан**, касб-хунар колледжларида моддий-техника базани кучайтириш ва иқтисодий, маънавий мухитни янада яхшилашга хизмат қилади:

– касб-хунар колледжларининг мавжуд ўқувчи ўрни, ўқув-лаборатория ва замонавий техника билан жиҳозланган устахоналаридан фойдаланиш самарадорлиги ортади;

– касб-хунар колледжларида ишлаб топилиган бюджетдан ташқари маблағлар колледжнинг моддий-техника базасини янада яхшилаш ва таълим сифатини ошириш имконини беради;

– таълим муассасасида ўкиётган етим, ногирон ўқувчиларни ҳамда кам таъминланган оила фарзандларини, фаолият кўрсатаётган педагог ва ходимларни ижтимоий-иктисодий кўллаб-куватлаш учун моддий манбаа яратилади.

Касбий таълим соҳасида ўрта маҳсус маълумотли ишчи-кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларининг илмий жиҳатдан асосланишини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Хозирги кунда ёш ишчи кучига таклифга нисбатан касб-хунар таълими ривожланиши ва касбий-малакавий тузилманинг шаклланишида қуидагилар устувор ҳисобланади:

- касбий таълим ривожланишининг тезкорлиги, иқтисодиётга муносабатлар бўйича ёш ишчи кучларининг касбий-малакавий тузилмасини шакллантириш;

- аҳолининг таълимга нисбатан индивидуал эҳтиёжлари ва мамлакат иқтисодиёти манфаатлари ҳисоб-китобининг бир вақтда олиб борилиши;

- касбий таълим ва аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида мажбурият ва ваколатларнинг аниқ белгиланганлиги;

- корхона ва касб-хунар таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш ва х.к.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида “**Кишлоқ жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш дастури**”ни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш вақти келди. Бу дастурнинг асосий мақсади мамлакат қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасини меҳнат ресурслари билан таъминлашда касб-хунар таълим мининг самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар ва механизмларни шакллантиришдан иборат бўлади.

Корхоналар ва касб-хунар коллежлари дастурнинг асосий иштирокчилари ҳисобланади. “**Кишлоқ жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш дастури**”да мактаб битирувчиси давлат имтиҳонини топшириш натижаларисиз ўқишга кириш имконияти, таълим муассасасини тугатганидан кейин кафолатли ишга жойлашиш, қўшимча стипендия, ҳақ тўланадиган амалиёт каби имтиёзларга эга бўлишини акс эттириш лозим.

**Дастурнинг асосий вазифалари** куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

– малакали ишчи кадрларни тайёрлашнинг ягона тизимини шакллантириш жараёнининг меъёрий-хукуқий таъминотини яратиш;

– қишлоқ иқтисодиётининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари бўйича комплекс прогнозларни ишлаб чиқиш;

– қасблар ва мутахассисликлар таркибини қишлоқ жойлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омиллари, демографик вазият ва миграцион сиёsatни ҳисобга олуви иқтисодиётнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари комплекс прогнозларига мувофиқлаштириш;

– ишчи кадрларни тайёрлашни бошқаришнинг давлат-жамоатчилик тизимини ривожлантириш;

– ижтимоий шерик ҳисобланган қишлоқ жойлардаги корхоналар ва касб-хунар коллежлари ҳамкорлигининг таълим муассасаларининг инвестицияйий жозибадорлигини ошириш учун ша-

роитлар яратишни ўз ичига олувчи истиқболли шаклларини ривожлантириш;

– етакчи мұхандислик олий таълим муассасаларини қүшган холда техника соҳасининг узлуксиз касб-хунар таълими тизимини шакллантириш;

– ўқувчиларнинг касб-хунар ва ижтимоий мавқенини лойиха-лаштириш, мустақил фикрлаш ва фаолият күрсатиш қобилиятларини шакллантириш тизимини ривожлантириш;

– касб-хунар таълими муассасаларини замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар ва ахборот технологиялари билан жиҳозлаш;

– замонавий дарслерлар ва ўқув қўлланмаларини нашр қилиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Шунингдек, дастур вазифаларида иқтисодиётнинг касбий-малакавий кесимда малакали меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжлари ўрта ва узок муддатли прогнозларининг мунтазам ишлаб чиқилиши белгиланиши шарт. Қишлоқ жойлардадаги корхоналар ва ташкилотлар эҳтиёжларининг ривожланиши прогнозига эга бўлмасдан туриб касб-хунар таълими муассасаларининг мутахассисларни тайёрлаб чиқариш таркиби ва меҳнат бозори талабарининг таркибини бир-бирига мувофиқлаштириб бўлмайди. Бундан ташқари, аҳолини касбга йўналтиришнинг самарали тизими, ушбу соҳада ижтимоий шерикликни ривожлантириш, иш берувчиларни мунтазам таълим жараёнига жалб этиш бўйича вазифаларни ифодалаш зарур.

“Қишлоқ жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш дастури” касб-хунар таълими тизимига малакали ишчи кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш учун иш берувчиларнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги буюртмаларига асосланган тўлақонли давлат буюртмасини тиклашга бўлган уринишини рўёбга чиқарадиган дастур хисобланади.

“Қишлоқ жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш дастури” корхона билан коллеж ўртасида «**Иш берувчи билан касб-хунар таълими муассасаси ўртасида касб-хунар маълумотига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш тўғрисида**» икки томонлама шартноманинг тузилишини назарда тутиши лозим.

Шундай қилиб, “Қишлоқ жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш дастури” доирасида битирувчиларни тақсимлашнинг самарали тизими ташкил этилади. Қишлоқ жойлардаги корхона олдида битирувчини ишга жойлаштириш учун жавобгарлик факат битирувчининг зиммасида бўлмаслиги керак. Албатта, таълим муассасалари битирувчилар учун кафилликни ўз зиммасига олишни хоҳлашмайди, улар учун ўқишига қабул қилиш йиллик режасининг бажарилишини таъминлаш (шу жумладан, иш берувчилар ёрдамида) муҳим.

Бизнинг назаримизда, коллежлар битирувчиларининг самарали тақсимланишини таъминлаш мақсадида касб-хунар таълими маркази таркибида биз юқорида кўриб чиқсан ҳолатлардан сугурталанишини таъминловчи марказ ташкил этилиши керак, бу, бир томондан, иш берувчининг ўқувчининг ўқиши ва амалиёт ўташ вақтидаги харажатларнинг реал қопланишини кафолатлади, иккинчи томондан, касб-хунар таълими тизими ва иш берувчиларнинг битирувчиларни айнан малакали ишчилар ва мутахassisсларни тайёрлаш буюртмачилари бўлган корхоналарга ишга жойлаштиришдан ўзаро манфаатдорлигини таъминлайди.

Одатда, **ижтимоий шерикликни** қуйидаги шакллар орқали амалга оширилиши учун шароитлар яратиш зарур:

- ўқувчиларнинг қишлоқ жойлардаги корхоналар, ташкилотлар, реал иш ўринларида ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш таълими ўқитувчилари ва усталарининг малакасини ошириш, билимларини янгилаш мақсадида уларнинг иш ўринларида стажировка ўтаси;
- ўқувчилар билан қишлоқ жойлардаги корхоналар мутахassisслари иштирокида назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш;
- янги ишлаб чиқариш технологияларига мувофиқ ўқув-дастурий хужжатларни биргаликда ишлаб чиқиш;
- мутахassisслар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш ва биргаликда баҳолаш, диплом лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш.

Касб-хунар таълими муассасалари билан бундай ўзаро ҳамкорлик иш берувчиларга пировардида кадрларни танлаб олиш ва фирма ичida ўқитишни ташкил этиш харажатларини ҳамда “ёллашдаги хатолар” такрорланишини камайтириш, ишлаб

турган ходимларнинг билимларини таълим муассасалари базасида самарали янгилаш имконини беради.

Республикамиз қишлоқ жойлардаги КХТМда **касб-хунарларга ўқитиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қўйидаги асосий чора-тадбирларни** амалга ошириш максадга мувофик:

- қишлоқ жойларда эҳтиёж юкори бўлган, бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ касбларга касб-хунар коллажлари базасида тўлов-контракт асосида иккинчи мутахассислик касбларига ўқитишни йўлга кўйиш;

- қишлоқ жойларда тақчил касблар, мутахассисликлар ва уларга эришиш имкониятлари, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш прогнозлари, давлат дастурларининг бажарилиши, ушбу дастурларда иштирок этиш шартлари ва уларнинг келгусида амалга оширилиши тўғрисидаги ишончли маълумотлардан иборат ягона ахборот маконини шакллантириш;

- қишлоқ жойлардаги оммавий ва кўп қаватли туарар-жой иморатлари солинган кўплаб аҳоли пунктларида касб-хунар таълими дастурларини амалга оширувчи муассасалар тақчиллигини бартараф этиш;

- қишлоқ ҳудудларида КХТМ таълимнинг сифати, ресурслар билан таъминланганлик, юкори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси бўйича фарқларни бартараф этиш;

- қишлоқ жойлардаги КХТМда истиқболли технологияларни эгаллаган, замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иш тажрибасига эга бўлган ишлаб чиқариш таълими усталари, амалий фанлар ўқитувчиларига бўлган тақчилликни бартараф этиш;

- қишлоқ меҳнат бозори (КМБ)ни таҳлил қилишнинг касб-хунар маълумотли малакали ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича минтақавий буюртмаларни прогноз қилиш ва режалаштириш;

- қишлоқ иш берувчиларини ишчи кадрлар ва мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш тизимига яқинлаштириш, у орқали коллажлар ўкувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётлари ўтапини таъминлаш;

- қишлоқ ёшлари меҳнатидан фойдаланувчи, шунингдек КХТМнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга маблағлар

сарфловчы қишлоқ жойлардаги корхоналар ва ташкилотларга солиқ имтиёзларини бериш;

- ҚМБ ва КХТМ тизимининг фаолият кўрсатишини мувофиқлаштириш, қишлоқ ёшлиари меҳнат ресурсларини таклиф қилишнинг самарали касбий-малакавий таркибини шакллантириш муаммоларини хал этилишига бизнесни, иш берувчиларни КХТМ билан ҳамкорлик қилишга жалб этиш;

Республикамиз қишлоқ жойларидағи КХТМ тизимини ри-вожлантиришнинг мазкур чора-тадбирларини амалга оширилиши мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида қишлоқ иқтисодиётининг ўрта маҳсус маълумотли малакали ишчи-кадрлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини янада **тўлиқроқ ҳамда сифатлироқ қондирилишини таъминлайди**.

## **ШИ-БОБ. ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш жойлари ташкил этишининг яқин истиқболлари**

Иқтисодий инқирозлар кучайиб бораётган глобаллашув шароитида тобора ўсиб бораётган ахолинг қишлоқ жўжалик маҳсулотлари билан таъминланишида **қишлоқ аёлларининг ўрни салмоқлидир**. Қишлоқдаги хотин-қизлар меҳнат фаолияти туридан қаттий назар ахоли фаровонлиги, турмуш даражасининг ошишида ижтимоий-иқтисодий фаол иштирок этади.

Ривожланаётган давлатларда қишлоқ аёллари тахминан 43,0 % ни ташкил этиб, ахолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим стратегик вазифани амалга оширишда ҳиссаси катта. Аксарият қишлоқ аёлларининг турмуш тарзи қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурсларга бевосита боғлиқ бўлиб, таъминланиш даражасига кўра, турмуш фаровонлигини белгилаб беради.

Дунё давлатларида ахоли турмуш фаровонлиги ошиб бораётганлигига қарамай, бир миллиарддан ортиқ киши ҳаёт учун ўта нокурай бўлган шароитларда, озиқ-овқат тақчиллигига яшамоқда. Жуда кўп давлатларда қишлоқ жойларда камбағаллик шаҳарларига нисбатан анча юқори. Осиё ва Саҳрои Кабирнинг жанубий қисмида жойлашган давлатлардаги 2,5 млрд.дан ортиқ ахоли учун асосий манба ҳисобланган майда хўжаликлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 80,0 % ишлаб чиқилади<sup>41</sup>.

Аёл-фермерлар эркак-фермерлар каби ишбилармон ва уддабурон бўлишлари мумкин, лекин ҳар доим ҳам уларда эркаклар билан тенг шароитлар мавжуд эмас, моддий-техника, кредит ресурслари, ер, сув ва бошқа кўплаб имкониятлардан фойдаланиш борасида ҳанузгача аёллар имконияти пастилигича қолмоқда.

---

<sup>41</sup> <https://www.un.org>

Дунё бўйича камбагал аҳолининг 76,5 % қишлоқларда яшашини инобатга олиб, аёллар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали дунёда камбағаллик даражасини камайтириш мумкин. Шунинг учун республикамизда аёллар учун қишлоқ хўжалигининг нисбатан янги соҳаларида иш ўринларини ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланиш катта стратегик ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармонига асосан, мазкур стратегиянинг асосий мақсади - қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги **устувор йўналишларни** қамраб олади: аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган киймат занжирини яратиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, **қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигини оширишга** эришиш, кадрлар салоҳиятини ошириш<sup>42</sup>.

Юқорида қайд этилган қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини оширишга эришиш учун унинг асосий қисмини ташкил этган меҳнатга лаёқатли аёллар учун **қишлоқ хўжалигига янги иш ўринларини ташкил этишини миқдор жихатдан қўпайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш лозим**. Бунга эса қишлоқ жойлардаги асосий иқтисодий, ижтимоий-экологик ва ташкилий-хукукий омиллар бевосита таъсир кўрсатади (3.1.1-расм).

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2019 й., 06/19/5853/3955-сон.

## Қишлоқ хұжалигіда аёллар учун янги иш үрінләри ташкил этишининг асосий омиллари



**3.1.1- расм. Қишлоқ хұжалигіда аёллар учун янги иш үрінләри ташкил этишининг асосий омиллари ва уларнинг ўзаро болғылғылары<sup>43</sup>.**

<sup>43</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқылған.

Кишлоқда аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари янги иш ўринлари ташкил этиш ва иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларига нисбатан юқорилиғи кишлоқ хўжалигига аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишининг асосий омилларини чукур илмий-амалий тадқиқот этишни тақазо қиласди. Кишлоқ хўжалигига аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишининг асосий иқтисодий омиллари орасида қишлоқ хўжалигига шахсий томорқа, дехқон, фермер ва бошқа соҳаларида аёллар учун янги ўринларини ташкил этишини иқтисодий қўллаб-кувватлаш алоҳида ўрин эгаллайди.

Бизнингча, қишлоқ хўжалигига шахсий томорқа, дехқон, фермер ва бошқа соҳаларида аёллар учун янги ўринларини ташкил этиши кичик агро-бизнеснинг таркибий элементини кўллаб-кувватлашга хизмат қиласди. Айниқса, шахсий томорқа хўжалиги катта бўлмаган капиталга таяниши ва оила аъзоларининг меҳнатига асосланишини эътироф этадиган бўлсак, ундаги меҳнатнинг оила аъзолари ўртасида тақсимланиши ёлланма ишчиларга бериладиган ҳақни тежашни таъминлайди. Шахсий томорқа, дехқон, фермер ва бошқа соҳаларида этиштириладиган маҳсулотни оиланинг ўзи хусусий мулкдор сифатида тасарруф этади ҳамда ундан келган даромад оила эҳтиёжларини қондиришга ва қўшимча даромад топишга йўналтирилади. Мазкур хўжаликлар кичик агро-бизнеснинг тури сифатида туркумлашда ундан келадиган даромаднинг оила учун аҳамиятига эътибор қаратиш керак, бу нафақат оиланинг эҳтиёжларини қондириши, балки шу билан бирга қўшимча даромад ҳосил этиб, пул капиталининг шаклланишига асос яратади, шу орқали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қарор топади.

**Агрокластер ва кооперацияларни самарали ривожлантириш** асосида аёллар учун юқори иш ҳақи тўланадиган иш ўринларини ташкил этиш қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, фермер ва дехқон хўжаликларининг қайта ишлаш саноати корхоналарни (шу жумладан кластерларни) ривожлантириш ва рағбатлантириш бўйича тадбирларни янги боскичга кўтаради.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигига аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш учун кафолатли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида тараққий этган молиявий бозорлар, қулай ишбилиармонлик муҳити, ишлаб чиқарувчиларни

қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш-сотиш занжирларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий чораларни кўриш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг мустақил мониторинги ҳамда баҳолаш структураси, тизими ва механизмлари мавжуд эмас. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёт (GAEP), мақбул ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) ва бошқа стандартларга риоя этилишини рағбатлантириш учун шарт-шароитларни ривожлантиришга маълум маънода салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот, таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишни ўзаро боғлайдиган қишлоқ хўжалигига оид билим ва ахборотларни тарқатиш бўйича самарали тизимнинг йўқлиги соҳани илмий асосда ривожлантиришдаги энг жиддий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда **илмий-тадқиқотлар** учун давлат инвестициялари даражаси қишлоқ хўжалиги умумий бюджетининг 0,2 фоизини ташкил этади, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги қишлоқ хўжалигига аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш учун кафолатли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жорий қилишнинг амалий-услубий тадқиқотларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Ижтимоий инфратузилма субъектлари қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини белгилайдиган уй-жой қурилиши қишлоқ аҳолисининг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир этувчи бошқа соҳаларни ўз ичига олган ва боғловчи тизим сифатида фаолият кўрсатгани учун ҳам **ижтимоий-экологик омиллар** орасида қишлоқ хўжалигидаги кам таъминланган аёлларни имтиёзли уй-жойлар билан таъминлаш асосий ўринни эгаллайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигига аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишининг **локал меъёрий-хукукий асосларини такомиллаштириш** муҳим ўрин тутади. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида институционал ўзгаришларни амалга оширишда, фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилиш механизмларини танлаш ва хавф-хатарнинг олдини олишнинг самарали воситаси зарур. Расмий қоидалар бир кечадаёқ сиёсий қарорлар ёрдамида ўзгаришилиши мумкин бўлгани холда, норасмий

мөъёrlар жуда секин ўзгаради. Норасмий қоидалар асрлар давомида қарор топган урф-одатлар, ҳатти-ҳаракатлар мөъёrlари, миллий менталитетдан ташкил топган. Улар вакти келиб ушбу жамият учун мажбурий бўлган расмий қоидалар даражасига кўтарилиши ёки уларни қарор топишига таъсир кўрсатган шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, аграр ислохотларнинг институционал асоси янги иктисадий институтларнинг мулк, ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг иктисадий-хукукий шаклларни такомиллаштиришни талаб қиласди.

Қишлоқ хўжалигига аёллар иш билан бандлигининг юқори даражасида эмаслиги мазкур соҳада самараали агротехнологик ечимлар жорий этилиши ва янги иш ўринлари ташкил этишнинг паст даражасини кўрсатади. Айниқса, бу борада аёлларнинг иш билан бандлиги муаммоси ва унинг ечимини асословчи ижтимоий-иктисадий механизmlарнинг аҳамиятини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатувчи асосий иктисадий, ижтимоий, табиий ва ташкилий омиллардан иш ўринларини яратиша ҳисобга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш тузилмасини диверсификация қилиш, маҳсулотни етиштириш, ташиш, унга ишлов бериш, уни қайта ишлаш, қадоклаш, ҳам ички бозорда, ҳам ташки бозорда истеъмолчиларга сотишининг ресурсларини тежайдиган технологияларини жорий этиш, шу асосда аграр сектордаги аёллар учун янги иш ўринларини экологик хавфсизлигини таъминлаш зарур.

Республикамизда бозор иктисадиёти шароитида фермер хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда соҳада экспорт имкониятларини шаклланишини тезлаштириш учун қуйидаги босқичларни амалга ошириш зарур:

- қишлоқ хўжалиги хусусан мева-сабзавот маҳсулотларини фермер хўжаликлари ва уларнинг кооперативлари орқали бевосита экспорт қилишини рағбатлантириш борасидаги хукукий мөъёрий асосларни такомиллаштириб бориш;

- қишлоқ хўжалигида этиштирилган маҳсулотларнинг бозорини талаб ва таклиф ўзгаришига мос равишда тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиши ва жорий этиши.

Мамлакатимизда ҳам аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бозорларда гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотлар кўпайишини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Мева-сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослашган оиласвий корхоналарни ташкил этиш ҳамда корхона аъзоларининг тадбиркорлик қобилиятига таянган холда фаолият олиб боришлири қишлоқ хўжалигида яратиладиган маҳсулот ҳажмининг ортиши, **бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигида иш ўринларини кўпайишига** олиб келади. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини тадқиқ этиш заруриятининг илмий ва амалий аҳамияти, биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги таркибий ислоҳотлар, иккинчидан ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш эҳтиёжи кучайғанлиги билан изоҳланади.

Кишлоқ хўжалигида аёллар учун иш ўринларини кенгайтириш, мавжудларини модернизация қилиш уларни иш билан бандлигини оширишга олиб келади. Аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида иш билан банд бўлган барча аёлларнинг асосий ва айланма воситалардан самарали фойдаланиш жараёнидаги меҳнат муносабатларини тўғри шакллантирилиши, малакалари, маъсулиятлари оширилиши тақазо этилади. Шунингдек, уларда мулкка эгалик қилиш хиссини реал шакллантириш ва мулқдан самарали фойдаланиш манфаатдорлик юксалишини таъминлашига амалда ишонч уйготиш керак. Бу уларнинг меҳнатлари онгли ва мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигида аёллар учун иш жойларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари айниқса, етарли тажрибага эга бўлмаган, қишлоқ меҳнат бозорига кириб келаётган ёш қизларни иш билан таъминлаш имкониятини яратади ва уларнинг аклий ва жисмоний қобилияtlарини осон, тез юзага чиқаришга замин яратиб, хусусий мулкка эгалик хисси бор имкониятларни ишга солишга ундейди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий талаби, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги амалларни бажаришда ахборотларни шакллантириш ва тизимлаштиришдан иборат. Булар техникавий ва дастурний

воситаларга, ахборот тизимлари ва технологияларига бўлган талабни шакллантиради. Шу нуқтаи-назардан қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун бўш иш ўринлари бўйича ахборотларни ўз вактида етказилиши чора-тадбирларини белгилаш рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш ҳозирда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳозир қишлоқ хўжалигига саноатни олиб кириш, замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш устувор вазифа ҳисобланади.

Қишлоқ иқтисодиётидаги ижобий таркибий ўзгаришлар қишлоқ хўжалигига аёллар учун ташкил этилган иш ўринлари миқдорини ўсишига олиб келди (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвалдан кўринадики, қишлоқ хўжалигига янги ташкил қилинган иш ўринлари сони 2019 йилда 94,2 мингтани ташкил қилиб, шундан 61,6 мингтаси қишлоқ аёллари учун мўлжалланган. Аёллар улушининг таҳлил йилларида ўзгаришига эътибор қаратасак, 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 106,3 % гача ўсиб борган.

### 3.1.1-жадвал Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига аёллар учун ташкил этилган иш ўринлари, минг дона<sup>44</sup>

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>2010 й.</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>2019 йилда 2010 йилга нисбатан, (%)</b>
1	Янги иш ўринлари-жами, шу жумладан:	78,2	79,5	81,5	94,2	120,4
1.1	аёллар учун	48,1	49,4	51,6	61,6	128,1
1.1.1	аёллар улуси, %	61,5	62,2	63,3	65,4	106,3

Қишлоқ аёлларининг айниқса, меҳнат бозорига биринчи бор кириб келаётган **қизларнинг мутахассислиги бўйича ишга**

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазиритиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

**жойлаштиришида** қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича иш билан бандлигини таъминлашнинг аниқ тартибларини белгилаш орқали уларнинг иш ўринларидағи қўнимлилигини таъминлаш ҳамда бу борада иш берувчилар маъсуллигини ошириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, самарали меҳнатни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш имконини беради. Бундай воситалар эса қишлоқ аёлларининг мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётида тўлақоили иштирок этишлари, қишлоқ хўжалиги соҳаларида самарали иш билан бандликларини таъминлаш имконини беради.

Кишлоқ хўжалигига аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ижобий чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан, бу борада хали **жиддий муаммолар мавжуд**. Агарар соҳа ўз хусусиятлари-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги, серсоҳалиги, табиий омилларнинг таъсири, кўл меҳнати салмоғининг юқорилиги ва хоказолар билан аёллар ишчи кучларидан фойдаланишга жиддий таъсир кўрсатади. Айни пайтда тармоқда меҳнат унумдорлиги пастлиги, капиталнинг табиий тузилмаси оқилона эмаслиги учун қишлоқ хўжалиги **аёллар ишчи кучининг йирик истеъмолчиси** хисобланади. Қишлоқ аёллари ўртасида иш билан банд бўлмаганлар даражаси шаҳардагига нисбатан юқори бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалик ишлари авжига чиққан вақтда ишчи кучи тақчиллиги, айниқса сезилади. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ аёллар ишчи кучини қишлоқ жўжалиги ишларига жалб қилишни моддий ва маънавий рафбатлантирувчи иктисодий ва ижтимоий механизмларни жорий этиш зарурлигини билдиради.

Кишлоқ иктисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий белгиларидан бири янги иш жойларини ташкил этиш бўлиб, ишсизлик даражасини камайтириш, биринчи навбатда, иш кучи тақлифидан келиб чиққан ҳолда **қишлоқ хўжалигининг янги соҳаларида иш ўринлари яратишга боғлиқдир**. Янги иш ўринларини ташкил этиш ўзига хос тизими яратилган бўлиб, улар инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш тармоқ дастурлари, тадбиркорликни ривожлантириш хисобига яратилмоқда. Бизнингча, қишлоқ хўжалигига аёллар учун янги иш жойларини ташкил этишда худудий хусусиятлар ва йўналишларни инобатга олиш лозим.

Шу ўринда қишлоқ хўжалигида аёлларнинг иш билан бандлигини иқтисодий тартибга солиш механизмига боғлик ҳолда таснифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан келиб чиқсан ҳолда эътироф этиш керакки, аёлларнинг айниқса, қишлоқ хўжалигини **биринчи бор кириб келаётган қизларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда** аник тартибларни белгилаш орқали уларнинг ўз иш ўринларидағи қўнимлилигини таъминлаш ҳамда бу борада иш берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари маъсуллигини ошириш, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқаришининг айнан аёллар манфаатига қаратилган механизмларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу эса аграр сектордаги аёлларни манзилли қўллаб-куватлаш, улар орасида ишсиз ва ижтимоий-иқтисодий фаол бўлмаганлар билан якка тартибда иш олиб бориш, иш билан бандликка қўмаклашиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш имконини беради.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг нисбатан янги соҳаларида-кластерларида ва кооперацияларида, ҳамда катта ишлаб чиқариш салоҳиятларига эса шахсий томорқа, дехқон, фермер ва бошқа хўжаликларида қулай агробизнес муҳитли аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш микдорини ўсиши қишлоқ иқтисодиётини тараққиётига бевосита ижобий таъсир этади (3.1.2-жадвал).

### 3.1.2-жадвал

#### **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этилиши ва уларда ишловчиларнинг прогнози<sup>45</sup>**

№	Қишлоқ хўжалиги соҳалари номи	Кўрсатки члар ва уларнинг ўлчов бирликлари	2019 й. (хисоб от)	Прогноз даври							2025 й.да 2019 йилга нисбатан %, +,-
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.		
I.	Қишлоқ хўжалиги бўйича - жами, шу жумладан:	янги иш ўринлари, дона	61 032	63 521	66 751	69 152	72 567	78 567	81 604	+20 572	
		Ишловчилар, киши	57 795	60 545	75 456	78 756	80 578	85 485	89 864	+32 069	

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазирилиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан хисобланган.

1.1.	Кишлоқ хұжалиғы кластерлары бййича жами, шундан:	яңги иш үрінлари, дона	39 444	41 4469	43 739	45 865	48 457	50 521	52 227	+12 783
		Ишловчилар, киши	43 389	45 457	47 568	50 120	52 456	55 420	57 513	+14 124
1.1.1	Пахтачилик-тұқамачилик	яңги иш үрінлари, дона	19 801	21 327	22 750	23 453	24 425	25 450	26 218	+6417
		Ишловчилар, киши	21 781	22 921	23 420	24 453	25 451	27 087	28 872	+7091
1.1.2	Фаллачилик	яңги иш үрінлари, дона	1499	1501	1624	1698	1754	1825	1985	+486
		Ишловчилар, киши	1649	1775	1858	1924	1986	2047	2185	+536
1.1.3	Чорвачилик	яңги иш үрінлари, дона	5917	6242	6613	7057	7286	7545	7834	+1917
		Ишловчилар, киши	6508	68546	7101	7545	7947	8358	8627	+2119
1.1.4	Мева-сабзаводчилик	яңги иш үрінлари, дона	10255	1095	1127	1185	1234	1287	13579	+3324
		ишловчилар, киши	11 285	11 765	12 324	13 015	13 975	14 245	14 953	+3668
1.1.5	Ипакчилик	яңги иш үрінлари, дона	789	805	875	910	975	1001	1045	+256
		ишловчилар, киши	866	894	926	975	1005	1047	1150	+284
1.1.6	Баликчилик	яңги иш үрінлари, дона	592	614	657	687	704	768	783	+191
		ишловчилар, киши	654	685	714	745	776	827	863	+209
1.1.7	Агротуризм	яңги иш үрінлари, дона	384	398	404	425	469	513	522	+138
		ишловчилар, киши	432	464	486	514	537	554	575	+143
1.1.8	Доривор ўсиммекилар	яңги иш үрінлари, дона	197	204	224	235	247	257	261	+64
		ишловчилар, киши	217	228	234	245	258	267	288	+71
1.2.	Кишлоқ хұжалиғы кооперациялари	яңги иш үрінлари, дона	1849	1946	2075	2125	2247	2350	2448	+599
		ишловчилар, киши	2034	2175	2214	2386	2457	2547	2696	+662

	Кишлоқ хўжалиги нинг шахсий томорқа дехқон, фермер ва бошقا хўжаликлари	янги иш ўринлари, дона	20 399	21 254	22 457	23 578	24 432	25 475	26 929	+6530
1.3.		ишловчилар, киши	22 372	23 457	24 576	25 512	26 245	28 536	29655	+7283

3.1.2 - жадвалдан кўриниб турибдики, яқин келажакда республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун жами янги иш жойларини ташкил этилиши 133,7 % га, қишлоқ хўжалиги кластерлари бўйича эса 132,3 % га ошади. Шундан, пахтачилик-тўқимачилик кластерида ташкил этиладиган янги иш ўринлари сони 2025 йилга бориб 132,4 %, ғаллачилиқда 132,0 %, ипакчилиқда ташкил этиладиган иш ўринлари сони ҳам 132,0 % га ошади.

3.1.3-жадвал ва 3.1.4 жадвалларда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган ва кам таъминланган айрим туманларидаги қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчиларни прогнози келтирилган. Қишлоқ хўжалиги бўйича жами янги иш ўринлари сони худудий жиҳатдан бир-биридан фарқланади, жумладан, (2019 йилда)меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани бўйича 400, Ургут тумани бўйича 387 минг донани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич мутаносиб равишда Қашқардарё вилояти Китоб туманида 320, Пастдарғом туманида эса 310 мингтани ташкил қилган. 2025 йилга бориб, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида 515, Ургут туманида 457 минг дона, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида 381, Шахрисабз туманида эса 370 минг донага тенг бўлади. Шу жумладан, 2019 йилда аёллар учун янги иш ўринлари сони Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида 260 мингдан 2025 йилда 362 минг донагача, Ургут туманида эса бу кўрсаткич мутаносиб равишда 443 мингдан 523 минг донагача ошиб боради.

**3.1.3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган айrim тумандардаги  
кишлек хўжалиги соҳалари аёллар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчиликни прогнози<sup>46</sup>**

№	Киплек хўжалиги соҳалари номи	Кўрасаткич лар ва уларнинг ўлчов бирниклиари номи	Самарқанд вилояти			Кашкадарё вилояти			Шахрисабз гумани					
			Пастдаравом тумани		Ургут гумани	Китоб гумани		Кашкадарё вилояти	Прогноз даври		Шахрисабз гумани			
			2019 й. (хисобот)	Прогноз даври 2020-2025 йил	2019 й. (хисобот)	Прогноз даври 2020-2025 йил	2019 й. (хисобот)	Прогноз даври 2020-2025 йил	2020-2025 йил	2020-2025 йил	Прогноз даври			
1	Киплек хўжалиги бўйича жами, шу жумладан:	Янги иш ўринлари, дона ишловчи-лар, киши	400	458	515	387	422	457	320	351	381	310	340	370
1.1	Аёллар учун жами, шундан:	Янги иш ўринлари, дона ишловчи-лар, киши	260	311	362	252	287	322	208	238	267	202	231	260
1.1.1	Киплек хўжалиги кластерлари	Янги иш ўринлари, дона ишловчи-лар, киши	298	361	415	288	328	328	238	272	305	230	264	298

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан хисобланган..

1.1.2	Қишлоқ хўжалиги кооперациялари	янги иш ўринлари, дона	10	16	22	10	15	19	8	12	16	8	12	16
		ишловчи-лар, киши	12	19	25	12	17	21	10	15	19	14	18	21
1.1.3	Қишлоқ хўжалигининг шахсий томорка, дехкон, фермер ва боспа хўжаликлари	янги иш ўринлари, дона	91	97	102	88	89	90	73	74	75	71	72	73
		ишловчи-лар, киши	104	110	116	100	103	106	83	84	85	64	74	83

### 3.1.4-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган айрим туманлардаги қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчиларни прогнози<sup>47</sup>**

№	Кишлоқ хўжалиги соҳалари номи	Кўрсаткичлар ва уларни ўтилов бирлуклари	Коракалпокистон Республикаси						Жиззах вилояти					
			Беруннй тумани			Элдинккала тумани			Зарбдор тумани			Пахтакор тумани		
			2019 йил хисобот	Прогноз даври 2020 йил	2025 йил	2019 йил хисобот	Прогноз даври 2020 йил	2025 йил	2019 йил хисобот	Прогноз даври 2020 йил	2025 йил	2019 йил хисобот	Прогноз даври 2020 йил	2025 йил
I	Қишлоқ хўжалиги бўйича-жами, шу жумладан:	янги иш ўринлари, дона	285	358	431	236	287	337	149	184	219	119	166	213
		ишловчилар, киши	326	409	492	270	328	385	170	210	250	136	190	243
1.1	Аёллар учун-жами, шундан:	янги иш ўринлари, дона	196	260	323	165	209	253	104	134	164	83	122	160
		ишловчилар, киши	228	299	369	189	239	289	119	153	186	96	140	183
1.1.1	Кишлоқ хўжалиги кластерлари	янги иш ўринлари, дона	129	176	223	108	142	175	69	91	113	55	83	110
		ишловчилар, киши	150	203	255	127	164	200	78	103	128	63	94	124
1.1.2	Кишлоқ хўжалиги кооперациялари	янги иш ўринлари, дона	8	14	19	7	11	15	4	7	10	3	7	10
		ишловчилар, киши	11	17	23	10	15	19	7	11	14	5	10	14
1.1.3	Кишлоқ хўжалигининг шахсий томорка, дехкон, фермер ва боспа хўжаликлари	янги иш ўринлари, дона	59	70	81	50	57	63	31	36	41	25	33	40
		ишловчилар, киши	67	79	91	52	61	70	34	39	44	28	37	45

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан хисобланган.

Қишлоқ хўжалиги кластерларида ҳам мазкур кўрсаткич Самарқанд вилоятининг танлаб олинган обьектлари Пастидарғом туманида 159 мингдан 239 минг донагача, Ургут туманида эса 191 мингдан 212 минг донагача кўпайтирилади (3.1.3-жадвал).

Мехнат ресурслари билан кам таъминланган айрим тумандардаги қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчиларни прогнози Коракалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2019 йилда 196 минг донадан 2025 йилда 323 минг донагача, Элликқалъа туманида эса мутаносиб рашишда 165 мингдан 253 минг донагача, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида 104 мингдан 164 минг донагача, Пахтакор туманида эса 83 мингдан 160 минг донага кўпайтирилади (3.1.4-жадвал).

Қишлоқ хўжалигига аёллар иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳозирги қундаги ва яқин истиқболдаги энг муҳим йўналиши – қишлоқ хўжалигига банд бўлган аёлларни меҳнатга қайта тақсимлаш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ҳамда соҳаларига улардаги ортиқча ишчи кучининг сафарбарлигини оширишdir. Бунинг учун қишлоқ жойларда фермер, дехқон, томорқа хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, қишлоқ туризми ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш талаб этилади.

**Қишлоқ хўжалигига кейинги йилларда сабзовот ва полиз, кўчат экиш ва етишириш, пиллачилик каби соҳаларида аёллар учун янги иш жойларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан меҳнат дафтарчасига берилиши ва меҳнат стажига қўшилиши қишлоқ аёллари учун янги имкониятлар очилишига сабаб бўлди.**

Қишлоқ жойларда шахсий томорқа хўжалигига кўп ва ёш болалик аёллар учун янги иш ташкил этилиши оила эҳтиёжларини қондиришларида муҳим даромад манбаига айланишига эришиш лозим. Алоҳида таъкидлаш жоизки, оиласвий тадбиркорликнинг аҳамияти иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш орқали белгила-

ниши зарур. Бунинг учун эса қишлоқ иқтисодиёти бозор инфра-түзилмасини ривожлантириш, самарали агромаркетинг ва агрологистика тузилмаларини шакллантириш, экспортни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш, айниқса, арzon ва замонавий агротехника воситалари ва қайта ишлаш технологияларини қўлланилишига кенг устуворлик бериш зарур. Шулар орқали қишлоқ хўжалигида **кичик бизнес ва оиласий тадбиркорликни ривожлантириш негизида кўплаб янги ўринларини ташкил этишга** эришилади. Қишлоқ хўжалигида оиласий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этиш зарур. “**Ҳар бир оила – тадбиркор**” дастури доирасида ўз бизнесини бошлиётган оиласарга мазкур йилда 5,9 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишни яқин истиқболда прогноз кўрсат-кичларга эришиш учун қўйидаги асосий иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш учун кафолатланган инвестицион маблағларнинг асосий қисмини йўналтирилиши асосида худудий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроларини таъминлаш;

- аграр секторнинг нисбатан янги пахта-тўқимачилик, баликчилик, ипакчилик, чорвачилик, мева-сабзовотчилик, агротуризм ва доривор ўсимліклар кластерларида каби сердаромад ва кафолатланган аёллар учун зарурий меҳнат қилиш шароитларига эга янги иш ўринларини ташкил этиш миқдорини ошириш учун иш берувчиларга имтиёзли солиқ ва кредит ставкаларини тақдим этиш;

- катта туристик салоҳиятлар ва тарихий обьектларга эга қишлоқ худудларида туристларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, миллий хунармандчилик товарлари билан танишиш ва экологик тоза озиқ-овқатларни тановул килиши ҳамда сифатли дам олишни таъминлашини таъминлаш мақсадида шакллантирилган агротуризм кластери обьектларида янги иш ўринларининг аёллар учун нисбатан кўпроқ ташкил этиш ва уларниш берувчилар томонидан

имтиёзли малака ошириши ва қайта тайёрланишини амалга ошириш;

– қишлоқ хўжалигининг нисбатан янги соҳаларида аёллар иш ўринлари самарали фаолият кўрсатиши учун унумли маҳаллий ва хорижий экинларни навлари, зотдор чорвачилик ва балиқчилик турлари билан таъминланган ҳолда давлат ва маҳаллий хокимиётлар томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари ҳамда молиявий маблағлар билан таъминловчи ташкилотларнинг фаолиятлари тизимли назорат қилиш ва тартибга солиш;

– кўп соҳалик қишлоқ хўжалиги кооперациялари ва фермер хўжаликларида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш микдорини ошириш учун қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларини ажратишнинг шаффоф тизимини яратиш, ердан фойдаланувчилар хукукларини кафолатлайдиган механизмларни амалиётга татбиқ этиш;

– қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, дехқон, фермер ва бошқа соҳаларида аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишни кўпайтиришни молия-кредит, агрокимё, агросервис, агрологистика ва бошқа хизматлар фаолиятларини сифатли ташкил этиш асосида ташкилий-иктисодий кўллаб-куватлаш;

– аграр соҳадаги янги ва мавжуд иш ўринларида аёллар учун меҳнат қилиш обьектларини ва дам олиш шароитларини белгиланган меъёрлар асосида ташкил қилиш, ҳамда меҳнат, техника, ва табиий-экологик хавфсизликларни таъминлаш.

### **3.2. Яқин келажакда қишлоқ аёллари учун нокишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш жойларини ташкил этиш**

Бутун дунёга хавф солган COVID-19 короновирус пандемияси ва унинг таъсирида қилинган турли чекловлар оқибатида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш ҳамда унга таъсир этувчи омилларни бошқаришда меҳнат бозоридаги ўзгаришлар тенденцияларини ўрганиш мухим ҳисобланади. Жаҳон иктисодиёти ривожланишининг бугунги босқичидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг ривожланиши билан бандлик ҳолати

ва унинг шакллари бандликка анъанавий ёндашувлардан сезиларли даражада фарқланиб бормоқда.

Жаҳон банки хисоботларидағи иш билан банд дунё аҳолиси-нинг алоҳида мезонлар бўйича таҳлили<sup>48</sup> – бандларнинг 61 % и норасмий бандлардан иборатлиги, 52 %игина меҳнатига ҳак тўланувчи бандлар канлиги, 26 % бандлар аҳолининг ўта ва ўртacha қашшоқ қисмини ташкил этиши тўғрисидаги маълумотлар меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиши асосида уни тартибга солиш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш ва иш билан бандликнинг замонавий хусусиятларини етарли даражада хисобга олиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бир қатор ҳалқаро институтлар, жумладан, Жаҳон банки, Ҳалқаро валюта фонди 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти риволанинг пасайишини прогноз қилмоқда, карантин муддатларининг чўзилиши туфайли ушбу прогнозлар гобал ишлаб чиқариш ҳажмларининг янада пасайиши тарафига ўзгармоқда. Глобал иқтисодий тизимнинг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса, ўз навбатида, ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришн талаб қиласди. Бундай шароитда миллий иқтисодиётнинг ҳаёт учун муҳим хисобланган тармоқларини қўллаб-кувватлаш ва уларнинг баркарорлигини таъминлаш ҳамда пандемия таъсирида меҳнат бозоридаги бандлик ҳолати ва аҳолининг даромадлари даражасига ва айниқса қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ушбу ҳолатлар пандемия шароитида мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг инфратузилмасини мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Шу ўринда яқин келажакда қишлоқ аёллар учун нокишишлук хўжалиги тармоқларида янги иш жойларини ташкил этиши масалаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Иш ўринларини ташкил этиши ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

48 World Employment and Social Outlook: Trends 2019 International Labour Office – Geneva: ILO, 2019 pp. 5-6.

- мутахассислар тайёрлашнинг олдиндан белгиланган касбий-малака тузилмаси ҳамда иш топишда қийинчиликларга учраёт-ган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда ракобат қила олмаётган банд бўлмаган шахсларни ишга жойлаштиришга бўлган эҳтиёж-ларини инобатта олиб, таълим муассасалари битирувчиларини кафолатли ишга жойлаштириш учун мақсадли иш ўринларини ташкил этишни таъминлаш;

- меҳнат бозоридаги мутахассисларга олдиндан белгиланган эҳтиёжни

хисобга олиб, таълим муассасалари томонидан кадрлар тайёрлашнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан кадрлар тайёрлаш тузилмасини мақбуллаштириш<sup>49</sup>.

Янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- туман ва шаҳарларда янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини лойиҳаларни амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молия-лаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси, шу жумладан, тижорат банкининг ажратиладиган кредит ставкаси-нинг 50 фоизи миқдоридаги маржа билан микрокредитлар ажратиш;

- қишлоқ туманларида, бундан аҳоли сони 5 минг кишидан кўп бўлган аҳоли пунктлари мустасно, сартарошхона хизматларини, якка тартибдаги буюртмалар бўйича кийим тикиш хизматларини, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этган, якка тартибдаги тадбиркорларни 2023 йил 1 июлгача барча турдаги соликлар тўлашдан озод этиш;

<sup>49</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 28 октябрдаги “Меҳнат бозорининг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини хисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги карори. // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2017 й., 09/17/877/0190-сон.

- якка тартибдаги тадбиркорларни ҳар бир ёлланган ходимга тўланадиган қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этиш;
- юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оиласвий тадбиркорлик субъектларига З нафаргача доимий ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа якин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болалари ва невараларининг эр-хотинларини, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оиласвий тадбиркорлик субъекти иштироқчилари сифатида жалб этиш хукукини бериш;
- иш берувчиларга – аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мансуб ходимлар шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни касбга қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштиришга ҳар бир ходим учун энг кам иш ҳақининг З баравари миқдорида тўланиши.

Юкорида келтирилган имтиёзлардан кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолисининг шу жумладан, аёлларнинг иш билан бандлик даражасини меҳнат бозорида иш билан бандликнинг эгилувчан, ўз-ўзини иш билан бандлигини таъминлаш ва ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида иши билан бандлик шаклларини ривожлантириш асосида ошириш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашнинг ҳозирги кундаги ва якин истиқболдаги энг муҳими йўналиши – қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга лаёқатли аёлларни қайта тақсимлаш, ноқишлоқ хўжалиги тармоқларига йўналтириш, иктисадиётнинг бошқа тармоқ ҳамда соҳаларига улардаги ортиқча ишчи кучининг сафарбарлигини оширишdir. Бунинг учун қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, қишлоқ туризми ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш талаб этилади.

Худудий меҳнат бозорларини ўзаро боғлик ҳолда ривожлантириш жараёни янги мослашувчан тартибга солиш механизми шаклланиши билан белгиланиб, бу қишлоқ аёл ишчи кучига талаб кўлами ва таркиби ўзгаришига мос равишда касб-

малака кўрсаткичларини такомиллаштиришни талаб этади. Қишлоқ аёллари иш билан бандлигини таъминлашга кўмаклашишни тартибга солиш воситалари ҳамда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, янги иш ўринларини яратишни кўзда тутувчи **махсус дастурларни белгилаб беради**. Мазкур дастурлар янги иш ўринларини уларнинг ўсиб бораётган сифат хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яратиш асосида меҳнат қилиш соҳасини ҳар томонлама кенгайтиришини назарда тутади. Шу ўринда қишлоқ аёллари учун иш ўринлари яратишнинг боришининг солиши таҳлил амалга оширилди (3.2.1-жадвал).


### 3.2.1-жадвал

#### **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этишни ўзгариши, дона<sup>50</sup>**

№	Ҳудудлар номи	2017 йил	2019 йил	2019 йилда 2017 йилга нисбатан, %
I	Ўзбекистон Республикаси бўйича- жами, шу жумладан:	143174	150288	105,0
1.1	Қоракалпогистон Республикаси	9591	9917	103,4
1.2	Андижон вилояти	12766	13242	103,7
1.3	Бухоро вилояти	12031	13236	110,0
1.4	Жиззах вилояти	8695	9406	108,2
1.5	Қашқадарё вилояти	10524	11639	110,6
1.6	Навоий вилояти	9657	9918	102,7
1.7	Наманган вилояти	10836	11244	103,8
1.8	Самарқанд вилояти	11744	12102	103,0
1.9	Сурхондарё вилояти	11281	10924	96,8
1.10	Сирдарё вилояти	10039	10992	109,5
1.11	Тошкент вилояти	12660	13302	105,1
1.12	Фарғона вилояти	11584	12162	105,0
1.13	Хоразм вилояти	11763	12204	103,7

<sup>50</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

**Кишлоқ аёллари учун нокишлөк ҳұжалиги  
тармоқларыда янги иш ўринларини ташкил  
этапнинг асосий омиллари**



**3.2.1-расм. Кишлоқ аёллари учун нокишлөк ҳұжалиғи тармоқларыда янги иш ўринларини ташкил этишининг асосий омиллари ва уларни ўзаро алоқадорлығы.\***

\*Манба: муаллифлар томонидан тайёрланған.

**3.2.1-жадвалдан** кўриниб турибдики, кишлоқ аёллари учун яратилган иш ўринлари сони 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 105,0 фоизни ташкил қилиб, ўсиш тенденцияси Сурхондарёдан ташқари республиканинг барча қишлоқ худудларида кузатилади.

Кишлоқда кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда кулай шакл эканлигини кўрсатади.

Ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш жойларини дара-жасига таъсир этувчи **иктисодий, ижтимоий-экологик, ташкилий-хукуқий асосий омиллар** меҳнат бозоридаги аёл ишчи кучига талаб ва таклифнинг ўзгариши нуқати-назаридан тадқиқ қилинади (3.2.1-расм).

**Иктиносий омиллар** гурухида аёллар учун ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этиш учун кафолатли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш етакчи ўрин эгаллаб, у инвестицион мухитни яхшилайди ва иктиносий ўсишни таъминлайди. Мазкур тармоқлардаги иш берувчиларга аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этилиши бўйича имтиёзли кредитлар тақдим этиш мухим иктиносий аҳамиятга эга.

Кичик бизнес ва оиласида тадбиркорликни ривожлантириш асосида аёллар учун сердаромад иш ўринларини ташкил этиш тадбиркорликнинг бозор инфратузилмасини кенгайтириш ва иш билан бандликни оширишга олиб келади.

**Ижтимоий-экологик омиллар** гурухига кирувчи иш берувчилар ҳисобидан аёлларни замонавий касб-хунарларга ўргатиш касбий маҳорат ва малака даражасининг ошишини талаб қилувчи бандлик таркибининг трансформациялашувига бевосита таъсир кўрсатади.

**Ташкилий-хукуқий омиллар** ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида аёллар учун кафолатланган иш ўринларини ташкил этиш, уларга аёлларни нисбатан кўпроқ ишга жойлаштиришга эришиши бевосита аёлларни меҳнатда фаол иштирокини таъминлашди.

Ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринлари ва уларда иш билан банд бўладиган аёллар миқдорини аниқлаш юзасидан ҳисоб-китоблар 2019 йил ва 2020-2025 йиллар прогноз даври учун прогноз давр учун амалга оширилди (3.2.2-жадвал).

Қишлоқ худудларида нокишлоқ хұжалиги янги иш үринлари сонининг истиқболдаги күрсаткычларига эътиборимизни қаратсак, деярли барча тармокларда үсиш тенденцияси кутилмоқда.

3.2.2-жадвал бүйича таҳлилга күра, республикамиз нокишлоқ хұжалиги тармоқларида аёллар учун жами **янги иш үринларини** ташкил этилиши 2020-2025 йилларда эса 27866 тага ошади. Бу күрсаткыч миқдори қайта ишлаш саноатида-9142 тага, қурилиш ва курилиш материаллари тайёрлаш саноати- да - 3798 тага, савдо ва умумий овқатланишда - 6820 тага, маший хизмат күрсатишда - 1142 тага, соғлиқни сақлашда - 1722 тага ортади.

Янги иш үринларини ортиши асосида нокишлоқ хұжалиги тармоқлари бүйича **иш билан бандлар** 2019 йилга 2020 йилда 102,0%, 2021 йилда 108,1 % га 2025 йилга бориб эса 133,9% гача ошиб бориши прогноз қилинди.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялаш жараёни энди аёл ишчи күчларининг сифатига ва рақобатбардошлигига янги талаблар қўйиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ аёлларининг ўта ҳаракатчан, кенг қамровли мутахассисликка эга бўлиши талаб этилади ва шулардан келиб чиқсан ҳолда ҳали ишлатилмаган имкониятларни худудий жиҳатдан таҳлил қилиш ва баҳолаш усусларини такомиллаштириш, қишлоқ аёллари ишсизлигини камайтириш истиқболларини баҳолашга қаратилиши лозим.

Меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларида **нокишлоқ хұжалиги тармоқларида аёллар** учун **янги иш үринлари** ташкил этилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли прогнози аниқланди (3.2.3 ва 3.2.4-жадваллар).

3.2.3-жадвалда нокишлоқ хұжалиги тармоқларида **аёллар** учун **янги иш үринларини** ташкил қилиш Самарқанд вилоятининг танланган объектларида 2019 йилда 6155 тани ташкил қилиб, 2020 йилда бу кўрсаткич 7018 тага, 2025 йилда эса 8060 тага етади. Қашқадарё вилоятининг танлаб олинган худудларида эса 2019 йилда 6055 тани ташкил қилиб, 2020 йилда бу кўрсаткич 6468 тага, 2025 йилда эса 7435 тага етади.

3.2.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида нокишлок хўжалиги тармоқларида кишлок аёллари учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчилар прогнози<sup>51</sup>**

№	Нокишлок хўжалиги тармоқлари номи	Кўрсаткичлар ва уларнинг ўлчов бирликлари	2019 й. (хисобот иили)	Прогноз даври						2025 йилда 2020 йилга нисбатан +;-
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1	Нокишлок хўжалиги тармоқлари бўйича жами, шу жумладан:	янги иш ўринлари, дона	87256	89001	92341	100002	106002	111302	116867	+ 27866
		ишловчилар, киши	95425	97334	103174	19364	115926	121722	127808	+ 30475
1.1	Қайта ишлаш саноати	янги иш ўринлари сони, дона	28626	29199	30950	32807	34776	36515	38340	+9142
		ишловчилар, киши	30296	30902	32756	34721	36805	38645	40577	+9675
1.2	Курилиш ва курилиш материаллари тайёрлаш саноати	янги иш ўринлари сони, дона	11894	12132	12860	13631	14449	15172	15930	+3798
		ишловчилар, киши	13261	13526	14338	15198	16110	16915	17761	+4235
1.3	Энергетика	янги иш ўринлари сони, дона	253	258	274	290	307	323	339	+81
		ишловчилар, киши	407	415	440	466	494	519	545	+130
1.4.	Транспорт ва алоқа	янги иш ўринлари сони, дона	3353	3420	3625	3843	4073	4277	4491	+1071
		ишловчилар, киши	3578	3650	3869	4101	4347	4564	4792	+1143

<sup>51</sup> Жадвал муаллифлар хисоб-китоблари асосида тузилган.

1.5	Савдо ва умумий овқатланиш	янги иш ўринлари сони, дона	21356	21783	23090	24476	25944	27241	28603	+6820
		ишловчилар, киши	23302	23768	25194	26706	28308	29724	31210	+7442
1.6	Уй-жой коммунал хўжалиги	янги иш ўринлари сони, дона	1243	1268	1344	1425	1510	1586	1665	+397
		ишловчилар, киши	1440	1469	1557	1650	1749	1837	1929	+460
1.7	Маиний хизмат кўрсатиш	янги иш ўринлари сони, дона	3572	3643	3862	4094	4339	4556	4784	+1141
		ишловчилар, киши	3770	3845	4076	4321	4580	4809	5049	+1204
1.8	Соғликни сақлаш	янги иш ўринлари сони, дона	5127	5230	5543	5876	6228	6540	6867	+1637
		ишловчилар, киши	5391	5499	5829	6178	6549	6877	7220	+1722
1.9	Спорт ва ижтимоий таъминот	янги иш ўринлари сони, дона	1162	1185	1256	1332	1412	1482	1556	+371
		ишловчилар, киши	1430	1459	1546	1639	1737	1824	1915	+457
1.10	Маориф ва маданият	янги иш ўринлари сони, дона	8165	8328	8828	9358	9919	10415	10936	+2608
		ишловчилар, киши	9082	9264	9819	10409	11033	11585	12164	+2900
1.11	Молия, кредитлаш ва сўғурта	янги иш ўринлари сони, дона	2165	2208	2341	2481	2630	2762	2900	+691
		ишловчилар, киши	3057	3118	3305	3504	3714	3899	4094	+976
1.12	Бошқа тармоқлар	янги иш ўринлари сони, дона	340	347	368	390	413	434	455	+109
		ишловчилар, киши	411	419	444	471	499	524	550	+131

Республикамизнинг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида аёлларнинг иш билан бандлигини прогноз даврида (2020-2025) йилларда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 16,4 % га, Ургут туманида – 23,7 % га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шахрисабз туманларида мос равишда – 11,2 % ҳамда 10,2 % га ошиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, қайта ишлаш саноати бўйича аёллар иш билан бандлиги Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 11,8 % га, Ургут туманида – 19,7 % га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 10,8 % га, Шахрисабз туманида – 9,0 % га ўсиши яқин истиқболда кутилмоқда.

Хизмат кўрсатиши тармоғи бўйича аёллар иш билан бандлиги Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 19,1 % га, Ургут туманида – 15,3 % га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шахрисабз туманларида мос равишда – 9,4 % ва 9,7 % га ошиши прогнозлашибтирилди.

Курилиш ва курилиш материаллари тайёрлаш саноати бўйича бу кўрсаткични Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 26,3 % га, Ургут туманида – 13,3 % га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 13,9 % га, Шахрисабз туманида – 17,0 % га ўсиши кутилмоқда.

Мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларини ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида аёллар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича прогноз даврида (2020-2025 йилларда) Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 12,2 % га, Ургут туманида – 17,2 % га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шахрисабз туманларида мос равишда – 17,1 % ва 12,3 % га ошиши кутилмоқда.

Мазкур кўрсаткични қайта ишлаш саноати бўйича Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 9,0 % га, Ургут туманида – 23,07 % га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 18,8 % га, Шахрисабз туманида – 11,1 % га ўсиши кутилмоқда.

**3.2.3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган айрим туманиларидаги нокшилжок хўжалиги тармоқларида аёллар учун янги иш ўринилари ва уларда ишловчилик прогностиги<sup>52</sup>**

№	Нокшилжок хўжалиги тармоқлари номи	Кўргаткичлар ва уларнинг ўтнов бирликлари	Санарханада вилояти				Китоб тумани				Китоб тумани				Китоб тумани			
			Пастдаром тумани		Ургут тумани		Китоб тумани											
			2019 йил (хисобот)	прогноз даври 2020 йил	2019 йил (хисобот)	прогноз даври 2025 йил												
1.	Нокшилжок хўжалиги тармоқлари бўйича яхши, ишловчиликар, киши	янги иш ўринилар, дона	2735	3330	3720	3420	3688	4325	3232	3524	4128	2823	2944	3307				
1.1	Кайта ишлашсаноат	янги иш ўринилар, дона	1254	1482	1616	1142	1293	1600	1360	1392	1653	1569	1618	1798				
1.2	Курилини маънорида тайёрланган салоати	янги иш ўринилар, дона	1495	1565	1751	1428	1535	1838	1590	1665	1845	1784	1884	2055				
1.3	Хизмат кўрсатиш ишловчиликар, киши	янги иш ўринилар, дона	303	343	389	253	270	300	245	252	319	165	187	233				
1.4	Бошқа тармоқлар	янги иш ўринилар, дона	256	294	349	623	318	338	383	310	338	385	210	256	310			

<sup>52</sup> Жадвал музалифлар хисоб-китоблари асосида тузилган.

### 3.2.4-жадвал

## Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган айрим туманинг нокишлоп хўжалиги тармокларида аёллар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчилар прогнози<sup>53</sup>

№	Номинатк хўжалиги тармослари номи	Кўракактагинчлар ва уаринни утлов одиринчлари	Коракалпогистон Республикаси						Жиззах вилояти					
			Беруний тумани			Энгикакта тумани			Зарбор тумани			Пахтакор тумани		
			2019 йил (хисобот)	прогноз двари 2020	2025 йил	2019 йил (хисобот)	прогноз двари 2020	2025 йил	2019 йил (хисобот)	прогноз двари 2020	2025 йил	2019 йил (хисобот)	прогноз двари 2020	2025 йил
1.	Нокишлоп хўжалиги тармослари бўйича жами, иҷроёвчи:	янти иш ўринлари, дона	1115	1175	1393	1104	1171	1315	726	788	966	1454	1534	1878
		ишловчилар, кашни	1309	1396	1686	1259	1339	1597	807	899	1159	1604	1765	2146
1.1.	қайта тарошсан саноатчи	янти иш ўринлари, дона	426	446	521	324	335	384	199	215	256	252	274	366
		ишловчилар, кашни	515	536	620	406	415	509	215	246	297	284	342	438
1.2.	курглиши ва куриниш мате- риалилари тадбірлари саноати	янти иш ўринлари, дона	258	269	331	310	348	364	362	376	470	467	476	572
		ишловчилар, кашни	301	330	415	345	368	418	385	416	538	515	538	604
1.3	хизмат кўреяниш ишловчилар	янти иш ўринлари, дона	296	304	345	347	358	401	106	128	146	655	698	812
		ишловчилар, кашни	329	344	413	364	406	452	138	153	196	717	787	946
1.4	бошقا тармоқлар	янти иш ўринлари, дона	135	156	196	123	130	166	59	69	94	80	86	128
		ишловчилар, кашни	164	186	238	144	150	218	69	84	128	88	98	158

<sup>53</sup> Жадвал музалимифтар хисоб-китоблари асосидаги амалга тушнаган.

Кишлоқ аёллари учун янги иш ўринларининг ташкил этилишини прогноз даврида курилиш ва курилиш материаллари тайёрлаш саноати бўйича Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманида – 13,4 % га, Ургут туманида – 11,1 % га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида мос ҳолда – 26,6 % ва 24,6 % га ошиши кутилмоқда.

Мазкур кўрсаткични хизмат кўрсатиш тармоғи бўйича эса Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманида – 12,8 % га, Ургут туманида – 12,6 % га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 13,4 % га, Шаҳрисабз туманида – 9,1 % га ўсиши прогнозлаштирилди.

**3.2.4-жадвалда республикамизнинг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган танланган қишлоқ туманларида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ аёллари иш билан бандлигининг яқин истиқболда (2020-2025 йилларда) Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида – 20,9 %га, Элликкальға туманида – 19,3 % га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос ҳолда – 30,2 % ва 23,7 % га ошиши кутилмоқда.**

Мазкур кўрсаткич қайта ишлаш саноати бўйича Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида – 15,7 % га, Элликкальға туманида – 22,7 % га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос равища – 20,7% ва 28,1 % га ошиши мумкин.

Кишлоқ аёлларининг иш билан бандлиги курилиш ва курилиш материаллари тайёрлаш саноати бўйича Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида – 25,8 % га, Элликкальға туманида – 13,6 % га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 29,3 % га, Пахтакор туманида – 12,3 % га ошиши прогнозлаштирилди.

Бу кўрсаткични хизмат кўрсатиш тармоғи бўйича Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида – 20,1 % га, Элликкальға туманида – 11,3 % га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 28,1 % га, Пахтакор туманида – 20,2 % га ўсиши кутилмоқда.

Кишлоқ туманларини ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида **аёллар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши** меҳнат ресурслари билан кам таъминланган танланган объектларида бўйича 2020-2025 йилларда Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида – 18,5 % га, Элликкальға туманида – 13,3 % га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос равища – 22,5 % ва 18,5 % га ошиши кутилмоқда.

Ушбу кўрсаткични қайта ишлаш саноати бўйича Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида – 16,8 % га, Элликқалъа туманида – 14,6 % га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 20,7 % га, Пахтакор туманида – 28,1 % га ўсиши прогнозлаштирилди.

Курилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати бўйича қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларининг ташкил этилишини қисқа прогноз даврида Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида – 23,0 % га, Элликқалъа туманида – 12,2 % га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос ҳолда – 25,0 % ва 20,2 % га ошиши кутилмоқда.

Мазкур кўрсаткични хизмат кўрсатиш тармоги бўйича Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида – 13,4 % га, Элликқалъа туманида – 12,0 % га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 14,1 % га, Пахтакор туманида – 16,3 % га ўсиши яқин истиқболда кутилмоқда.

Мехнат ресурслари билан кам таъминланган айрим қишлоқ туманларида нокишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ аёллари иш билан бандлигининг прогноз кўрсаткичларига эътибор қаратсан, бу кўрсаткичларининг катта қисмини қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳисобига тўғри келади.

Бизнингча, нокишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ аёллари учун **янги иш ўринларини ташкил этишини прогноз кўрсаткичларига эришиши** бўйича кўйидагиларни амалга ошириш лозим:

- тог ва тоголди зоналарида интенсив боғлар ташкил этиш, ёнғоқзорлар майдонини кўпайтириш орқали этиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини саклаш ва уни қайта ишлаш саноатида қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этиш;

- мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва саклаш бўйича аёллар учун ташкил этилган янги иш ўринларига **инновацион ва маҳаллий-миллий технологияларни** тўлиқ жорий қилишга Эришиш;

- маҳсулотларни савдо-харид инфратузилмасини шакллантириш (улгуржи, чакана, савдо-харид фирмалари ва б.) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, саклаш ва қайта ишлаш тизимида электрон савдо иш ўринларини ташкил этиш, ҳамда уларда нисбатан кўпроқ қишлоқ аёллари бандлигини таъминлаш;

- кишлоқ ҳудудларида тикувчилик бўйича аёллар учун янги иш ўринларини коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлашга шартшароитларни ташкил этиш;
- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш асосида хотин-қизлар учун иш ўринларини нисбатан кўпроқ яратиш;
- мактабгача, ўрта ва ўрта маҳсус таълимлар соҳаларини ислоҳ килиш асосида аёллар учун кўпроқ иш ўринларини ташкил этиш;
- хизмат кўрсатиш турлари, шу жумладан минтақанинг сайёхлик-рекреацион салоҳияти, қиёсий устуворликлари ва имкониятларини аниқлаш асосида ички сайёхлик бўйича янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш асосида кишлоқ аёллари бандлигини ошириш;
- туризмнинг янги ва истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланган агротуризмини ривожлантириш бўйича аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишни иқтисодий-ташкилий қўллаб-куватлаш;
- жисмоний ва юридик шахсларга молиявий хизматлар доирасида тижорат ва хусусий банкларининг фаолиятларини кенгайтириш асосида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларда нисбатан кўпроқ аёлларни ишга жойлаштириш;
- кишлоқ ҳудудларида мини банклар очиш ёки масофавий банк хизматларини (мобиъл банкинг, интернет банкинг, СМС банкинг ва ҳоказо) самарали фаолият кўрсатишини таъминлашмақсадида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларда ёш хотин-қизларни ишга жойлашиши учун малакаларини ошириш бўйича имтиёзли кредитлар тақдим этиш;
- кишлоқда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни самарали ривожлантириш асосида аёллар учун сердаромад янги иш ўринларини барқарор шакллантириш;
- ракамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида масофавий ва ўзини-ўзи иш билан бандлик турларини ривожлантириш негизида қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этишни иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-куватлаш, ҳамда мазкур иш билан бандлик турларининг ташкилий-хукукий асосларини такомиллаштириш.

### **3.3. Қишлоқ ҳудудлари аёлларининг оиласий тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари**

Ривожланаётган давлатларда қишлоқ аёллари таҳминан 43,0 %ни ташкил этиб, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим стратегик вазифани амалга оширишда ҳиссаси катта. Аксарият қишлоқ аёлларининг турмуш тарзи қишлоқ ҳўжалиги ва табиий ресурсларга бевосита боғлик бўлиб, таъминланиш даражасига қўра, турмуш фаровонлигини белгилаб беради. Дунё давлатларида аҳоли турмуш даражасини ошиб бораётгандигига қарамай, бир млрд.дан ортиқ киши ҳаёт учун ўта нокулай бўлган шароитларда, озиқ-овқат тақчиллигига яшамоқда. Жуда кўп давлатларда қишлоқ жойларда камбағаллик шаҳарларига нисбатан анча юқори. Осиё ва Саҳрои Кабирнинг жанубий қисмида жойлашган давлатлардаги 2,5 млрд.дан ортиқ аҳоли учун асосий манба ҳисобланган майда ҳўжаликлар томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг қарийб 80,0 % ишлаб чиқилади<sup>54</sup>.

Дунё бўйича камбагал аҳолининг 76,5 % қишлоқларда яшашини инобатга олиб, аёллар учун **оиласий тадбиркорликни ривожлантириш** ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали дунёда **камбағаллик даражасини камайтириш** мумкин. Шунинг учун ҳам республикамизда қишлоқ аёлларининг оиласий тадбиркорлигини ривожлантиришва улардан унумли фойдаланиш катта стратегик ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга эканлиги учун мазкур масалаларини ўрганиш мақсаддга мувофиқ.

Бугунги кунда иктисодиётнинг барча соҳаларида оиласий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2012 йилнинг 26 апрелида қабул килинган Ўзбекистон Республикасининг “Оиласий тадбиркорлик тўғрисида”ги Конуни оиласий тадбиркорликни самарали амалга ошириш учун хуқуқий асос вазифасини бажармоқда. Ушбу Конунда белгилаб қўйилганидек, оиласий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун иختиёрий асосда, оиласий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оиласий

<sup>54</sup><https://www.un.org>

корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

### 3.3.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида оиласий тадбиркорлик корхоналаридан тушумларни ўзгариши<sup>55</sup> (млн.сўм.)

№	Ҳудудлар номи	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 йилда 2015 йилга ниисбатан +, -
1.	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан:	114 325	283 596	387 112	628 407	1 234 730	1 120 405
1.1.	Коракалпогистон Республикаси	13 489	29 959	27 810	38 646	67 252	53 763
1.2.	Андижон вилояти	6 958	13 334	12 709	12 982	21 853	14 895
1.3.	Бухоро вилояти	9 585	16 389	5 119	10 361	15 522	5 937
1.4.	Жizzах вилояти	3 856	7 585	10 047	24 667	34 712	30 856
1.5.	Қашқадарё вилояти	9 913	22 562	23 973	30 367	52 895	42 982
1.6.	Навоий вилояти	8 632	12 144	27 535	49 177	95 296	86 664
1.7.	Наманган вилояти	1 919	3 414	4 578	9 290	28 652	26 733
1.8.	Самарқанд вилояти	12 114	25 502	39 112	109 406	230 591	218 477
1.9.	Сурхондарё вилояти	9 114	17 876	23 454	36 869	75 763	66 649
1.10.	Сирдарё вилояти	695	286	791	926	2 753	2 058
1.11.	Тошкент вилояти	29 431	68 243	117 554	122 826	208 398	178 967
1.12.	Фарғона вилояти	11 96	47 262	60 660	94 730	184 728	183 532
1.13.	Хоразм вилояти	7 423	19 040	33 770	88 160	216 315	208 892

Оиласий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Шунингдек, оиласий корхона турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси,

<sup>55</sup>Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) хақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Қишлоқ худудларида ҳам оиласи мурбилик корхоналарнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим улущига эга. Бу эса унинг фаолиятини таҳдил этиш асосида самарали тавсияларни ишлаб чиқиши зарурлигини белгилайди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларида оиласи мурбилик тадбиркорликдан тушумлар салмоғининг ўзгариши таҳдилига эътибор қаратсан, бу кўрсаткич худудларда ҳам ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўриб мумкин (3.3.1-жадвал).

**3.3.1-жадвалда** келтирилган қишлоқ худудларида **оиласи мурбилик тадбиркорлик корхоналаридан тушумлар салмоғининг ўзгариши барқарор ўсиш тенденциясига** эга бўлиб, 2019 йилда бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1120405 млн сўмга ошиб борган. Ҳудудлар кесимида энг юкори кўрсаткичлар Коғозчилик Республикасида 5 марта, Сурхондарё вилояти 8 марта, Жиззах вилоятида 9 марта, Қашқадарё вилоятида 5 марта, Самарқанд вилояти 19 марта гача ўсиб борган.

Қишлоқ жойларида **тадбиркорликни ривожлантиришни** борасидаги шароитларни янада яхшилаш орқали оиласи мурбилик корхоналаридан тушадиган тушумнинг прогноз кўрсаткичлари асосида тарзда ялпи прогноз қилинмаслиги қишлоқ меҳнат бозори билан тадбиркорлик фаолияти ўргасидаги самарали ўзаро ҳамкорликка тўсик бўлмоқда. Бу эса олиб борилган тадқиқотлар давомида қишлоқ меҳнат бозори ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таҳдил ва **прогноз қилишда** ушбу параметрларни хисобга олишнинг муҳимлигини белгилаб беради ва прогноз қилиш бўйича муҳим вазифа пайдо бўлади (3.3.2-жадвал).

Қуйидаги келтирилган 3.3.2-жадвалдаги маълумотларда 2019-2025 йиллар оралиғида мамлакатимиз қишлоқ худудлари миқёсида **оиласи мурбилик корхоналаридан тушумлар прогнози** келтирилган. Бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси бўйича 2025 йилда 2019 йилга нисбатан жами 166,1 % ни ташкил қилиб, Андижон (103,4%), Қашқадарё (178,3 %), Наманганд (159,8%), Фарғона (158,7 %) Хоразм (182,8 %) вилоятларида ошиб бориши башорат қилинган. Демак, амалга оширилган тадқиқотлар сўнгти 6 йил мобайнида оиласи мурбилик тадбиркорликдан тушумлар ҳажмини оши-

ришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини күрсатмоқда.

### 3.3.2-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларида оиласий тадбиркорлик корхоналаридан тушумларни ўзгаришининг прогнози<sup>56</sup> (млн.сўм.)

№	Худудлар номи	2019 й. (хисобот йили)	Прогноз даври						2025 йилда 2019 йилга нисбатан. (%)
			2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1.	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан:	1 234 730	1430752	1 619068	1703356	1 829750	1 937514	2051581	166,1
1.1.	Коракалпогистон Республикаси	67 252	67 265	67 284	67 286	67 289	67 305	67 371	100,1
1.2.	Андижон вилояти	21 853	21 873	22 143	22225	22366	22503	22604	103,4
1.3.	Бухоро вилояти	15 522	20732	24988	28 156	30109	37258	37474	241,4
1.4.	Жиззах вилояти	34 712	44754	54777	60734	67079	71362	78435	226,0
1.5.	Кашқадарё вилояти	52 895	54 931	68551	70932	81796	90120	94356	178,3
1.6.	Навоий вилояти	95 296	113948	133313	143 065	154966	178 531	180326	189,2
1.7.	Наманган вилояти	28 652	33364	37729	40213	42382	43432	45788	159,8
1.8.	Самарқанд вилояти	230 591	310772	364032	396 521	427233	448251	472854	205,0
1.9.	Сурхондарё вилояти	75 763	89178	101834	106 493	114488	119621	131011	172,9
1.10.	Сирдарё вилояти	2753	2888	3017	3274	3165	3204	3337	121,2
1.11.	Тошкент вилояти	208 398	213410	218282	220 416	223157	225 756	229141	109,9
1.12.	Фарғона вилояти	184 728	208738	232863	240 721	257035	273 521	293287	158,7
1.13.	Хоразм вилояти	216 315	248905	290255	303 320	338685	356 650	395597	182,8

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти (2018 й.) томонидан “Ҳар бир оила-тадбиркор” Дастурини амалта ошириш тўғрисидаги қарорида худудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестицион лойиҳани рӯёбга чиқариш хисобига 256,4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилишига эришиш белгиланганлиги мазкур масаланинг аҳамияти юкорилигини англатади. Ҳар бир оиласига тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаигага бўлиши учун шартшароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва

<sup>56</sup>Муаллифлар томонидан ҳисобланган.

шахрида, энг аввало, олис ва табиий-иқлим шароити оғир худудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган “Ҳар бир оила-тадбиркор” Дастури амалга оширилади. Мазкур Дастурда тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди доралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, жойларда оиласи тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш ва бошқа бир қатор аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Буларнинг натижасида **оиласи тадбиркорлик корхоналари сони ортиб бормоқда.** (3.3.3-жадвал).

3.3.3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларида фаолият  
кўрсатаётган оиласи тадбиркорлик корхоналари сонининг  
ўзгариши,<sup>57</sup> дона**

<b>№</b>	<b>Худудлар номи</b>	<b>2016 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>2019 йилда 2016 йилга нисбатан +,-</b>
<b>1.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан:</b>	<b>5547</b>	<b>6966</b>	<b>9513</b>	<b>18444</b>	<b>12897</b>
1.1.	Қорақалпоғистон Республикаси	602	336	532	822	220
1.2.	Андижон вилояти	328	348	410	977	649
1.3.	Бухоро вилояти	315	402	554	1188	873
1.4.	Жizzах вилояти	198	258	378	545	347
1.5.	Қашқадарё вилояти	248	294	398	855	607
1.6.	Навоий вилояти	247	342	561	2321	2074
1.7.	Наманган вилояти	94	132	172	324	230
1.8.	Самарқанд вилояти	568	1016	1679	3111	2543
1.9.	Сурхондарё вилояти	407	566	684	1355	948
1.10.	Сирдарё вилояти	18	55	30	99	81
1.11.	Тошкент вилояти	904	1102	1342	2400	1496
1.12.	Фарғона вилояти	1168	1546	1995	2765	1597
1.13.	Хоразм вилояти	450	569	778	1682	1232

<sup>57</sup>Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси маълумотлари асосида тузилган.

3.3.3-жадвалда қишлоқ ҳудудларида фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлик корхоналари сонининг ўзгариши Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 13197 тага ошган. Қорақалпогистон Республикасида 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 1,4 марта, куйидаги вилоятларда эса – Андижонда 3,0 марта, Бухорода 3,8 марта га ошиб борган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, **оилавий тадбиркорлик корхоналари сони барча қишлоқ ҳудудларда ошиб борган**.

Оилавий тадбиркорлик корхоналар сони ортиши уларда аёллар иш билан бандлигини кўпайишига олиб келди (3.3.4 -жадвал).

### 3.3.4-жадвал

#### **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида оилавий тадбиркорлик корхоналарида иш билан банд аёллар сонининг ўзгариши<sup>58</sup> (минг киши)**

№	Ҳудудлар номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 йилда 2016 йилга нисбатан, +,-
1.	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан:	1 949,3	2 851,3	4223,6	8019,2	6069,9
1.1.	Қорақалпогистон Республикаси	230,4	287,6	309,5	639,8	409,4
1.2.	Андижон вилояти	158,4	148,6	186,1	263,2	104,8
1.3.	Бухоро вилояти	135,5	202,3	244,9	546,4	410,9
1.4.	Жizzах вилояти	79,5	105,4	130,3	245,4	165,9
1.5.	Қашқадарё вилояти	178,5	148,8	398,0	855,3	676,8
1.6.	Навоий вилояти	110,5	171,1	239,6	947,3	836,8
1.7.	Наманганд вилояти	34,8	67,3	86,5	183,7	148,9
1.8.	Самарқанд вилояти	218,9	334,8	546,6	864,0	645,1
1.9.	Сурхондарё вилояти	126,6	138,5	374,3	771,4	644,8
1.10.	Сирдарё вилояти	10,5	17,5	24,6	59,0	48,5
1.11.	Тошкент вилояти	273,4	540,6	634,2	986,1	712,7
1.12.	Фарғона вилояти	234,3	456,5	675,0	853,3	619,0
1.13.	Хоразм вилояти	158,0	232,3	374,0	804,3	646,3

<sup>58</sup>Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статитикаси маълумотлари асосида тузилган.

Юқоридаги 3.3.4-жадвалда мамлакатимизда фаолият юритаётган оиласвий тадбиркорлик корхоналарида банд аёллар сонининг ўзгаришидан кўриниб турибдики,кишлоқ жойларида бу кўрсаткич 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 4,1 мартаға ўсиб борган. Бу кўрсаткич айниқса, Андижон вилоятида 1,7 марта, Бухоро вилоятида 4,0 марта, Фарғона вилоятида 3,6 мартағагача ўсиб борган бўлса, Хоразм вилоятида эса 5,1 мартағагача ошиб борган.

Оиласвий тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, айнан оиласларда мавжуд ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш имконини беради. Шу туфайли охирги йилларда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорликни, хусусан, оиласвий тадбиркорликни ривожлантиришини кўллаб-куватлаш орқали аҳолига ва айниқса кишлоқ жойларида муносиб ҳаёт шароитларини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ишбилармонлик мұхитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан “**Олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда**”<sup>59</sup>, деб таъкидланган. Шу ўринда кишлоқ худудларида оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони ва улар таркибида ишловчи аёлларни микдорини прогнозини ўрганиш мақсадага мувофиқ (3.3.5-жадвал).

3.3.5-жадвалда Ўзбекистон Республикаси кишлоқ худудларида оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони ва улар таркибида ишловчи аёлларни микдорини прогноз кўрсаткичлари келтирилган. Республика бўйича оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони 2025 йилда 98413 тани ташкил қилиниши прогноз қилинади, унда

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 июнь куни “Хар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш түтрасида”ти карори:// “Халк сўзи” газетаси. 2018 йил 8 июнь. 1-2 бетлар.

ишловчи аёллар сони эса 2025 йилда 1352450 кишини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 198,3 % га тенг бўлади. Бу кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикасида мутаносиб равишда 841720 та, 4975056 кишига ёки 13 марта га ошиши, Андижон вилоятида 28596 та, иш билан банд аёллар эса 236343 кишига ёки 8 марта га, Хоразм вилоятида 87263 тани, унда иш билан банд аёллар сони 66253 кишини ташкил қилиб 3 марта га ошиб бораши прогноз қилинмоқда.

3.3.5-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида оиласвий тадбиркорликкорхоналари сони ва улар таркибида ишловчи аёлларни миқдорини прогнози<sup>60</sup>**

№	Худудлар номи	Кўрсаткичлар ва ўлчов бирликлари	2019 й. (хисобот)	Прогноз даври						2025-2019 йилга нисбатан Ўзгариш, +;-
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	18444	36888	86776	319461	468006	576034	98413	79 969
		Ишловчи аёллар, киши	710484	243145	566290	625577	753460	920761	1352450	641966
1.1	Коракалпогистон Республикаси	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	822	1644	3988	13152	52608	210433	841720	840898
		Ишловчи аёллар, киши	6398	19194	38388	230328	268196	829176	4975056	4968658
1.2	Андижон вилояти	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	977	2954	4608	8959	9056	16102	28596	27619
		Ишловчи аёллар, киши	2632	8896	18792	99752	134885	179061	236343	233,711

<sup>60</sup>Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида хисобланган

1.3	Бухоро вилояти	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	1188	2976	5520	8900	9603	10041	16165	14977
		Ишловчи аёллар, киши	5464	16392	32784	196704	118022	708132	424879	419415
1.4	Жиззах вилояти	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	545	1893	5188	9721	12488	18953	55814	55269
		Ишловчи аёллар, киши	245	7362	14724	883441	900686	938037	987229	986984
1.5	Қашқадарё вилояти	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	855	171	342	1368	5472	21888	875521	874666
		Ишловчи аёллар, киши	1214	3642	7284	43704	262224	457386	744064	742850
1.6	Навоий вилояти	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	2321	7642	10284	37136	48865	59416	237664	235343
		Ишловчи аёллар, киши	9472	38416	56832	220992	292595	579557	847733	838261
1.7	Намангандарё вилояти	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	324	868	1796	5884	21254	85016	96006	95682
		Ишловчи аёллар, киши	1837	6511	15022	68131	396786	428076	594596	592759
1.8.	Самарканд вилояти	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	3111	6822	12744	79776	59910	79641	95934	92823

		Ишловчи аёллар, капиш	860	2592	6584	9710	18666	37564	98184	97324
1.9.	Сурхондарё вилояти	Оиласвай тадбиркорник корхоналари сони, дона Ишловчи аёллар, капиш	1355	2718	5426	8168	9672	16880	38752	37397
1.10.	Сирдарё вилояти	Оиласвай тадбиркорник корхоналари сони, дона Ишловчи аёллар, капиш	7714	23142	46284	62776	76656	89936	95961	88247
1.11.	Тоқкент вилояти	Оиласвай тадбиркорник корхоналари сони, дона Ишловчи аёллар, капиш	59	147	388	1940	2765	5854	8425	8366
1.12.	Фарғона вилояти	Оиласвай тадбиркорник корхоналари сони, дона Ишловчи аёллар, капиш	89442	97442	25296	57384	91536	156144	285767	196325
1.13.	Хоразм вилояти	Оиласвай тадбиркорник корхоналари сони, дона Ишловчи аёллар, капиш	2400	7232	8144	8646	9184	131104	186606	184206

“Мамлакатимизда олиб борилаётган янги барқарор иш ўринларини яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлиги ва касбий даражасини ошириш энг долзарб, устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2019 йилнинг январь-май ойлари давомида жами 15 288 нафар ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида қисқа муддатларда касб-хунарга ўқитилган бўлса, уларнинг қарийб 77,1 фоизи (11 791 нафари) аёллар ва оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар улушига тўғри келди”<sup>61</sup>.

Шу ўринда **меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган қишлоқ ҳудудларида оиласи тадбиркорлар сони ва унда ишловчи аёллар микдорининг ўзгариши 3.3.6-жадвалда келтирилган.**

### 3.3.6-жадвал Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган қишлоқ ҳудудларида оиласи тадбиркорлик корхоналари ва уларда ишловчи аёллар микдорини ўзгариши<sup>62</sup>

<b>№</b>	<b>Қишлоқ районлари номи</b>	<b>Кўрсаткичлар ва ўлчов бирликлари</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>2019 йилда 2017 йилга нисбатан, +, -</b>
<b>1.Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган</b>						
1.1.	Китоб	Оиласи тадбиркорлик корхоналари сони, дона	35	49	61	26
		Ишловчи аёллар, киши	28154	32493	49012	20858

<sup>61</sup> Умурзаков Б.Х. Хотин-қизларни текстиль-тикув цехларига жалб этиш дастурларининг ижтимоий-иктисодий аҳамияти. «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг янги боскичида инсон омили ва манбаатлари: ҳалқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2019. - 111 б.

<sup>62</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

1.2.	Шахрисабз	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	35	12	14	- 21
		Ишловчи аёллар, киши	7274	12214	81643	74369
1.3.	Пастдарғом	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	79	145	263	184
		Ишловчи аёллар, киши	101894	112185	213530	111636
1.4.	Ургут	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	61	115	158	97
		Ишловчи аёллар, киши	53954	82342	125543	71589
<b>2.Мехнат ресурслари билан кам таъминланган</b>						
2.1.	Зарбдор	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	8	16	21	13
		Ишловчи аёллар, киши	5642	7876	12265	6623
2.2.	Пахтакор	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	3	5	10	7
		Ишловчи аёллар, киши	-	5522	15165	-
2.3.	Беруний	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	31	32	53	22
		Ишловчи аёллар, киши	17565	18432	21657	4092
2.4.	Элликқалъа	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	36	45	64	28
		Ишловчи аёллар, киши	20863	24650	67655	46792

**3.3.6-жадвалда кўриниб турибдики, меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган кишлоп худудларида оилавий тадбиркорлар сони ва унда ишловчи аёллар миқдори Китоб, Шаҳрисабз, Пастдаргом, Ургут туманларида оилавий тадбиркорлар сони ошиб боргани ҳолда, ишловчи аёллар сони Китоб (1,7 марта), Пастдаргом (2,1 марта), Ургут (2,3 марта) туманларида ошиб бориши кузатилган. Бундан кўринадики, кейинги йилларда ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига аёллар ўртасида иш билан таъминлашни кишлоп худудларда ривожлантиришга йўналтирилган комплекс маҳсус чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.**

Бу муаммонинг ечими сифатида аёллар иш билан бандлиги бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг воситаси бошқарувнинг барча босқичларида иш билан бандликка кўмаклашишнинг миллий, худудий ва маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ҳисобланади. Фикримизча, бугунги кунда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш уларнинг ишга жойлашишга иштиёқларини ошириш, иқтидор, имкониятларини рағбатлантириш лозим. Оилавий тадбиркорлик моҳиятига ёндашишда асосан унинг миқдор кўрсаткичлари - иш билан банд бўлган ходимлар сони, низом жамғармаси ва активларига олинадиган фойда ҳажмига эътибор қаратиб келинади. Аммо, унинг миқдор кўрсаткичларига караганда сифат хусусиятлари - бозор иқтисодиётининг асоси, рақобат муҳитини шакллантирувчи энг муҳим субъектлиги, бозорда бир турдаги маҳсулот ва хизматларга табақалашган нархни шакллантиришга кодирлиги ва бошқалар муҳим.

Оилавий тадбиркорлик корхоналарида иш билан бандликнинг эгилувчан шакллари - қисман иш билан бандлик, иш жойини тақсимлаш, мослашувчан иш графиги, эгилувчан ва виртуал иш жойи иқтисодий фаол аҳолини муносиб иш билан таъминлашнинг самарали йўли бўлиб, у иш берувчиларга иқтисодий вазият, бозор конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда, ишлаб чиқаришнинг йўналишини, ходимларнинг сони ва таркибини қисқа муддатда ўзгартиришга ёрдам беради.

Лойиҳанинг тадқиқот обьекти ҳисобланган меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз, Самарқанд вилоятининг Пастдаргом ва Ургут туман-

лари, ҳамда меҳнат ресурслари билан кам таъминланган Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Элликқалъа туманларида 2020-2025 йилгача оиласвий тадбиркорлар сони ва унда ишловчи аёллар миқдорининг ўзгариши параметрлари хисобланди. Истиқболда кишлоп иктисодиётидаги оиласвий тадбиркорликни янада ривожлантириш муҳим ижтимоий-иктисадий аҳамиятга эга. Тадқиқот ишида кишлоп худудларида оиласвий тадбиркорлар сони ва улар таркибида ишловчи аёлларни миқдорини ўрганилганда, 2016-2019 йилларда мазкур кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Бунинг натижасида танланган туманлардаги кишлоп аёллари оиласвий тадбиркорлар сони ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли прогнози аникланди (3.3.7-жадвал).

### 3.3.7-жадвал

#### **Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган кишлоп худудларида оиласвий тадбиркорлик корхоналари ва унда ишловчи аёллар миқдорини ўзгариши прогнози<sup>63</sup>**

№	Кишлоп туманлари номи	Кўрсаткич лар ва ўчнов бирлик-ларига	2019 й. (хисобот)	Прогноз даври						
				2020 й.	2021й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2025 йилда 2019 йилга нисб., +,-
<b>1. Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган</b>										
1.1.	<b>Китоб</b>	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	61	62	63	65	68	79	71	10
		Ишловчи аёллар, киши	49012	52442	54632	56112	60039	61854	64242	15230
1.2.	<b>Шаҳри-сабз</b>	Оиласвий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	14	15	16	17	18	19	20	6
		Ишловчи аёллар, киши	81643	84088	86593	89974	96272	98481	103011	21368

<sup>63</sup>Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикси маълумотлари асосида хисобланган.

1.3.	<b>Пастдарғом</b>	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	263	276	285	290	305	315	320	57
		Ишловичи аёллар, киши	213530	219936	225170	235332	249354	251805	269431	55901
1.4.	<b>Ургут</b>	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	158	166	170	174	182	185	191	33
		Ишловичи аёллар, киши	125543	129309	131843	138361	148046	151013	158409	32866
<b>2. Мехнат ресурслари билан кам таъминлашган</b>										
2.1.	<b>Зарбдор</b>	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	21	22	23	24	25	26	30	9
		Ишловичи аёллар, киши	12265	12633	12947	13517	14174	14463	15475	3210
2.2.	<b>Пахтакор</b>	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	10	11	12	13	14	15	17	7
		Ишловичи аёллар, киши	15165	15620	16294	16715	17885	18634	19136	3971
2.3..	<b>Беруний</b>	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	53	56	58	59	62	64	65	12
		Ишловичи аёллар, киши	21657	22307	23869	24845	25540	26936	27327	5670
2.4.	<b>Эллик-Калъа</b>	Оилавий тадбиркорлик корхоналари сони, дона	64	67	69	70	74	75	78	14
		Ишловичи аёллар, киши	67655	67657	70734	73393	77461	19534	82883	15228

3.3.7-жадвалдан кўринадики, меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шахрисабз, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Ургут туманларида оилавий тадбиркорлик корхоналари сони 2025 йилда мос равишда жами 71,

20, 320, 191 тага, ишловчи аёллар сони эса мос ҳолда 64242, 103011, 269431, 158409 нафарга тенг бўлиши кутилмоқда.

Мехнат ресурслари билан кам таъминланган Жиззах вилоятининг Зарбдор, Пахтакор, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний, Элликқалъа туманларида оилавий тадбиркорлик корхоналари сони 2025 йилда мос равишда жами 30,17, 65,78 тага, ишловчи аёллар сони эса мос ҳолда 15475, 19136, 273278, 82883 нафарга тенг бўлиши кутилмоқда.

**Қишлоқда аёллар оиласида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун яқин истиқболда қуидаги асосий иқтисодий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:**

- янги иқтисодий ҳудудларда оилавий тадбиркорлик объектида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини яратиш;
- оиласида оилавий тадбиркорлик корхоналари маблаглари ҳисобидан қишлоқ хўжалигини дехқончилик ва чорвачилик соҳалари бўйича қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этиш;
- аёлларнинг оиласида оилавий тадбиркорлигини ривожлантиришда уларнинг кизиқишлигини психологик жиҳатдан ўрганиш;
- қишлоқларда оиласида оилавий тадбиркорлик кўнгималарини шакллантириш мақсадида тадбиркорликка ўқитиш сифатини ошириш;
- қишлоқларда тадбиркорлик ҳисобидан аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишни (молиявий, солик имтиёзлари бериш, фойзсиз кредитлар, қўшимча ер майдонлари, фойдаланилмаётган кувватларни ижарага бериш ва бошқа усувлар) иқтисодий кўллаб-куvvatлаш;
- кичик бизнес, оиласида оилавий тадбиркорлик корхоналарини микромомлиялаштириш учун ижтимоий инвестициялар жамғармаларидан фойдаланиш;
- оиласида оиласида оиласида шерикчилик шаклини кўллаш орқали бир нечта оиласида ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш имкониятларидан фойдаланиш.

## **IV-БОБ. ҚИШЛОҚ АХОЛИСИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА МЕҲНАТ БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### **4.1. Қишлоқ туманларида рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида Бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятларини ривожлантиришнинг яқин истиқболдаги йўналишлари**

Хозирги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши жадал суръатлар билан амалга ошмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ва иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради.

Ахборот технологияларининг ривожланиши билан бугунги кунда иш билан бандликни таъминлашнинг янги йўналишлари пайдо бўлмоқда. Иш берувчилар ихтиёрий равишда ва хохишига кўра ходимларни ишга ёллаш имконига эга бўлмоқдалар ва географик жойлашуви ҳамда вактдаги фарқ аҳамиятга эга эмас. Ходимлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўз вазифаларини бажаришга қодир бўлиб, уйдан ташқарига чиқмасдан, ҳар қандай вактда белгиланган вазифани бажариш имконига эга бўлишмоқда.

**Рақамли технологиялар ходимни юқори малака ва билим билан бирга масъулиятни ўз зиммасига олишни ва меҳнат фаолиятини мустақил равиша амалга оширишни талаб қилмоқда.** Эндиликда ходим ўз меҳнат фаолиятини ўзи тартибга солади, меҳнат ҳаки Интернет орқали амалга оширилади. Ходимни меҳнат фаолиятининг ташки назорати унинг ўзини жалб этмаган ҳолда маълумотлар, хисоботлар орқали амалга оширилади.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иш билан бандлик соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганлиги замонавий билим ва малака кўнимкаларига эга бўлган

мутахассисларга талаб мунтазам равищда ортиб бораётганлигининг исботидир. Бунда ходимларнинг иш жойлари ва меҳнат шароитларида ҳам ўзгаришлар юзага келмоқда. Рақамли иқтисодиётга ўтиш иш билан бандлик таркибининг ўзгариши, ходимлар интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда инновацион жараёнлар самарадорлигини оширувчи омиллар таъсир даражасини кенгайишини юзага келтиради. Бунда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ иш билан бандликнинг инновацион шакллари: жумладан, масофадан туриб ишлап, телебандлик, ностандарт иш билан бандликнинг кенгайиши, Е-бандликнинг ривожланиши, виртуал иш жойлари, фрилансинг кабилалар тобора оммалашиб бормоқда. Интеграция жараёнлари ва глобаллашув, меҳнат бозорини ахборотлар билан таъминланиши, ходимларнинг сафарбарлигини ошиши ва сифат жиҳатидан янги иш ўринларининг пайдо бўлиши ишчи кучлари **ва иш берувчилар ўртасида ракобатнинг кучайишини юзага келтироқда.**

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида Ўзбекистонда меҳнат бозори ривожланишининг ҳудудий хусусиятларини хисобга олган ҳолда, иш билан бандликнинг давр талабига мос анъанавий ва замонавий шакллари ва турларини кенг жорий этиш ҳамда уларнинг **институционал асосларини такомиллаштиришни зарурат этмоқда.**

Хозирги вақтда кўпчилик мамлакатларда, хусусан, республикамиизда корновирус инфекциясини ёйилишини олдини олиш ва бартараф килиш бўйича одамлар ҳаракатини чегаралаш ҳамда корхоналар фаолиятини кисман тўхтатиш йўли билан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мажбурий чорларнинг қўлланилиши, бир томондан, ишлаб чиқариш ҳажмини қискаришига, иккинчи томондан, ишсизлик даражасининг ошиши ва ахоли даромадларини камайишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида **ишсизлар сонининг кескин даражада ошиши ва ахоли дарамодларини камайиши** билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий муаммолар тобора кучайиб бормоқда.

Худудий ахолини бандлигига кўмаклашиш марказларининг ижтимоий функциялари ва меҳнат бозорини тартибга солишдаги иқтисодий функциялари бирга олиб борилиши назарда тутилади.

Бу икки функцияни бажаришда ҳудудий ахолини бандлигига күмаклашиш марказлари фаолиятларини самарали ривожлантиришга бевосита таъсир этадиган иқтисодий, технологик, ижтимоий-психологик ва ташкилий-хукукий характерга эга асосий омилларга асосланиши лозим (4.1.1-расм).

Республикамизда ракамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кишлоқ туманлари ахоли бандлигига күмаклашиш марказлари фаолиятларини самарали ривожлантиришнинг **асосий иқтисодий омиллари** таркибида ходимларга моддий рағбатлантирувчи иш ҳақини тूлаш, меҳнат органлари фаолияти учун зарур бўлган кўшимишча-янги иш ўринларини ташкил этишда солик ва кредит имтиёзларини тақдим этиш ва норасмий иш билан бандликни камайтириш бўйича маҳсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни давлат томонидан иқтисодий кўллаб-куватлаш салмоқли таъсирга эга.


**Технологик омиллар** сифатида ходимлар фаолиятларининг ракамли иқтисодиёт технологияларини техник воситалари, амалий пакет дастурлари, услугбий кўлланмалари ва ахборот хавфсизлиги комплекси билан тўлиқ таъминлаш етакчи ўринни эгаллади.

**Ижтимоий-психологик омиллар** таркибида ижтимоий химояга муҳтоҷ бандлик хизмати ходимларини имтиёзли кредитли уй-жой билан таъминлаш, замонавий ракамли технологиялари бўйича ходимларни касбий малакасини ошириш ва қишлоқ ишсизларини ижтимоий-психологик мослашиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш етакчи ўринни эгаллади.

**Асосий ташкилий-хукукий омиллар** бўлиб, БКМлар таркибида ахолига экспресс хизматлар кўрсатиши ва меҳнат миграциялари бўлимлари, ҳамда ижтимоий-психологик марказларини ташкил этиш, меҳнат мигрантлари, иш берувчилар ва БКМ ўтрасидаги хукукий муносабатларни ва масофавий иш билан бандлик бўйича меъёрий-хукукий хужжатларни такомиллаштиришни ташкил этиш ҳисобланади.

Ҳудудий ахолини бандлигига күмаклашишмарказлари томоридан юкорида келтирилган икки функцияни бажариши бўйича фаол ва нофаол сиёсатни амалга оширилишининг асосий молиявий манбаларидан бири – бу **Ахолини иш билан таъминлашга күмаклашиш давлат жамғармасидир**.

**Ракамни иктисодидёта үйли шароиттарда кишилек тұмандары ахоли баптілдігінде күмакшаланған марказдарны фойлияттарини самаралы ривожлантыришинң ассоий омыллары**



**4.1.1-расм. Ракамни иктисодидёта үйли шароиттарда кишилек тұмандары ахоли баптілдігінде күмакшаланған марказларны фойлияттарини самаралы ривожлантыришинң ассоий омыллары<sup>64</sup>**

<sup>64</sup> Мұалимнұлар жамосаси томонидан тузылған.

Иш билан бандлик жамғармаси маблағларини ишчи қучларидан фойдаланиш ва аҳоли иш билан бандлиги бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида вакътинча молиявий қийинчиликни бошидан кечираётган корхоналарга, турли мулкчилик кўринишидаги янги корхоналарни яратишга кредитлар бериш йўли билан ҳамда корхоналарда кўшимча иш ўринларини яратишга сарфлаш ишчи кучига талабни оширишда муҳим восита ҳисобланади. Шунингдек, иш билан бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобига ишсизларни касбга ўқитишни молиявий жиҳатдан таъминлаш республикамизда малакали меҳнат бозори шаклланишига ва бунинг натижаси улароқ меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши учун шароит яратади.

Республикамизда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобланиб, ишсизликни суғурталаш давлат томонидан бошқарилади. Бунда тадбиркорлар ва ходимларнинг вакиллик органлари ишсизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамғармаларини бошқарувчи давлат органлари билан фаол ҳамкорликни амалга оширадилар.

Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасининг асосий вазифаси тегишли дастурлардаги фаол ва нофаол тадбирларни молиялаштириш ҳисобланади (4.1.1-жадвал).

4.1.1-жадалда Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан давлат жамғармаси маблағларининг фаол ва нофаол йўналишлар бўйича сарфланиш таркиби келтирилган. Таҳлил натижаларига эътибор қаратсак, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар ижроси учун мақсадли харажатлар бўйича **фаол йўналишларга сарфланаётган маблағларнинг нофаол йўналишларга сарфланаётган маблағларга нисбатан улушининг мунтазам ўсиб бориши кузатилмоқда**. Фаол йўналишларга сарфланган маблағлар улуси республика бўйича 2007 йилда – 37,6 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб – 74,0 %гача ошган.

**Ўзбекистон Республикасида «Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармаси» маблағларини сарфланиши таркиби, %<sup>65</sup>**

4.1.1-жадвал

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2011 й.	2013 й.	2015 й.	2019 й.
Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар ижроси учун мақсадли харажатлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Фаол	37,6	42,0	14,7	54,0	56,0	71,0	74,0
Нофаол	62,4	58,0	58,3	46,0	44,0	29,0	26,0
<b>Фаол йўналишлар</b>							
Ҳак тўланадиган жамоат ишлари	3,2	3,6	4,1	4,0	4,3	4,4	4,7
Ўз-ўзини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб кувватлаш	12,1	14,1	11,8	25,1	25,9	40,3	38,8
Мехнат бозорига кириб келувчи аҳоли қатламларини ижтимоий мослашувини таъминлаш	1,2	1,7	1,4	1,5	1,8	1,9	2,2
Ишсиз аҳоли қатламларини касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш	2,2	2,7	2,9	3,1	3,0	3,4	3,6
Вояя етмаган ёшларни иш билан таъминлаш бўйича ишларни жонлаштириш	1,9	2,1	2,2	1,9	2,0	2,4	3,1
Иш билан бандликни молиявий қўллаб-куватлаш	2,1	2,3	2,4	2,6	3,1	3,0	2,8
Ёшларнинг келгусида мос касбларга қизиқтириш юзасидан профориентация ишлари	4,4	4,6	5,0	5,2	5,0	5,1	6,0
Бўш иш ўринлари ярмакаларини ўтказиш тадбирлари	7,9	8,1	9,0	8,0	8,2	7,4	9,0
Ёшларни ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил қилиш	2,6	2,8	2,9	2,6	2,7	3,1	3,8

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан хисобланган.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, иш билан таъминлашнинг фаол тадбирларига қилинадиган харажатлар натижасида ишсизлар миқдори қисқариши ҳисобига ижтимоий тўловларга қилинадиган бюджет харажатларини мутаносиб равишда камайтирди. Шунинг учун ишга жойлаштиришни такомиллаштиришга (ахборот хизматлари, компютерлаш-тириш, жиҳозлар ва асбобускуналарга) сарфланиши ишга жойлаштириш жараёнини жадаллаштириш ва ишсизликни қисқартиришни таъминлайди. Касбга ўқитишига қилинган харажатлар таҳлили шуни кўрсатдики, касбий тайёргарликдан ўтгандан кейин ишга жойлашганлар ҳиссаси касбий тайёргарликсиз ишга жойлашганларга нисбатан 1,9 марта ўсган, мавсумий жамоат ишларига йўналтириш ҳар бир ишсизга қилинадиган харажатларни 3-5 % га қисқартиради.

Республикамиздаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятини самарали ривожлантириш билан боғлиқ қуидаги **муаммоларни** келтириш мумкин:

- «Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат жамғармаси» маблағлари корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақи жамғармасидан 0,1 % ўндирилади. Бу маблағлар Марказлар фаолиятларини ривожлантириш учун етарли эмас. Илгари жамғармага ажратмалар иш ҳақидан 1,0 фоиз миқдорида ажратилган. Жамғарма маблағлари нинг етарлича эмаслиги аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича фаол тадбирларни амалга ошириш имконини бермайди. Шунинг учун жамғармага ажратмалар миқдорини ошириш зарур ёки бюджетдан ажратилган маблағларнинг иш билан бандликни таъминлаш бўйича фаол тадбирларга сарфланиши бўйича **қатъий-рақамли назорат ўрнатиш** зарур;

- Марказлар фаолиятлари ишчи кучига талаб (ишга жойлаштириш) бўйича фақат юридик шахсларга йўналтирилган ва ишга жойлаштириш самарадорлиги юқори эмас. Ҳозирги шароитда бир марталик ёки вакгинчалик ишларга жалб қилиш бўйича жисмоний шахслардан ҳам ишчи кучига буюртмалар кўплаб тушади. Демак республикамизда ҳозирги шароитда марказлар таркибида ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслардан буюртмалар (ишчи кучига талаб) асосида фаолиятларни амалга ошириш бўйича ихтисослашган бўлимлар ташкил этилиши керак.

Бу фаолиятларнинг бир томонламалигига барҳам бериш имконини беради;

- ҳозирги вактда масофада туриб ишлаш (фрилансерлик) ҳам оммалашмоқда ва ҳаётий заруратга эга бўлмоқда. Миллий фриланс биржаларини яратиш бўйича ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда фрилансерлар орасида энг кўп тарқалган хизматлар: матн билан ишлаш, таржимонлик, маркетинг соҳасидаги ишлар, графика, дизайн, веб сайтларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш ҳисобланади. Қонуний асос бўлмаганлиги сабабли уларнинг иш фаолиятида муаммолар мавжуд. Миллий фрилансерлик биржаларида (*employed.uz*, *freelance.uz*, *free-lance.uz*, *ishkor.uz*) ҳаттоқи веб сайтлари тўлиқ иш фаолиятида эмас. Шу сабабли кўплаб **малакали ёшлар хорижий фрилансинг биржаларида** фаолият юритишмоқда. Шу билан бирга, бунинг бир қанча муаммолари бор, биринчи навбатда – **иш хақи**, иккинчиси – **эркин платформанинг этишмаслиги**, учинчиси – ижтимоий кафолатларнинг мавжуд эмаслиги. Шу сабабли, фрилансинг Ўзбекистонда алоҳида иш фаолияти тури сифатида тан олинмаса, меъёрий-хукукий асос шакллантирилмаса, ушбу тузилманинг иштирокчилари норасмий иқтисодиётда фаолият юритади;

- масофада туриб ишлашнинг анъанавий шаклларини риволанмаганлиги. Аҳоли иш билан бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолияти фақатгина жамоат ишларини, ободонлаштириш билан боғлиқ ишларни ташкил этишга йўналтирилган;

- Марказларда фаолият юритаётганларнинг мутахассислиги кўп ҳолларда ишлаётган иш ўринларига мос келмаслиги ва уларнинг ойлик маошлари меҳнат натижаларига нисбатан анча паст ўрнатилганлиги. Иккита ёки учта вилоятларнинг олий таълим муассасаларида ушбу йўналишда бакалавр ва магистр мутахассислари тайёрланаётганлиги тизимда етук, илғор фикрлайдиган **малакали кадрларнинг этишмаслигидан** далолат бермоқда.

Ишчи кучига талабнинг тақчиллиги шароитида меҳнат бозори ҳолатининг таҳдили шуни кўрсатдики, иш билан бандлик хизматлари фуқароларни аниқ ишларга тайёрлаши зарур. Шундай экан, давлат иш билан бандлик хизматларининг Дастурлари меҳнат бозорида фаол иш билан бандлик сиёсати доираларини қамраб олиши зарур. Ўзбекистон Республикасида “Аҳолини иш билан

таъминлаш Дастури”нинг бажарилиши вилоятлар кесимида таҳлили қишлоқ худудлардаги ижобий ва салбий натижаларни аниқлаш имконини берди (4.1.2-жадвал).

Республикада 2010 йилда жами давлат **БКМларига мурожаат қилганлар** сони 671482 қишидан иборат бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилга келиб 773452 тани ташкил этган. Шунингдек, бу даврларда БКМларга иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлашганлар ҳиссаси 2010 йилда 88,7 %ни, 2019 йилда эса 46,1 %ни ташкил этган. Бироқ БКМларига иш сўраб мурожаат қилганлар сонининг 2010-2017 йиллар оралиғида нисбатан пасайиб боришининг **асосий сабаби бўш иш ўринлари ҳақида маълумотларнинг етишмаслиги, мавжуд бўш иш ўринлари нуфуз даражасининг пастлиги** каби омиллар ҳисобланади. Шунингдек, қасбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга юборилган фуқаролар сони 2010 йилда 26239 қишини ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб 40,1 %га ошган. Ҳак тўланадиган жамоат ишларида иштирок этганлар сони ҳам 2010-2019 йилларда 5,3 марта га ошган. Ҳак тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган қишилар сони барча вилоятларда деярли бир хил ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Республикада ишсизлик нафақаси тайинланганлар сони 2010-2019 йиллар давомида 8,3 марта га ошган. Энг кўп ишсизлик нафақаси тайинланганлар Қорақалпағистон Республикаси (25,8 марта), Тошкент (41,5 марта), Самарқанд (35,8 марта), Фарғона (21,3 марта), Наманган (17,0 марта), Андижон (16,7 марта), Жizzах (15,5 марта), Бухоро (13,1 марта) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

4.1.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларидағи аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларини асосий хизматлар миқдорини ўзгариши, киши<sup>66</sup>**

№	Худудлар номи	Мурожаат килган фуқаролар сони				Ишга жойлаштирилган фуқаролар сони				Касбга ўқитиш, кайта тайёрлаш ва малакасини оптирган фуқаролар сони				Ҳак тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган фуқаролар сони				Ишсизлик нафакаси тайинланган фуқаролар сони			
		2010 й.	2015 й.	2019 й.	2019 йил да 2010 йилга нисбатан, %	2010 й.	2015 й.	2019 й.	2019 йилда 2010 йилга нисбатан, %	2010 й.	2015 й.	2019 й.	2019 йилда 2010 йилга нисбатан, %	2010 й.	2015 й.	2019 й.	2019 йилда 2010 йилга нисбатан, %	2010 й.	2015 й.	2019 й.	2019 йилда 2010 йилга нисбатан, марта
I	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан:	671482	300183	773452	115,2	595695	284138	356897	59,9	26239	7494	36750	140,1	49608	7972	263230	5,3 марта	6980	7350	57874	8,3 марта
1.1	Коракалпоғистон Республикаси	48256	20033	56059	116,2	44395	19834	32133	72,4	972	238	1908	196,3	3406	1041	21376	6,3 марта	139	417	3585	25,8 марта
1.2	Андижон вилояти	67210	31754	76620	114,0	59614	30546	48750	81,8	2735	230	3354	122,6	4929	310	14228	2,9 марта	275	408	4599	16,7 марта

<sup>66</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотлари асосида хисобланган.

1.3	Бухоро вилояти	44636	21173	48806	109,3	38159	20559	21086	55,3	1707	135	1777	104,1	3680	121	13689	3,7 марта	277	404	3625	13,1 марта
1.4	Жizzах вилояти	20520	14639	38079	185,6	17147	13767	13289	77,5	840	373	2241	2,7 марта	1862	497	35264	18,9 марта	214	917	3309	15,5 марта
1.5	Қашқадарё вилояти	57586	25435	52759	91,6	52665	24441	24629	46,8	1385	263	3526	2,5 марта	4349	486	14939	3,4 марта	1294	1033	7270	5,6 марта
1.6	Навоий вилояти	22969	12506	27297	118,8	21245	11610	12017	56,6	982	165	1913	194,8	1927	165	6898	3,6 марта	329	544	3226	9,8 марта
1.7	Наманган вилояти	48301	27761	67258	139,2	43060	26547	41226	95,7	802	456	2871	3,6 марта	3597	2087	33400	9,3 марта	250	82	4255	17,0 марта
1.8	Самарқанд вилояти	73197	38545	58594	80,0	64937	37691	32505	50,1	1072	582	3499	3,3 марта	3500	1106	18570	5,3 марта	141	127	5055	35,8 марта
1.9	Сурхондарё вилояти	41807	12055	64995	155,5	38859	11181	21150	54,4	1966	233	2491	126,7	3255	273	16210	5,0 марта	359	654	3460	9,6 марта
1.10	Сирдарё вилояти	16508	6737	34882	2,1 марта	14131	6092	11918	84,3	721	162	1711	2,4 марта	1241	155	14212	11,4 марта	312	268	2791	8,9 марта
1.11	Тошкент вилояти	56189	20331	49474	88,0	51119	19288	24843	48,6	2218	209	3600	162,3	4273	280	18518	4,3 марта	114	366	4732	41,5 марта
1.12	Фарғона вилояти	92946	41042	90744	97,6	80911	40227	44840	55,4	3126	652	4191	134,1	6273	702	41066	6,5 марта	338	324	7203	21,3 марта
1.13	Хоразм вилояти	37404	16064	53909	144,1	30614	14139	18140	59,3	1273	876	1818	142,8	2587	767	13394	5,2 марта	553	373	2659	4,8 марта

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларидағи аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларини асосий хизматлар миқдорини прогнози, киши<sup>67</sup>**

4.1.3-жадвал

№	Худудлар номи	Мурожаат қилиган фуқаролар сони			Ишга жойлаштирилган фуқаролар сони			Касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оцирган фуқаролар сони			Ҳак тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган фуқаролар сони			Ишсизлик нафакаси тайинланган фуқаролар сони							
		Прогноз даври			Прогноз даври			Прогноз даври			Прогноз даври			Прогноз даври							
		2020 й.	2021 й.	2025 й.	2025 йилда 2020 йилга нисбатан, %	2020 й.	2021 й.	2025 й.	2025 йилда 2020 йилга нисбатан, %	2020 й.	2021 й.	2025 й.	2025 йилда 2020 йилга нисбатан, %	2020 й.	2021 й.	2025 й.	2025 йилда 2020 йилга нисбатан, %				
1	Ўзбекистон Республикаси бўйичажами, шу жумладан:	831328	866266	044160	126,0	375449	399725	481811	128,3	39090	41160	49613	126,9	274288	294818	355361	129,6	6200 4	6481 9	7813 0	126,0
1.1	Қоракалпогистон Республикаси	61543	62786	75680	123,4	34004	35989	43380	127,6	2061	2137	2576	125,0	22086	23941	28858	130,7	3822	4015	4840	126,6
1.2	Андижон вилояти	82749	85814	103437	125,8	51650	54600	65813	127,4	3602	3757	4528	125,7	15066	15935	19208	127,5	4937	5151	6209	125,8
1.3	Бухоро вилояти	50710	54663	65888	130,0	22073	23616	28466	129,0	1909	1990	2399	125,7	14084	15332	18480	131,2	3905	4060	4894	125,3
1.4	Жиззах вилояти	40125	42649	51407	128,3	14052	14884	17940	127,7	2400	2510	3025	126,0	37085	39496	47606	121,4	3554	3706	4467	125,7

<sup>67</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг мъалумотлари асосида хисобланган.

1.5	Кашкадарё вилояти	56179	59090	71225	127,5	25599	27585	33249	130,0	3758	3949	4760	126,7	15134	16732	20168	133,3	7812	8142	9815	125,6
1.6	Навоий вилояти	28480	30573	36851	129,2	12278	13459	16223	132,1	2026	2143	2583	126,5	7050	7726	9312	132,1	3424	3613	4355	127,2
1.7	Наманган вилояти	72638	75329	90798	125,4	43524	46173	55655	127,9	3071	3216	3876	126,2	35072	37408	45090	128,6	4565	4766	5744	125,8
1.8	Самарқанд вилояти	60281	65625	79102	131,0	34105	36406	43882	128,7	3779	3919	4724	125,0	19856	20798	25070	126,3	5439	5662	6824	125,5
1.9	Сурхондарё вилояти	69194	72794	87743	127,0	22142	23688	28553	129,0	2630	2790	3363	127,9	17007	18155	21884	128,7	3717	3875	4671	125,7
1.10	Сирдарё вилояти	35672	39068	47091	132,5	12371	13348	16089	130,1	1828	1916	2310	126,4	15049	15917	19186	127,5	3004	3126	3768	125,4
1.11	Тошкент вилояти	51431	55411	66790	130,6	26330	27824	33538	127,4	3888	4032	4860	125,0	19599	20740	24999	127,6	5011	5300	6388	127,5
1.12	Фарғона вилояти	97003	101633	122504	126,4	47427	50221	60534	127,6	4506	4694	5658	125,6	44051	45994	55439	125,9	7709	8067	9724	126,1
1.13	Хоразм вилояти	57221	60378	72777	127,8	19091	20317	24489	128,3	1913	2036	2454	128,3	14166	15001	18082	127,6	2812	2978	3590	127,7

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларини асосий хизматлар миқдорини прогнозизга асосан, яқин келажакда (2020-2025 йилларда) республика бўйича иш сўраб мурожаат қилганлар сони – 26,0 %, улардан ишга жойлаштирилганлар сони – 28,3 %, касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга юборилган фуқаролар сони – 26,9 %, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган фуқаролар сони – 29,6 %, ишсизлик нафақаси тайинланган фуқаролар сони – 26,0 %га ошиши кутилмоқда (4.1.3-жадвал).

Юқорида қайд этилган асосий хизматлар прогноз миқдорига эришишни муҳим тадбири қишлоқ туманлари марказларига мурожаат қилиб келган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича **аҳолига экспресс хизмат кўрсатиш бўлимларини ташкил этиш** ҳисобланади.

Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ўтказилган мониторинг тадқикотлари шуни кўрсатдики, иш изловчи фуқароларнинг 75,0 %и иш билан бандлик хизмати органларига иш сўраб мурожаат қилишга тайёр, агарда иш билан бандлик хизматларида ўзларига мос бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлса.

Қишлоқ туманлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш маказларининг юқоридаги масалалар бўйича анъанавий хизматларидан экспресс хизматлари бўлимларининг фарқи шундаки, **иш сўраб мурожаат қилувчи фуқароларга тез ва сифатли хизматлар кўрсатилади**, шунингдек фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишлари амалга оширилади. Ишга жойлашиш масалалари бўйича барча асосий ахборотлар очик, ҳаммабоп маҳсус интернет сайтилари, электрон ойналари ёки маҳсус автоматлашган курилмалари орқали ҳар бир киши бўш иш ўринлари ҳакида барча ахборотларни кетма-кет маҳсус автоматлар тугмачаларини босиш натижасида маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Тажриба шуни кўрсатдики, экспресс хизматлар бўлимларининг ташкил этилиши ишсизларни ишга жойлашиши ва касбий таълим олиши бўйича мустақил иш излашнинг ривожланишига эришилади.

Қишлоқ туманлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари қошида экспресс хизматлар кўрсатиш бўлимларининг яратилиши ташкилий-иктисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Бундай

бўлимларнинг ташкил этилиши иш билан бандлик хизмати органларининг иш сўраб мурожаат қилувчи фуқаролар билан иш билан бандлик масалалари бўйича мулоқат доираси кенгаяди. Бу эса, фуқароларнинг жойлардаги БКМларига кетма-кет равишда ишсиз сифатида қайд қилдириш учун ташрифлари камаяди.

Хозирги кунда республикамиз худудларида турли йўналишлардаги ўкув юртларида йилдан йилга қабул квоталарининг оширилиши олий маълумотга эга битирувчиларнинг ишга жойлашиш муаммосини кучайтирмоқда. Бундай ҳолат яқин йиллар ичida ҳам сакланиб қолиш эҳтимоли катта. Қишлоқ туманларида инвестицион жозибадорликнинг паст даражаси, бунинг оқибатида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланмаганлиги ҳам замонавий мутахассисликка эга олий таълим муассасалари битирувчи-ларининг касбий харакатчанлигини пасайтирмоқда ва бу асосан хорижта бориб ишлашга мажбур қилмоқда. Шунинг учун, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан у ёки бу мутахассисликлар бўйича меҳнат бозоридаги талабни илмий асослаш мақсадида **меҳнат бозори мониторингини ўтказиши зарур**. Меҳнат бозори мониторинги ўтказилиши ўкув юртларини битирувчиларни ишсиз бўлиб қолишининг олдини олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиши имкониятини юзага келтиради. Чунки олий таълим муассасаларини битирувчилар эртага ишсиз бўлиб юрсалар, уларни ўқитиш учун **кетган харажатларни молиялаштириш самарасиз** бўлиб чиқади.

Мамлакатимиз қишлоқ туманларида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ва **хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эгадир**.

4.1.4-жадвал таҳлилига кўра, қишлоқ туманларида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари сони 163 тани ташкил этиб, уларда фаолият юритаётган ходимлар сони 2019 йилда 3260 кишидан иборат бўлган. Мазкур кўрсаткичнинг прогноз параметрларига эътибор қаратсак, 2025 йилга бориб марказларда фаолият юритаётган ходимлар сони 3,0 %ига ошиши кутилмоқда. Шунингдек, Ахолини иш билан таъминлаш давлат жамғармаси маблағларини миқдори ҳам ҳар йили ўртacha 5,0 % ошиши кутилмоқда.

#### 4.1.4-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида қишлоқ туманларида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ва хусусий бандлик агентликлари фаолиятларининг асосий кўрсаткичларини прогнози<sup>68</sup>

№	Кўрсаткичлар ва уларнинг ўлчов бирликлари	2019 й. (хисобот)	Прогноз даври						2019- 2025 йиллар- да ўсиш, %
			2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1.	БҚМлар сони, бирликда	163	163	163	163	163	163	163	-
2.	БҚМларда ишловчилар сони, киши	3260	3423	3586	3749	3912	4075	4238	103,0
3.	Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастурларига ажратиладиган маблаглар ҳажми, %	100,0	105,0	104,0	105,0	105,0	104,0	106,0	-
4.	Хусусий бандлик агентликлари сони, бирликда	103	104	106	107	110	112	115	111,6
5.	ХБАлари томонидан хизмат кўрсатган мижозлар сони, киши	6180	6240	6350	6470	6510	6721	6970	112,8
6.	ХБАда ишловчилар сони, киши	412	415	423	427	439	457	470	140,8

<sup>68</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотлари асосида хисобланган.

Мамалакатимизда фаолият юритаётган **хусусий бандлик агентликлари** сони 2019 йилда 103 тани ташкил этиб, уларнинг сони 2025 йилга бориб 12 тага ёки 11,6 %га ошиши мумкин. Хусусий бандлик агентликлари томонидан хизмат кўрсатилган мижозлар сони 2025 йилга бориб 12,8 %га, уларда ишловчи ходимлар сони эса 40,8 %га ошиши кутилмоқда.

Қишлоқ туманлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ва уларнинг таркибий қисмлари ўргасида самарали муносабатларни таъминлаш ҳамда меҳнат бўйимлари мутахассислари ишларининг самарадорлигини ошириш учун марказларнинг **иш фаолиятларини қайта қуриш зарур**.

Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг ишсизлар билан ишлаши алоҳида функционал қисмлари фаолияти якка тартибда ва аниқ изчилликда олиб борилади. Ишсизлар билан ишлашнинг биринчи босқичида бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган киши ишсиз сифатида рўйхатга олингандан кейин, ишга жойлаштириш бўйича инспектор мос иш жойини излайди. Инспекторнинг бу фаолияти 1-1,5 ойни ташкил этади. Кейинги босқичда мижознинг иш билан банд бўлмаганлик (агарда у ишлаётган бўлмаса) сабаблари аниқланади. Бунда ишсиз фуқаро касбга йўналтирилиши ёки қайта ўқитишга юборилиши мумкин. Бу жараён 1 хафтадан 1 ойгача муддатни олиши мумкин. Ишсиз билан ишлашнинг кейинги даврига 1,5 дан 2 ойгача вақт кетиши мумкин. Демак, мижознинг ишсиз сифатида рўйхатда бўлиш даври ўртacha 5 ой чегарасида тебраниб туради<sup>69</sup>.

Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида ҳам ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган фуқароларнинг ишсизлигининг давомийлигини қисқартириш мақсадида бир неча мутахассисларни бирлаштирувчи **ишли гурухларни тузиш** ва улар қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

– ишга жойлаштириш бўйича ходим ишсизларнинг ҳужжатларини дастлабки текширувини ўтказиш, бўш иш ўринлари бўйича ҳар томонлама (иш ҳаки тўғрисида, меҳнат характеристи тўғрисида) ахборотлар тўплаш;

<sup>69</sup> Муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида ҳисобланган.

– иш берувчилар билан ишсизларнинг учрашувларини ташкиллаштириш;

– касбга йўналтириш бўйича ва қайта ўқитишни ташкил этиши.

Бундай ишчи гурухларнинг функционал мажбуриятига ишчи кучига талаб ҳакида ахборотларни тўплаш, корхоналар учун ходимлар танлаш, меҳнатни ташкил этиш масалалари бўйича тадбиркорларга маслаҳатлар бериш ва бошқалар киради.

Бунда ишчи гурухларнинг самарали ишлаши учун туман меҳнат бозори сегментлари бўйича ажратиш мумкин (худудий белгилари бўйича, иқтисодий белгилари бўйича ва бошқалар). Меҳнат бозорида тармоқ белгилари бўйича сегментларга ажратилиши натижасида ҳар бир тармоқда мутахассис – ходимларнинг ихтинослашиши тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, уларнинг иш билан бандликка кўмаклашиш соҳасидаги фаолиятларининг самарадорлигини оширади. Меҳнат бозорида иш билан бандлик масалаларини ечишнинг бундай ёндашуви туман иш билан бандлик хизмати мутахассисларининг жавобгарлигини оширади ҳамда иш билан бандлик хизмати органларининг йўлланмаси билан ишсизларни ишга қабул килишда иш берувчиларнинг рад этишини камайтиради. Шунингдек, энг биринчи – **ишсизларга хизмат кўрсатиш вақти қисқаради**, бу эса ишсизликнинг ўртача даври қисқаришига олиб келади.

Яқин келажакда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида кишлоқ туманлари ахоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятларини ривожлантиришни **асосий йўналишлари** қуидагилардан иборат:

– жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида ахолини иш билан таъминлашнинг худудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда **ҳар бир туман кесимида маҳсус дастурлар ишлаб чиқиш ва улар ижросини таъминлаш**;

– ходимлар фаолиятларини рақамли иқтисодиёт технологияларининг сифатли техник воситалари, амалий пакет дастурлари, услугубий кўлланмалари ва ахборот хавфсизлиги комплекси билан тўлиқ таъминлаш;

- кишлоқ жойларда уюшмаган ёшлар, ишга жойлашишга мухтож ахоли ва ишсизларни бир марталик ёки вақтингчалик иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш;
- ўрта ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ишсизларни киска муддатларда анъанавий ва замонавий ишчи касбларга қайта тайёрлаш (базавий иш ҳақи миқдорида стипендиялар тўлаш асосида) тизимини амалиётга жорий этишни ташкил этиш;
- ахолининг норасмий иш билан бандлигини камайтиришни ташкилий-иктисодий қўллаб-куватлаш;
- ахоли иш билан бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастурларини сифатли ижросини таъминлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- хориждан қайтган меҳнат мигрантларини иш билан таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш;
- ходимларга моддий рағбатлантирувчи иш ҳақи тўлашни ташкил этиш ва уларнинг мухтожларини имтиёзли уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш;
- ходимларни давлат ёки хусусий бандлик агентликлари маблағлари ҳисобидан сифатли қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- ходимларни фақатгина ўзига юқлатилган функционал вазифаларни бажаришга жалб қилиш;
- бандликга кўмаклашувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари фаoliyatlарини **жамоатчилик назорати** этиш “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;
- бандликга кўмаклашувчи ва жамоатчилик назоратини амалга оширувчи ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик шартномаларини тузиш ва уларни бажарилишига эришиш;
- ижтимоий ҳамкорлик шартномаларини бажарилиши бўйича ҳар чораклик ҳисботларини туман депутатлар кенгашида мухокама килиш ва асосий камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаш;
- жамоатчилик назорати ташкилотлари-туман касаба уюшмалари, ёшлар иттифоқи, маҳалла ва оиласаларни қўллаб-куватлаш кенгаши ва депутатлар кенгаши томонидан норасмий иш билан бандлар ва ишсизларни расмий сектор корхоналарида ишларга жойлаштиришга амалий кўмаклашиш;

- янги иш ўринларини ташкил этиш ёки ишга жойлаштириш бўйича Олий мажлис депутатлари ва сенаторлар сўровномаларини бажарилишини таъминлаш;
- ижтимоий ҳамкорлик доирасида кўп болалик ва ёлғиз оналар (оталар), меҳнатга лаёкатли пенсионерлар ва ўсмирларни квоталанган иш ўринларига жойлаштириш;
- туман бандликка кўмаклашувчи давлат ва нодавлат ташкilotлари таркибида янги ташкил этиладиган **Васийлик қенгаги** аъзолари томонидан норасмий иш билан бандлар ва ишсизларни расмий сектор корхоналарида ва хорижий мамлакатларда ишларга жойлаштирилишига кўмаклашими.

#### **4.2. Қишлоқ ҳудудларида хусусий бандлик агентликлари фаолиятларини ривожлантиришнинг яқин истиқболдаги институционал асослари**

Ҳозирги жаҳон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан трансформация-лашуви шароитида **аҳолининг иш билан бандлик даражаси** миллий хўжа-ликлар иқтисодиётининг ривожланишини аникловчи **асосий кўрсаткич-лардан бири ҳисобланади**. Меҳнат бозори ва иш билан бандлик соҳасида ижтимоий-иктисодий муносабатларни ривожлантириш янгича ёндашувни, меҳнат бозори элементларини тадқиқ этишда тизимлиликни, бозор категориялари ва тушунчаларининг услубий базасини қенгайтиришни зарурат этади. Иқтисодиётни модернизациялаш бўйича ислоҳотларни чукурлаштириш келгусида иш билан бандлик соҳасидаги институционал тузилмалар фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг норматив-хукукий базаларини такомиллаштиришни талаб қиласди.

Мамлакатимизда нодавлат иш билан бандлик хизматининг ривожланиши **халқаро нормалар** асосида амалга оширилмоқда. Халқаро даражада меҳнат муносабатларни бошқаришни Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) амалга оширади. ХМТнинг иш йўналишлари бўлиб, меҳнат ва иш билан бандлик соҳасида сиёsat юритиш учун конвенция ва тавсиялар кўринишида халқаро меҳнат меъёрлари ишлаб чиқиши ва қабул қилиши, техникавий ҳамкорлик олиб бориш, ижтимоий меҳнат муаммоари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш ҳисобланади.

Халқаро Мехнат Ташкилотининг Женевада бўлиб ўтган 1933 йилдаги ўн еттинчи сессиясида «Давлат органларининг нодавлат иш билан бандлик тузилмалари муносабатлари бўйича муносабатни белгилаб берувчи пуллик ишга ёллаш бюоролари тўғрисида»ги 34-сонли Конвенцияси қабул қилинди<sup>70</sup>.

ХМТнинг 1949 йилдаги Женева конференциясида 34-сонли Конвенциясининг Низоми кўриб чиқилди ва янги 96-сонли Конвенция 1949 йил 8 июнда қабул қилинди. Унда иштирокчи мамлакатлар ўргасида пуллик ишга ёллаш бюороларини тугатиш ёки мазкур бюороларни фаолият юритишини белгилаш тартиблари тўғрисида Низом бўлимини ратификация қилиш масаласи кўриб чиқилди<sup>71</sup>.

Шунга кўра, ХМТ иштирокчи мамлакатларга хусусий бюороларни тугатиш орқали иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўргасида ижтимоий-мехнат муносабатларини ўрнатиш йўлидаги сунъий тўсикларни минималлаштириш ёки бартараф этиш бўйича тавсиялар берди. Ҳамма категориядаги ишчилар учун мақбул даражада давлат иш билан бандлик хизматини яратишини ва ривожлантиришни тавсия этди<sup>72</sup>.

ХМТнинг 1997 йилда 181-сонли Конвенцияси қабул қилинди. Ушбу конвенцияда иш билан бандликнинг хусусий тузилмалари фаолиятини ташкил этишга муносабат кўриб чиқилди. Шунга кўра, хусусий бюоролар фаолияти 181-сонли Конвенция асосидаги халқаро меҳнат нормаларига риоя қилиши белгилаб берилди.

Бугунги кунда Евроосиёнинг собиқ социалистик мамлакатларида ушбу Конвенцияга ижобий муносабатлар билдирилмоқда. 1990 йилларда хусусий бандлик агентликлари самарали ривожланиш тенденциясига эга бўлди. Бирок унинг ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилмаган эди. Хусусий бандлик агентликларининг хизматидан фойдаланиш асосида алоҳида маҳсус малака кўникмаларига эга ходимларга эҳтиёж орта бошлади. Шунинг учун **ХМТнинг 181-сонли Конвенцияси** бугунги кундаги асосий

<sup>70</sup> Конвенция № 34 МОТ от 29.06.33г.ст.1.

<sup>71</sup> Конвенция № 96 МОТ, ст.1.

<sup>72</sup> Давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг тартиблари ХМТнинг куйидаги ҳужжатларида келтирилган; 88-сонли Конвенция Иш билан бандлик хизмати ташкилотлари тўғрисида; иш билан бандлик хизмати тўғрисида 72-сонли Тавсиянома, иш билан бандлик хизматини ташкил этиш тўғрисида 83-сонли Тавсиянома.

мехнат соҳасидаги халқаро норма ҳисобланади. МДҲ давлатлари ХМТнинг мазкур Конвенцияси қабул қилинганидан сўнг хусусий бандлик агентликларининг миллий даражада тартибга солиш тизимини жорий этишга ҳаракат қилмоқда.

Конвенция бўйича давлат ҳокимияти органлари хусусий бандлик агентликлари ҳамда буюртмачи корхоналар ва ташкилотлар ўргасида ёлланувчи ходимларни танлаш ва ишга жойлаштириш бўйича масъулиятни тақсимлаш вазифасини мустақил равишда қабул қиласди.


Мехнат бозори ҳолатининг етарли даражада барқарор таъминланиши меҳнат бозори инфратузилмаси барча субъектлари, шунингдек давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари томонидан кўтилаётган бир қатор жорий масалалар ва муаммоларнинг муваффақиятли ечимларини ҳал этишни зарурат этади<sup>73</sup>.

Республикамизда 2018 йил 16 февраляда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Қонунигининг қабул қилинishi давлат иш билан бандлик хизмати билан бирга нодавлат, яъни хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ташкил ва амалга ошириш учун муҳим ҳукукий асос бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда давлат иш билан бандлик хизмати республика Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг худудий Банддлик бошқармалари ҳамда шаҳар ва туманлар Бандликка кўмаклашиш марказлари фаолияти билан мувофиқлаштирилса, хусусий бандлик агентликлари «хусусий бандлик агентлиги», «кадрлар агентлиги» ёки «рекрутинг агентлиги» терминлари билан номланмоқда. Нодавлат иш билан бандлик хизмати спектри кўпинча хорижий агентликлар хизматига ўхшаш фаолият олиб боради. Бироқ, одатда тақдим қилинаётган хизматлар персонални танлаш, аутстаффинг, кадрлар хизмати ва аутсорсинг хизматларидан ташқари рекрутинг хизматларининг асосий кўринишига тегишли «рекрутинг хизматлари» термини остида бирлашади.

Жаҳон гурухлари ташкилотлари соҳасида етакчилар бўлиб, «Heidrick & Struggles», «Korn/Ferry» ва «Russell Reynolds» ком-

<sup>73</sup> Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш (монография). – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 95-б.

паниялари ҳисобланади. Глобал маълумотлар базаси, электрон почталар, видеоконференциялардан фойдаланиш кенг кўламли қидирувни амалга ошириш ва самарали маълумотлар олиш имконини бермоқда ҳамда кўпчилик етакчи фирмалар дунё бўйича маълумотлар базаси тизими ва коммуникациялар тизимини модернизациялашга ҳаракат қилмоқда.



#### **4.2.1-расм. Мехнат бозорида рекрутинг хизматлари бозорининг шаклланиши модели<sup>74</sup>**

Персонални танлаш бўйича хизматларни **пирамида кўринишидаги модел** бўйича тавсифлаш мумкин (4.2.1-расм). Пирамиданинг асосида – куий даражадаги бўш иш ўринларини тўлдириш бўйича хизматлар (ишга жойлаштириш бўйича агентлик, персонал лизинги), ўртacha даражада – ўрта бўғинга мутахассисларни танлаш, юкори даражада – юкори бошқарув лавозимларига ва энг юкори бошқарув бўғинига раҳбарларни танлашдан иборат. АҚШда рекрутинг хизматлари бозорини қуий ва ўртacha дара-

<sup>74</sup> Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириши. // Дисс. и.ф.д. – Т.: ТДИУ, 2018. 145-6.

жалариди ишловчи агентликлар энг яхши даромадга эга бўладилар. Масалан, Express Personnel Services таркибида 60 % буортмалар – кўйи даражадаги бўш иш ўринларини тўлдириш бўйича, 30 %и – ўрта даражадаги, 10 %и – юкори бошқарув лавозимларига ва энг юкори бошқарув бўғинига раҳбарларни танлаш бўйича буортмаларни ташкил этади<sup>75</sup>.

Хозирги вактда МДХ мамлакатларида рекрутинг агентликлари асосан бошқарувнинг юкори ва ўрта даражаларига ёлланувчи ходимларни кидириш ва танлаш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, қўйи даражага мутахассиларни ишга жойлаштириш кам микдорда ташкил этади. Ишга жойлашиш бўйича номзодларни кидиришнинг асосий усули сифатида рекрутинг агентликларининг улар тўғрисидаги маълумотлар базасидаги ахборотлардан фойдаланиш ҳисобланади.

Бунда ёлланувчи ходим ҳақида ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш тизими қўйидаги элементларни ташкил этишдан иборатdir: потенциал номзодлар ҳақида ахборотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш ва саралаш; ахборотлардан фойдаланувчиларнинг маълумотга эга бўлиш имкониятини кенгайтириш; потенциал номзодлар тўғрисида маълумотларни доимий янгилаб туриш жараёнини ташкил этиш; ахборотларнинг қайта такрорланишини минимумга тушуриш; маълумотлар базасидан потенциал номзодларни бошланғич танлаш жараёнини амалга ошириш.

Мехнат бозорида фаолият юритувчи нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари конкрет тармоқлардаги корхоналар учун ходимларни танлашда ихтисослашиши ёки барча касбий-малака белгилари бўйича хизматлар кўрсатиши мумкин. Шунингдек, маълум бир тармоқка тегишли иш жойларида фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича ҳам хизматлар кўрсатиши мумкин. Шундай экан, ишга жойлаштириш бўйича агентликлар **универсал ва ихтисослашган агентликларга таснифланади**.

Кейинги пайтларда меҳнат бозорида ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг давлат ва нодавлат тузилмаларининг шаклланиш самарадорлигини баҳолаш масалаларига қўпчилик тадқиқотчилар ўз

<sup>75</sup> Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. // Дисс. и.ф.д. – Т.: ТДИУ, 2018. 144-б.

эътиборларини қаратмоқдалар. Бунда асосан тадқикот обьекти бўлиб, мувофиқ равишда мижозларига хизмат кўрсатишинг ҳудудий, ижтимоий-демографик ва касбий-малака тавсифи ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган самарали институционал механизмлар таркибида қишлоқ хусусий бандлик агентликлари фаолиятларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши етакчи ўрин эгаллади. Мазкур стратегия эса хусусий бандлик агентликларининг асосий кўрсаткичларини прогнозлари асосида ишлаб чиқилади (4.2.1 ва 4.2.2-жадваллар).

**4.2.1-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида хусусий бандлик агентликлари сони 166 тани ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб, 17 тага ҳамда агентликларга мурожаат қиласидаги мижозлар сони 2025 йилда 4238 тага ошиши куттилмоқда.**

Кишлоқ хусусий бандлик агентликлари сони прогноз қилинаётган даврда ҳудудлар кесимида Андижонда – 13 та, Қорақалпоғистон Республикасида – 12 та, Бухорода – 11 та, Жиззахда – 8 та, Қашқадарё ва Навоийда мос равищда – 8 тадан, Наманганда – 11 та, Самарқандда 10 та, Сирдарёда – 5 та, Сурхондарёда – 6 та, Тошкенда – 13 та, Фарғонада – 12 та ва Хоразмда – 8 тани ташкил этиши куттилмоқда. Шунингдек, агентликларга мурожаат қиласидаги мижозлар сони ҳам мос равищда ошиши куттилмоқда.

Шунингдек, республика бўйича хусусий бандлик агентликларига ишга жойлашиш масалалари мурожаат қиласидаги мижозлар сони 2025 йилга бориб 4238 тани ташкил этиши куттилмоқда. Бу кўрсаткини ҳудудлар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, 2025 йилга келиб Қорақалпоғистон Республикасида – 270 киши, Андижон вилоятида – 280 киши, Бухоро вилоятида – 250 киши, Жиззах вилояти – 180 киши, Қашқадарё вилояти – 170 киши, Навоий вилояти – 170 киши, Наманган вилояти – 240 киши, Самарқанд вилояти – 215 киши, Сирдарё вилояти – 110 киши, Сурхондарё вилояти – 130 киши, Тошкент вилояти – 285 киши, Фарғона вилояти – 255 киши ҳамда Хоразм вилоятига – 187 киши мурожаат қилиши куттилмоқда.

4.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларида хусусий бандлик агентликлари фаолиятларининг асосий кўрсаткичларини прогнози<sup>76</sup>**

№	Худудлар номи	Асосий кўрсаткичлар ва уларнинг ўлчов бирликлари	2019 йил (хисобот)	Прогноз даври						2025 йилда 2019 йилга нисбатан, +/-
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1	Ўзбекистон Республикаси бўйича – жами, шу жумладан:	хусусий агентликлар сони, дона	163	166	169	171	174	177	180	+17
		мижозлар сони, киши	3260	3423	3586	3749	3912	4075	4238	+978
1.1	Қоракалпоғистон Республикаси	хусусий агентликлар сони, дона	11	11	12	12	12	12	12	+1
		мижозлар сони, киши	225	229	250	250	255	260	270	+45
1.2	Андижон вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	12	13	13	13	13	13	13	+1
		мижозлар сони, киши	245	267	269	270	275	275	280	+35
1.3	Бухоро вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	9	9	10	10	10	10	11	+2
		мижозлар сони, киши	185	190	210	215	220	225	250	+65
1.4	Жиззах вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	7	7	7	8	8	8	8	+1
		мижозлар сони, киши	142	150	150	170	172	175	180	+38
1.5	Қашқадарё вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	7	7	7	7	8	8	8	+1
		мижозлар сони, киши	140	145	145	147	165	165	170	+30

<sup>76</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

1.6	Навоий вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	6	6	7	7	7	7	8	+2
		мижозлар сони, киши	121	125	140	140	140	145	170	+49
1.7	Наманган вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	10	10	10	10	10	11	11	+1
		мижозлар сони, киши	202	210	210	212	215	235	240	+38
1.8	Самарқанд вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	8	9	9	9	9	10	10	+8
		мижозлар сони, киши	160	181	180	190	195	210	215	+55
1.9	Сирдарё вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	4	4	4	5	5	5	5	+1
		мижозлар сони, киши	83	85	82	102	105	106	110	+27
1.10	Сурхондарё вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	5	5	5	5	5	6	6	+1
		мижозлар сони, киши	105	105	106	106	108	129	130	+25
1.11	Тошкент вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	12	12	12	12	12	12	13	+1
		мижозлар сони, киши	247	250	250	255	260	265	285	+38
1.12	Фарғона вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	11	11	11	11	12	12	12	+1
		мижозлар сони, киши	228	228	229	230	250	255	255	+27
1.13	Хоразм вилояти	хусусий агентликлар сони, дона	8	8	8	8	8	8	8	-
		мижозлар сони, киши	175	176	177	180	182	185	187	+11

**4.2.2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси мөхнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган айrim кишилор туманинг тасмалий тартифлари фаолиятлариниң асосий кўрсаткичларини прогнози<sup>77</sup>**

№	Тумантар номи	Асосий кўрсаткичлар ва уларниң тўчлов бирликлари	2019 йил (хисобот)	Прогноз даври					2025 йилда инибатаган, +/-
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	
<b>I.</b> Мемлакат ресурслари билан кам таъминланган тумантар бўйича									
1.1	Пастларом тумани	Хусусий агентликлар сони, дона	-	-	1	2	3	3	4 +4
		Мижҳолар сони, киши	-	-	25	55	75	78	110 +110
		Хусусий агентликлар сони, дона	-	1	2	3	3	4 +4	
		Мижҳолар сони, киши	-	26	52	76	78	105 129	+103
		Хусусий агентликлар сони, дона	-	1	2	2	3	3 4 +3	
1.2	Ургут тумани	Хусусий агентликлар сони, киши	-	25	52	55	75	80 104	+79
		Мижҳолар сони, киши	-	1	1	2	2	3 3 +2	
1.3	Китоб тумани	Хусусий агентликлар сони, дона	-	25	52	55	75	80 104	+79
		Мижҳолар сони, киши	-	1	1	2	2	3 3 +2	
1.4	Шахрисабз тумани	Хусусий агентликлар сони, дона	-	25	28	55	56	76 81 +56	
		Мижҳолар сони, киши	-	1	1	1	1	2 2 2 +2	
<b>II.</b> Мемлакат ресурслари билан кам таъминланган тумантар бўйича									
2.1	Беруний тумани	Хусусий агентликлар сони, дона	-	-	23	25	60	61 62 +62	
		Мижҳолар сони, киши	-	-	1	1	2	2 2 +2	
2.2	Элникинга тумани	Хусусий агентликлар сони, дона	-	-	25	26	48	45 50 +50	
		Мижҳолар сони, киши	-	-	1	1	2	2 2 +2	
2.3	Зарбород тумани	Хусусий агентликлар сони, дона	-	-	25	28	47	50 55 +55	
		Мижҳолар сони, киши	-	-	1	2	2	2 3 +3	
2.4	Панхакор тумани	Хусусий агентликлар сони, дона	-	-	1	2	2	3 3 +3	
		Мижҳолар сони, киши	-	-	20	46	49	75 78 +78	

<sup>77</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Мехнат муносабатлари вазирилти мальумотлари асосида хисобланган.

**Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган** айрим қишлоқ туманларида хусусий бандлик агентликлари фаолиятларининг асосий кўрсаткичларининг прогнозига эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган 2019 йилда таҳлил этилаётган туманларда хусусий агентликлар фаолият юритмаган. Иқтисодиётнинг трансформациялашиб бориши ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасининг узлуксиз ривожланиши натижасида прогноз қилинаётган йилларда республикамиз туманларида хусусий бандлик агентликлари сони ошиб боради (4.2.2-жадвал).

Меҳнат ресурслари билан **кўп таъминланган туманлар** бўйича 2025 йилга келиб, хусусий бандлик агентликлари сони Пастдарғом туманида – 4 та, Ургут туманида – 5 та, Китоб ва Шахрисабз туманларида мос равишда – 4 та ва 3 тадан ташкил этилиши кутилмоқда. Шунингдек, мазкур туманлардаги хусусий бандлик агентликларига мурожаат қилувчилар сони ўртача 20-28 кишини ташкил этиши мумкин.

Меҳнат ресурслари билан **кам таъминланган туманлар** бўйича 2025 йилга келиб, хусусий бандлик агентликлари сони Беруний туманида – 2 та, Элликқалъа туманида – 2 та, Зарбдор туманида – 2 та, Пахтакор туманида – 3 та ташкил этилиши кутилмоқда. Ушбу туманлардаги хусусий бандлик агентликларига мурожаат қилувчилар сони ҳам ўртача 20-25 кишини ташкил этиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ худудларида нодавлат иш билан бандлик хизматларининг ривожланиш жараёни куйидаги **ҳолатлар ва омилларга** бевосита боғлиқдир:

**Биринчидан**, хусусий агентликларнинг фаолияти асосан қишлоқ туманлари марказларида самарали ҳисобланади. Чунки, уларнинг фаолияти асосан меҳнат бозорининг малакали сегментига тўғри келмоқда. Агентликларнинг юқори малакали ва эксклюзив мутахассисларни ишга жойлаштириши асосан пуллик хизматлар асосида амалга оширилади. Яъни, қишлоқ жойларда ҳам хусусий бандлик агентликларини хизмат пулларини тўлаш кобилиятига эга ёлланувчи ходимлар ҳамда улар ташқи меҳнат миграцияларининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун, яқин келажакда қишлоқ жойларда хусусий агентликлар фаолиятини самарали ташкил этиш лозим.

**Иккинчидан, “Хусусий бандлик агентликлари тұғриси”ги** қонуннинг 10-моддасига мувофиқ хусусий агентликлар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш билан ҳам шуғулланишлари мүмкін. Шунга кўра, қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун хусусий бандлик агентликлари захира қилинадиган сумма сарфланган тақдирда маблағларнинг ўрнини тўлдириш, шунингдек лицензия тутатилган ёки бекор қилинган тақдирда маблағларни қайтариш шартлари билан эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни кўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захира қилиб қўйиши келтириб ўтилган. Бундан кўринардики, **қишлоқ жойларда хусусий агентликлар хорижга ишчи қучини экспорт қилиши** анча самараали фаолият ҳисобланади. Бироқ масаланинг иккинчи томони шундаки, бундай фаолиятни амалга ошириш бўйича рухсатни олиниши учун молиявий жиҳатдан етарлича муаммоларга дуч келиши мукаррар.

**Учинчидан, қишлоқ аҳолиси, хусусан, ёшлар ичидаги хорижда** ўз меҳнат фаолиятини амалга оширмоқчи бўлганлар қўпчиликни ташкил этади. Қишлоқ ҳудудларида ёшларнинг хусусий агентликлар орқали хорижга ишлаш учун боришидан кўра, МДҲ мамлакатлари ичидаги рухсат этилганларига норасмий ишга бориш афзалроқ ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, агентликка муайян бадални тўлаш (иш ҳақидан), ҳужжатларни расмийлаштириш, муайян вақт мобайнинда кутиш билан боғлиқ жараёнларда мазкур ташкилотларнинг аксарияти томонидан сифатсиз ва ноқонуний хизматлар кўрсатиши ҳисобланади.

**Тўртинчидан, қишлоқ аҳолисининг касбий кўнникмалари ва** малака даражасига кўра, шаҳар аҳолисига нисбатан кам рақобатбардош ҳисобланади. Хусусий агентликлар – меҳнат бозорида рақобатбардошлиги паст бўлган аҳоли категориялари (касбий тайёргарлик даражаси асосан аграр меҳнатта мос бўлганлар билан ва х.к.) билан кам ҳолларда ишлайдилар. Шунинг учун, хусусий бандлик агентликлари хорижий давлатлардаги **аграр меҳнат** иш

**берувчилари билан узвий алоқа ўрнатишлари лозим.** Улар билан қонуний меҳнат шартномаларини тузиш, маҳаллий ҳокимииятлардан рўйхатдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

**Бешинчидан,** давлат иш билан бандлик хизмати мижозлари ўртасида умумий 20 дан 30 йилгача меҳнат стажига эга фуқаролар кўпчиликни ташкил этади. Бу вактда мазкур кўрсаткич тижорат хизматларида 1 йилдан 10 йилгача ташкил этади (2 йилдан 5 йилгача бўлган гурухлар иш стажи устунлик қиласди)<sup>78</sup>. Кўшимча мутахассисликка эга давлат иш билан бандлик хизмати мижозларининг солиширига микдори тижорат хизматларининг мижозла-рига нисбатан анча паст, чунки улар ишга жойлаштириш бўйича хусусий агентликларнинг потенциал имкониятларини юкори баҳолайдилар. Шунинг учун, агентлиқда фаолият юритаётган мутахассислар юкори компетенцияяга эга бўлишлари керак. Чунки уларнинг фаолияти мақсадига кўра, фойдага қаратилган. Бундай ҳолатда юкори малакали мутахассислар шаҳардаги юкорироқ иш ҳақига эга хусусий бандлик агентликларида фаолият юритишни афзал кўрадилар.

**Олтинчидан,** таққосланаётган ташкилий тузилмалар мижозлари ўртасидаги жиддий фарқ бўлиб, хусусий агентликларга кўпинча янги иш излаш мақсади билан ишлайдиган фуқаролар, туманлар БКМларига эса кўпинча иш жойига эга бўлмаган фуқаролар мурожаат қиласди. Шундай экан, БКМлари хизматини хусусий тузилмаларга солишириганда асосан меҳнат бозорида **етарлича юкори ресурс имкониятига эга фуқаролар** мурожаат қиласдилар: олий маълумотга, иш жойига, муайян фаровонликга эга ёшлар; нафақат иш қидирувчилар, балки кўшимча иш ҳақи олишга эга бўлмоқчи бўлганлар.

**Еттингчидан,** туман БКМларининг ютуқларидан бири хусусий хизматлар фойдаланадиган маълумотлар базаси сифатида микдорий кўрсаткичлар бўйича мавжуд бўш иш жойлари маълумотлар банки ҳисобланади. Ўз навбатида хусусий агентликлар иш берувчилар ва иш қидирувчи фуқароларга тақдим қилаётган бўш иш жойлари сифати ва тўлиқ ахборотларга эгалиги билан давлат иш билан бандлик хизматига нисбатан устундир. Лекин, қишлоқ

<sup>78</sup> Муаллиф томонидан ўтказилган экспресс баҳолаш натижаларига кўра аниқланган.

худудларида юқори иш ҳақи тўлашга қодир корхона ва фирмалар сони аҳамиятсиз даражададир. Бу жиҳатдан олиб қараганда қишлоқ жойларда хусусий бандлик агентликлари фаолияти ишчи кучига сифат кўрсаткичи бўйича талаб ва таклиф номутаносиблиги мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун муаммони ҳал этишининг долзарб йўналиши бўлиб, қасбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш ҳамда унг мувофиқ бўш иш ўринларининг нуфузини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳисобланади. Бунда давлат иш билан бандлик хизматининг маълумотлар базасида ўртacha 16-18 %га эга бўш иш жойлари яшаш минимумидан нисбатан юқори даражадаги иш ҳақини кафолатлайди ва бу нисбат шаҳар жойлар учун хосдир. Қишлоқ жойларида мазқур кўрсаткич ундан ҳам паст. Шунинг учун, ҳозирча қишлоқ жойларда **хусусий бандлик агентликлари фаолиятини самарали деб бўлмайди**.

Иш билан бандлик хизмати ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган одамларга кўмак бериш бўйича ўзининг ролини бажариши кийин, агарда унинг обрўси юқори бўлмаса ва хизматлар сифати узлуксиз пасайса. Бундай хатардан қочиш учун баъзи мамлакатларда давлат иш билан бандлик хизмати эгилувчан меҳнат бозорида ўзларининг фаолиятини мақсадга мувофиқ кегайтириб бормоқдалар. Шунга кўра, бизнинг фикримизча, давлат ва хусусий бандлик хизматларининг ҳамкорлиги куйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Иш жойлари бўйича маълумотлар баъзасига кириш учун унинг ҳамкорликдаги ягона тизимини яратиш.

2. Умумий стратегик мақсадларга эришишга йўналтирилган кўшма тадбирларни ўtkазиш, улар қўйидагилардан иборат:

– бизнес тузилмалари учун: ишга жойлаштиришда потенциал номзодлар ошиши ҳисобига катта фойда олиш;

– давлат органлри учун: тижорат сектори билан қўшма ҳамкорлик ҳисобига ҳудуд фаолиятини тавсифловчи асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни яхшиланиши.

3. Аҳоли иш билан бандлиги соҳасида тажрибаларни алмасиши бўйича қўшма анжуманлар ўтказиш; ҳисбот даврига қўшма ишларнинг натижалари бўйича яқуний хулосаларни ишлаб чиқиши; икки томонлама ҳамкорлик ривожланишининг истиқболи

йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; меҳнат бозори субъектлари фаолиятининг қўшма фаолиятини тартибга солшга йўналтирилган худудий ривожланишнинг институционал асосларини такомиллаштириши ўз ичига олувчи инновацион усул ва услубларни ишлаб чиқиш.

4. Бўш иш ўринлари ҳақида ахборотларни номзодларга қулай ва маълумот тарзда тақдим килиш.

5. Аҳолининг иқтисодий фаоллик даражасини ошириш.

Кишлоқ худудларида **яқин келажакда хусусий иш билан бандлик хизмати ривожланишининг самарали институционал механизмлари қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:** кишлоқ худудларида хусусий агентликлар фаолиятларини самарали ривожлантиришни яқин истиқболдаги стратегиясини ишлаб чиқиш; кишлоқ туманларида хусусий бандлик агентликларини ташкил этишни кўпайтириш; кишлоқ меҳнат бозорининг муайян сегментларига хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ихтисослаштириш; туманлар БҚМлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш; хорижга ишчи кучини экспорт қилишни рағбатлантириш; хусусий агентликларни қишлоқда рақобатбардошлиги паст бўлган аҳоли категориялари билан ишлани сифатини ошириш. Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари тизимида кадрларни тайёрлаш ҳам долзарб ҳисобланади. Мазкур соҳа учун кадрларни олий таълим муассасаларининг инсон ресурсларини бошқариш бакалавр таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларида тайёрлаш керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунигининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун хусусий бандлик агентликлари захира килинадиган сумма сарфланган тақдирда маблағларнинг ўрнини тўлдириш, шунингдек лицензия тутатилган ёки бекор килинган тақдирда маблағларни қайтариш шартлари билан эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфа-

атларини ҳимоя қилиш жамғармасида заҳира қилиб қўяди дейилган.

Шунга кўра, ушбу қонуннинг 13-моддасида келтирилган ҳолат бўйича вазирлик ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида эллик минг АҚШ долларини заҳира қилиб қўйиш асосида фаолиятни ташкил этиш фақатгина республикамизнинг марказий шаҳарларида самарали бўлиши мумкин.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, ҳозирги вактда кишлоқ ҳудудларида хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни ташкил этишда жамғармага қўйиладиган маблағларни 10-15 минг АҚШ доллари атрофида шакллантириш белгилаб қўйилиши зарур. Чунки, тадқиқотлар шуни қўрсатмоқдаки, кишлоқ ҳудудларида хусусий бандлик агентлилари фаолиятини ташкил этишда таклиф этилаётган гаров сифатидаги заҳира маблағлари қўрсатилган маблағдан ошса, ушбу фаолият билан шуғилланишдан кўра, бизнеснинг бошқа тури билан шуғилланиш авзал ҳисобланади.

Шунингдек, кишлоқ ҳудудларида хусусий иш билан бандлик хизмати ривожланишининг **самарали ташкилий механизмлари** қўйидаги тадбирларни ўз ичига қамраб олади: қишлоқ ҳудудларида хусусий бандлик агентликларини яратиш; қишлоқ меҳнат бозорининг муайян сегментида хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ихтисослаштириш; туманлар БКМлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; хорижга ишчи кучини экспорт қилишни рағбатлантириш; хусусий агентликларни қишлоқда рақобатбардошлиги паст бўлган аҳоли категориялари билан ишлашини йўлга қўйиш, хорижда ишлаш истаги бўлганларни уларнинг ишлаши учун зарур ижтимоий ва ҳукукий кафолатларни таъминлаш.

Ҳозирги кунда кадрларга бўлган эҳтиёж персонални жалб қилиш мухим вазифа қилиб қўйилмоқдаки, унинг ечими қўйидаги бир қатор масалаларни ҳал этишни талаб этади. Булар қўйидагилар:

– ишчи кучини жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни умумташкилот стратегиясига мувофиқлаштириш;

- жалб қилиш вариантини танлаш (муддати, усули, манбаи, услуглари);
- бўлажак ходимларни ишга қабул қилиш талаблари, ҳужжатлар шакли, қабул қилиш услубларини белгилаш;
- иш ҳақи даражаси, ходим меҳнати мотивацияси ва уни хизмат поғоналаридаги ўсишини белгилаш;
- ходимларни жалб қилиш бўйича амалий харакатларни амалга ошириш.

Юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ходимларни танлаб олиш аниқ тартиб қоидалар асосида бажарилиши лозим. Танлаб олиш жараёни яхши йўлга кўйилган бўлиши, ҳужжатлаштириш эса муайян тартиб- қоидалар, йўриқномалар асосида амалга оширилиши зарур. Ходимларни танловчи ва уларни ишга қабул қилиш бўйича қарорларни ўз иш жойларига лаёқати, касбий-малака даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Аммо кўпчилик корхоналар ва ташкилотларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар тўлаконли талабга жавоб бермайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ишга қабул қилувчи ходимларни ўқитиш, уларни малакасини ошириш, ҳужжатлаштириш бўйича зарурий ҳужжат намуналарини ишлаб чиқиши керак.

#### **4.3. Ички ва ташки меҳнат миграцияларини яқин истиқболда самарали ривожлантириш асосида норасмий иш билан бандликни камайтириш**

Ўзбекистон Республикасида доимий аҳолининг 49,4 фоизи қишлоқ аҳолисининг улушига тўғри келади. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони 18666,3 минг қишини ташкил этиб, унинг 8716,8 минг нафари ёки 46,7 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Республигадаги ишсизларнинг асосий қисми (73,4 фоизи) қишлоқ жойларига тўғри келади. Қишлоқ жойларида иш ўринларининг етарли эмаслиги, ишчи кучи баҳосининг арzonлиги, қониқарли меҳнат даромадларига эга бўлмаслиги, яшаш шароитининг пастлиги, мутахассислар бўйича иш жойларининг камлиги, касбий малакасини иш ўринларига тўла мос келмаслиги ва бошқа сабаблар меҳнат миграцияси ва норасмий иш билан бандликни келтириб чиқармоқда.

Мамлакат ичидаги меҳнат миграцияси ишчи кучининг қишлоқлардан шаҳарларга, туман маркази ва шаҳарчалардан бошка йирик шаҳарларга, бир вилоятдан бошка вилоятга каби йўналишларда бўлиши мумкин. Меҳнат миграциясининг йўналишлари ишлаб чиқарувчи кучларниң ривожланиши, жойлашиши, иқтисодиёт тармоқларининг ишчи кучи билан таъминланганлик ҳамда аҳолининг турмуш даражасидаги тафовутлар билан белгиланади.


Мамлакат минтақалари бўйича ички меҳнат миграцияси 8,9 фоизга tengdir. Ички меҳнат миграциясида йирик шаҳарлар реципиентлар (кўчиб келаётган аҳолини қабул қилувчилар) вазифасини ўтамоқдалар. Хусусан, ички миграциянинг 70,0-80,0 фоиз Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда **қишлоқ ички меҳнат миграцияси** учун мавсумийлик ва тақорорийлик хусусиятлари хос. Бу турдаги ишчи кучи ҳаракатини асосан қишлоқ аҳолиси (80,5%) вужудга келтироқда. Бунинг асосий сабаби бўлиб **ишчи кучи тақлифининг ортиши ва иш ўринларининг етишмаслиги** ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ ишчи кучининг катта қисми қишлоқ хўжалигига сафарбар этилганлиги ва мазкур тармоқдаги ишларниң мавсумий ҳарактерга эгалиги мамлакатда ички меҳнат миграцияни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Қишлоқ аҳолисининг ички меҳнат миграциясига **иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ташкилий-хуқуқий ҳарактерга эга асосий омиллар** бевосита таъсир этади (4.3.1-расм).

Қишлоқ аҳолисини ички меҳнат миграциясининг **асосий иқтисодий омиллари** таркибига бошка ҳудудлардан ишчи кучи билан кам таъминланган туманларда моддий рафбатлантирувчи иш ўринларни ташкил этиш, урбанизацияни ривожлантириш асосида юқори иш ҳаки тўловчи янги иш ўринларни яратиш, туманларда бўш турган уй-жойларни бошка ҳудудлардан ихтиёрий равишда кўчиб келган ички меҳнат мигрантларига имтиёзли нарҳларда бериш, кичик бизнес ва оиласвий тадбиркорлик билан шугулланувчи ички меҳнат мигрантлари учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар тақдим этиш, ишчи кучи билан кам таъминланган ҳудудларда саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият юритувчи янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли солик ва кредит ставкаларини белгилаш салмоқли таъсирга эга.

## **Кишилек ахолисини ички мекнаның миграциясининг асосий омиллари**



**4.3.1расм.Кишилек ахолисини ички мекнан миграциясининг асосий омиллари.**  
\*Манба: расм муаліфлар тақдикоттары асосида тузылсан.

**Ижтимоий-демографик омил** сифатида ҳар бир маҳаллаларда ишчи кучи кам таъминланган ҳудудлардаги бўш иш ўринлари, иш характеристи, маош, ишчилардан талаб этиладиган малакалар ҳақида маълумотларни тўплаб бориш ва эълон қилиш, кўчиб келувчи оиласаларни имтиёзли уй-жойлар билан таъминлаш, маҳалла фуқаролар йигинлари томонидан ички меҳнат мигрантларининг янги яшаш ва иш жойларига тезда мослашишларига амалий ёрдам кўрсатиш, ички меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш, меҳнат ва техника хавфсизликларини таъминлаш, мигрантлар фарзандларини мактабгача таълим, ўрта ва ўрта маҳсус таълим хизматлари билан имтиёзли таъминлаш етакчи ўрин эгаллайди.

**Ташкилий-хукуқий омиллар** бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ички меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунини ишлаб чикиш, БКМ тасарруфида ички меҳнат миграцияси масалалари бўйича маҳсус бўлим ташкил қилиш, ишчи кучи тақчил ҳудудларда кенг тармоқли ижтимоий инфратузилмасини яратиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш максадида бошқа ҳудудга кўчаётган фуқароларнинг хукуқий ва ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлаш, ички меҳнат миграцияси бўйича ягона интернет веб-сайтини яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари маълумотларига кўра, меҳнатга лаёкатли қишлоқ аҳолисининг ички меҳнат миграцияси фаоллашмокда (4.3.1-жадвал).

4.3.1-жадвал таҳлилига кўра, 2010-2019 йиллар давомида республикада доимий қишлоқ аҳолисининг ички меҳнат миграцияси 466 кишига ёки 0,5 фоизга ортган. Бу даврда ички меҳнат мигрантлари сони Сирдарё (33,0%), Андижон (32,5%), Бухоро (32,5%), Жиззах (29,6%) ва Тошкент (20,6%) вилоятларида кўпайган. Бу даврда ички меҳнат мигрантлари сони Самарқанд вилоятида – 34,3%га, Қорақалпогистон Республикасида – 28,2%га, Хоразм вилоятида – 19,9%га, Сурхондарё вилоятида эса – 10,5%га камайган.

4.3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси бўйича қишлоқ ички меҳнат мигрантларини микдорий ўзгариши, киши<sup>79</sup>**

№	Худудлар номи	Тахлил даври					2019 йилда 2010 йилга нисбатан, +,-
		2010 й.	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	
1	Ўзбекистон Республикаси бўйича-жами, шу жумладан:	99472	101573	106527	108087	99938	+466
1.1	Коракалпогистон Республикаси	11216	8643	8592	8617	8053	-3163
1.2	Андижон вилояти	4592	5184	5108	5299	6083	+1491
1.3	Бухоро вилояти	3374	5171	5382	4896	4472	+1098
1.4	Жиззах вилояти	6405	6693	7504	8946	8304	+1899
1.5	Кашкадарё вилояти	8135	9378	8949	8827	8641	+506
1.6	Навоий вилояти	9172	9467	10391	10529	8474	-698
1.7	Наманган вилояти	3484	3696	3428	3775	4108	+624
1.8	Самарқанд вилояти	9869	8652	8384	9603	6485	-3384
1.9	Сурхондарё вилояти	9378	9415	11603	9654	8389	-989
1.10	Сирдарё вилояти	5427	5406	6183	6941	7217	+1790
1.11	Тошкент вилояти	12306	14717	15031	15216	14841	+2535
1.12	Фарғона вилояти	10283	9856	10626	10742	10198	-85
1.13	Хоразм вилояти	5831	5295	5346	5042	4673	-1158

Киска муддатли прогнозларга кўра, республика ва унинг барча худудларида **қишлоқ ички меҳнат мигрантлари сони ортади** (4.3.2-жадвал).

<sup>79</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

### 4.3.2-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси бўйича қишлоқ ички меҳнат мигрантларининг миқдорларини прогнози, киши<sup>80</sup>

№	Худудлар номи	Прогноз даври						2025 йилда 2020 йилга нисбатан, +,-
		2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
I	Ўзбекистон Республикаси бўйича-жами, шу жумладан:	103649	107709	111949	116379	121004	125839	+22190
1.1	Қорақалпогистон Республикаси	8214	8378	8546	8717	8891	9069	+855
1.2	Андижон вилояти	6205	6515	6841	7183	7542	7919	+1714
1.3	Бухоро вилояти	4696	4930	5177	5436	5708	5993	+1297
1.4	Жizzах вилояти	8470	8639	8812	8989	9168	9352	+882
1.5	Қашқадарё вилояти	9073	9527	10003	10503	11028	11580	+2507
1.6	Навоий вилояти	8643	8816	8993	9173	9356	9543	+900
1.7	Наманган вилояти	4313	4529	4756	4993	5243	5505	+1192
1.8	Самарқанд вилояти	6809	7150	7507	7883	8277	8691	+1881
1.9	Сурхондарё вилояти	8808	9249	9711	10197	10707	11242	+2434
1.10	Сирдарё вилояти	7361	7509	7659	7812	7968	8128	+766
1.11	Тошкент вилояти	15583	16362	17180	18039	18941	19888	+4305
1.12	Фарғона вилояти	10708	11243	11805	12396	13016	13666	+2958
1.13	Хоразм вилояти	4766	4862	4959	5058	5159	5263	+496

4.3.2-жадвал бўйича таҳлилга кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича қишлоқ аҳолисининг ички меҳнат мигрантлари сони 2020 йилда 103 649 кишини ташкил этса, 2025 йилга бориб бу кўрсаткич 125 839 кишига етиши ёки 21,4 фоизга **ортиши кузатилади**. Қисқа муддатли прогнозларга кўра, яқин истиқболда меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва бошқа вилоятларда **қишлоқ ички меҳнат мигрантлари сони ўртача 27,6% кўпайиши** кутилади.

<sup>80</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Тадқиқотда танланган меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган қишлоқ туманлари бўйича ички меҳнат миграциясида ўзига хос тенденциялар кузатилади (4.3.3-жадвал).

#### 4.3.3-жадвал

#### **Ўзбекистон Республикаси айрим туманлари бўйича қишлоқ ички меҳнат мигрантларини микдорий ўзгариши, киши<sup>81</sup>**

№	Туманлар номи	Таҳлил даври					2019 йилда 2010 йилга нисбатан, +,-
		2010 й.	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	
<b>Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманлар бўйича</b>							
1.	Пастдарғом	266	354	439	331	259	-6
2.	Ургут	414	322	670	385	229	-186
3.	Китоб	732	695	735	524	410	-322
4.	Шаҳрисабз	890	727	380	420	547	-343
<b>Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманлар бўйича</b>							
5.	Беруний	560	322	374	338	243	-317
6.	Элликқалъа	775	621	490	501	352	-423
7.	Зарбдор	188	552	538	530	589	+401
8.	Пахтакор	326	417	420	470	608	+282

4.3.3-жадвалдан кўриниб турганидек, 2010-2019 йилларда ишчи кучи билан кўп таъминланган Ургут (44,8%), Китоб (44,0%), Шаҳрисабз (38,5%) ва Пастдарғом (2,4%) туманларида қишлоқ ички меҳнат мигрантлари сони камайган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таҳлил килинаётган даврда ишчи кучи билан кам таъминланган Беруний (56,6%) ва Элликқалъа (54,6%) туманларида хам қишлоқ ички меҳнат мигрантлари сони камайган, аксинча Зарбдор (3,1 марта) ва Пахтакор (86,3%) туманларида эса ортган.

Прогнозларга кўра, яқин истиқболда танланган айрим туманлар бўйича қишлоқ ички меҳнат мигрантларининг ортиши кузатилади (4.3.4-жадвал).

**4.3.4-жадвал бўйича таҳлилга кўра, 2020-2025 йилларда меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманларда қишлоқ ички меҳнат мигрантлари сони таҳминан 24%га (ўргача йиллик 4,0%дан) камайиши, меҳнат ресурслари билан кам таъмин-**

<sup>81</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат мунисабатлари вазирлиги ва Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**ланган туманларда эса аксинча 36%га (ўртача йиллик 6%дан) кўпайиши кутилади.**

#### 4.3.4-жадвал


#### Ўзбекистон Республикаси айрим туманлари бўйича қишлоқ ичкни меҳнат мигрантлари миқдорларини прогнози, киши<sup>82</sup>

№	Туманлар номи	Прогноз даври						2025 йилда 2020 йилга нисбатан, +,-
		2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
<b>Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманлар бўйича</b>								
1.	Пастдарғом	249	239	229	220	211	203	-46
2.	Ургут	220	211	203	195	187	179	-41
3.	Қитоб	394	378	363	348	334	321	-73
4.	Шаҳрисабз	525	504	484	465	446	428	-97
<b>Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманлар бўйича</b>								
5.	Беруний	258	273	289	307	325	345	+87
6.	Элликқалъа	373	396	419	444	471	499	+126
7.	Зарбдор	630	674	722	772	826	884	+254
8.	Пахтакор	644	683	724	768	814	862	+218


Қишлоқ жойларида ишчи кучининг ташқи меҳнат миграцияси расмий ва норасмий кўринишга эга бўлади (4.3.2 ва 4.3.3-расмлар).

4.3.2 ва 4.3.3-расмлардан кўринади, республикада расмий кўринишдаги қишлоқ ташқи меҳнат миграцияси улуши камайиб, аксинча унинг норасмий кўринишдаги улуши ортиб борган. Яъни, 2010 йилда расмий ташқи меҳнат миграцияси улуши 17,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 2,0 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида, норасмий кўринишдаги ташқи меҳнат миграцияси улуши мос равишда 83 ва 98 фоизга тенг бўлган.

<sup>82</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



**4.3.2-расм. Ўзбекистон  
Республикасида 2010 йилда қишлоқ  
ташқи меҳнат миграциясининг  
кўриниши\***



**4.3.3-расм. Ўзбекистон  
Республикасида 2019 йилда қишлоқ  
ташқи меҳнат миграциясининг  
кўриниши\***

\* Манба: расмлар муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ҳозирги даврда қишлоқ ташқи меҳнат миграциясини ўзгаришига иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ташкилий-хукукий характерга эга асосий омиллар бевосита таъсир кўрсатади (4.3.4-расм).

Қишлоқ ташқи меҳнат миграциясининг **асосий иқтисодий омиллари** юқори даромадли иш ўринларини таклиф этиш, ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва унинг филиаллари фаолиятларини иқтисодий қўллаб-куватлаш, бандлик соҳасида хизматлар кўрсатувчи рекрутинг агентликларига солик имтиёзларини бериш, хорижда кичик бизнес юритишга ва саноат инновацияси асосида корхоналар ташкил қилишга иқтисодий ёрдам бериш, меҳнат мигрантларининг бирламчи харажатлари учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар тақдим этиш салмоқли таъсирга эга.

**Ижтимоий-демографик омил** сифатида ташқи меҳнат мигрантларини хорижий тилларга ўқитиш ва малакасини ошириш сифатини мазмунан яхшилаш, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакат хорижлик иш берувчилардан бўш иш ўринлари, иш характеристи, маош, ишчилардан талаб этиладиган малака (кўнгикма)лар ҳақида маълумотларни тўплаб бориш, хорижий иш берувчилар томонидан иш ўринларини меҳнат ва техника хавфсизлilikлари билан таъминлаш ва суғурталанган тиббий хизматларни кўрсатиш, мигрантларни ётк-


жойлар билан таъминлаш ва уларнинг санитариягиена нормаларига мувофик бўлишини таъминлаш етакчи ўрин эгаллади.

**Ташкилий-хуқуқий омиллар** бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиши, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Меҳнат миграцияси тўғрисидаги конвенцияларини ратификация килиш, хорижий иш берувчилар билан ташқи меҳнат мигрантлари ўргасидаги меҳнат шартномаларини (контрактларини) халқаро стандартларга мос ҳолда тузиш, БКМ тасарруфида ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича маҳсус бўлим ва хусусий бандлик агентликларининг сифатли ва қонуний фаолиятларини ташкил этиш, меҳнат мигрантларини хорижий тилларга ва замонпвий қасбларга ўқитиш маҳсус курсларни шакллантириш, ортиқча қишлоқ ишчи кучини ташкиллаштирилган экспортини сифатли амалга ошириш ва ташқи меҳнат миграцияси бўйича ягона интернет веб-сайтини яратиш хисобланади.

Ўзбекистонда Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Туркия, БАА, Болгария, Польша, Япония мамлакатлари билан расмий **кўринишдаги қишлоқ ахолисини ташқи меҳнат миграцияси** ўйлга қўйилган (4.3.5-жадвал).

4.3.5-жадвалдан кўринадики, 2010-2019 йиллар давомида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали чет элга ишга жойлаштирилган қишлоқ фуқаролари сони **5066 нафардан 1810 нафарга ёки 64,3 фоизга қисқарган**. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010-2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фақат 2 та мамлакат – Корея ва Россияга ишлашга жўнатилган бўлса, 2017 йилдан бошлаб расмий меҳнат миграциясининг географияси кенгайган. Яъни, Япония, Туркия, Польша ва Болгария мамлакатлари ҳам қўшилган.

### Кишилек ахолисини ташка мекнаг миграциясшниң асосий омиллари



**4.3.4-расм. Кишилек ахолисини ташка мекнаг миграциясшниң асосий омиллари.\***

\*Манба: расм мұндағылар тақырыбында ассоциация түзилған.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон “Хорижда вактингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида” Фармонига мувофиқ қўйидаги мухим чора-тадбирлар белгиланган:

– уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда кўп квартирали уйлардан республика бўйича жами 3 462 та хонадон ажратиш;

– меҳнат мигрантларига 2019-2020 йилларда 10 фоиз, 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 млн сўм миқдорида 1 йил муддатга микроқарзлар бериш;

– иилига 1 маротаба меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соглигини сугурталаш бўйича сугурта муюфоти суммасини қоплаш учун ҳар бир меҳнат мигрантга 50 минг сўм миқдорида бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиёти жорий этиш.

Келгусида Россия Федерациясининг Екатеринбург, Новосибирск, Волгоград, Пятигорск, Туркияning Истанбул, Қозогистоннинг Нур Султон ва Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳарларида Агентлик ваколатхоналарини очилади.

Россия Федерацииси ҳудудида вактингчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишга руҳсатнома (патент) тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш хизматларини кўрсатиш ваколатига эга булган Россия органлари ва ташкилотларининг филиаллари (фронт - офислари) ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Конуни билан фуқароларни иш билан таъминлаш соҳаси хусусий секторга ҳам берилди.

Хусусий бандлик агентликларига фуқароларга қўйидаги 4 та хизмат турини кўрсатиш ваколати берилди:

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш;

– маҳаллий ва хорижий иш берувчилар учун кадрлар танлаш;

– Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш;

#### 4.3.5-жаддали

#### Ташки миграцияси агентлиги оркали чөт энда инга жойлантирилган Ўзбекистон Республикаси кишилк фуқароларининг миқдорларинин ўзгариниши, кишин<sup>83</sup>

№	Худудлар номи	2010 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
		Камн	шундан:										
1	Ўзбекистон Республикаси бўйича-жами, шу жумладан:	4960	3740	1220	2737	2654	83	2409	2370	39	3511	2600	894
1.1	Коракалпоғистон Республикаси	431	183	248	61	56	5	73	71	2	121	44	77
1.2	Андижон вилояти	824	824	-	282	282	-	383	383	-	654	483	171
1.3	Бухоро вилояти	317	52	265	95	92	3	71	71	-	115	44	71
1.4	Жиззах вилояти	147	147	-	317	317	-	214	214	-	194	130	64

<sup>83</sup> Жаддал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирларни маълумотлари асосида тузилган.

1.5	Қашқадарё вилояти	723	199	524	392	387	5	264	262	2	433	373	59	1	397	349	41	7	-	-	277	243	25	9
1.6	Навоий вилояти	210	210	-	72	72	-	46	46	-	89	57	32	-	133	70	56	7	-	-	50	49	1	-
1.7	Наманган вилояти	389	389	-	357	357	-	313	313	-	415	321	91	3	321	215	80	13	-	<sup>1</sup> 3	156	155	-	1
1.8	Самарқанд вилояти	749	749	-	172	172	-	225	225	-	376	331	43	2	315	220	83	12	-	-	40	40	-	-
1.9	Сурхондарё вилояти	86	86	-	67	67	-	53	53	-	139	63	72	4	98	56	34	8	-	-	115	112	3	-
1.10	Сирдарё вилояти	91	91	-	209	209	-	119	119	-	317	275	41	1	428	325	96	7	-	-	42	41	1	-
1.11	Тошкент вилояти	228	228	-	112	112	-	160	160	-	167	106	55	6	146	74	23	47	2	-	197	196	1	-
1.12	Фарғона вилояти	626	443	183	501	431	70	327	292	35	342	256	86	-	403	239	<sup>10</sup> 5	57	-	2	43	43	-	-
1.13	Хоразм вилояти	139	139	-	100	100	-	161	161	-	149	117	32	-	211	104	94	13	-	-	75	71	2	2

#### 4.3.6-жадвал

### Хусусий бандлик агентликлари орқали 2019 йилда чет элда ишга жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ фуқароларининг микдорларини ўзгариши, киши<sup>84</sup>

№	Худудлар номи	жами	Шу жумладан қўйидаги давлатларда:																						
			Россия	Туркия	Литва	Латвия	Польша	Болгария	БАА	Хорватия	Беларусь	Япония	Эстония	Козигистон	Украина	Иероним	Германия	Греция	Уммон	Португалия	Қатар	Чехия	АҚШ	Британия	
1	Ўзбекистон Республикаси бўйича-жами, шу жумладан:	2563	1351	529	357	96	72	35	22	20	20	17	14	7	7	6	2	2	1	1	1	1	1	-	1
1.1	Корақалпогистон Республикаси	649	486	42	77	21	8	1	1	1	-	4	-	-	-	-	1	2	1	1	1	1	-	-	1
1.2	Андижон вилояти	256	106	135	13	-	-	-	1	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.3	Бухоро вилояти	461	307	89	45	1	7	6	2	2	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.4	Жиззах вилояти	56	16	22	3	4	-	6	-	2	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.5	Қашқадарё вилояти	286	189	39	11	10	11	6	7	2	9	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.6	Навоий вилояти	101	49	41	9	-	1	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.7	Наманган вилояти	85	18	30	16	9	2	3	2	2	-	1	-	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.8	Самарқанд вилояти	41	24	1	1	2	7	1	-	5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.9	Сурхондарё вилояти	338	61	32	141	43	32	1	-	1	-	3	13	4	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.10	Сирдарё вилояти	56	29	9	5	4	-	5	3	1	-	-	-	-	-	6	-	-	-	-	-	-	-	1	-
1.11	Тошкент вилояти	36	12	8	8	1	2	-	-	2	3	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.12	Фарғона вилояти	81	12	41	12	-	2	2	4	-	3	1	-	2	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1.13	Хоразм вилояти	117	42	40	16	1	-	4	2	1	7	1	-	-	2	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-

<sup>84</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

– ишга жойлаштириш соҳасида ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

2019 йил ва 2020 йилнинг ўтган даврида 103 та юридик шахс хусусий бандлик агентлиги сифатида реестрдан ўтган бўлиб, 74 та хусусий бандлик агентлиги фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш хукукини берувчи лицензия олган, улардан 20 тасини лицензияси фаолиятларини сифатсиз ташкил этганларни сабабли ва 11 таси қонунбузарликларга йўл қўйганларни учун бекор қилинган.

Хусусий бандлик агентликлари орқали 2019 йилда 4392 нафар кишлоқ фуқаролари чет элда ишга жойлаштирилган (4.3.6-жадвал).

4.3.6-жадвал бўйича таҳлилга кўра, хусусий бандлик агентликлари томонидан 22 та мамлакатга ишга жойлаштирилган. Ташки мөхнат мигрантларининг аксарияти Россия, Туркия, Литва, Латвия, Польша ва Болгария мамлакатларига жўнатилган. Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп кишлоқ ташки мөхнат мигрантлари Коракалпогистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё ва Андижон вилоятларидан жўнатилган.

#### 4.3.7-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларидағи ташки мөхнат мигрантларини миқдорий ўзгариши, киши<sup>85</sup>

№	Худудлар номи	Таҳлил даври					2019 йилда 2010 йилга нисбатан, +,-
		2010 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	
I	Ўзбекистон Республикаси бўйича-жами, шу жумладан:	306839	1123643	1250191	2260278	2349519	+2042680
1.1	Коракалпогистон Республикаси	19546	34409	33471	144216	157083	+137537
1.2	Андижон вилояти	40263	155144	192279	305086	299168	+258905

<sup>85</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва мөхнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

1.3	Бухоро вилояти	37481	77026	108173	133148	155580	+118099
1.4	Жиззах вилояти	2417	30063	38046	73638	81316	+78899
1.5	Қашқадарё вилояти	21263	98258	96487	177803	212487	+191224
1.6	Навоий вилояти	36147	15166	16452	36389	40154	+4007
1.7	Наманган вилояти	24083	158168	124269	200573	218179	+194096
1.8	Самарқанд вилояти	36148	147289	186346	341150	322971	+286823
1.9	Сурхондарё вилояти	19268	75615	72379	163184	196763	+177495
1.10	Сирдарё вилояти	4517	33194	39038	68815	76092	+71575
1.11	Тошкент вилояти	10143	75389	106603	178382	122518	+112375
1.12	Фарғона вилояти	28072	140835	168146	283618	297487	+269415
1.13	Хоразм вилояти	27491	83087	68502	154276	169721	+142230

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, сўнгти йилларда қишлоқ ташки меҳнат мигрантларини микдори ортиб бормоқда (4.3.7-жадвал).

4.3.7-жадвалдан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда қишлоқ ташки меҳнат мигрантлари сони меҳнат ресурслари тақчил бўйган Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида нисбатан камроқ ўсган.

Шунингдек, қишлоқ ташки меҳнат мигрантларининг микдорий кўпроқ ўсиши меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган ва бошқа вилоятлар хиссасига тўғри келади.

Прогнозларга кўра, яқин истиқболда қишлоқ аҳолисининг ташки меҳнат мигрантлари сони юкори суръатда ўсиши давом этади (4.3.8-жадвал).

4.3.8-жадвал бўйича таҳлилга кўра, 2020 йилда республика бўйича қишлоқ ташки меҳнат мигрантлари сони 2,5 млн. кишини ташкил киласа, 2025 йилга бориб бу кўраткич 3,3 млн. кишига этиши ёки 33,8 фоизга ортиши кутилади.

Прогноз қилинаётган даврда меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва бошқа вилоятларда қишлоқ аҳолисини ташки меҳнат миграциясининг кучайиши кутилади.

#### 4.3.8-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси бўйича қишлоқ ташқи меҳнат мигрантларининг миқдорларини прогнози, киши<sup>86</sup>

№	Худудлар номи	Прогноз даври						2025 йилда 2020 йилга нисбатан, +,-
		2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1	Ўзбекистон Республикаси бўйича-жами, шу жумладан:	2487767	2635167	2792352	2959993	3138814	3329583	+841816
1.1	Қорқацоғистон Республикаси	160225	163429	166698	170032	173432	176901	+16676
1.2	Андижон вилояти	320110	342517	366494	392148	419599	448970	+128861
1.3	Бухоро вилояти	166471	178124	190592	203934	218209	233484	+67013
1.4	Жиззах вилояти	82942	84601	86293	88019	89779	91575	+8633
1.5	Қашқадарё вилояти	227361	243276	260306	278527	298024	318886	+91525
1.6	Навоий вилояти	40957	41776	42612	43464	44333	45220	+4263
1.7	Наманган вилояти	233452	249793	267279	285988	306007	327428	+93976
1.8	Самарқанд вилояти	345579	369769	395653	423349	452984	484692	+139113
1.9	Сурхондарё вилояти	210536	225274	241043	257916	275970	295288	+84752
1.10	Сирдарё вилояти	77614	79166	80749	82364	84012	85692	+8078
1.11	Тошкент вилояти	131094	140271	150090	160596	171838	183866	+52772
1.12	Фарғона вилояти	318311	340593	364434	389945	417241	446448	+128137
1.13	Хоразм вилояти	173115	176578	180109	183711	187386	191133	+18018

Тадқиқотда танланган туманларда қишлоқ аҳолисини ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини таҳлил килиш Зарбдор ва Паҳтакор туманларида юқори суръатда ўсаётганлигини кўрсатди (4.3.9-жадвал).

4.3.9-жадвал бўйича таҳлилга кўра, меҳнат ресурслари тақчил бўлган Зарбдор ва Паҳтакор туманларида иш ўриниларининг етишмаслиги туфайли 2010-2019 йилларда қишлоқ ташқи меҳнат мигрантлари сони ўртача 33,0 мартаға кўпайган.

<sup>86</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

### 4.3.9-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси айрим туманлари бўйича қишлоқ ташқи меҳнат мигрантларини миқдорий ўзгариши, киши<sup>87</sup>

№	Туманлар номи	Таҳлил даври					2019 йилда 2010 йилга нисбатан, +,-
		2010 й.	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	
<b>Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманлар бўйича</b>							
1.	Пастдаргом	2501	9102	9468	21925	23762	+21261
2.	Ургут	2639	9248	9506	22750	24825	+22186
3.	Китоб	1785	7289	7426	13278	16941	+15156
4.	Шахрисабз	1692	7145	7343	12089	15728	+14036
<b>Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманлар бўйича</b>							
5.	Беруний	1342	2318	2516	9372	9904	+8562
6.	Элликқалъа	1225	2184	2362	9146	9819	+8594
7.	Зарбдор	197	2387	3017	5862	6403	+6206
8.	Пахтакор	186	2291	2963	5691	6387	+6201

Прогнозларга кўра, яқин истиқболда танланган айрим туманлар бўйича қишлоқ ташқи меҳнат мигрантларининг ортиши кузатилади (4.3.10-жадвал).

4.3.10-жадвал бўйича таҳлилга кўра, 2020-2025 йилларда меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманларда қишлоқ ташқи меҳнат мигрантлари сони ўртача йилига **7,1 фоиздан**, меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманларда эса **2,2 фоиздан** ортиши кутилади.

Қишлоқ ички меҳнат мигрантларини прогноз кўрсаткичларига эришиш ва уларни норасмий иш билан бандликни камайтиришга бевосита таъсирини ошириш бўйича **қўйидаги самарали чоратадабирларни** амалга ошириш лозим:

- ишчи кучи етишмайдиган худудларда ички меҳнат мигрантлари учун моддий рағбатлантирувчи янги иш ўринлари ташкил этишни кўпайтириш;

<sup>87</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

#### 4.3.10-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси айрим туманлари бўйича қишлоқ ташки мөхнат мигрантларини миқдорларини прогнози, киши<sup>88</sup>

№	Туманлар номи	Прогноз даври						2025 йилда 2020 йилга нисбатан, +,-
		2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
<b>Мөхнат ресурслари билан кўп таъминланган туманлар бўйича</b>								
1.	Пастдаргом	25425	27205	29109	31147	33327	35660	+10235
2.	Ургут	26563	28422	30412	32541	34818	37256	+10693
3.	Китоб	18127	19396	20753	22206	23761	25424	+7297
4.	Шахрисабз	16829	18007	19267	20616	22059	23603	+6775
<b>Мөхнат ресурслари билан кам таъминланган туманлар бўйича</b>								
5.	Беруний	10102	10304	10510	10720	10935	11154	+1051
6.	Элликқалъа	10015	10216	10420	10628	10841	11058	+1042
7.	Зарбдор	6531	6662	6795	6931	7069	7211	+680
8.	Пахтакор	6515	6645	6778	6913	7052	7193	+678

– қишлоқ жойларида узоқ муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, мөхнат ресурслари билан кам таъминланган худудларни ишчи кучига бўлган талабларини чукур таҳлил ва комплекс прогноз килиш ва шу асосда аҳолининг ички миграцияси кўламларини аниқлаш;

– ички мөхнат мигрантларининг имтиёзли турар-жойга эга бўлиши ва ижтимоий инфратузилма обьектлари хизматлари билан таъминланишини таъминлаш;

– кичик ва ўрта шаҳарлар урбанизациясини ривожлантириш асосида қишлоқ ички мөхнат мигрантлар фаоллигини ошириш;

– рўйхатдан ўтиш тизимидағи ўзгаришларни хисобга олган ҳолда қишлоқ-шаҳар йўналишлари бўйича ички мөхнат миграциясини ташкил этиш;

– ички мөхнат мигрантларига иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам бериш асосида мөхнат ресурслари билан кам таъминланган худудлардаги моддий рағбатлантирувчи иш ўринларига тизимли жойлаштириш;

<sup>88</sup> Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва мөхнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

– вақтингчалик бир марталик ишга жойлаштириш марказлари фаолиятлари самарадорлигини ошириш;

– ички меҳнат мигрантларни норасмий иш билан бандликни камайтиришини ташкилий-иктисодий кўллаб-куватлаш;

– қишлоқ туманлари ҳокимиятлари ва маҳалла ва оиласларни кўллаб кувватлаша кенгашлари ички меҳнат мигрантларнинг оиласларга сифатли яшаш ва ишлаш шароитларини яратишга, моддий рағбатлантирувчи ишларга жойлаштиришга ва кичик бизнес ва оиласий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишларига амалий ёрдам кўрсатиш;

– Ўзбекистон Республикасининг “Ички меҳнат миграцияси тўғрисида” қонунини ишлаб чикиш ва унинг сифатли ижросини таъминлаш.

Кишлоқ ташқи меҳнат мигрантларини прогноз кўрсаткичларига эришиш ва уларни норасмий иш билан бандликни камайтиришга бевосита таъсирини ошириш бўйича **самарали чора-тадбирларни** амалга ошириш лозим:

– кафолатланган иш ўринлари ва юкори иш ҳақлари таклиф этган **хорижий иш берувчилар билан ташкилий-иктисодий ва хукуқий алоқаларни мустахкамлаш** ва улар билан халқаро стандартларга жавоб берадиган тегишли шартномаларни (контрактларни) тузиш;

– бўлажак ташқи меҳнат мигрантларининг хорижий тиллар ўрганиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш сифатини мазмунан яхшилаш;

– ташқи меҳнат мигрантларини кафолатланган яшаш жойлари ва ижтимоий сұғурталанган соғлиқни саклаш хизматлари билан таъминланишини ташкилий-иктисодий ва хукуқий кўллаб-куватлаш;

– қишлоқ ортиқча ишчи кучини талабгор хорижий давлатларга ташкиллаштирилган экспорт қилишни сифатли амалга ошириш;

– қишлоқ ҳудудларидаги бандликка кўмаклашиш марказлари таркибида ташқи меҳнат миграцияси бўлимларини ташкил этиш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш;

- хусусий бандлик агентликлари фаолиятлари сифатини ошириш ва уларнинг қонунийлигини таъминлаш;
- ташки мөхнат мигрантларини рўйхатдан ўтиш, яшаш ва иш жойлари билан таъминлаш, иш берувчилар билан низоларини бартараф этиш, ирқий камситишни олдини олиш, иш ҳақларини ундириб бериш каби асосий муаммоларни хал этишда тегишли ташкилотларни амалий-ташкилий-хуқукий ёрдамлари самара-дорлигини ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Ташки мөхнат миграцияси тўғрисида” қонунини ишлаб чиқиш ва унинг сифатли ижросини таъминлаш.

#### **4.4. Яқин келажакда ортиқча қишлоқ ишчи кучини ташкиллаштирилган экспортини ривожлантириш**

Қишлоқ мөхнат бозоридаги юқори босимни камайтириш, талаб ва таклиф микдорлари ўртасидаги тафовутни қисқартириш, ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаш ва уларнинг мөхнат даромадларига эга бўлишига кўмаклашиш максадида давлат ишчи кучи экспорти сиёсатини амалга оширади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2018 йил дунё бўйича мөхнат мигрантлари пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 689,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган<sup>89</sup>. Ишчи кучини экспорт қилишдан энг кўп даромад олувчи мамлакатлар ўртасида Хиндистон (79 млрд. АҚШ долл., Хитой (67 млрд АҚШ долл.), Мексика (36 млрд. АҚШ долл.), Филиппин (34 млрд АҚШ долл.) ва Миср (29 млрд АҚШ долл.) етакчилик қиласиди<sup>90</sup>.

Хориждан мөхнат эмигрантлари юбораётган пул маблағлари ривожланаётган мамлакатларда иктисадиётнинг ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишида муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ортиқча қишлоқ ишчи кучини ташкиллаштирилган экспорти Ҳукуматлараро келишувлар асосида амалга

<sup>89</sup> Международные денежные переводы мигрантов — важнейший источник финансирования развивающихся стран // Бюллетень о текущих тенденциях мировой экономики сентябрь 2019. – С.7.

<sup>90</sup> <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2019/04/08/record-high-remittances-sent-globally-in-2018>

оширилади. Мазкур меморандумларда ишчи кучини экспорт қилиш шартлари, уларга бериладиган имтиёз ва кафолатлар, меҳнат ва яшаш шароитлари ҳамда меҳнатга ҳам тұлашлар шартлари келишиб олинади.

Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларга қўйиладиган талаблар кўйидагича:

- аҳолининг 2,0 фоиздан кўпроғи чет элда бўлса;
- иктисодий фаол аҳолининг камида 1,0 фоизи чет элда бўлса;
- чет элда ишлаётган мигрантларнинг пул ўтказмалари ЯММнинг 1,0 фоизидан кўпроғини ташкил қиласа<sup>91</sup>.

Илмий тадқиқотларимизда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ишчи кучининг экспорти кўрсаткичлари таҳлили муҳим аҳамият касб этади (4.4.1-расм).



4.4.1-расм. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ишчи кучининг экспорти кўрсаткичлари (2019 йил)<sup>92</sup>.

4.4.1-расмдан кўриниб турибдики, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг 7,3 фоизи ташқи меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Бу

<sup>91</sup> Иванюк И.В. Международная трудовая миграция. Учебное пособие. - М: ТБИС, 2005 – С.92.

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириллиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

кўрсаткич Андижон (9,7%), Хоразм (9,2%) ва Сирдарё (9,1%) вилоятларида бошқа худудларга нисбатан юкори.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикада иктиносидий фаол қишлоқ аҳолисининг 16,5%и, худудлар кесимида эса Андижонда – 21,2%, Хорзамда – 21,0%, Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида – 20,1%, Наманганда – 19,8%и ташқи меҳнат мигрантлари ҳисобланади.

**Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ишчи кучини экспорт қиливчи мамлакатларга қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради.**

Ўзбекистон Республикасининг хориж мамлакатларига қишлоқ ишчи кучини экспорт қилиши туфайли қўйидаги ижобий натижаларга эришилади:

– ишчи кучи экспорта туфайли республика миллий даромадига хориждан маблағлар келиб қўшилади (2019 йил республикамизга жами 6,4 млрд. АҚШ доллари, шундан 4,7 млрд. АҚШ доллари Россиядан келган<sup>93</sup>). Бу маблаглар ҳисобига аҳоли даромадларини ошириш, янги иш ўринларини барпо этиш, ишсизларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маблағларга эга бўлиш мумкин;

– мигрантлар ўзлари билан бирга энг замонавий билимларни, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни, замонавий технология ва янги техникани бошқаришни ўрганиб қайтади;

– хориж корхоналарида мавжуд бўлган меҳнатни ташкил этиш, меҳнат интизоми, ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш, унумли меҳнат қилиш, замонавий билимларни эгаллайди;

– чет тилларни, меҳнат қилиш ва малака ошириш усулларини ўрганади.

**Кишлоқ ишчи кучи экспортини ташкилий-институционал таъминлашни такомиллаштириш, бизнинг назаримизда, қўйидаги йўналишларда зарур:**

– кишлоқ ишчи кучи экспортини лицензиялаш асосида мазкур жараёнга бирламчи иктиносидий бирликлар – аграр корхоналарни кенг жалб қилиш ҳисобидан кишлоқ ишчи кучи экспортини тартибга солувчи органлар ва қоидалар тизимини эркинлаштириш;

<sup>93</sup> Платёжный баланс, международная инвестиционная позиция и внешний долг Республики Узбекистан за 2019 год // <https://cbu.uz>.

– лицензияларни яккол афзал кўришлар усули бўйича тақсимлашдан уларнинг эркин ким ошди савдосига ўтиш;

– мамлакатни дунёда ишчи кучи миграциясини тартибга солувчи ҳукуқий ва иқтисодий механизмларга (ХМТ конвенциялари, миграция бўйича ҳалқаро ташкилотда иштирок этиш ва х.к.) имкон қадар жалб қилиш;

– маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва қишлоқ ишчи кучини экспорт қилиш хисобидан ишсизликни юмшатиш имкониятларини аниқлаган ҳолда ишсизлик режалари-прогнозларини тузиш;

– қишлоқ ишчи кучи экспортини тартибга солувчи органларда консалтинг хизмати кўрсатишни ривожлантириш.

Қишлоқ жойларидан ортиқча ишчи кучи экспортини тартибга солиш механизми бозор усулларини кучайтириш томонга ўзгартириш лозим. Бизнингча, қишлоқ ишчи кучи экспортини тартибга солиш механизмининг янада тақомиллаштириш учун кўйидаги **чора-тадбирларни** амалга ошириш тавсия этилади:

– аграр корхоналарга қишлоқ ишчи кучини экспорт қилиш ҳукуқини (лицензияларни) олиш ва номзодларга чет элда ишлаш учун чиқиши ҳукуқини қўлга киритиш учун қўйиладиган талабларни юмшатиш;

– валюта ва банк сиёсатида имтиёзлар тизимини жорий этиш хисобидан қулай миграция муҳитини шакллантириш (юкорироқ депозит фоизлари, валюта депозитларини мол-мулк солиғи ва даромад солиғидан озод қилиш, валюта турига қараб депозит ставкаларини табақалаштириш ва х.к.), рецептиент мамлакатларда Ўзбекистон банклари тармоғини ривожлантириш, молиявий имтиёзларга эга ички қарзлардан фойдаланиш.

Қишлоқ ишчи кучи экспортини кенгайтириш учун ҳалқаро меҳнат бозорини изчил ўрганиш талаб этилади. Мазкур бозор ишчи кучи экспорт қилинаётган минтақанинг ўзига хос иқтисодий таракқиёт даражаси билан тавсифланади. Ишчи кучи экспорт қилинаётган минтақа кўйидаги **иқтисодий кўрсаткичлар** билан фарқланиши лозим:

– ЯММ нинг реал ўсиши 4-7 фоизни ташкил этадиган жадал иқтисодий ривожланиш суръати ва ишсизлик даражасининг 1-2,5 фоиз атрофидаги паст кўрсаткичи;

- юқори меҳнат сиғимли ишлаб чиқаришга эгалиги ва миллий даромадларда иш ҳақи улуши 30-50 фоизни ташкил этиши;
- минтақа иқтисодиётининг экспортга йўналганлиги ва жорий операциялар ҳисобида ижобий сальдонинг мавжудлиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннарҳининг нисбатан пастлиги ва уларнинг жаҳон бозорида талабчанлиги;
- қурилиш ишларининг юқори сифат даражаси ва ЯИМ да қурилиш тармоғининг 7-12 фоиздан иборат йиллик жадал ўсиш суръатга эгалиги.

Шунингдек, Ўзбекистонда қишлоқ ишчи кучи экспортининг сезиларли ўсишини таъминлаш учун юқоридаги кўрсаткичларга эга бўлган мамлакатлар мониторингини мунтазам олиб бориш ва улар билан ишчи кучини экспорт қилиш юзасидан хамкорлик алоқаларини ўрнатиш талаб этилади.

Бизнингча, қишлоқ ишчи кучини экспорт қилишнинг анъана-вий йўналишлари (Россия, Қозогистон, Корея)ни диверсификация-лаш мақсадга мувофик.

Қишлоқ аҳолиси сонининг мунтазам ортиб бораётган бир шароитда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан бирга ортиқча ишчи кучини экспорт қилиш учун янги йўналишни – хориж йирик аграр иш берувчилар билан шартнома тузиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ортиқча қишлоқ ишчи кучини Россия, Қозогистон ва Корея-дан ташқари **аграр соҳа ривожланган қўйидаги мамлакатларга** экспорт қилиш тавсия этилади:

**1. Австралия** ўз худудига энг кўп ишчиларни сиғдира олиш имкониятига эга, плунга қарамай, Австралияда ҳар ким ҳам мала-кали ишни топа олмайди, чунки бу мамлакат муайян лавозимлар учун номзодларга катта талаблар қўяди. Лекин малакаси паст ишга жойлашиш қийин эмас. Бу мамлакат паст ҳақ эвазига (Австралия ўлчови бўйича) қўшимча билим ёки маҳорат талаб қўймайдиган ишни бажара оладиган одамларни мамнуният билан қабул қиласи. Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, транспорт, қурилиш, болаларни парваришлаш каби соҳаларда ҳар доим ишчилар этишмайди. Шунинг учун Австралияни аграр ишчи кучига эҳтиёж сезади.

**2. АҚШ** қарийб 90 млн. иммигрантни қабул қилиши мүмкін. Бу катта рақамлигига қарамай, Америкага туристик ёки хатто үқиши визаси бўйича келган чет элликларнинг кўпчилиги ўзига бўш иш жойини топа олмайди.

Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда мигрантларнинг 33,5 фоизи қишлоқ хўжалиги тармогида фаолият кўрсатади<sup>94</sup>.

**3. Канада** ҳудуди аҳоли сиғими кўрсаткичи ҳам бошқа таҳлил қилинаётган мамлакатлар орасида нисбатан юкори ҳисобланади. Мамлакат қарийб 70 млн. иммигрантни қабул қилиши мүмкін. Юкори иш ҳаки, ижтимоий ҳимояланганлик ва яшаш учун рухсат олишнинг нисбатан осонлиги туфайли Канада катта миқдордаги иммигрантларни ўзига жалб қиласди. Канада ҳукумати охирги чикишларидан бирида иқтисодиётни ривожлантиришда давлат айнан хорижий ишчи кучига умид боғлаётганлигини маълум қилгани бежиз эмас.

Мамлакатда аграр меҳнатга талаб юкори ҳисобланади. “Sowing the Seeds of Growth” маъруzasида таъкидланишича, қишлоқ хўжалигига 113,8 минг бўш иш ўрни мавжуд бўлиб, агар бундай ишчи кучининг етишмаслиги тенденцияси сақданиб қолса, жиддий оқибатларга олиб келиши мүмкін<sup>95</sup>.

**4. Голландия** дунёда қишлоқ хўжалиги юкори даражада ривожланган, тараққиёт инновацион тарзда давом этаётган давлатлардан биридир. Бу мамлакатда хозирги кунда аграр соҳада фаолият юритаётган бир ишбилармон 112 нафар кишини боқади.

Голландиянинг ЯИМ 700 миллиард доллар бўлиб, аҳоли жон бошига 40,7 минг еврода тўғри келади ва бу соҳада ҳам дунёнинг кучли 10 та давлати қаторига киради. Мамлакат умумий ер майдонининг 65 фоизини қишлоқ хўжалиги эгаллаган. Мамлакатдаги 4,5 миллион қорамолдан 2,5 миллион бош сигир сут ишлаб чиқаришга ажратилган. Ёғ етишириш бўйича Европада 5-ўрин, пишлоқ ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринда туради. Мамлакатдаги 1,5 минг гектар иссиқхонанинг тахминан 60 фоизи гулчиликка ажратилган. Аграр соҳа экспорти бўйича мамлакатта мева-сабзавотлар 12 миллиард евро, сут маҳсулотлари 5 миллиард евро фойда

<sup>94</sup> Как мигранты влияют на экономику США // <https://vtoroipasport.com>.

<sup>95</sup> <https://immigrant.today/canada/11590-kanadskie-firmi-nuzhdajutsja-v-inostrannyykh-rabochikh.htm>

келтиради. Ҳаммаси бўлиб қишлоқ хўжалиги мамлакатга 85 миллиард евро даромад олиб келади.

Мамлакатда саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ниҳоятда ривожланган. Голландия қишлоқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳалари бўйича инновацион технологияларни жорий этиш борасида дунё эътироф қилган мамлакат ҳисобланади. Айнинча, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, уруғчилик, ем-хашик ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш, гулчилик соҳасида етакчилик килади.

5. Кўп миқдорда эмигрантлар қабул қиласидаган яна бир мамлакат **Жанубий Корея**дир. 1994 йилдан бошлаб Жанубий Корея ҳукумати томонидан хорижлик ишчилар амалиётини ўтказиш дастури тақлиф этилди, бунга кўра улар мамлакатда техник тайёргарлик ва қайта тайёргарлиқдан ўтиши мумкин. Бироқ “ишлаб чиқариш амалиёти”нинг бу тизими аслида ривожланаётган мамлакатлардан малакасиз ва арzon ишчи кучи ёллашнинг бир тури бўлиб чиқди. Бу мамлакатда иш ҳақи ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳалқ истеммоли ўсиши, шунингдек олий маълумотли жанубий кореяликларнинг ифлос, машаққатли ва хавфли ишларни бажаришни хоҳламаслиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, Жанубий Кореяда меҳнат ва хаёт шароитлари Марказий Осиёдаги (Ўзбекистон, Тоҷикистон, Қирғизистон) ишчи кучи учун Россия ёки Қозогистондагидан ўзига кўпроқ жалб қиласиди. Энг аввало, бу тажовузкорона муносабат, фобиялар, салбий фикрлар йўқлиги ва хорижликларга нисбатан бағрикенгрок муносабат билан изоҳланади. Кореяга ишлашга бориши марказий осиёлик “гастарбайтерлар”га ўз юритида хаётини ўнглаб олиш, қариндошлари ва яқинларига ёрдам кўрсатиш учун етарлича маблағ олиш имконини беради.

Шунга қарамай, Жанубий Корея Ўзбекистон Республикасидан Россиядек катта миқдорда ишчи кучи қабул қила олмайди, бу эса бўш иш ўринлари квоталари ҳар йили камайиб бораётганлиги, шунингдек худуднинг популация сифими пастлиги билан тасдиқланади. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикасидан Жанубий Кореяга ишчи кучи юбориши имконияти ташки ҳудудий мобиллик меҳнат ресурсларининг оқимларини диверсификациялаш зарурлиги нуқтаи назаридан республика учун иқтиқболли варианти ҳисобланади.

Бинобарин, ўтказилган таҳдил ортиқча ишчи кучини ўз ҳудудидан “сиқиб чикарадиган” ва яқин истиқболда ҳам бу мақомни сақлаб қоладиган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон миқёсидаги ҳолатини илмий асослаб беради. Айни вактда Форс бўғози мамлакатларига ўзбек ишчиларини ишлашга юбориш мумкин бўлган мамлакатлар сифатида қарамаслик керак. Россияга келсак, бу мамлакат (Қозоғистон билан бирга) Ўзбекистон Республикасидаги **ишчилар учун яқин ва узоқ истиқболда ҳам энг ўзига жалб этувчан мамлакат** бўлиб қолади. Шу туфайли ҳозирги вактда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадлари ва вазифалари нуткоти назаридан республика миллий манфаатларига жавоб берадиган оқилона миграция сиёсатини шакллантиришга жиддийроқ илмий ёндашувни яратиш талаб этилади. Бунинг устига, мамлакатимиз фуқароларининг ушбу мамлакатларга ҳаддан ортиқ қизиқиши фақаттана вактинчалик ишга жойлашиш истиқболи билан изоҳланмайди. Шу муносабат билан бошқа мамлакатда қулайроқ шароитга ўрганиб қолганлиги ёки янги оила курганлиги, доимий ва юқори ҳақ тўланадиган ишда ишлаётганлиги, ишлаётган мамлакат фуқаролигини олганлиги, уй / квартира сотиб олганлиги ва кейинчалик ўз оила аъзоларини доимий яшаш жойига таклиф қилганлиги туфайли меҳнат ресурсларининг бир қисми қайтиб келмаслиги мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати **ортиқча қишлоқ ишчи кучи экспортини араб мамлакатларига** қайта йўналтириш варианти ишлаб чиқиши зарур. Бу борада Қувайт, Қатар, БАА меҳнат бозорлари имкониятлари ўрганиш ва таҳдил қилиш ҳамда бу давлатлар билан мазкур йўналишида тегишли битимлар имзолаш лозим. Шу муносабат билан қуйидаги тавсияларни таклиф қилиш мумкин:

- 2030 йилгача мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари меҳнат миграцияси миллий стратегиясини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш;
- демографик вазият ва меҳнат бозоридаги эҳтиёжга (шу жумладан, чет мамлакатларнинг меҳнат бозоридаги эҳтиёжга), илгор халқаро тажрибага мувофиқ миграция сиёсати доим такомиллаштирилишини таъминлаш;

- ишчилар келувчи мамлакатларда қонуний бўлиш ва ишга жойлашишга кўмаклашиш инфратузилмасини кенгайтириш зарур. Факат ишончли расмий сервислар (хукукий, ахборот ва ҳ.к.) бозордан номақбул хизматларни суриб чиқариши мумкин. Хусусий бандлик агентликлари фаолияти учун хукукий майдон яратиш ва ишчи кучи лизингти каби янги кадрлар технологияларидан фойдаланишини (хукукий доиралар яратиш асосида) тавсия килиш зарур;
- ишчи кучи экспортини ҳисобга олишнинг электрон тизимини **жорий этиш** ва ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида реинтеграция килиш марказларини ташкил этиш, қайтиб келган, чиқариб юборилган ва депортация қилинган ишчиларни ички ва ташки мөхнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга, шунингдек ишчи кучини қабул қилувчи бошқа мамлакатлар тилига ўқитиш зарур. Кейинчалик хорижга жўнаб кетувчи мөхнат ресурслари сафига қўшилишни хоҳловчи мактабларнинг битиравчиларини ҳам ўқитиш керак;

– хорижда мөхнат бозори эҳтиёжини, шу жумладан, турли мала-кадаги кадрларга бўлган эҳтиёжини мониторинг килиш ва баҳолашнинг доим амал қиласидиган тизимини яратиш, шунингдек ишга жойлашадиган мамлакатга керак бўлган касблар рўйхатини тайёрлаш.

Бизнинг фикримизча, ортиқча қишлоқ ишчи кучини экспорт қилишдан олдин шу мамлакат мөхнат бозорида талаб юқори бўлган **касбларга ва хорижий тилларга ўқитиш тизими жорий қилиш** мақсадга мувофиқ. Касбга ўқитишни куйидаги тузилмаларда йўлга кўйиш лозим:

- Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятларда «Ишга марҳамат» мономарказлари;
- Бандлик ва мөхнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказлари;
- қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари;
- нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ташки мөхнат миграцияси агентлигининг ваколатли органларини ташкил этиш лозим.

Ваколатли органлар куйидаги **функцияларни бажариши керак**:

- мөхнат эмигрантларини таҳлил қилиш ва прогноз қилиш;

- хукукий кўллаб-кувватлаш ва қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш;
- янги меҳнат бозорларини излаш ва қабул қилувчи мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш;
- меҳнат эмигрантларини ҳисобга олиш;
- мигрантларни ахборот билан кўллаб-кувватлаш ва ҳ.к.

Ушбу вазифани мавжуд агентликлар ва хизматлар функцияларини бирлаштирган ҳолда улар ёрдамида ҳам ҳал этиш мумкин.

Ваколатли органларга иқтисодий мустақиллик бериш керак. Ваколатли органлар фаолияти доирасида янги меҳнат бозорларини излаш ва мавжуд бозорларнинг янги эҳтиёжларини ўрганиш юзасидан аниқ максадга йўналтирилган фаолият ташкил этилади. Муқобил меҳнат бозорлари аниқланади ва янги миграцион оқимлар шакллантирилади.

Халқаро амалиётга мувофиқ ўзбекистонлик меҳнат эмигрантлари энг кўп бўлган мамлакатлардаги Ўзбекистон элчихоналари ҳузурида Ваколатли органнинг чет элдаги **ваколатхонасини ташкил этилиши зарур**. Ваколатли органнинг чет элдаги ваколатхонасига дипломатик мақомни бериш ва унинг фаолиятини мигрантлар ҳукуқларини самарали ҳимоялашга йўналтириш.

Бунда алоҳида ҳудуд ва мигрантлар ишлаётган давлатлардаги корхоналар билан муносабатларни йўлга кўйиш ишини ташкил этиш ҳамда меҳнат эмиграцияси соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш механизмини барпо этиш орқали меҳнат мигрантларини ташкилий тўплаш ва жўнатиш тизимини шакллантиришга ёрдам кўрсатилади.

Ишчи кучи экспорти бўйича ваколатли орган кўмагида ўзбекистонлик меҳнат мигрантларига нисбатан йўл қўйилган инсон ҳукуқлари бузилиши далилларини аниклаш ва бузилган ҳукуқлар кейинчалик тикланган ҳолда ҳар бир аникланган факт бўйича зарур чораларни кўриш учун Инсон ҳукуқлари бўйича ваколатли органнинг мигрантлар ишлаётган давлатлардаги тегишли тузилмалари билан **ҳамкорлик қилиш** масалалари бўйича фаолияти фаолаштирилади.

Қишлоқ ташқи меҳнат мигрантларининг салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва малакасини

оширишга, ижтимоий кафолатларни таъминлашга, уларнинг миллий ривожланиш жараёнидаги иштирокини фаоллаштиришга йўналтирилади.

Ушбу устувор йўналишни амалга ошириш доирасида қишлоқ ишчи кучини экспорт қилишгача тайёрлаш тизими, шу жумладан, сифатли касбий ўқитиш тизими ташкил этилади. Уни шакллантириш учун фуқаролик жамияти, донорлар ва хусусий секторнинг салоҳиятини жалб килган ҳолда касб-хунар таълим муассасалари, катталарни ўқитиш марказларининг салоҳиятидан фойдаланилади. Мамлакат даражасида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдикланадиган чет элга чиқишига тайёрлаш **ягона интерфаол дастур** ишлаб чиқилади. Мазкур дастур мигрантларга маданий таълим бериш масалалари, тил курслари, соғлиқни саклаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари, меҳнат бозоридан хабардорлик кўнимкамаларини ўз ичига олиши даркор. Ушбу кўнимкамалар ҳам ички, ҳам ташки мөхнат бозорларида иш қидириш учун фойдали. Бундан ташқари, ўқув видеокурслари DVD форматида тираж қилинади. Потенциал мигрантларни чет элда меҳнат қилиш билан боғлиқ таваккалчиликлар ҳақида хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади.

Шунингдек, мигрантларни ижтимоий ва тиббий суғурталаш ҳамда уларнинг оила аъзоларига ёрдам кўрсатиш тизимини ишлаб чиқиши лозим. Суғурталаш тизимини шакллантиришнинг асосий принципи унинг мигрантлар учун иқтисодий жиҳатдан жозибадорлигини таъминлашдан иборат бўлиши лозим. Ушбу масалаларни ҳал этиш ва оптималь моделини танлаш учун мазкур жараён иштирокчиларининг кенг доираси билан маслаҳатлар ташкил этилади.

Яқин келажакда **аграр меҳнатни (ишчи кучини) ташкиллаштирилган экспорти самарадорлигини ошириш** учун куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– қишлоқ жойларидан ортиқча ишчи кучини ташкиллаштирилган ҳолда экспорт қилиш бўйича хорижий или берувчилар билан ҳамкорлик ўрнатиш;

– хорижий иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринларига қишлоқ жойларида ортиқча ишчи кучини касби ва малакасига қараб жойлаштириш;

- ташқи мөхнат миграциясига чиқиб кетаётган шахсларга хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун микроқарзлар ва субсидиялар ажратиш;
- мөхнат миграциясига чиқиб кетаётган шахсларнинг ҳәёти ва соғлиғини имтиёзли шартларда сугурталаш.

## **ХУЛОСА**

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларида қуидаги хулоса ва тавсияномалар ҳосил қилинди:

1. Иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий характерга эга самарали механизмларни табдиқ этиш асосида қишлоқ иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш каби асосий тармоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш, зарурый талаб ва таклиф бўлган профессионал мутахассислар ва касб-хунарларга тайёрлаш ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси ва меҳнат миграцияларини такомиллаштириш, ҳамда ортиқча ишчи кучи ташкиллаштирилган экспортини ривожлантириш бўйича стратегик йўналишлар ва уларга эришишнинг яқин келажакдаги прогноз параметрларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик ва ишсизликни кескин камайтиришга олиб келади.

2. Қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача стратегик ривожлантириш концепцияси негизида мазкур тармоқнинг пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, ипакчилик, балиқчилик, доривор ўсимликлар ва агротуризм каби кластерлари ва кооперациялари ҳамда шахсий томорқа хўжаликларида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарурий-моддий техник, молиявий, табиий ва бошқа ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ресурслари билан таъминлаш меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисини норасмий иш билан бандлигини кескин камайтиришга бевоста ва самарали таъсир кўрсатади.

3. Қайта ишлаш саноати, қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, транспорт, энергетика, хизмат кўрсатиш каби бошқа ноқишилоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятлари учун зарурий иқтисодий, техникавий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш асосида норасмий иш билан бандлик даражасини кескин камайтиришга эришиш мумкин.

4. Фикримизча, қишлоқ хўжалигида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда таклиф этилган прогноз

кўрсаткичларига эришиш куйидаги самарали механизмларни амалиётга татбиқ этиши лозим:

- кишлок ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг кластерларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишни кўпайтириш учун кафолатланган маҳаллий ва хорижий инвестицияларни йўналтириши ва имтиёзли кредитлар ва агролизинг хизматларини тақдим этиши;

- кишлок жойларда ёшлар учун кишлок ҳўжалигининг шахсий томорқа деҳқон, фермер ва бошқа соҳаларидағи янги ташкил этиладиган иш ўринларига молиявий, моддий, агротехнологик, агрокимёвий, агросервис ва экспорт хизматлари кўрсатишларни сифати ва миқдорини ошириш;

- аниқ манзилли ва кафолатланган инвестиция маблағларидан сама-рали фойдаланган ҳолда юқори туристик салоҳиятларга эга кишлоқ худудларида агротуризм кластерларини ташкил этиш, улар таркибida маҳаллий ёшлар учун янги иш ўринларини кўпайтириш;

- ихтисослашган кооперацияларни кишлоқ ҳўжалигига яроқли ер майдонларида ёшлар учун моддий-маънавий рағбатлантирувчи янги иш ўринларини ташкил этиш асосида ривожлантириш ва уларни ўзини-ўзи молиялаштириш даражасига эришишига қадар (уч йилгача) ташкилий- иқтисодий қўллаб қувватлаш;

- кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятлари бўйича ёшлар учун янги иш жойлари ташкил этишни давлат томонидан ташкилий-иктисодий қўллаб-қувватлаш, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишга кўмаклашувчи инфратузилмани самарали ривожлантириш;

- қишлоқ ҳўжалигига ёшлар учун нисбатан янги ва мавжуд иш ўринларида меҳнат килиш, овқатланиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, ҳамда меҳнат, техника ва табиий экологик хавфсизликларини таминлаш асосида ёш йигит-қизларни меҳнатга мослашувчанлиги ва доимий ишларга жойлашишини ошириш.

5. Яқин келажакда республикамиз қишлоқ худудларидағи қайта ишлаш саноати, курилиш ва курилиш материаллари тайёрлап саноати, хизмат кўрсатиши ва бошқа ноқишлоқ ҳўжалиги тармоқларидағи ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишни 2020-2025 йиллар учун прогноз параметрларига эришиш учун куйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш зарур:

– қишлоқ жойларда кафолатланган инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий нокишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш;

– қишлоқ жойларда ёшлар учун нокишлоқ хўжалиги иш жойларини яратишни маҳаллий бюджет маблағлари хисобига субсидиялаш;

– қишлоқ худудлари хусусиятларига кўра қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа нокишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташил этишни инвестицион жозибадорликни ошириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва саклаш саноати бўйича мавжуд иш ўринларини реконструкция қилиш;

– қишлоқ худудларида агротуризм индустряси бўйича ёшлар учун янги иш ўрнлари ташкил этишни ташкилий- иқтисодий қўллаб-куватлаш;

– қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш тармоғида кўп маблағ талаб килмайдиган, кўпроқ ёшлар учун мўлжалланган иш ўринларини яратиш;

– нокишлоқ хўжалиги тармоқлари ёшларнинг иш ўринларида самарали фаолият кўрсатиш учун пассажир транспорти, сугурталанган медицина хизматлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма обьектларини кафолатланган фаолиятларини ташкил этиш;

– нокишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишни кўпайтиришга йўналтирилган янги институтларнинг пайдо бўлиши (лизинг, агентликлар, аутсорсинг) учун ташкилий-хукуқий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш.

6. Республикамиз қишлоқ жойлардаги КХТМда касб-хунарларга ўқитиши тизимини ривожлантариш ва такомиллаштириш бўйича қуидаги асосий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– қишлоқ жойларда эҳтиёж юқори бўлган, бевосита қишлоқ хўжалиги билан бөглиқ касбларга касб-хунар коллажлари базасида тўлов-контракт асосида иккинчи мутахассислик касбларига ўқитишини йўлга кўйиш;

- қишлоқ жойларда тақчил касблар, мутахассисликлар ва уларга эришиш имкониятлари, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш прогнозлари, давлат дастурларининг бажарилиши, ушбу дастурларда иштирок этиш шартлари ва уларнинг келгусида амалга оширилиши тўғрисидаги ишончли маълумотлардан иборат ягона ахборот маконини шакллантириш;

- қишлоқ жойлардаги оммавий ва кўп қаватли турар-жой иморатлари солинган кўплаб аҳоли пунктларида касб-хунар таълими дастурларини амалга оширувчи муассасалар тақчиллигини бартараф этиш;

- қишлоқ ҳудудларидаги КХТМ таълимнинг сифати, ресурслар билан таъминланганлик, юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозлан-ганлик даражаси бўйича фарқларни бартараф этиш;

- қишлоқ жойлардаги КХТМда истиқболли технологияларни эгаллаган, замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иш тажрибасига эга бўлган ишлаб чиқариш таълими усталари, амалий фанлар ўқитувчиларига бўлган тақчилликни бартараф этиш;

- қишлоқ меҳнат бозори (ҚМБ)ни таҳлил қилишнинг касб-хунар маълумотли малакали ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича минтақавий буюртмаларни прогноз қилиш ва режалаштириш;

- қишлоқ иш берувчиларини ишчи кадрлар ва мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш тизимига яқинлаштириш, у орқали коллежлар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётлари ўташини таъминлаш;

- қишлоқ ёшлари меҳнатидан фойдаланувчи, шунингдек КХТМнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга маблағлар сарфловчи қишлоқ жойлардаги корхоналар ва ташкилотларга солик имтиёзларини бериш;

- ҚМБ ва КХТМ тизимининг фаолият кўрсатишини мувофиқлаштириш, қишлоқ ёшлари меҳнат ресурсларини таклиф қилишнинг самарали касбий-малакавий таркибини шакллантириш муаммоларини ҳал этилишига бизнесни, иш берувчиларни КХТМ билан ҳамкорлик қилишга жалб этиш;

7. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишни яқин истиқболда прогноз кўрсат-

кичларга эришиш учун қуидаги асосий иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирларни амалға ошириш мақсадга мувофиқдир:

– қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш учун кафолатланган инвестицион маблағларнинг асосий қисмини йўналтирилиши асосида худудий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроларини таъминлаш;

– аграр секторнинг нисбатан янги пахта-тўқимачилик, балиқчилик, илакчилик, чорвачилик, мева-сабзовотчилик, агротуризм ва доривор ўсимлмклар кластерларида каби сердаромад ва кафолатланган аёллар учун зарурий меҳнат қилиш шароитларига эга янги иш ўринларини ташкил этиш миқдорини ошириш учун иш берувчиларга имтиёзли солик ва кредит ставкаларини тақдим этиш;

– катта туристик салоҳиятлар ва тарихий обьектларга эга қишлоқ худудларида туристларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, миллий ҳунармандчилик товарлари билан танишиш ва экологик тоза озиқ-овқатларни тановул қилиши ҳамда сифатли дам олишни таъминлашини таъминлаш мақсадида шакллантирилган агротуризм кластери обьектларида янги иш ўринларининг аёллар учун нисбатан кўпроқ ташкил этиш ва уларниш берувчилар томонидан имтиёзли малака ошириши ва қайта тайёрланишини амалға ошириш;

– қишлоқ хўжалигининг нисбатан янги соҳаларида аёллар иш ўринлари самарали фаолият кўрсатиши учун унумли маҳаллий ва ҳорижий экинларни навлари, зотдор чорвачилик ва балиқчилик турлари билан таъминланган ҳолда давлат ва маҳаллий хокимиётлар томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари ҳамда молиявий маблағлар билан таъминловчи ташкилотларнинг фаолиятлари тизимли назорат қилиш ва тартибга солиш;

– кўп соҳалик қишлоқ хўжалиги кооперациялари ва фермер хўжаликларида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш миқдорини ошириш учун қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларини ажратишнинг шаффоғ тизимини яратиш, ердан фойдаланувчилар хукуқларини кафолат-лайдиган механизmlарни амалиётга татбиқ этиш;

– қишлоқ хўжалигининг шахсий томорка, дехқон, фермер ва бошкقا соҳаларида аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишни

күпайтиришни молия-кредит, агрокимё, агросервис, агрологистика ва бошка хизматлар фаолиятларини сифатли ташкил этиш асосида ташкилий-иктисодий құллаб-қувватлаш;

- аграр соҳадаги янги ва мавжуд иш ўринларида аёллар учун меҳнат қилиш обьектларини ва дам олиш шароитларини белгиланған меъёрлар асосида ташкил қилиш, ҳамда меҳнат, техника, ва табиий-экологик хавфсизликларни таъминлаш.

8. Бизнингча, ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этишни прогноз кўрсат-кичларига эришиш бўйича қуидагиларни амалга ошириш лозим:

- тоғ ва тоғолди зоналарида интенсив боғлар ташкил этиш, ёнгоқзорлар майдонини кўпайтириш орқали етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва уни қайта ишлаш саноатида қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этиш;

- мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича аёллар учун ташкил этилган янги иш ўринларига инновацион ва маҳаллий-миллий технологияларни тўлиқ жорий қилишга эришиш;

- маҳсулотларни савдо-харид инфратузилмасини шаклантириш (улгуржи, чакана, савдо-харид фирмалари ва б.) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш тизимида электрон савдо иш ўринларини ташкил этиш, ҳамда уларда нисбатан кўпроқ қишлоқ аёллари бандлигини таъминлаш;

- қишлоқ ҳудудларида тикувчилик бўйича аёллар учун янги иш ўринларини коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлашга шарт-шароитларни ташкил этиш;

- соғликни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш асосида хотин-кизлар учун иш ўринларини нисбатан кўпроқ яратиш;

- мактабгача, ўрта ва ўрта маҳсус таълимлар соҳаларини ислоҳ қилиш асосида аёллар учун кўпроқ иш ўринларини ташкил этиш;

- хизмат кўрсатиши турлари, шу жумладан минтақанинг сайёхлик-рекреацион салоҳияти, қиёсий устуворликлари ва имкониятларини аниқлаш асосида ички сайёхлик бўйича янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш асосида қишлоқ аёллари бандлигини ошириш;

- туризмнинг янги ва истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланган агротуризмини ривожлантириш бўйича аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишни иқтисодий-ташкилий кўллаб-кувватлаш;

- жисмоний ва юридик шахсларга молиявий хизматлар доирасида тижорат ва ҳусусий банкларининг фаолиятларини кенгайтириш асосида янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларда нисбатан кўпроқ аёлларни ишга жойлаштириш;

- қишлоқ ҳудудларида мини банклар очиш ёки масофавий банк хизматларини (мобиъл банкинг, интернет банкинг, SMS банкинг ва ҳоказо) самарали фаолият кўрсатишини таъминлашмақсадида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларда ёш хотин-қизларни ишга жойлашиши учун малакаларини ошириш бўйича имтиёзли кредитлар тақдим этиш;

- қишлоқда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни самарали ривожлантириш асосида аёллар учун сердаромад янги иш ўринларини барқарор шакллантириш;

- рақамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида нокишлоқ ҳўжалиги тармоқларида масофавий ва ўзини-ўзи иш билан бандлик турларини ривожлантириш негизида қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этишни иқтисодий ва ижтимоий кўллаб-кувватлаш, ҳамда мазкур иш билан бандлик турларининг ташкилий-хуқукий асосларини такомиллаштириш.

9. Қишлоқда аёллар орасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун яқин истиқболда қўйидаги асосий иқтисодий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- янги иқтисодий ҳудудларда оилавий тадбиркорлик обьектларида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини яратиш;

- оилавий тадбиркорлик корхоналари маблағлари ҳисобидан қишлоқ ҳўжалигини дехқончилик ва чорвачилик соҳалари бўйича қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этиш;

- аёлларнинг оилавий тадбиркорлигини ривожлантиришда уларнинг қизиқишлиарини психологик жиҳатдан ўрганиш;

- қишлоқларда оилавий тадбиркорлик қўнималарини шакллантириш мақсадида тадбиркорликка ўқитиш сифатини ошириш;

- қишлоқларда тадбиркорлик хисобидан аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишни (молиявий, солиқ имтиёзлари бериш, фоизсиз кредитлар, құшимча ер майдонлари, фойдаланилмаётган қувватларни ижарага бериш ва бошқа усуллар) иқтисодий құллаб-қувватлаш;

- кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик корхоналарини микро-молялаштириш учун ижтимоий инвестициялар жамғармаларидан фойдаланиш;

- оилавий тадбиркорликни иқтисодий шерикчилик шаклини құллаш орқали бир нечта оиланинг ишлаб чыкариш ресурсларини бирлаштириш имкониятларидан фойдаланиш.

10. Яқын келажақда рақамли иқтисодиётта ўтиш шароитида қишлоқ туманлари ақоли бандлігінде күмаклашиш марказлары фаолиятларини ривожлантиришни асосий йұналишлари күйидагилардан иборат:

– жағонда юз берәётган пандемия шароитида ақолини иш билан таъминлашнинг худудий хусусиятларини хисобга олган ҳолда ҳар бир туман кесимида маҳсус дастурлар ишлаб чиқиш ва улар ижросини таъминлаш;

– ҳодимлар фаолиятларини рақамли иқтисодиёт технологияларининг техник воситалари, амалий пакет дастурлари, услугбий құлланмалари ва ахборот хавфсизлиги комплекси билан түлік таъминлаш;

– қишлоқ жойларда уюшмаган ёшлар, ишга жойлашишга муҳтож ақоли ва ишсизларни бир марталик ёки вақтінчалик иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш;

– ўрта ва ўрта маҳсус мағлумотта эга бўлган ишсизларни қисқа муддатларда анъанавий ва замонавий ишчи касбларга кайта тайёрлаш (базавий иш ҳаки миқдорида стипендиялар тўлаш асосида) тизимини амалиётга жорий этишни ташкил этиш;

– ақолининг норасмий иш билан бандлігини камайтиришни ташкилий-иқтисодий құллаб-қувватлаш;

– ақоли иш билан бандлігини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастурларини сифатли ижросини таъминлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– хориждан қайтган меҳнат мигрантларини иш билан таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш;

- ходимларга моддий рағбатлантирувчи иш ҳақи тўлашни ташкил этиш ва уларни мухтожларини имтиёзли уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш;
- ходимларни давлат ёки хусусий бандлик агентликлари маблағлари хисобидан сифатли қайта тайёрлаш;
- ходимларни фақаттина ўзига юклатилган функционал вазифаларни бажаришга жалб килиш;
- бандликга кўмаклашувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятларини жамоатчилик назорати этиш “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаш;
- бандликга кўмаклашувчи ва жамоатчилик назоратини амалга оширувчи ташкилотлари ўртасида ижтимоий хамкорлик шартномаларини тузиш ва уларни бажарилишига эришиш;
- ижтимоий хамкорлик шартномаларини бажарилиши бўйича ҳар чораклик хисоботларини туман депутатлар кенгашида мухокама қилиш ва асосий камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаш;
- жамотчилик назорати ташкилотлари-туман касаба уюшмалари, ёшлар иттифоқи, маҳалла ва оиласларни қўллаб-куvvатлаш кенгаши ва депутатлари томонидан норасмий иш билан бандлар ва ишсизларни расмий сектор корхоналарида ишларга жойлаштиришга амалий кўмаклашиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш ёки ишга жойлаштириш бўйича Олий мажлис депутатлари ва сенаторлар сўровномалари ва уларни бажарилишини таъминлаш;
- ижтимоий хамкорлик доирасида кўп болалик ва ёлғиз оналар (оталар), меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ўсмирларни квоталанган иш ўринларига жойлаштириш;
- туман бандликка кўмаклашувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари таркибида янги ташкил этиладиган Васийлик кенгаши аъзолари томонидан норасмий иш билан бандлар ва ишсизларни расмий сектор корхоналарида ва хорижий мамлакатларда ишларга жойлаштирилишига кўмаклашиш.

11 Қишлоқ ички меҳнат мигрантларини прогноз кўрсаткичларига эришиш ва уларни норасмий иш билан бандликни

камайтиришга бевосита таъсирини ошириш бўйича қуидаги самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– ишчи кучи етишмайдиган худудларда ички меҳнат мигрантлари учун моддий рағбатлантирувчи янги иш ўринлари ташкил этишини кўпайтириш;

– қишлоқ жойларида узок муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, меҳнат ресурслари билан кам таъминланган худудларни ишчи кучига бўлган талабларини чуқур таҳлил ва комплекс прогноз қилиш ва шу асосда ахолининг ички миграцияси кўламларини аниқлаш;

– ички меҳнат мигрантларининг имтиёзли туарар-жойга эга бўлиши ва ижтимоий инфратузилма объектлари хизматлари билан таъминланишини таъминлаш;

– кичик ва ўрта шаҳарлар урбанизациясини ривожлантириш асосида қишлоқ ички меҳнат мигрантлар фаоллигини ошириш;

– рўйхатдан ўтиш тизимидағи ўзгаришларни хисобга олган ҳолда қишлоқ-шаҳар йўналишлари бўйича ички меҳнат миграциясини ташкил этиш;

– ички меҳнат мигрантларига иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам бериш асосида меҳнат ресурслари билан кам таъминланган худудлардаги моддий рағбатлантирувчи иш ўринларига тизимли жойлаштириш;

– вақтингчалик бир марталик ишга жойлаштириш марказлари фаолияtlари самарадорлигини ошириш;

– ички меҳнат мигрантларни норасмий иш билан бандликни камайтиришини ташкилий-иқтисодий кўллаб-куvvatлаш;

– қишлоқ туманлари ҳокимиятлари ва маҳалла ва оиласларни кўллаб кувватлаш кенгашлари ички меҳнат мигрантларнинг оиласларга сифатли яшаш ва ишлаш шароитларини яратишга, моддий рағбатлантирувчи ишларга жойлаштиришга ва кичик бизнес ва оиласвий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишларига амалий ёрдам кўрсатиш;

– Ўзбекистон Республикасининг “Ички меҳнат миграцияси тўғрисида” конунини ишлаб чиқиш ва унинг сифатли ижросини таъминлаш.

12. Қишлоқ ташқи меҳнат мигрантларини прогноз кўрсаткичларига эришиш ва уларни норасмий иш билан бандликни камайтиришга бевосита таъсирини ошириш бўйича қўйидаги самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– кафолатланган иш ўринлари ва юқори иш ҳақлари таклиф этган хорижий иш берувчилар билан ташкилий-иқтисодий ва хукукий алокаларни мустаҳкамлаш ва улар билан халқаро стандартларга жавоб берадиган тегишли шартномаларни (контрактларни) тузиш;

– бўлажак ташқи меҳнат мигрантларининг хорижий тиллар ўрганиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш сифатини мазмунан яхшилаш;

– ташқи меҳнат мигрантларини кафолатланган яшаш жойлари ва ижтимоий суғурталанган соғлиқни сақлаш хизматлари билан таъминланишини ташкилий-иқтисодий ва хукукий қўллаб-куватлаш;

– қишлоқ ортиқча ишчи кучини талабгор хорижий давлатларга ташкиллаштирилган экспорт қилишни сифатли амалга ошириш;

– қишлоқ ҳудудларидағи бандликка кўмаклашиш марказлари таркибида ташқи меҳнат миграцияси бўлимларини ташкил этиш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш;

– хусусий бандлик агентликлари фаолиятлари сифатини ошириш ва уларнинг қонунийлигини таъминлаш;

– ташқи меҳнат мигрантларини рўйхатдан ўтиш, яшаш ва иш жойлари билан таъминлаш, иш берувчилар билан низоларини бартараф этиш, ирқий камситишни олдини олиш, иш ҳақларини ундириб бериш каби асосий муаммоларни хал этишда тегишли ташкилотларни амалий-ташкилий-хукукий ёрдамлари самарадорлигини ошириш;

– Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида” қонунини ишлаб чикиш ва унинг сифатли ижросини таъминлаш.

13. Яқин келажақда аграр меҳнатни (ишчи кучини) ташкиллаш-тирилган экспорти самарадорлигини ошириш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– қишлоқ жойларидан ортиқча ишчи күчини ташкиллаштирилгандай холда экспорт килиш бүйича хорижий иш берувчилар билан ҳамкорлик үрнатиш;

– хорижий иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринларига қишлоқ жойларидан ортиқча ишчи күчини касби ва малакасига қараб жойлаштириш;

– ташқи меҳнат миграциясига чиқиб кетаётган шахсларга хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш учун микрокарзлар ва субсидиялар ажратиш;

– меҳнат миграциясига чиқиб кетаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлигини имтиёзли шартларда суғурталаш.

Юқорида кайд этилган хулоса ва тавсияномаларни амалиётга кўллаш қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик ва ишсизликни камайтиришга бевосита таъсир кўрсатади. Булар эса меҳнатга лаёқатли қишлоқ ахолисини иш билан бандлигини оширишга олиб келади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрирда). -Т., 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-501-сон, Тошкент ш., 2018 йил 16 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси худудларида ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 199-сонли қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 октябрдаги 824-сон қарори билан “Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш миңтақавий марказларida ўқишга қабул қилиш, касб-хунарга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низом”и. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 4 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори – Тошкент, Халқ сўзи газетаси, 2018 йил, 5 июль
9. Мирзиёев Ш.М. Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунига бағищланган тантанали маросимдаги нутқи. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. -Тошкент: 2018 йил. <http://president.uz/uz/lists/view/1331>.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мехнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хўжжатлари тўплами. 2019. //www.lex.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 25 январь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта даги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони. //www.lex.uz.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 марта даги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйиач биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони. //www.lex.uz.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Томорқа ер эгаларини кўллаб- қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4716-сон қарори. //www.lex.uz.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори. //www.lex.uz.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон Қарори.

18. Абдурамонов X.X. Ўзбекистон Республикасида демографик ривожланишнинг кўп омилли таҳлили ва истиқбол

кўрсаткичлари -Тошкент – “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. 2020 йил 2-сон. – Тошкент, 2020

19. Абдурамонов Х.Х., Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаши кластерларини ташкил этиш асосида иш билан бандликни ошириш -Тошкент – “Biznes-Эксперт” журнали. №10, 2019 йил

20. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти (дарслик) – Т.: «Мехнат», 2019.

21. Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилимасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш (монография). – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, - 270 б.

22. Бобаназарова Ж.Х., Умурзаков Б.Х. Хотин-қизларни текстиль-тикув цехларига жалб этиш дастурларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг янги босқичида инсон омили ва манфаатлари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2019. - 111 б.

23. Бобаназарова Ж.Х., Шукурова М.О. Аёллар иш билан бандлигини таъминлашда истиқболли йўналишлар- Тошкент – “Илм-фан ва инновацион ривожланиши” илмий журнали. №4 2020 йил.

24. Варфоломеева О.А. Становление инфраструктуры рынка труда в переходной экономике. - СПб., «Издательство СПбУЭФ». 2001. - С.125.

25. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўкув қўлланма / проф. А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2010. 328 б.

26. Дудников С.В. Эффективность активной политики содействия занятости населения мегаполиса. // Дисс. ... д-ра экон. наук. – М.: РГБ, 2006. - С. 195.

27. Ендовицкий Д.А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности: методология и практика. М.: Фин. и стат. 2001.

28. Кабалина В., Козина И. Посредничество в трудоустройстве: сравнение эффективности государственных и частных структур // Человек и труд. - 2000. - №12.

29. Каримова В., Сайдова Ю., Умарова Ш., Мирахмедова М. Ўзбекистонда гендер-менежментнинг истиқболи. Монографик тадқиқот. -Т.: Turon-Iqbol, 2011. -74 б.
30. Колесников А.М., Пришабилович Т.Б. Планирование инвестиционной деятельности предприятия. // Регион: Политика. Экономика. Социология, № 3, 2003.
31. Конвенция № 34 МОТ от 29.06.33 г. ст.1.
32. Конвенция № 96 МОТ, ст.1.
33. Крылов Э.И., Власова В.М., Журавкова И.В. Анализ эффективности инвестиционной деятельности предприятия: учеб. пособие. -2-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2003. - 680 с.
34. Nasimov D.A., Arabov N.U., Khomitov K.Z. Flexible Employment Prospects In Cis Countries. International Journal of Scientific & Technology Research. Vol. 9, Issue 02, February 2020. ISSN: 2277-8616. Page No: 2635-2639.  
<https://www.ijstr.org/research-paper-publishing.php?month=feb2020>
35. Паланкоев А.М. Инвестиционные ресурсы фондового рынка. - М.: Издательский Центр «Акционер», 2001.
36. Ржаницына Л.С. Женщина и рынок труда. -М.: Политиздат, 2000. 75-76 с.
37. Рынок труда. Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х., д.э.н., проф. Одегова Ю.Г. – Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384.
38. Свободина М. Оценка состояния и развития сельскохозяйственного предприятия. - АПК: экономика, управление. - 1996. - № 12. - с. 64-68.
39. Словарь терминов, применяемых в деятельности служб занятости. – М.: 1997. -С. 74.
40. ХМТнинг Иш билан бандлик хизмати ташкилотлари тўғрисидаги 88-сонли Конвенцияси; Иш билан бандлик хизмати тўғрисидаги 72-сонли Тавсиянома; Иш билан бандлик хизматини ташкил этиш тўғрисидаги 83-сонли Тавсияномаси.
41. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш // Дис. и.ф.д. – Тошкент, 1998. - 60 б.
42. Холмўминов Ш.Р. Основы разработка системы моделей формирования и развития сельского рынка труда в

трудоизбыточных регионах- Пенза: Сборник научных статей III Всероссийской научно-практической конференции “Развитие рынка труда на современном этапе социально-экономических преобразований” 2020.

43. Холмүминов Ш.Р. Теоретические основы регулирования социально-трудовых отношений на региональном сельском рынке труда - М.: Сборник научных статей VII международной научно-практической конференции “Глобальная экономика в XXI веке: роль биотехнологический и цифровых технологий” 2020.

44. Холмүминов Ш.Р. Теоретические основы формирования рациональной занятости сельского трудоспособного населения - М.: Сборник научных статей международной научно-практической конференции “Вопросы современных научных исследований” – ‘Электронный научный журнал, № 5-2(35), сентябрь 2020г., 0,8 п.л.

45. Холмүминов Ш.Р., Арабов Н.У. Мехнат бозори инфра-түзилмаси. Ўкув қўлланма. – Т.: «Fan va texnologiya», 2016, - 332 б.

46. Холмүминов Ш.Р., Бобаназарова Ж.Х. Глобал пандемия инкирози шароитида қишлоқ хўжалигига иш билан бандликнинг истиқболлари / Молия ва банк иши. 2020 №3. – 220 Б.

47. Холмүминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобаназарова Ж.Х., Ирматова И.Б. Мехнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари (монография). - Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017, -128 бет.

48. Холмүминов Ш.Р., Хомитов К.З. ва б. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). –Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2018. - 160 бет.

49. Холмүминов Ш.Р., Хомитов К.З. ва б. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иктисодий механизmlари (монография). “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019. - 243 бет.

50. Холмүминов Ш.Р., Хомитов К.З., Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг самарали ташкилий механизmlари таъсирини аниқ социологик баҳолаш. - Тошкент: Иктисод ва молия. Илмий-амалий журнал. № 1 (133), 2020. -86-95-б.

51. Холмүминов Ш.Р., Хомитов К.З., Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишнинг яқин

истиқболлари. - Тошкент: Илм-фан ва инновацион ривожланиш. Илмий журнал. 2020. № 3. -6-13-б.

52. Arabov N. U. The mechanisms of improving the activity of the organizational structure of the Public employment services at the regional level- The Fourteenth International Conference on Economic Sciences. Vienna 20<sup>th</sup> Februarey, 2017.

53. Kholmuminov Sh. R. Arranging labor migration by applying efficient mechanisms in rural areas of Uzbekistan- Электронный научный журнал, № 4-7(34), август 2020г., 0,7 п.л.

54. Kholmuminov Sh. R. Basics of developing a complex models of digital technologies for regulation of relationships in the rural labor market -Екатеренбург: Сборник научных статей II международной научно-практической конференции по цифровой экономике (ISCDE 2020).

55. Strategy for Technical and Vocational Education and Training (TVET), (2016-2021). – P.6.

56. Women business and the law 2019. International bank for Reconstruction and Development. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).

57. World Employment and Social Outlook 2017: Sustainable enterprises and jobs: Formal enterprises and decent work International Labour Office – Geneva: ILO, 2017.

58. 2019 йилда кадрлар тайёрлаш ва таълим тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.Статистик бюллетьн. - Тошкент: 2020 й.

59. Касбий таълим ва аҳолининг ишсиз қатламини қайта тайёрлаш // <https://mehnat.uz>

60. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. <https://kun.uz/13784540>

61. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007-2019 йиллардаги маълумотлари. <https://stat.uz/>

62. <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>

63. <http://stats.oecd.org/>

64. [http://economy\\_en\\_ru.academic.ru/29533/hands-on management style](http://economy_en_ru.academic.ru/29533/hands-on_management_style)

65. Электронманба:// [www.ilo.org/](http://www.ilo.org/) World Employment and Social Outlook Trends 2017 (WESO).P.6.

## ҲУРМАТЛИ ИШТИРОҚЧИ!

Ушбу аниқ социологик илмий тадқиқотни ўтказишдан асосий мақсадимиз қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринларини ташкил этишини кўпайтириш бўйича илмий-амалий асосланган хулоса ва тавсияномалар ишлаб чиқишидан иборат. Тадқиқот асосий натижалари қишлоқ ёшларининг иқтисодиётнинг асосий секторида бандлигини ошириш ва уларни норасмий секторда камайтириш ҳамда замонавий касб-хунарларга тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг иш фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланилади. Буни эса Сизнинг ёрдамингизсиз амалга ошириш қийин.

Сўровномадаги ҳар бир савол бўйича бир нечта жавоб берилган бўлиб, Сизни чукур мулоҳаза қилиб, ўзингиз мустақил равищда, фикрингизга тўғри бўлган фақат бир жавобнинг тагига чизишингизни сўраймиз. Барча саволларга тўла жавоб берганингиздан сўнг, сўровномани белгиланган муддатда уни тарқатган кишига қайтариб беришингизни илтимос қиласиз.

Биз эса Сизнинг жавобларингиз мухокама этилмаслигига ва мутлақ сир сақланишига кафолат берамиз.

Сизга эса берган ёрдамингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

### **01. Сизнинг жинсингиз?**

эркак	0101
аёл	0102

### **02. Сизнингча, қишлоқ ёшларининг иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлигини камайтириш учун қуйидаги қайси асосий тармоқлар ёки соҳаларда янги иш ўринларини ташкил қилиш лозим?**

пахтачилик – тўқимачилик кластери (соҳаси)	0201
ғаллачилик кластери (соҳаси)	0202
чорвачилик кластери (соҳаси)	0203
мева-сабзавотчилик кластери (соҳаси)	0204
пиллачилик кластери (соҳаси)	0205
балиқчилик кластери (соҳаси)	0206
агротуризм кластери (соҳаси)	0207
доривор ўсимликлар кластери (соҳаси)	0208

фермер хўжаликлари	0209
қишлоқ хўжалиги кооперациялари (соҳалари)	0210
қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, деҳқон ва бошқа соҳалари	0211
қайта ишлаш саноати	0212
қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати	0213
соглиқни сақлаш	0214
маориф ва таълим	0215
маданият ва спорт	0216
молия-кредит тизими	0217
маиший хизматлар	0218
бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари	0219
хусусий бизнес ва оиласвий тадбиркорлик	0220
бошқа асосий тармоқларда (соҳаларда) бўлса, ёзинг	0221
<b>03. Сиз пахтачилик-тўқимачилик кластерида (соҳасида) ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қўйида қайд етилган қайси асосий шароитлар мавжуд бўлса, фаолият юритмоқчисиз?</b>	
менганимга мос иш ҳақи ўз вақтида тўланганда	0301
пахта етиштириш учун серҳосил уруғликлар навлари, минерал ва маҳаллий ўғитлар ва сув ресурслари билан	0302
таъминланганда	
пахта етиштиришнинг иш ўринлари замонавий	0303
агротехника ва технологиялар билан таъминланганда	
пахта толаларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар	0304
тайёрлаш бўйича янги иш ўринларида иқтисодий	
манфаатдорлик бўлганда	
менгнат қилиш мобайнида овқатланиш ва дам олиш	0305
шароитлари яратилганда	
иш ўринларида менгнат ва техника хавфсизликлари	0306
таъминланганда	
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда	0307
имтиёзли кредитлар асосида курилган уй-жой билан	0308
таъминланганда	
бошқа асосий шароитларни истасангиз,	0309
ёзинг	

**04. Сиз ғаллачилик кластерида (соҳасида) ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қуидаги қайси асосий шароитлар мавжуд бўлса, фаолият юритмоқчисиз?**

- моддий рафбатлантирувчи иш ҳақи ўз вақтида тўланганда 0401  
мехнат ҳақининг бир қисми дон сифатида тўланганда 0402  
иш ўринлари сув, маҳаллий ва минерал ўғитлар ҳамда 0403  
ўсимликларни ҳимоя қилиши воситалари билан  
таъминланганда 0403  
ғаллани экиш ва йиғиштириш бўйича 0404  
агротехнологияларнинг талабларига риоя қилинганда 0404  
дон маҳсулотларини қайта ишлаш ва товар маҳсулотлари 0405  
тайёрлаш бўйича иш ўринларида иқтисодий  
манфаатдорлик бўлганда 0405  
иш ўринлари техника ва экология хавфсизликлари 0406  
талабларига жавоб берганда 0406  
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда 0407  
бошқа асосий шароитлар бўлса, 0408  
ёзинг

**05. Чорвачилик кластерида (соҳасида) ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қуидаги қайси бир асосий шароит мавжуд бўлса, фаолият юритмоқчисиз?**

- моддий манбаатли иш ҳаки ўз вақтида тўланганда 0501  
мехнат ҳақининг бир қисми чорва маҳсулотлари сифатида 0502  
тўланганда 0502  
янги иш ўринлари маҳаллий ва хорижий зотдор ва  
сермаҳсул чорва моллари билан таъминланганда 0503  
чорва моллари рацион асосида сув, ем-хашак, озиқа  
витаминлари ва компонентлари билан таъминланганда 0504  
чорва маҳсулотларини қайта ишлаш иш ўринлари 0505  
фаолиятидан иқтисодий манбаатдорлик бўлганда 0505  
иш ўринларида мехнат ва техника хавфсизликлари 0506  
таъминланганда 0506  
ишливлар учун мехнат, овқатланиш ва дам олиш  
шароитлари яратилганда 0507 0507  
имтиёзли кредитлар асосида уй-жойлар билан 0508  
таъминланганда 0508  
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда 0509

**06. Сиз мева-сабзавотчилик кластерида (соҳасида) ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қўйидаги қайси асосий шароит мавжуд бўлса, меҳнат қилишни хоҳлайсиз?**

- |   |      |
|---|------|
| моддий рағбатлантирадиган иш ҳаки тўланганда  | 0601 |
| мева-сабзавот маҳсулотларининг бир қисми имтиёзли нархларда иш ҳаки сифатида сотилганда                                   | 0602 |
| мева-сабзавотларни мавсумий йигиштириш даврида сифатли овқатланиш ва дам олиш шароитлари бўлганда                         | 0603 |
| мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш иш ўринлари сифатли миллый ва инновацион технологиялар билан таъминланганда | 0604 |
| мавсумий меҳнат даврида пассажир транспорти билан тўлик таъминланганда  | 0605 |
| уй-жой билан таъминланишда имтиёзли кредитлар берилганда  | 0606 |
| малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда   | 0607 |
| бошқа асосий шароитларни истасангиз,  | 0608 |
| ёзинг   |      |

**07. Ипакчилик кластерида (соҳасида) ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қўйидаги қайси асосий меҳнат шароити яратилса, меҳнат қилишни хоҳлайсиз?**

- |   |      |
|---|------|
| пиллани сотишида олинган даромадларга мос иш ҳаки тўланганда  | 0701 |
| мавсумий меҳнат шартномалари тузилганда   | 0702 |
| пилла уруғлари серҳосил ва касалликка кам чалинадиган навлари билан тўлик таъминланганда                  | 0703 |
| пилла қурти боқиши учун иш ўринлари тўлик тут барглари ва маҳсус хоналар ёки бинолар билан таъминланганда | 0704 |
| пилла етиштиришда электр энергияси ва иситиши-совитиши тизими хизматлари билан етарли таъминланганда      | 0705 |
| янги иш ўринлари тажрибали пиллакорларга бириктирилганда  | 0706 |
| тайёр пилла ҳосилларини сақлаш, ташиш ва қайта ишлашда маҳсус техника ва технологиялар жорий этилганда    | 0707 |

малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда 0708  
бошқа асосий шароитларни хоҳласангиз, 0709  
ёзинг

**08. Сиз балиқчилик кластерида (соҳасида) янги ташкил этилган иш ўринларида қандай асосий шароит мавжуд бўлганда, иш билан банд бўлишни хоҳлардингиз?**

моддий манфаатли иш ҳақи ўз вактида тўланганда 0801  
балиқ ҳавзалари сифатли ва серҳосил балиқ чавақлари 0802  
билин таъминланганда  
баликлар белгиланган рацион нормалар асосида озиқалар ва ветеринария хизматлари билан тўлиқ таъминланганда 0803  
балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш иш ўринларига  
инновацион технологиялар жорий этилганда 0804  
тайёр балиқ маҳсулотларини саклаш учун маҳсус хона ва истеъмолчиларга етказиш бўйича сервис хизматлари 0805  
етарли бўлганида  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш имкониятлари бўлганда 0806  
бошқа асосий шароитларни истасангиз, 0807  
ёзинг

**09. Сиз агротуризм кластерида (соҳасида) ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қандай асосий шароитлар яратилганда, иш билан банд бўлишни хоҳлардингиз?**

юқори иш ҳақи тўланганда 0901  
туристлар танишадиган объектлар етарлича бўлганда 0902  
уй меҳмонхоналарида миллий ва замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланганда 0903  
туристларга сифатли овқатланиш ва маънавий дам олиш иш ўринлари тўлиқ ташкил этилганда 0904  
туристларга сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, миллий хунармандчилик, кийим-кечак, қандолатчилик ва бошқа товарлар тақдим этилганда 0905  
иш ўринлари меҳнат ва экологик хавфсизликлар билан таъминланганда 0906  
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда 0907  
бошқа асосий шароитларни истасангиз, 0908  
ёзинг

**10. Сиз доривор ўсимликлар кластерида (соҳасида) ёшлар**

**учун янги ташкил этилган иш ўринларида қуидаги қайси асосий шароитлар мавжуд бўлганда, меҳнат қилишни истардингиз?**

моддий рағбатлантирувчи иш ҳақи тўланганда 1001  
меҳнат ҳақининг маълум бир қисми доривор ўсимликлар 1002  
сифатида тўланганда  
иш ўринлари маҳаллий ўғитлар, агрокимё ва 1003  
агротехнология хизматлари билан тўлиқ таъминланганда  
иш ўринларида меҳнат ва тиббий-экологик хавфсизлик 1004  
қоидаларига тўлиқ риоя қилганда  
доривор ўсимликларнинг фармацевтика саноатидаги иш 1005  
ўринларига замонавий технологиялар жорий этилганда  
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда 1006  
бошқа асосий шароитларни истасангиз,  
ёзинг 1007

**11. Сиз қишлоқ хўжалиги кооперацияларида (соҳаларида) ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қуидаги қайси асосий шароит мавжуд бўлганда, меҳнат қилишни хоҳлардингиз?**

моддий манфаатли иш ҳақи тўланганда 1101  
етиширилган маҳсулотларнинг бир қисми иш ҳақи 1102  
сифатида тўланганда  
иш ўринлари учун етарли ер, сув, техника, маҳаллий ва 1103  
минерал ўғитлар ҳамда зарур уруғлар ва кўчатлар билан  
таъминланганда  
кишлоп хўжалиги экинлари агрокимё ва агротехнология 1104  
хизматлари билан таъминланганда  
етиширилган маҳсулотларни сотиш, сақлаш ва қайта 1105  
ишлиш ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватланганда  
иш ўринларида меҳнат ва техника хавфсизликларига тўлиқ 1106  
риоя килинганда  
ишловчилар учун зарур овқатланиш ва дам олиш 1107  
масканлари яратилганда  
бошқа асосий шароитлар бўлса,  
ёзинг 1108

**12. Сиз қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, дехқон ва бошқа соҳаларида ёшлар учун янги ташкил этилган иш**

<b>ўринларида қайси асосий шароитлар мавжуд бўлганда, мехнат қилишни хоҳлайсиз?</b>	
мехнат фаолиятининг якуний натижаларига кўра даромад олгандা	1201
иш ўринлари сув ресурслари, сифатли ем-хашаклар, техника воситалари ва минерал ўғитлар билан таъминланганда	1202
қишлоқ хўжалиги экинлари сифатли ва ҳосилдор навлар билин таъминланганда	1203
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари агрокимё ва ветеринария хизматлари билан тўлиқ таъминланганда	1204
чорва моллари зотдор ва сермаҳсул турлари билан таъминланганда	1205
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича янги иш ўринлари ташкилий-иктисодий қўллаб-қувватланганда	1206
тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш хизматлари сифатли ташкил этилганда	1207
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда божхона ва солиқ имтиёzlари тақдим этилганда	1208
бошқа асосий шароитлар бўлса, ёзинг	1209
<b>13. Сиз қишлоқ хўжалигининг фермерлик соҳасида ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қайси асосий шароит мавжуд бўлганда, мехнат қилишни хоҳлайсиз?</b>	
моддий рағбатлантирувчи иш ҳақи тўланганда	1301
етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми иш ҳақи сифатида тўланганда	1302
иш ўринлари маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўлиқ таъминланганда	1303
иш ўринлари сифатли ва серхосил экин турлари ва чорва моллари ҳамда улар агрокимё ва ветеринария хизматлари билин тўлиқ таъминланганда	1304
қишлоқ хўжалиги экинларини парваришилаш ва йигиштириб олишда агротехнология қоидаларига тўлиқ риоя қилинганда	1305
тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш ва қайта	

ишилашда сифатли техника ва технологиялар жалб қилинганда	1306
янги иш ўринлари кафолатланган инвестициялар ва имтиёзли кредитлар билан таъминланганда	1307
кишлек хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ташкилий-иқтисодий кўллаб-куватланганда	1308
кишлек хўжалиги техникаларини харид қилишда агролизинг имкониятларидан тўлик фойдаланилганда	1309
иш ўринларида овқатланиш ва дам олиш учун етарли шароитлар мавжуд бўлганда	1310
бошқа асосий шароитлар бўлса, ёзинг	1311
<b>14. Сиз қайта ишилаш саноатида ёшлиар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қўйидаги қандай асосий шароитлар мавжуд бўлганда, меҳнат қилишни истардингиз?</b>	
моддий манфаатли иш хақи ўз вақтида тўланганда	1401
иш ўринлари ишлаб чиқариш воситалари билан тўлик таъминланганда	1402
қайта ишилаш саноатида сифатли техника ва технологиялар	1403
жорий этилганда	
иш ўринлари ташкил этишга кафолатланган тўғридан- тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб этилганда	1404
иш ўринлари техника хавфсизлиги талабларига мос бўлганда	1405
тайёр маҳсулотларни четга экспорт қилиш имкониятлари	1406
бўлганда	
ишловчилар учун имтиёзли уй-жой кредитлари тақдим этилганда	1407
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда	1408
бошқа асосий шароитларни истасангиз, ёзинг	1409
<b>15. Сиз қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида ёшлиар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қўйидаги қайси асосий шароит мавжуд бўлганда, меҳнат қилишни хоҳлардингиз?</b>	
моддий рағбатлантирувчи иш хақи белгиланган	1501
муддатларда тўланганда	

иш ҳаки ҳисобидан имтиёзли уй-жойлар билан таъминланганда	1502
курилиш иш ўринлари сифатли курилиш материаллари ва техникалари билан түлиқ таъминланганда	1503
курилиш материаллари тайёрлаш иш ўринлари сифатли товарлар,	1504
хомашё, техника ва технологиялар билан узлуксиз таъминланганда	
янги иш ўринларига тўғридан-тўғри кафолатланган маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб қилинганда	1505
курилиш иш ўринлари сифатли лойиха-смета ҳужжатлари билан таъминланганда	1506
курилиш жараёнлари ва курилиш материаллари тайёрлаш бўйича иш ўринларида техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинганда	1507
курувчилар махсус кийимлар, овқатланиш ва дам олиш хоналари билан түлиқ таъминланганда	1508
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда	
бошқа асосий шароитлар бўлса,	1509
<u>ёзинг</u>	1510
<b>16. Сиз хизмат кўрсатиш тармоқларида ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қуийдаги қайси асосий шароит мавжуд бўлганда, меҳнат қилишни истардингиз?</b>	
меҳнатимга мос иш ҳаки ўз вақтида тўланганда	1601
иш ўринлари хизмат кўрсатиш қуроллари, сифатли хомашёлар, товарлар ва бошқа моддий ресурслар билан таъминланганда	1602
хизмат кўрсатиш иш ўринлари замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва интернет тармоғи воситалари ҳамда сифатли коммунал хизматлар билан тўлиқ таъминланганда	1603
янги иш ўринларини ташкил қилишга кафолатланган инвестициялар жалб қилинганда	1604
хизмат кўрсатиш жараёнларида меҳнат ва техника хавфсизликлари билан тўлиқ таъминланганда	1605
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда	1606

үй-жойлар билан таъминлашда имтиёзли кредитлар тақдим этилганда	1607
бошқа асосий шароитлар бўлса, ёзинг	1608
<b>17. Сиз қишлоқ худудларида тиқувчилик бўйича ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қўйидаги қайси асосий шароит мавжуд бўлса, меҳнат қилишни хоҳлардингиз?</b>	
моддий рафбатлантирадиган иш хақи ўз вактида	1701
тўланганда	
иш ўринлари тиқувчилик материаллари билан тўлиқ таъминланганда	1702
иши ўринлари юкори унумли техника ва технологиялар билан таъминланганда	1703
тиқувчилик жараёнлари коммунал хизматлар билан таъминланганда	1704
иш ўринларига тажрибали мутахассислар бириктирилганда	1705
уй-жойлар билан таъминланишда имтиёзли кредитлар берилганда	1706
малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятлари бўлганда	1707
иш ўринларида техника хавфсизлиги таъминланганда	1708
товарлар маркетинги хизматлари яхши йўлга қўйилганда	1709
бошқа асосий шароитларни истасангиз,	1710
ёзинг	
<b>18. Сиз кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик бўйича ёшлар учун янги ташкил этилган иш ўринларида қўйидаги қайси асосий шароит мавжуд бўлса, фаолият юритишни истардингиз?</b>	
тадбиркорлик фаолиятлари натижаларига кўра даромадларга эга бўлинганида	1801
иш ўринларини сифатли товарлар, хомашёлар, ургучилклар, экин турлари, чорва моллари ва бошқа моддий ресурслар билан таъминлаш ташкилий-иктисодий кўллаб-кувватланганда	1802
тадбиркорлик обьектлари учун ер, сув, энергетика ва бошқа ресурслар билан таъминлашда ноконуний чекловлар бўлмагандага	1803

иш ўринлари товарлар, агрокимёвий ва ветеринария хизматлари билан түлиқ таъминланганда	1804
тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзли шароитлар яратилганда	1805
тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар тақдим этилганда	1806
солик ва бошқа ҳуқуқий органлар томонидан ноқонуний текширувлар мавжуд бўлмаганда	1807
тайёр маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилиш бўйича ихтисослашган ташкилотлар мавжуд бўлганда	1808
бошқа асосий шароитлар бўлса, ёзинг	1809

**19. Сизнингча, норасмий иш билан бандлик ва ишсиликни камайтириш мақсадида янги ташкил этилган иш ўринларида қишилк ёшлиари қуидаги қайси бир замонавий асосий касб-хунарлар ёки мутахассисликларга эга бўлиши лозим?**

агроном	1901
механизатор	1902
сув суғорувчи	1903
агрокимёвий ҳимоячи	1904
ғаллакор	1905
шоликор	1906
молбокар	1907
сут соғувчи	1908
ветеринария шифокори	1909
боғбон	1910
полизчи	1911
асаларичи	1912
пиллакор	1913
балиқчи	1914
гиёҳшунос	1915
